



Шайим Бұтаев

ШҮРӨДАН
КОЛГАН
ОДАМЛАР

Шойим БҮТАЕВ

ШҮРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

Қиссалар

Тошкент
“IJOD-PRESS”

2019



УҮК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ү)7

Б 99

**Тақризчи:
Марҳабо ҚҰЧҚОРОВА
Филология фанлари номзоди**

Бұтаев, Шойим.

Шүрөдан қолған одамлар: қиссалар / Ш. Бұтаев – Т.: “IJOD-PRESS” нашриёти, 2018 йил – 256 бет.

ISBN: 978-9943-5235-8-6

«Шүрөдан қолған одамлар» асарыда қамоқхона нозири ҳибсдаги үз үгелини онасининг жанозасига конвой сифатида олиб бориши веқеаси мисолида парокандаликка юз тутған түзүмнинг танг ахволи, чорасизлик ва унинг оқибатида юзага келған иллатлар ҳикоя қилинади. «Эски арава» қиссасида эса жаҳаннамдан келған амалдорларни иззат-жүрмат билан кутиб олған лаганбардор юртфурушлар фош этилған.

УҮК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ү)7

ISBN: 978-9943-5235-8-6

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2019

ШҮРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

1

Кун чошгоҳида дәхқон бозори дарвозасига кираверишда ўнг томонда турган ўғри чап қанотдан учтүрт одим нарида, турли ёшдаги одамлар қуршовидаги пастак курсичада қўр тўкиб сурнай чалаётган, бошига ошқовоқдай каттакон оқ салла қўндирган кўса чол томонидан кўз узмаган ҳолда қандайдир фаромуш хәёлларга берилган эди. У бутун умр ўз касбининг таҳликага тўла машаққатидан топган маблағини фоизига учиб топширган банк ерга кирдими, осмонга чиқдими – номаълум, туйқусдан ном-нишонсиз фойиб бўлди. Турли тоифадаги бошқа мижозлар қатори, икки қўлини бурнига суқиб қолаверган ўғри тоат-ибодат йўлини тутиб, ташлаб юборишга қасд қилган машғулотни энди яна давом эттирмаса бўлмаслигини, бир бурчакда очидан ит каби ўлиб кетиши яратганга ҳам ёқмаслигини, оғзига бирор сув ҳам томизмаслигини, кафансиз қолишини ҳис этди-ю, оломон наздида отнинг калласидек юраги борлигига қарамай қўрқиб кетди. Ҳеч кутилмаганда дабдурустдан жисму жонини чирмовуқдек қоплаб олган ланъати бу туйфу – тириклик балоси, “бунчалик ширин бўлмаса бу аччиқ ҳаёт”, яшаб қолишга бўлган кучли иштиёқ – бирорвнинг чўнтағини кесаётиб қўлга тушишни тасаввур этишдан ҳам кўра ваҳималироқ эди. Ўз аҳдини, тоат-ибодату жаннат орзусини ҳозирча ортга суриб турмаса бўлмаслигини теран англаб, гуноҳи савоблардан ўзи учун қай бирининг тоши оғир келишини ақл тарозисида қайта-қайта ўлчаб (зеро, у етти ўлчаб бир кесадиганлар тоифасидан бўлиб, ўлчай-ўлчай кесмай кетишни нозик таъби кўтармасди!),

бугун яна таваккал қилган, бозорга чиққан эди. Ўрининг бебилиски нигоҳи кўса чол ва унинг қилтириқ бўйни зўрга тутиб тургандек кўринган калласида ажабтовур тарзда сирли туюлаётган салла-га ёхуд ҳангомага ўч оломонда экандек кўринса-да, аслида ундан эмас, бутун дикқат-эътибори сурнай-воз абушқанинг олдидаги сандиқнамо қути устида-ги фалати қурилмага қаратилганди. Кўса сурнайини чалиб бўлди ва уни оғзидан олиб сандиқнамо қутининг бир четига оҳиста қўйди-ю, негадир лаб-ларини чапиллатди, эҷкитумшуқ иягидаги узун-узун саноқли туклар фалати тарзда силкиниб кетди; у икки қўлини мушт қилиб тиззалари кўзига тираганча теварак-атрофга тантанаворлик ва улуғворлик билан қирғийқарашиб назар ташлаб чиқди, чамаси, намойиш этадиган асосий то-мошаси-ю унинг эвазига тушадиган даромадини хомчўт қилиб кўрмоқчи бўлди. Кейин оёғи остидан шиша бутилка олиб ундан қурилманинг энг юқори қисмидаги сирти никелланган ялтироқ стаканчага сув қўйган эди, стаканча ўз-ўзидан ёнбошига ағдарилиб унинг ичидаги сув шалдираб қурилманинг қилдек новига тўкилди, новдаги сув пастга оқиб тушиб катталиги беш тийинлик тангадек тегирмон тошини юргизиб юборди ҳам-да ундан ўтиб энг пастда жойлашган бошқа никелланган ялтироқ стаканчага бориб қўйилгани заҳотиёқ, қурилманинг митти ускуналари ҳарака-ти тезлашиб кетди; отнинг қилидек пишиқ пухта ип ёрдамида пастдаги стаканча юқори кўтарилиб, униси пастга тушиб кела бошлади. Мана шу ўрин алмашиниш тўлиқ адогига етгач, юқорига кўтарилиган стаканчадаги сув яна шалдираганча қилдек новга ағдарилди ва бояги томоша яна такрорланди.

Саллали кўсанинг атрофини қуршаган одамлар бош чайқаганча ҳайратлари бадали учун чўнтакларидан чиққанини унинг қўлига тутқаза бошлашди. Ўгри ҳайратданми, тирикчилик йўригининг шунаقا осон ўнгай йўлини ўрганиб олмагани учун ўқинчданми — номаълум, ўзича билинрабилинмас бош чайқаб қўйди. Икки-уч қултум сув билан томоша кўрсатиб пул ишлаётган кўса чолнинг афт-ангорига сеҳргарлик тусини бериб, мамнун ҳолда ўтиргани, салла-ю сурнай бунга мос тушгани ўгрини ҳам илҳомлантириб юборди шекилли, энди у теварак-атрофга янайм диққат билан син солиб, кейин инжиқ малика истаган гулни жаҳаннамдан олиб чиқишга чоғланган уч ака-уканинг ботир кенжасидай бозор дарвозасидан ичкарига шўнғиди.

Орадан анча фурсат ўтгач, кўса чол яна сурнайи нағмасини бошлаб, томошабин йигаётган чофида дарвоза ичкарисидан элас-элас қулоққа чалиниб турган шовқин-сурон ва бақир-чақирлар кучайиб, аллакимнинг, булар кун пешиндан оққунча ўзгаларни, кун пешиндан оққандан сўнг ўзларини ўзлари тунаб талайдилар, деган файласуфона иборани бақириб хатм қилаётгани эшитилди ҳамда зум ўтмай жонҳолатдаги дод-войлар бу тафаккур-тарзини осонгина босиб кетди. Шунда совуқ сувга урмай қўл қабартиришга бўлган тийиқсиз иштиёқини жиловлаб ололмаган маликага берган ваъдаси устидан чиққани билан олдинда қандай кулфатлар кутаётганидан бехабар, оғзи қулоғида кенжа баҳодирдай, бозор дарвозасидан отилиб чиққан ўгри кўса чол атрофини қуршаган тўда орасида туриб, ҳаёт тегирмони томошасига бирпас разм солиб

тургач, ҳаяжонини босиб олди ва бунинг бадалини уташанлик дәхқондан ўмарган пулидан тұлади-да, жұнаб қолди.

Күп ўтмай кирланиб кетган оқ яктаги жиққа терга ботган, құлтиғида бүш қоплар борлигини ҳам унугиб қўйган уташанлик дәхқоннинг ранги гезариб, кўзлари билан теварак-атрофдан олма кесак терганича, бозор дарвозасидан чиқиб келди. Нима қиласини билмай боши қотганлиги, қаёққа қараб кетаётганлигини ўзи ҳам ҳис этмаётганлиги унинг юз кўзларидаги ифодалардан ошкор қўриниб турар, боёқиши йил бўйи ҳаложак уриб топган-тутганини лаҳзада бой бериб қўйганидан изтиробда эди. Шу чоқда унинг қаршисидан ҳамқишлоғими, танишими бўлган ўзига ўхшаган бошқа бирор чиқиб қолди ва аҳволини кўриб, саломлашиш ҳам ёдидан кўтарилиб кетди.

— Сизга нима бўлди, биродар? — деб сўради.

Уташанлик дәхқоннинг мана шу саволга жавоб бериши мушкуллиги туфайли кўзларида ёш фил-тиллади, ўкраб юборишдан ўзини аранг тийди.

— Э, иш расво, — дея олди, холос.

— Очигини айтсангиз-чи биродар? — деганидан ўзи ҳам унга бегона бўлмаган кишининг юз-кўзларида ташвиш аломатлари пайдо бўлди.

— Ўғри урди, — деди уташанлик дәхқон.

Биродарга биродарнинг кўзлари тубида ачинишдан ҳам кўра қандайдир қувонишга ўхшаган чўғ милт этиб ёнди ва шу заҳотиёқ ўчди.

— Э, чатоқ бўпти, — деди бу кўргилик ўз бошига тушиб қолиши мумкинлигини лаҳза орасида фикр қилганича.

Уташанлик дәхқон бош чайқади.

— Энди нима қилмоқчисиз? — деб сўради биродарга биродар.

— Мелисага бораман, — деди дехқон ўгридан қандай қилиб аламини олишни билолмаётгандек.

— Ундаи қилманг, — маслаҳат берди биродарга биродар бундай ишларга тажрибаси борлигини илмойиш этиб. — Мелиса нимаям қилиб берарди? Тергов жараёни бошланса сизни чақиравериб безор қилиб юборишади, шуни деб бошқа ишларингиз ҳам ўлда-жўлда қолиб кетади. Мелиса ўғрини тополмаслиги аниқ, мободо топсаям пулларингиз кайтиб келмайди. Оворагарчилигу даҳмазалари билан бошингизни қотириб юборишганидан ташқари қолган-қутган нарсаларингиздан ҳам жудо булишингиз тайин. Сиз пул ўғрилатганингизни, бирорвга туҳмат қилмаётганингизни исботлашингиз, гувоҳлар топишингиз керак, мободо шундай қидолмасангиз ўзингиз жавобгар бўлиб қолишингиз ҳам ҳеч гапмас.

Бу гаплар дехқоннинг ҳафсаласини тамоман пирқилди.

— Энди нима қиласман? — дея нафасидан ўт пуркаётгандек уҳ тортганидан унинг аҳволини тушуниб олиш қийин эмасди.

Биродарга биродар биродарчилик бурчини бажариб бўлган эди, кифт қисди. Кейин кетди.

Уташанлик дехқоннинг хаёлига туйқусдан ҳам-қишлоғи бўлган қамоқхона назоратчиси, ундан ҳамма зир титраб туриши келиб қолди ва дардини унга айтиб, ундан ёрдам сўраш мақсадида йўлини қишлоғига борадиган автобус бекати томон бурди. Аммо бу чоқда у ёрдам сўраб боришни мўлжаллаган қамоқхона назоратчисининг ўзи ҳам најотга муҳтоҷ

бўлиб турган эди. Гап шундаки, айни шу куни, тўсатдан ёпилиб кетган алдоқчи банк туфайли бор-буидан айрилган ўғри йил бўйи қилган мөҳнати маҳсулини сотиб бўлган боёқиши дехқонни тұнаётган чоғида назоратчининг уйида ҳам ҳеч кутилмаганда кўнгилсиз бир воқеа юз берган эдики, шу боис унинг кўнглига қил сифмас, дову дунёси қоронфилашганича бировнинг гапи нари турсин, туқсан туғишгани ёхуд ёстиқдошини эшитишни ҳам истамас эди. Шучоққача гапини икки қилмаган, ҳурматини жойига қўйиб келган ўғлини жин-пин чалдими, ёмон туш кўриб уйғондими ё бировнинг алдовига учдими – номаълум, отасининг юзига тик боққанича туйқусдан:

– Умр бўйи полиз қўриқчисига ўхшаб битта таёқ ушлаб ўтасизми, ота? – деб юборди.

Назоратчи ўз қулоқларига ишонмагандек ҳангуманг бўлиб қолди. Бир зумдан сўнг кўкарди, қаршисида безрайиб турган ўғлининг қулоги остида чунонам шавла қайнатдики, у гуппа қулаб, бошқа ўт ёқишининг ҳожати қолмади.

Она фарёд уриб, зор қақшади. Уйнинг бурчидан-бу бурчига югарди. Дод-войни эшитиб, қўни-қўшнилар чиқишиди. Улардан бири ўғилнинг юзига сув сепди. Бошқаси онанинг қоқсуюк елкасидан тутганча уни овутмоқчи бўлди.

Қамоқхона назоратчиси чиқиб кетди.

Унинг феъли бир келса ёмон келарди. Шундан сўнг, ургани етмагандай, ўғли билан ҳам гаплашмай қўйди. Устига устак, ораларидан ола мушук ўтганини яширмай, учраган одамига айтиб юрди. Ҳар эслаганда ёнига нималарни дир қўшиб-чатди. Шударажага етказдики, жабрдийда ўғил эмас, унинг

ўзи бўлиб қолди. Садқаи фарзанд кетсин, отага шунаقا қиладими, деганга ўхшаш ёзғиришлар унинг озорланган кўнглига қандайдир таскин берар эди. Бунгаям қаноат қилмай, қолган аламини хотинига тўкиб соловерди, шу баҳонада бот-бот қўлининг қичиғиниям бостириб турди. Аслида хотинини уришдан фойда йўқ эди: у боёқиши сал дўққаям гужанак бўлиб, худди таёқ келиб синадигандек қўуллари билан бошини пана қилиб оларди.

Бундай муомала ўғилнинг аламини чандон оширса оширардики, асло камайтирмасди. Ўғил оилада ягона бўлгани учун уни пайпаслаб, эркалаб ўстиришган, айтгани айтган, дегани деган эди. Энди эса назоратчи унинг bemavrid айтган гапидан беҳад тутаб кетиб, тўнини тескари кийиб олди, гаплашмай қўйди. Ўғил шу кундан эътиборан ҳамма гапни ичидаги сақлаб, отасининг ўзидан ҳам, унинг касби-коридан ҳам пинҳона нафратлана бошлади.

Бу май ойининг охирига тўғри келди. Мактабни тугаллаган ўғил эсанкираб, қаерга боришини билолмай қолди. Ўзи бу пайтда қўлида ҳунари борларнинг ҳам боши қотган, сал-пал имо бўлмаса, рағбат билдирилмаса, анча-мунча одам калавасининг учини йўқотиб қўяр эди. Шўро тузуми нурай бошлаб, катта-ю кичик – халқ ҳимоясиз қолаётган эди. Қирқ-эллик ёшида бировга мардикорлик қилишни мўлжаллаб турганлар ҳам бор эди. Шунаقا маҳалда қўлидан ҳеч бир иш келмагани етмагандай, ота қарғишига дучор бўлиб турган писарчага йўл бўлсин?!

Ўғил беш-үн кун сандироқлаб юрди. У ёқ-бу ёққа бош уриб кўрди. Нажот топмади. Нима қиласини

билмай, ўйлай-ўйлай, қўшни қишлоқда яшайдиган амакисиникига қараб йўл олди. Амаки – отасинининг укаси тиниб-тинчимас одам эди. Ишнинг кўзини билар, ўзининг муаммоларини ҳал этиш бўйича унинг олдига тушадигани йўқ эди. У ҳовлисида мол-ҳолларни кўпайтириб ташлаган, туёқлар сонига қараб кўнглини хотиржам қилиб, мўйлов бураб юравермас, молнинг мол бўлиши учун молга мол бўлиш керак, деб бу ишларнинг осон эмаслигига писандга қилиб юрарди. Унинг чиллаширдек озғин хотини кенг-ковул чит куйлагига ўралашганича молхона атрофида ўралашгани ўралашган, жимит-дек болалар эса оёғи остига челак қўйиб охурга пичан ташлашарди. Шундаям амакининг, “ҳо-ой, молларнинг остини тозаламабсилар-ку, сув бермабсизлар-ку!” каби бақир-чақирлари ўқтинг-ўқтин янграб қоларди. Унинг ўзи айтмоқчи, туёқ ердан ўсан дараҳт эмас, иссиқ жон экан. Кўз тегдими, бемаҳал касал чалдими – шу қиши ичи моллардан кўпи пичоқقا етар-етмас бирин-кетин таппа-таппа юмалаб қолишиди. Уларнинг эгасиман деб юрган одам ўнта темирқозиқнинг, нари борса тўрт қулочдан келадиган ўнта чириган арқоннинг эгаси бўлиб чиқди. Яъни амаки икки қўлинни бир тепа қилганича қолаверди.

Амаки назоратчидан тўрт-беш ёш кичкина бўлсаям, ташқи жиҳатдан ундан қаримсиқ кўринса кўринардики, асло укалиги билинмасди. Ака-укалар ёшликтан ёвлашиб ўсишганди. Бу душманликнинг етти иқлимга донғи кетган, ёшу қари хабардор; қаерда ака-укаларнинг, қавму қариндошларнинг фалва-фишавалари устидан чиқиша, ҳа-а, фалончилардай бўлгиларинг келиб

қолдими, деб уларни намуна қилиб кўрсатишарди. Айниқса, иккаласиям уйланишгандан кейин ҳар куни қирпичоқ, жангу жадал авж олаверганки, илгаригиларини болалик ўйинлари деб хаёл қилиб юрганлар бу масаланинг анча жиддийлигини ҳис этишиб, фаҳм-фаросатдан ажрамай, вақти-соатида улардан бутунлай этак силкишган эди. Ана шунда уканинг ака-укасиз, опа-сингилсиз ёлғиз қизга уйлангани асқотиб қолган, қизнинг ота-онаси кўз очиб кўришган фарзандларининг дофини тортмаслик учун уни эр-пери билан ўзлариникига кўчириб кела қолишган эдикি, фаҳми ожизимизча, худо раҳмат қилгурларнинг бу дунёда ана шундан бошқа гуноҳ ишлари йўқ эди.

У маҳалларда уларнинг оналари ҳали ҳаёт эди. Кампир, ҳар нарсага қўзёш тўқаверадиган, бўлар-бўлмас гап-сўзларга аралашаверадиган сержаф, кўнгли тор, мўрт бўлгани учун, кичик ўғлини кўчириб кетишганидан кейин воқеанинг асл моҳиятига етмай туриб, унинг бошини айлантириб илму амал, жодуларни қўллаган қайнонасини, соқоли супургидай бўлгани билан барибир хотинқули қайнотасини (агар, бу соқолингга ўт тушкур хотинқули бўлмаганида, бошқага уйланиб аллақачон ўғил орттириши мумкин эди!), эрни бир кунмас-бир кун қаро ер қилиб, гўрга тиқадиган келинини қарғай-қарғай кунни кеч қилар, шу билан чарчаб ухлаб қоларди. Тонг отгач, яна дийдиёси бошланарди: кечаги айтилган сўзлар, қарғишлиар, иддаолар бирма-бир такрорланар, бир тарзда давом этарди. Кампирнинг қарғишлиари тегдими ёинки ўзининг вақти-соати етган эканми, келиннинг отаси бирдан оёқ узатиб ўлди-қолди.

Хабар етгач, кампир дарров калиш-маҳсисини кийиб йўлга отланди, у орадан қандай гап ўтмасин (аслида, ҳеч қанақа гап ўтмаганди) бунақа маъракалардан қолмасди. У маъракада тўнини афдариб кийиб, росачуввос солди. Ўз дардини айтиб йифлади: роҳат кўрмаганини, эри ёш ўлиб кетганини эслади, бобо-ю бобокалонларининг гўрда чиришганини, энди уларнинг олдига қудагинасининг ҳам жўнаганини, эртами-кечми ҳаммаям боришини айтиб-айтиб йифлаб саннади, юракларни эзид юборди. Додвойлару йиги-сифилар орасида қулоққа чалинган сўзлар маъноси чақилганда шу нарса аён бўлдики, қудагинаси бу дунёда топилмас одам бўлганмиш, рўзгорини эплаб-сеплаб жой-жойига қўйиб юрганмиш, энди у қайтиб келмасмиш, қайтиб келмаслигиям кўп афсусланарли иш эмасмиш, нега деганда, у нақ беҳиштнинг ўзига кетганмиш, жаннатиймиш.

Ўша кеча у қудагинасиникида, яъни кичик ўғлиницида ту nab қолди. Келинининг уй тутиши-ю рўзгорини кўпчилик мақтаганди, кампир бунгаям дарров кўнди. Катта келиннинг ландовурлиги, ўғилгинасининг топган-тутганини жойига қўя олмаслиги, бадастур эмаслиги ҳақида узундан-узун ваъз айтди. Кампири тушмагур шунақа кампир эдики, бунақасини етти иқлимда сахро кезиб, сув кечиб ҳам қидириб топиб бўлмасди. Ўзи кўриб-билиб турсаям, ўзининг кўриб-билганига эмас, бироннинг айтганига ишониб кетаверарди. Унинг кўзи, кўнгли билан тилининг орасида унчалик тузук муносабат ўрнатилмаган эди-ю, лекин қулоғи билан тили жуда-жуда топишган, апоқ-чапоқ бўлиб кетишган, фов бўла олгулик барча унсурларни ўртадан кўтариб

ШУРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

ташлашган эди. Маъракадан қайтгач, у илгариги барча араз-гиналарини унуди. Катта келинидан сал порози бўлсаям невараси Тошмуродни ёнига олиб, қўшни қишлоққа жўнайдиган одат чиқарди. У ёқда икки-уч кунлаб қолиб кетарди, ҳатто, келинига ундей қил-бундай қил, деб ўз уйидагидек фармойишлар бериб қўярди, ўзини икки данғиллама ҳовлиниг эгаси гумон қилиб, кериларди. Тошмуроднинг бувиси билан боришига отаси кўп рўйхушлик бермаса-да, буни очиқ-оидин айтольмас, майли, ҳозирча кампирга ёнқозиқ бўлиб турсин-чи, ке-йинчалик қадамини узуб таштайман, деб хаёл қиласарди. Аммо худонинг ўзи унинг мушкулини осон қилди, ўз умри давомида кўп шовқин-сурон солган бўлса-да, кампир ҳам абадий масканига жимгина оёқ узатиб кетди. У ёқда нималар қиляпти, фаришталарни ҳол-жонига қўймай тўзишиб юрибдими, у ёқдаям қарғаяптими-йўқми, буни ёруғ жаҳондаги барча одамизод вақти етиб билиб олаверади. У кетгани билан бу ердаги ғалва-ғишаваларнинг тинчимаганини кўриб билганлар, аҳвол шу экан-у, юраверсаям бўларкан, дея надомат чекишлиаридан энди фойда йўқ.

Қайнотасининг чорваларига эга чиқиб, ишбильармон номини олиб, айшини суреб юрган кичик ўғилнинг ҳам қувончи узоқ давом этмади: бояги-бояги, бойхўжанинг таёфи экан — мана энди ўзини-ям, ёлғиз қизниям, иккаласидан тўралганларниям оғир кунларга қолдириб ўтирипти. У хотининикига кўчиб келишидан аввалги ҳолатга қайтган эди, феъли бадбинлашган, сал гапга олов оламан, деб турарди. Назоратчининг ўғли уникига кириб борганида яrim қопча буғдойни ғалвирлаб, тозалаб ўтирган экан. Кўли ишдан, оғзи сўкишдан бўшамаётган экан:

— Э, онагинангни-я, ҳаммаси ҳаром қотса-я! Кечани кеча, кундузни кундуз демай қарасаму, боқсаму... ҳаҳ, онагинангни-я!..

Элаётган буғдойи устига ҳар хил ўтларнинг уруғлари, майда тошчалар, қоракуя кўпроқ чиқиб қолди, шекилли, энди у омборчининг гўрига фишт қалай кетди: унинг хаста хотини қолмади, синглиси қолмади, бурни қолмади... бари керагини олаверди. Шу асно яқинлашиб қолган жиянини пайқаб, заррача хижолат чекмади, юмушдан ҳам тўхтамади, фақат ҳақоратларга кон тилининг учидан тузукроқ сўз чиқиши мумкинлигини исбот қилгандай:

— Ке, Тошмурод! — деб қўйди.

Тошмурод салом бериб қаққайиб тураверди.

Амаки унга бир ола қараб қўйди:

— Қалайсизлар?

— Тузук, — Тошмурод бу сўзни шу тарзда айтдики, расволиги билиниб қолди.

Амаки сўкинишдан тўхтаганди-ю, лекин юзи ҳамон хафақон, қовоғи солиқ, бирор билан гаплашгиси йўқ, мунда-ай... одамга ўхшаб яйраброқ, эмин-эркинроқ сўкишларига халақит бергани учун жиянидан ҳам норози кўринарди.

Тошмуроднинг серрайганича қотиб турганидан малолланганини яшириб ўтирамай:

— Нима гап? — деб шундай оҳангда сўрадики, бундай чоқда ҳеч гап йўқ, деб индамай кетавериш маъқулдай эди; амаки жаҳли чиқиб турганиданми, пухталик қилибми, ишқилиб, саволнинг орасига жавобниям хом-хатала тиқиб узатиб юборган, шуни еб кетавер, дегандай бўлганди. Тошмурод буни пайқамай, чайнала-чайнала мактабни битирганини айтиб, маслаҳат сўради, нима қилай, деди.

Амаки беозорлик билан елка қисди.

— Билмасам, билмасам, билмасам! — деб бир сүзни уч марта такрорлаб айтди, шундай оҳиста товушда айтдики, тезроқ йўқол, йўқса, ҳозир портлатиб юбораман, дегандай бўлди.

Тошмурод яна нималарни деб ғўлдирай бошлиди.

— Эй инсон, мен невлай? — бирдан тутақиб кетди амаки. — Ўнта қорамолим бир ҳафта ичидаги йиқилиб берди — ҳолимни ким сўради? Ҳеч ким! Ўзларингиз ҳукумат одамисизлар, ҳамма нарсани биласизлар, бир калхозчи одам сенларга нима маслаҳат берарди? Шу кунларда ўлишга қўлим тегмайди. Худога нима гуноҳ қилувдимки, бир ҳафтада мени қўшқўллаб уриб, ҳам оёғи билан тепса... Ана-а, битта тиррақи бузов қолди. Униям жони чиқай-чиқай деб турипти. Энди, у ўладими-қоладими ишим нима?

Амаки чошғалвирни бир четга улоқтириб юбориб, негадир ҳовли этагидаги пастак пахса девор томон юрди. Девордан нариги ёқда бошқа ҳовли йўқ, адир, текис ерлар бора-бора кўтарилиб, бир-бирларига эгизаклардай ўхшайдиган тепаликлар бошланади. Улар ортида осмонга тиф санчган қоялар. Амаки деворга суялиб, тоғларга орқа ўғирганча, лекин қўли билан у томонга ишора қилиб пайдарпай сўйлай кетди:

— Кўряпсанми, кўряпсанми? Хайрият шу тоғлар бор экан, тинимсиз сув юбориб туради, одамлар мол-ҳолларини боқишиади; йўқса, нима бўларди, биласанми? — амаки шунчаки сўраган, аслида унинг учун жияни буни билиш-билмаслигининг ўзи учун унчалик аҳамияти йўқ; гўёки, мендан эмас, анаву тоғу тошлардан ёрдам сўра, деяётгандай бўларди; кейин

айтган гапларининг мазмунидан бу маъно очиқ-оидин кўриниб қолди. – Тоғнинг ортида бир талай тоҳик қишлоқлари бор-а, маччойилар яшашади. Аёлларини уйдан чиқаришмасди, барининг егани олдида, емагани ортида эди; экини, чорваси зўр эди. Энди-чи, энди?! Ҳар эрта тонгда хотин-халажлар, қора-қура болалар тоғу тошлар оралаб юришади; равоч қидиришади, туятаппонларнинг томирларини кавлаб олишади, қушоёқу қоқи ўтларниям қўйишмайди. Улардан ҳам барака кетган, топган-тутганларини еб соплашган. Ҳар куни бу ёққача тушиб келишади, ялинишади,чуввос солишади, аммо илож қанча; уларга ҳам, худди шундай деб, илож қанча, деб айтаман.

Тошмурод амакиси бу гапларни нима учун айтиётганлигини фаҳмламади. Қизариб-бўзарганча унинг сўзларини базўр охиригача эшишиб турди-турди-да, кейин хайр-маъзурниям насия қилганича жўнаворди. Йўлда кетаркан, ўзига-ўзи энди бу хонадонга қайтиб қадам босмайман, деб онт иchar, отасининг таъқиқларига қарамай яширинча келиб юрганларини эслар, ҳаммаси бир гўр экан, деб ўйлар, ана шу ҳаммаси бир гўрнинг ичида ўзиям борлиги хўрлигини келтиради.

У ўз қасамига содиқ қолиб анча вақтгача қорасини кўрсатмади. Аммо ёз кунларининг бирида амакиси айтган ўша тиррақи бузоқнинг хаёлими, жинажинасими уни қоқ яrim тунда икки шериги билан бу ерга бошлаб келди. Бошқалари кетиб, танҳолигидан фойдаланган ўша бузоқ бу пайтда анча-мунча ўзига келиб қолган, семирган; индамай-нетмай, эгасига билдиrmай киройи етаклаб кетса бўладиган ҳолга келганди. Ўзи бу маҳалда ана шунаقا етилган

моллар дала-туздами, боғлоқлик турган жойидами кимларгадир бебилиски әргашиб кетиб қолишар, сұзлашни билмаганлари учун тиллари ниҳоятда ширин қовурдоқ бұладиган бу ҳаром қотгурулар ақалли маъраб ҳам әгаларини огох қилишга қурблари етмасди: садқай шунча ем, садқай шунча хашак, аслида уларга эга эмас, бир қулоч бошвоқ кифоя экан. Аслини олганда, ана шу әгаларининг ҳам бүйинлариға бошвоқ солса бўлади-ю, негадир шундай қилишмайди; шундай қилишмайди деймиз-у тузукроқ синч солишга, теварак-атрофга тузукроқ қарашиб генинамиз; агар эринмаганимизда, бу гапни айтмаган бўлардик; ҳуда-бехуда сұзлаб гуноҳ орттиришга не ҳожат; ҳа-ҳа, қаранг, қаранг, ҳеч шошилмай-ошиқмай назар ташлайверинг, ана шунда кўрасиз, кўриб ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз, уларга бошвоқнинг ҳеч кераги йўқ, бу арқонлар уларнинг бўйинларида кўпга бормай чириб тушади, уларнинг бўйинларида бошқачароқ, атайлаб ўйлаб топилган, атайлаб кўзга кўринмайдиган қилиб ишланган, пишиқ-пухта, узилмайдиган, борган сари тобора маҳкамроқ ушлайдиган бошвоқ бор-ку; борган сари тобора маҳкамроқ қисиб оладиган, ўтиб кетган абосидан тугилажак авлодигача етадиган ниҳоятда узун, ниҳоятда чексиз, ақл бовар қилмайдиган, кўз илғамайдиган... эй ноқис, сенга сұз сұзлашни ким кўйибди!

Ўнта қозигу ўнта арқонни яхши ниятда охурга ташлаб қўйган амаки эрталаб туриб қарасаки, хизматдаги битта қозиқ қолибди, холос; арқон-парқони билан илгариги тиррақи бузов, ҳозирги каттакон ҳўқизни ўғирлаб кетинибди.

Ўлган ўнтасининг алами ўғирланган биттасининг олдида ҳеч гап бўлмай қолди. У аввалига, қозиқдан ечилиб кетгандир, деган ўйда, юраги ортга тортганча, ортга тортиш нима бўпти, тўхтай-тўхтай, ҳовлини бир сидра қараб чиқди, қараб чиқди-ю, ҳафсаласи пир бўлди. Ундаям кейинги пайтларда акасининг яхши фазилатлари бош кўтара бошлаганди, неки алам ўтса, дарҳол хотинига ёпишарди. Ўчоқ бошида куймаланиб юрган муштипарга ўдағайлай кетди:

— Падарлаънат, мол қани? — молниг йўқлигини ўзи кўриб-билиб келган бўлсаям, кўриб-билмаганга бўкиргани ғалати чиқди.

Эрининг авзойини кўриб, хотинининг капалаги учиб кетди.

— Оғилда йўқми? — дея базур сас чиқарди.

— Оғилда онангнинг эри ўтирипти! — деди эр шунча яхшиликлар кўрсатиб кетган марҳум қайнотасининг руҳини беҳад шодлантиришга киришиб.

Яна кўп ношоён сўзлар, бошқача бақир-чақирлар ҳам бўлди-ю, муаллифнинг асаблари ниҳоятда сустлиги; чиройли, оҳанжамали гап-сўзларга ўрганганлиги-ю, очиқчасига тоби-тоқати йўқлиги; бир сўзни айтишдан аввал уни минг тарозига солиб, елкасидаги фаришта-ю шайтонларга ҳам бир-бир кўрсатиб олиши, уятчанлиги туфайли андишистиҳолаларга керагидан ортиқ бориши; устига устак, нозиктаъ ўқувчиларниям босинқи тушга ўхшашибундай ҳаётни тасвирлашдан кўра ишқ-муҳаббат бобида жиндаккина кўз ёшлар, каттароқ эҳтирослар, эркалашлар, аразлар, қувончлар, пул беришлар, пул олишлар: ўртада нималардир сотилгани-ю, сотилган матоҳнинг яна эгасида қолавергани ҳақида тузукроқ асарлар талаб қилиб туришгани сабабли қолганини

айтмай құя қолди. Боз устига, эринчоқлиги тутиб, жабрдийданинг мелисагача борганини ҳам тузук-қуруқ ифодалай олмади.

Шу куни ҳеч кутилмаган бир ҳодиса юз берди: мелисадагилар уйқудан ўнг томонлари билан туришган эканми, жабрдийданинг арз-додини диққат билан әшитишиб, шитоб-ла ишга киришишди. Йүқолган жонивор топилгач, қайларгадир жүнаворишган ўнта қардошини ҳам етаклаб келгандек бўлди, амакининг боши шоён кўкка етди, қўлидан қашлағични қўймай жониворнинг жонини киргизиб қашлайверди, айниқса қорни-ю биқинларини алоҳида меҳр билан қашлади, бу машғулоти билан шу қадар овора эдики, мелисалар олдига солиб кетишган уч безори ўғри, инчунин, Тошмурод билан ҳам иши бўлмади.

Кечқурун кўни-қўшнилар кириб келишди. Улар негадир жониворнинг топилганидан унчалик хурсанд эмасдай кўринишиди.

— Чатоқ бўпти-да! — деди Аливой деган тракторчи очиқ-ойдин. — Акангизнинг ёлғиз ўғли экан, шайтон йўлдан урибди, мелисага бормасангиз ҳам бўларди.

— Э, мен невлай? — деди амаки худди ёш бола аразлагандек тўмтайиб. Сўнгра ўша куни юраги тўхтаб-тўхтаб қолгани ёдига тушдими, бехосдан ҳовриқиб тўнини тескари кийиб олди. — Менга деса турмада чириб кетмайдими? — деган эди, қайнота-қайнонасининг ва молларининг қайларгадир жүнаворишганига ҳам шулар айбдор, деган фикр илкис онгига чақмоқ каби урилди. — Мен шунаقا эдимми, а? мен шунаقا эдимми, а?! — дея тепсина бошлади. — Мени хонавайрон қилишди, ўзларининг ҳолларига солишиди...

Келганларнинг дилларидан “сени ҳеч ким хо-

навайрон қилгани йүқ; сен ўзинг аслида шунаقا эдинг, вайрон жойда бино бўлган бир вайрон эдинг” деган фикрлар “йилт-йилт” этиб ўтди-ю, тилга кўчмади, алоҳа, тилга кўчгани билан фойдасиз эди, чунки бу одам, қарисан-қартасан – асли наслингга тортасан деган мақолни эшитмаганди; борди-ю эшитган бўлсаям, буни бошқаларга атаб ўйлаб топишган, менга дахли йўқ, деб ўйларди. Бундай ўйлашининг сабаби шунда эдики, у ҳозирни кўтар, ҳозирнинг ташвишини қилмоқчи бўлар, ўтмишу насл-насаб, келажак авлод ҳақида катта бошини кичик қилиб эслаб-ўйлашни хоби хотирига келтирмасди.

– Шу қиши ичи ўнта молингиз ўлди, бирор жойингиз камайиб қолдими? – деди ҳамиша оғзи қулоғида хандон-хушон юрадиган Илёс исмли эллик ёшлардаги қоп-қора бир одам, камайган-камаймаганини жуда яхши биладигандек бир алфозда. Сирасини айтганда, Илёсвойнинг ҳамиша тиззасию тирсаги тўзиб-йиртилиб юрар, унинг камайиб-кўпаядиган ҳеч вақоси йўқ, шунинг учун бовар этолмас, бу ҳақда мулоҳаза юритиши ё ақл ўргатиши, албатта, кишига малол келарди. Айниқса, киши дову дунёсини зулмат чулғаб турган амакига ўхшаган бўлса, бу ортиқча гап учун уни уйдан ҳайдаб чиқаришга ҳақи бор эди; аммо бу қўшни минг йиллик қўшни эканлиги боис, устига устак амакининг ўзиям бу қишлоқнинг одами бўлмагани учун ҳамиша тили қисиқ, тили қисиқ бўлмасаям ҳар доим ўз-ўзини шундай ҳис этар, кўп ҳолларда худди ҳозиргидаги каби бир ола қараб қўйиш билан кифояланиб қўя қоларди.

Ажабланарли жойи шунда эдики, қўни-қўш-

нилардан ҳеч қайсиси ўгрилардан негадир нафралари шимас, қайтанга уларга ичлари ачишиб охвоҳ қилишар, эзилишар, гүёки ўғирлаганлар эмас, ўғирлатган айбдордек: гүёки пашишадек нарсаны филдек қилиб мелисагача күтариб борган амакидан сұзиришарди; чунки амаки даъвосидан воз кечса ҳам мелисалар энди кечмаслигини; бир жондор хуни деб хукуматни аралаштириш инсофдан эмаслигини айтишарди. Улар бош чайқай-чайқай чиқиб кетишгач, қишлоқнинг уч нафар оқсоқол-күксоқоллари келишди. Учовиям пала-партиш кийинишган, учовиниям уйида сичқонлар ҳассага суяниб юришар, лекин йўғини яшириб, борини ошириб юрадиганлардан бўлганлари учун иззат-хурматлари жойида, сўзлари кесар эди. Шу боис маърака-маросимларда бош, ҳар бир хонадонда нима бўляпти-нима қўйяпти, хабардор эдилар. Улар жабрдийда билан беписанд кўришишди, уйга ҳам киришмади. Худди биринчи марта кўраётгандай ҳовлининг у ёқ-бу ёғига назар солган бўлишди; бир-бирларига им қоқишишди, имоишоралар қилишди: “раҳматли ҳаёт эканлигида фалон нарса пистон жойда эди, анаву мана бундай эди”, деб бир-бирларига кўрсатишишди, бир-бирларига гап маъқуллатишишди. Кейин ҳовлининг ҳозирги эгасига тасодифан қўзлари тушиб қолгандек, ие, нима қилиб юрибди бу ерда адашиб, дегандек, ажабланиб қарашишди. Шу қарааш баробарида жуда нохуш ҳол юз берганини эслашди, эслашди-ю, қовоқ-тумшуқлари осилиб кетди. Жимликни новчалигидан Дақанглақабини орттирган, товуши йўғон бўлгани билан кўнгли бўш бир оқсоқол бузди:

— Хо-ош, энди-и... жиянни нима қилдингиз?

Амаки, мен жиянни ҳеч нарса қилганим йўқ, нимаики бўлса, ўзига ўзи қилди, дегандай кифт қисди. Иккинчи оқсоқол калта соқолини тортиб узайтиromoқчидай тутамлаб-тутамлаб қўяётган, жуссаси жиккаккина бўлгани билан бир вақтлар ичи фитна-фасодга, турли фийбатларга тўлиб-тошган, ўзидаги бу иллатни қариганда туйқус пайқаганидан хижолат чекиб, қолган умрида уларни қириб ташлашга бел боғлаган, энди бирини йўқотдим деса, иккинчиси бош кўтариб билдиrmай ўз ишини қилиб кетаверишидан изтироб чекиб юрадиган одам эди. У кўпинча бармоқларини букиб-букиб, нечага кирганини ҳисоб-китоб қилиб қолар, етмишга кирибман, деб ҳаммани ишонтириб бўлгач, кўп ўтмай ўз хulosасидан тонар, йўқ, роппа-роса етмиш бешни уриб қўйибмиз, дерди. Ишқилиб, етмиш йилми, етмиш беш йилми фақат ичидаги иллатларни боқиб-парваришлаб, семиртириб юборганидан улар ажриқ томиридай ботинини ўраб-чирмаб олишган, бечора энди қутулолмай ҳалак эди. Томир суфирилганда ўзи билан анча-мунча тупроқ илаштириб чиқсан каби бунда ҳам кичкинагина бир иллатни ўз-ўзича ўлдириш мушкул; анча-мунча қон йўқотишга, йўқотилганининг ўрнини тозаси билан алмаштириб туришга тўғри келар эди.

— Дуруст иш бўмапти, яхши иш бўмапти! — деди ҳозир ҳам қандайдир фитнани қўзғашга ич-ичидан ёқимли истак, мойиллик сезиб ва буни пайқаб қолганидан дарҳол тилини тишлаб, учинчи оқсоқолга ўгирилди: — Ўзингиз бир нарса денг-да!..

Учинчи оқсоқол ўрта бўй, кенг пешонали, келишган одам эди, шунча сифатлари устига яна ақлли, оғиркарвон, мулоҳазали эканлигини ҳам

қүшсак, бундай одам экспонат сифатида ижтимоий музейдан жой олса бўларди. У бир вақтлар зўр чавандоз эди, остидаги оти юлдузни кўзларди. Кўз текканми, атай қилинганми, аввалдан тузук-қуруқ эҳтиёт чораларини кўришмаганми, ишқилиб, галотўпда, улоқни оламан деб энкайган пайти эгар ағдарилиб кетиб, у учеб тушган. Боши билан заранг ерга урилган. Аслида йиқилганда от ёлини тўшайди, эшак туёғини, деган доно мақол бор-у, боши заранг ерга урилса, анча-мунча серёл отнинг тўшаган тўшамасиям кор қилолмай қоларкан. Шу-шу биттаю битта экспонат-одам ҳам баланд токчага қўйилган, тасодифан тушиб кетган ўн иккинчи асрнинг сопол кўзаси каби чил-чил синди; тез-тез ҳушини йўқотиб, кўзлари олайиб юрадиган бўлиб қолди. Кўза қимматли ёдгорлик бўлгани учун сопол синиқлари ҳам кўчага чиқариб ташланмаганидек, бу одамнинг ҳам бир вақтларидағи катта иззат-обрўсини сақлаб, оқсоқоллар сафига қўшиб қўйишганди. Кўп ҳолларда ундан чиқсан маслаҳатнинг тескарисини қилишса, ҳаммаси жой-жойига тушиб кетишини кўриб, қойил қолишарди. Бўлиб ўтган воқеани унга йўл-йўлакай тушунтириб келишганига қарамай, у ағнимагандай ҳар иккала ҳамроҳга эринчоқлик билан базур бир-бир қараб чиқди. Кейин нима гап-сўзлигини илкис эслаб қолди шекилли, томдан тараша тушгандек:

— Қамалса қамалсан! — деди-ю, хаёли бошқа ёқларга чалғиб кетгандек сукутга чўмди.

Жабрдийда бу гапдан суюндими-суюнмадими, унчалик ажрим қилиб бўлмай қолди. Лекин икки оқсоқол бирданига “қамалса биз учун шармандалик, фалон қишлоқда яшайдиган фалончи ўз жиянини битта сигир деб қаматибди, деган гап-сўзларни

кўтариб юриш оғир; мана, чавандоз ҳам тескарисини тўппа-тўғри айтиб турибди”, деб ўйлашди.

— Ана-а! — деди новча оқсоқол юпқа лабларини чапиллатиб. — Нимаики бўлмасин, бориб даъвонгиздан кечинг; нимаики бўлмасин, жиянни чиқариб келинг, ахир қонингиз би-ир...

— Шундай бўлсин! — жиккак оқсоқол тасдиқлашдан нарига ўтмади; у ҳали-ҳануз фитнангиз бирор сўз айтиб юбормоқдан ичидаги қўрқиб, ўзини тийиб турарди.

— Менинг даъвойим йўқ! — деди амаки негадир оқсоқолларга жаҳл қилиб.

— Буни бизга эмас, ҳукуматга бориб айтинг, — насиҳат қилди новча оқсоқол.

— Билсангиз, бу гап-сўзлар бизнинг қишлоғимиз номига, раҳматли қайнота-қайнонангиз шаънига дуруст эмас, — ҳарчанд сўзламасликка уриниб турган бўлсаям жиккак оқсоқол ўзини тиёлмади. — Эски замонда Мамаюсуфбойни қавму қариндошлари калхозга кирмади, деб қулоқ қилиб юборишганини ўзингиз ҳам эшитгансиз, ҳали-ҳануз гапиришади. Боёқиши, сибириё бўлиб кетди. Кимга фойда-ю, кимга зиён? Қавму қариндошларинијам ер ютиб кетди — колхоз жонига аро киролдими, миннатдор бўлдими, қабртош қўйдими? Бэ?! Ёғ еганда ёт яхши, қон ичганда қариндош — одамнинг одамлиги шунда билинади.

Бу гаплар собиқ чавандозга ёқмади. Сафсатадек туюлди.

— Э! — деб қўйди.

Жиккак оқсоқол дарров тилини тийди. Маълум бўлдики, собиқ чавандознинг ҳалиям айтгани-

айтган, дегани-деган экан. Бу хитоб унинг оғзидан шунчаки чиқиб кетган бўлсаям, ёнидагилар ундан оламжаҳон маънолар топишди: новча оқсоқол бу хитоб баҳонасида “гапни гапир уққанга” деган мақолни эсласа; жиккак оқсоқолнинг дилида қарама-қарши фикрлар бош кўтарди, гапимни бўлиб бу миясини еган чавандоз нима демоқчи экан, деб ўйлади; яна ўйландики, чавандознинг буларга аввалдан адовати бормикинки, яхши-яхши гапларимизни тинглашга қўймади, деб. Кейин улар бу ерни тарк этишди. Дарвозадан чиқаётиб, яна ортларига ўгирилишди, яна ҳовлининг ҳар томонига син солишди, қайси бир дараҳт остиданми, ҳӯ-ӯв бостирамаданми, бирор ёқдан раҳматли ҳамқишлоқларининг чиқиб келишини кутгандай, шуни истагандай, бир кеп қопсизлар, уйга кирмай кетиш йўқ, дея жилмайиб-жилмайиб қўлларидан ушлаб етаклашларини соғингандай бўлишди, шу заҳоти қўллари жимирилашиб кетгандай гуюлди, қўзларидан ёш қуйилди.

Улар кетгач, амаки роса ўйлади. Қанча ўйлагани билан аниқ тўхтамга келолмади. Бунга ўғирланган жонивор сабаб эди. Нега деганда, амаки суроётган ҳар қандай олижаноб хаёл орасигаям бу лаънати олқиндидек суқилиб кириб олар, халақит бераверарди. Эртаси куни у қўни-қўшниларининг гапсўзларидан, оқсоқол-қўксоқолларнинг фазабларидан қўрқибми-ҳайиқибми, мелисаҳонага борди.

2

Мана, бир неча кундирки, назоратчининг хотини, Тошмуроднинг онаси ёлғиз қолди. Эри ишда, ўғли қамоқда. Ранги ўнгиб, туси ўчиб кетган чит куйлаги

остидан қоқсұяқ елкалари туртиб чиққан боёқиши муштипарнинг соchlари оппоқ оқарыб кетган, ёши нечадалигини тусмоллаб айтиш ҳам душвор эди. Унинг катта-катта күзларигина үтмишда қолган чиройидан нишон бериб туар, қувонч нималигини билмаган бу күзлар теварак-атрофға ҳамиша мунг билан боқарди. Оёғидаги түзиган тош калишу бошидаги эски рўмол билан бирга туғилгандек, топган-тутгани, уйда кўчада кийгани шулар эди. Унга ҳамманинг ичи ачиб, раҳми келарди. Ҳаттоқи бор-бунидан айрилган деҳқон нажот истаб, бир неча кун бу ҳовлига қатнагач, шу нарсага амин бўлдики, назоратчидан ёруғлик кутиш нар шердан сут талаб қилгандек амалга ошмас бўлмағур ҳодиса экан; агар у яхшилик қилишни билганида, энг аввало, оиласига эътибор берган, ёстиқдошини бу аҳволга ташлаб қўймаган, ўғрининг қамалишига эътиборсиз қараб турмаган бўларди. Шу нарсаларни англаб тушуниб етган деҳқон бу ҳовлига бесамар қатнаган кунларига ич-ичидан ачинди-да, бор-будини шилиб кетган ўғрининг шаънига гиштлар қалаганича жўнаворди. Деҳқоннинг қора бериб эшик тақиллатиб тургани ҳам ҳарна экан, мана бир неча кундирки, ҳаммаёқ тим-тирс, ўлик сукунат одамнинг юрагини торс ёриб юборай дейди. Назоратчининг эса қачон келиб, қачон кетиши маълум эмас, кейинги кунларда негадир хотини билан ҳам умуман гаплашмай қўйган.

Мана, бугун эрталаб ҳам аёл куймаланганича ўчоқ бошига борди, ўт ёқди. Чўнқайиб ўтирганча, чўғланиб турган оловга боқиб дувиллаб оқаётган кўз ёшларини тиёлмади. Назарида, Тошмуроди ана шу чўғ орасидан чиқиб келаётгандай, шу чўғ орасида юргандай туюлар, шунданмикан, у тунж ҳайкалдек

қотиб қолганди. Нафсиламрини айтганда, ҳозир у хайкал бўлганда тузукроқ эди, борган сари қоврилиб ёнаётган дили олдида ўчоқдаги олов бир тогора муздай эканлигини тузукроқ син солган ҳар қандай одам фаҳмлаб оларди. Аёл бутун супрада қолган ун юқларини қоқиб-суқиб чақалоқ муштичалик хамир олган, шуни ёйиб қотирма пиширмоқда эди. Хаёлида бу қотирмани пишириб бўлиб, ярмини ишга кетган эрига қолдиришни, қолган ярмини ўғлига етказиши мўлжалламоқда эди; бироқ у ўғлини қаерга олиб кетишганини, қаерга қамаб қўйишганини билмас, буни эридан сўрашга юраги дов бермас, ўзи гап очиб қоладими, деб эртаю кеч оғзии пойласа ҳам ундан садо чиқмасди. Аёл ўнта саволга базур битта жавоб қайтарадиган камгап, теварак-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, инсонларга, ҳатто энг яқин кишиларига (аслида яқин кишиси бормиди?) ҳам бепарводек кўринса-да, у савқи табиий ҳис-ла эрининг ўғлига муносабатини аниқ, бехато илгарди. Тошмурод ўғрилиги учун қўлга олиниб, қамаб қўйилганлиги ҳақидаги хабар етиб келгач, эрининг юз-кўзларида оталик ҳиссига ҳеч-ҳеч қовушмайдиган, ана-а, айтмадимми, дегандай, ўз айтгани келганидан боши шоён кўкка етган одамлар қиёфасида бўладигандек аллақандай ўзгаришлар зухурланганини аёл тўсатдан пайқаган, даҳшатга тушганидан индамай қолганди. Агар аёл зийракроқ бўлганида, эрини ўғлининг ўғрилигидан ҳам кўра кўпроқ нима учун унинг айнан укасиникига тушгани ажаблантираётганини сезган ва шу томонга куч бериб, унинг ўғлига муносабатини ўзгартириб юборган бўларди: албатта, бунинг учун бир оз худбинлик, бир оз қувлик, бир оз тошбағирлик каби ҳозирги замон одамларининг ноёб

фазилатлари зарур эдики, аёл буларнинг барчасидан мосуво, билиб олгани, суюнгани йифи эди, холос. Эрнинг эса бадбин хаёлидан ўқтин-ўқтин Тошмурод (ўғлим, дейишга тили бормасди!) қасдимни олиш учун шундай қилганмикан, деганга ўхшашибир нималар фивирлаб ўтиб қолар: қанақа қасд эди, деб сўралса, шўринг қурғурнинг ўзиям тузук-куруқ тушунтириб беролмасди-ю, шундаям, барибир, бу ҳол ҳукумат олдида ўзининг ҳам жавобгар эканлигини англашидан кўркиб кетарди. Етмагандай, касбу коридан келиб чиқиб, ўзини жиноятчилар билан курашиб юрган музaffer баҳодир, оппоқ одам деб билганлиги; айтилган йўлдан бир қадам ҳам четга чиқиши мумкин эмас, ушлашибидими, демак, у қопқора, у гуноҳкор; унинг орасига киргандарнинг бари гуноҳкор; кечмаса, ота-онасиям гуноҳкор, деган мужаррад тасаввурларга қандай ёпишиб олганлиги ўғилга заррача бўлсин-да раҳм-шафқат кўрсатишга изн бермасди. Назоратчи ўйласа, Тошмуроднинг гуноҳлари кўп эди. Аввало, у отасини, наинки отасини, постда турадиган ҳукумат одамини қўриқчига ўхшатиб, катта жиноят ортирганди, назоратчининг назарида. Буни кечириб бўладими? У кечиргани билан ҳукумат кечирадими? Ҳукумат кечирмайдиган бўлса унинг ўзи ҳам жиноятчининг отаси эканлигини тан олиб жиноятга шерик бўлиб қолмайдими? Ҳукумат одамини қўриқчига ўхшатиб ҳақоратлагани жинояти олдида бузоқ ўғирлаш ҳеч нарса эмас эди. Бунақа гап учун жиноятчини олдинда нималар кутишини назоратчи яхши билади.

Назоратчи, укаси билан ўғлини сўзларимга қулоқ солишмагани учун шу кўйга тушишди, деган гапларни очиқдан-очиқ айтарди-ю, нарироққа ўт-

мас, шунинг ўзи билангина қаноатланарди; бу доирага ўзиниям қўшиши лозимлигини ҳеч ҳам хаёлига келтирмасди. Балки, ўғлим мендан қасдини олиш учун шундай қилгандир, деган, аслида жуда тўғри бўлган бу фикрни на худо (ҳозирча!), на бандаси унинг кўнглига соларди. Шу чоқда, ҳа, ҳа, айни шу дамда бу фикр унинг кўнглига солиниши керак эди, унинг юмуқ кўзларини зўрлик билан очиб бир нур эндирилиши лозим эди; нега бундай бўлмади, азизлар; азизлар, деймиз-у, бу азизларнинг ҳам фақат ўzlари учун азиз эканлигини кўриб афсус чекамиз; шу азизлигингиздан анави одамгаям бир чимдим юқтирангиз-чи, дейишдан ўзимизни тиёлмаймиз; шундай эмасми, инсон ҳаёти ҳақида том-том китоблар битган нависанда жаноблари; сиз бунча кўп куйинасиз, бани башарият тақдиридан бунчалар оҳ урасиз, курраи арзни кичик каллангизга жойламоққа нечук уринасиз, хаёлингизни бунчалик юксакликларга парвоз эттирасиз, бунча кўп ёзасиз, бир жафингиз очилса нималарни гапириб ташламайсиз, алмойи-алжойи услубларингиз ҳақида бунча кўп сафсата сотасиз, қачон анави юмуқ кўз-ёпиқ деразани жиндаккина бўлса-да очиб бир қатим нур эндирасиз; бу юмуқ кўз-ёпиқ дераза ортини босиб кетган могорларни қандай кўра олдингизки, айтиб берасиз?

Аёл чўғларни косов билан ўчоқ ичидан ташқарига чиқариб, бир жойга тўда қилди, сўнгра қозондан қотирмани олиб, теграсини шу чўғда қизартира бошлади. Ҳар гал у қўлим куймасин, деб қотирмани сочиқ билан ушлаб айлантиради, бу гал шундайи-ча ушлади, қотирма-ку қотирма, кафтларига ҳозир лахча чўғ қўйилсаям пайқамасди. Кўз ёшлари

қуриб, паришон бўлиб қолган, хаёли аллақаерларга оғиб кетарди. Қотирмани қизартириб бўлгач, тенг иккига ушатди-да, уйга кириб ярмини кўрпаси олиб ташланган танча устига қўйди. Беихтиёр танча четига чўккаласб қолди. Анави бурчакда ўғли ўтиради.

— Тошмурод! — шивирлади она лаблари.

Ўғли кўпинча ҳар хил китобларни ичидагина ўқиб ўтиради, кўзлари йўл кўраётгандай хәёлларга берилиб кетарди. Аёлнинг кўзи токчада ётган қандайдир китобга тушди-ю, дарров уни қўлига олди, ҳидлади, ўғли қархисида, танча бурчагида ўтиргандек туюлди; аёлнинг лабларига табассум дориди, жилмайди, жилмая туриб, фарёд уриб йифлаб юборди. Йифлай-йифлай, худди ўғли китоб ўқигандага варақлагани каби китобни варақлай бошлади, ҳар саҳифасига узоқ-узоқ термулди, ҳарфларнинг кўплиги кўзларини жимирилатиб юборди, ўқишни билмагани учун бунчалик кўп нуқтачаларни қандай қўйиб чиқишиганига ажабланди; кейин ҳар саҳифани ҳам ҳидлай бошлади, ундан ўғлининг кўз нурларини қидираётгандай бўлди, бармоқлари билан пайпаслади, ана шу пайпаслаши баробарида ўғлининг бармоқ изларини топиб олишга, топиб кўзларига суришга уринаётгандек эди. Аёл ўғлини қандайдир мудҳишиб ҳол кутаётганини ичидан пайқади. Қўни-қўшниларнинг гап-сўзлари ҳам унинг гумонларини тасдиқлаб туради. Қўни-қўшнилар айтишардики, эрингизга айтинг, ҳаракатини қилиб Тошмуродни олиб қолсин (ўзлариям ўша ерда ишлайдилар!), иш судга ошса мушқуллашади, қаматиб юборишлари мумкин, дейишар; улар ўзларича қанча куйиб-пишишмасин, меҳрибончиликлар кўрсатишмасин, аёл бу гап-

ларнинг бирортасини тузук-қуруқ англамас, бош қимирлатиб, тасдиқлаётгандай кўринса-да, ҳаммаси у қулоғидан кириб, бунисидан чиқиб кетаверарди. Шу кунларда эридан қандайдир ҳаракат лозимлигини билар, унинг худди илгаригидек тепса-тебранмас бўлиб бораверишидан таҳликага тушарди.

Тошмуроднинг шериклари синфдошлари экан. Бировининг отаси ўтган йили маккажӯхори орасига эккан тўрт-беш туп кўкнори билан қўлга тушиб қамалиб кетган эди. Эрининг ғамидан адойи тамом бўлаёзган аёлга энди буниси етмай турган экан. Ўзининг қўлидан ҳеч бир иш келмаслигини билиб, қамалган тўнгичи ортидаги яна учта норасида болаларини орага солиб, йиғлай-сиқтый назоратчининг олдига келди, унинг оёғи остига йиқилишга тайёрлигини ўз оғзи билан айтди, фақат тўнгичгинаси чиқариб юборилса бўлди экан, ўла-ўлгунча ўша чиқариб юборганларнинг дуойи жонини қиласкан, керак бўлса, кир-пирларини ювиб беравераркан, мол-ҳолларига қарапкан, қўлидан нимаики келса аямас экан, лекин бирон тийин беришга ҳам қурби етмаскан, чунки бирон тийинни тушидаям кўрмаган экан.

— Отаси атай экмаганди ўша зор қолгурни, — деди аёл кўкнорининг номини тилга олишниям истамай. — Гектар-гектар экканлар қолиб, келиб-келиб бир тупгинасига қараб қолган етимчани тутиб кетишиди, — энди у эрини етимча деб атай бошлади. — Шуям бошқалардек кун кўрса, бошқаларга кулиб боққан офтоб шугинаниям елкасига тегиб ўтса нима қиласди-я? Мана, энди борса келмас жойга олиб кетишипти, бориши икки кунлик йўл, келиши икки

кунлик йўл эмиш. Ким борарди у ёқقا? – аёлнинг кўзларида қандайdir чексиз алам кўринди. – Ўлибнетиб қолсаям хабар тополмаймиз. Ёки ўzlари олиб келиб беришармикин?

– Ўлса, ўzlари олиб келиб беришмайди, – деди назоратчи хотиржамлик ва шафқатсизлик билан. – Ўликхонада уч кун кутишади, ана шу уч кун ичидагаси чиқса чиқди, йўқса ўzlари эпини қилишади... ёқишиша керак, менимча.

Бу гапни эшитиб аёлнинг кўзлари олайиб кетди. Ранги оқарди. Энди ўғлинням эрининг ҳолига солиб қўймаслик учун зорланиб ялина бошлади:

– Умрингиздан барака топинг, шу болагиналарни қутқариб чиқинг; иккинчи бу номаъқулчиликни қилишмайди, деб катталарга ўзингиз айтинг. Сиз ҳукумат одамисиз, ҳукуматга хизматингиз сингган, гапингизни ерда қолдиришмайди. Майли, она-бала, ўла-ўлгунча хизматингизни қилайлик – қул қилиб олинг, айланай, қарол қилиб олинг, ўргилай, бу балодан қутқаринг; учовигинасиниям олиб чиқинг, олдингизга ўтиргизиб насиҳат қилинг, уринг-сўкинг, қўрқитинг, зора гапингизни олишса, одам бўлишса... и-и нималар деяпман, нега гапингизни олишмас экан, шунча яхшиликлар қилиб қўйган одамнинг гапини олмай бўларканми... ва ҳоказо.

Аёлнинг узундан-узун гап-сўзларидан шу нарса аёнлашдики, боёқиши болаларга тўғри йўл кўрсатувчи раҳнамо бўлса, ишлатса, қоринларини тўйғазса, бу номаъқулчиликни ҳеч-ҳеч қилишмаскан; аммо, билишича, ҳозир ўzlарини раҳнамо деб гумон қилиб юрганларни худо учасидан уриб кетган экан, ҳаммаси ўз нафси-ю ўз фами билан банд экан. Аёл илгари буни билмас экан-у, аммо ўша куни, эрини

қўлга олишганда жуда яхши билиб олипти, билиб олгани билан фойда йўқ — осмон узоқ, ер қаттиқ экан. Қўлга олганлар ўшанда бир-бирларига кўз қисишипти, имо-ишоралар қилишипти; қани, бизни рози қилмайсизларми, дегандай бўлишипти уларнинг шип-шийдам уйларида сичқонлар ҳассага таяниб юришганини ўз кўзлари билан кўриб-билиб туришса ҳам. Ана шунинг учун ҳам, қоққани қозиқлари, осгани хурмачалари йўқлиги учун ҳам эри кимларнингдир сўзига учиб, бир синаб кўриш ниятида бу иш билан атай шуғулланувчилардан, бунинг нонини еганлардан, бунинг кетидан ошибтошиб миср бўлиб кетганлардан уруғ олиб ўша касофат бир тупни кўкартирган экан, ажални, ўзининг ажалгинасини кўкартирган экан. Эрини ҳисб қилмоқчи бўлганлар у ургни қаердан олганлигини ҳам жуда-жуда яхши билишаркан, фалон жойдан фалончи акадан олдингизми, деб фалончи аканнинг номини ҳурматлаб айтишипти, ҳурматлаб айтишгани билан кейинги пайтларда қитмир бўлиб кетяпти, фақат артист қизларга сочади, холос, дея бир-бирларига пи chirлашганини аёл эшитиб қолипти, эшитиб уялиб кетипти, эшиитмаганиям яхши эди, депти, артист қизларгаям ичи ачиپти аҳволи бундайчангি бўлиб тургани билан. Ҳисбчилар гапни ўз томонларига, ўз фойдаларига айлантиришаверипти. Ўшанда ҳовлида эру хотин ва тўртта мелисадан бўлак ҳеч ким йўқ, ими-жимида, яхши гапириб, қарз-ҳавола қилсаям битта ошни пишириб, иккита ароқни ўртага қўйиб, қўлларига оз-моз қуруғидан қистириб юборилса, олам гулистон бўлар экан. Аммо туйқусдан эрининг жини келиб қолипти, шундай келиптики, ҳеч қайтариб

бұлмай қолипти, арқонни узипти, битта калтафаҳм доно айтгандай. Ўзи шусиз ҳам елкалари йиртилиб, әгнидан түқилиб тушай деб турған яктағининг ёқасидан ушлаб торс иккига бўлипти, қофоздай парча-парча қилиб йиртиб ташлатти, ярим яланғоч бўлиб олипти. Ана иннанкейин томоша кўрсатипти. Оғзига келганини қайтартмапти, мана, қамасаларинг мени обориб қаманглар, ўша ерда устимдан тупроқ тортиб қўя қолинглар, депти; унинг бақиришидан қўрқишиб, дағ-дағ титрашиб, қалтирашиб, ҳовли узра изиллаб чопишаётган-югуришаётган болаларини худди уларда қасди бордек, бир-бир ушлаб олиб уравериби-уравериби; болаларнинг бақиришлари олам жаҳонни бузипти; ҳамиша бошини эгиб, ҳамиша нималарнидир ўйлаб, яхши гапгаям, ёмон гапгаям илжайибгина қўя қоладиган эрини, кўз очиб кўрганини йигирма йил турмуш қуриб аёл бу аҳволда энди кўриши экан: шунинг учун унинг бу важоҳатидан тамоман эсанкираб-қўрқиб қолипти, бирон нима дейин деса ўзининг қашқатаёқ қилинишини сезипти, калтакдан ҳам кўра эрининг оғзидан бўлар-бўлмас гаплар чиқиб кетишидан қўрқипти, индамапти. Болаларни тирақайлатиб бўлгач, эри энди мелисаларга ёпиша кетипти, сизлар ўзи кимсизлар, менинг ҳовлимга бостириб киришга нима ҳақларинг бор, депти; ҳукуматларинг мен учун нима қип қўйдик, хўжайнчилик қиласи, депти; ҳукумат-пукумат йўқ, депти; ҳукумат ўлган, депти; сизлар ўлган оталарингизни кўмиш учун гадойчилик қилиб юрибсизларми, дея қаҳ-қаҳ уриб кулипти; бақир-чақирни эшитганлар яқин-йироқдан югуриб келишипти, ўзлариям хўп ҳангоматалаб бўлиб туришган экан, кейинчалик маълум бўлишича. То-

моша бўпти, томошагоҳ бўпти, фақат ер ёрилмапти, чоғи келмай қопти униям. Мелисалар кулиб туришаверипти, кулиб-кулиб аҳли оломонга қараб айтишиптики, ана-а, кўрдиларингизми, бизни кўпчиликнинг олдида ҳақорат қилди, энди олиб кетмай иложимиз йўқ, дейишипти; кўпчиликни ҳурмат қилишипти, одам ўрнида кўришипти кўпчиликни; халқ аташипти уни, халқимиз деб гапиришипти, гап тақалиб битта одамга келганда тариқчалик менсишмапти уни, халқ баҳт-саодати йўлида биттаяримтанинг қурбон бўлиб кетиши биз учун ҳеч нарса, дейишипти; икки оёқни бир этикка тиқишипти – биз ҳам одам эдик, тушунардик, кўнардик деб, тушунтиришмагани, кўндиришмагани учун; одам эканликларини қандайдир йўллар билан эсларига солиб қўйишмагани учун надоматлар қилишипти; нафсламрини айтганда, уларнинг ҳам одам эканликларини бот-бот эсга олиб, эсга солиб турилса яхши экан, рўзгорнинг фор эканлиги, текинга мушук офтобга чиқмаслиги ҳақидаги гаплар беҳуда тўқилган чўпчак эмас экан. Кейин улар ҳовли узра чарх ураётган; худосиям қолмай, бандасиям қолмай, шоҳиям қолмай, гадосиям қолмай – барини маломат тошларига нишон қилаётган, қирқ-қирқ беш йиллик умри давомида жимгина яшаганининг ҳақини энди ундириб олмоқчи бўлгандай, кўзларидан жунунваш олов сачратаетган, шу асно жунбушга келган кучини қаерга сарфлашни билмагандай экинларини томир-помири билан суғуриб улоқтираётган, қасди бордай дараҳтлар шохини синдириб-синдириб ташлаётган, ер тирнаётган, ер тишлаётган шўрпешонани амаллаб тутишипти (аё,

ай!), құлларини орқага қайириб боғлашипти (аё, ай!), мошинга босиб олиб кетишипти.

Тұрт-беш туп қўкнори туфайли қамалиб кетган маҳбуснинг аёли бу гапларни ким кўринганга оқизмай-томизмай айтиб берар, эшиттанлар ҳамма айбни эрига тўнкашсаям, ҳа, мелисалар ҳам одамку ахир, сал-пал жиз-пиз билан овутиб жўнатиб юбориш мумкин эди, деб эски дардни қўзгашсаям, барибир, айтаверарди, чамаси, шундан кўнглини анча-мунча бўшатиб оларди. Унинг айтишича, суд чофи эри ҳалимдай юмшаб қолганмиш. У, протоколга тушган барча айбларни жуда мўмин-қобиллик билан ҳеч иккilanмай, ҳеч сесканмай, худди бир мазали нарсани татиб кўраётгандай бир қиёфада бўйнига олипти. Айниқса, жаҳл устида оғзидан чиқиб кетган ношоён гапларнинг барини билиб-тушуниб айтдим, дегани ишни мушкуллаштирипти, муқаррарлаштирипти — узоқ муддатга кесилиб кетганининг асосий сабаби шунда экан. Унга на ҳукм, на жазо, ҳеч қайсиси заррача таъсир кўрсатмагандай экан; яккаш кўзларига син соглан киши у ерда поёнсиз фуссага, оғир мунгга, тақдир-қисмат ўйинларига нисбатан лоқайдликка дуч келарканки, бундай ифодаларни юзага чиқараётган кўнгил эгаси учун икки дунё бир қадам, ҳаётнинг сариқ чақалик аҳамияти қолмагани аён бўларкан. У ўшанда аёлинин сўрапти. Унинг эрта сўлган юзига ер остидан саросар назар солипти, шунда кўнгли тўлипти, кўзларидан дувиллаб ёш оқипти; базур сас чиқарипти, базур овоз берипти, бошинг очиқ, депти. аёлинин талоқ қўйипти, бошқа қарамапти, қарамай кетипти. Аёл ўзини ерпарчин ҳис этипти, хўрланган-хақоратланган ҳис этипти, эрининг жинни бўлиб

қолганига инониб, ундан умидини буткул узипти. Икки кунлик йўл экан, деб қидириб ҳам бормапти, жавобимни берди-ку, депти бундай чоқларда.

У кўнглидагини бошқаларга билдирамаслик учун Эрининг қамалиш тафсилотини айтиб юрар, у ёига ўтмас, бор умидини энди тўнғич ўғлига тиккан эди. Ака ўрнида ҳам, ота ўрнида ҳам ўзингсан, дерди. Ака ота бўлурми эди? Ака онадан норозироқ ҳам эди. У отасининг кетар чогидаги ҳолатини пайқагандай эди. Унинг ҳам кўнгли совигандай эди. Аёл бўлса ўғлини бу кўйга тасодифан тушиб қолган, деб ўйлар, нажот истаб назоратчининг олдига келган, хаёлида ўғли бир бор қутулиб чиқса, ҳаммаси жойига тушиб кетадигандай эди.

Бунақаларни кўравериб-кўравериб назоратчинг эти қотиб кетганди. Тинмай дийдиё қилаётган аёлнинг дарду ҳасратларини тинглаётгандай бўлиб турди-ю, лекин тингламади, унга барчаси олдиндан аниқ-равшан эди — тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, дардлашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, ўғирлаганми ўғирлаган, вассалом. Шу боис, аёл сал тин олиши биланоқ назоратчи фурсатдан фойдаланди, борини айтди-қўйди:

— Бу ишларга мен аралаша олмайман.

Шунча гап-сўзлардан кейин, албатта, ғалаба қозонишига ишонган, бундай терс жавобни кутмаган аёлнинг оғзи тамом очилиб қолди. Ўзига келиб, зўргатдан:

— Ие, нега? — дея олди, холос.

Назоратчи бу жоҳил хотиндан юзини ўгириб:

— Закўн, — дея калта жавоб қайтарди.

Аёл нимадир демоқчи бұлғанди, назоратчи гапиргани қўймади.

— Ҳукумат оқни оқقا, қорани қорага ажратади, — деб фахрланаётгандай қўшиб қўйди.

Аёлнинг лаблари беихтиёр жийрилиб кетди:

— Ффу...

Назоратчи бир ўқрайганди, аёл шоша-пиша йиғиниб, жўнаб қолди. Йўл-йўлакай эри қамалиб кетгач, ўзи суюниб қолган тўнғич ўғлини қарфай кетди. Қарғагандаям ўғрилиги учун эмас, назоратчидай бир одамнинг ўғли билан шерикчилик қилгани учун қарғади, шерикчилик қилишга бошқа одам тополмадингми, жувонмарг, деганича айтиб саннади. Кейин йўл ёқасида ўтириб, хун-хун йиглади, фарёд солди, нималарнидир жавранди, бошлари ғовлаб юрган ўтган-кетган ҳангоматалаблар бир зум у томон анқайиб қараганча қандайдир таскин-тасаллилар олишди, дунёда биздан-да баттар одамлар ҳам бор-а, дея ғовлаган бошларининг тугунлари бир оз ёйила бошлаганини ҳис этишди — аммо ҳамдард топилмади.

Назоратчининг хотини китобга тикила-тикила анча фурсат ўтирди, сўнг қандайдир муҳим иш ил-кис ёдига тушиб қолгандай, саросар ўрнидан турди. Китобни авайлабгина токчага қўйди. Қотирманинг ярмини танча устида қолдирди, ярмини оқ рўмолчага ўраб қўлтиғига қистирди ва катта йўл бўйига чиқиб ўтирди. Йўлда ҳеч ким кўринмасди. Дайдибадал шамол даладан учириб келган лайлакхасларни текис жойда ўйнатишдан ҳузур қилаётгандай, у ёқдан-бу ёқقا, бу ёқдан-у ёқقا сурар, бир-бирларига қўшиб юборар, ажратар, қиласиган бошқа муҳимроқ бир иши бўлмагани учун бекорчиликда ўзига эрмак

топиб олганидан шодланаётгандай эди. Аёл ўғли ётган жой шаҳарда, шаҳарнинг хў-ўв паст томонида өканлигини биларди. Илгарилари, қор қалин тушган кезларда у ҳовлидан то мана шу тош йўлгача қорни кураб йўл очиб қўяр, эрининг эсон-омон қайтиб келишини худодан сўраб, кутиб ўтиради. У, ҳозир шаҳарга олиб борадиган йўлнинг тескари томонига интизор нигоҳ тикиб, бирор машинами, аравами кўриниб қолишидан умидвор бўлганича орзиқарди. Аксига олиб на бирор машина, на арава кўринди. Бир-икки соат ичидан биронта отлик ёинки пиёда йўловчиниям қораси кўринмади. Икки соатлар ўтгач, фувиллаган товуш эшитилувди, ўз хаёли билан бўлиб ўтирган аёл тамомила саросимага тушиб қолди, саросар ўрнидан турди. Овоз чиқариб, қўл кўтарди. Унинг юз-кўзларида шу қадар катта умиду ишонч, қувонч бор эдики, машина тўхтамай ўтиб кетгач, ҳафсаласи пир бўлганча ўтириб қолди. Ердан чиқдими, осмондан тушдими – номаълум, жунининг ярми тўклилиб, ўзиям худди остонаядан кираверишда, оёқ остига ташланадиган пўстакдай бир ит аёлнинг рўпарасида пайдо бўлди. Итнинг ит дейишлик ҳоли қолмаган, шу даражага етгандики, қовурғаларини бемалол санаб зоологиядан кўргазмали қурол сифатида фойдаланса бўлар, ич-ичига ботиб кетган қорни фалсафа фани учун озуқа беришга жудаям кўл келарди. У ҳар қадам ташлаганда оёқлари чалкашиб-чалкашиб кетар, бошини кўтаришга ҳоли келмагандай осилтириб олганди (ҳаётдаги қанчадан-қанча соғлом, куч-қувватли; егани олдида, емагани кетида – фаровон, кўрикларда нишонлар олган, ақллилиги кўзидан билиниб турган итлар бир ёқда қолиб, қаёқдаги култўдадан чиқсан пўстакни

учратиб, шуни тасвирлаётгани учун муаллиф ҳам хижолатда!). У итлигини билдиримоқчи бўлдими ёки йўл бўйида тиззаларини қучоқлаганча қотиб ўтирган аёлнинг тирик-тирикмаслигини ажрим қилмоқчимиди, ишқилиб, ингранаётгандай ириллаб қўйди. Аёл сал қўзгалганди, оёқларини майиштира-майиштира йўлнинг нариги томонига қочиб ўтди ва орқа оёқларига ўтириб, аёлга мунгли қўзларини тикиб қолди.

Катта йўлга туташ тор кўчадан эшак минган бир чол чиқиб келди. У гуппи чопон кийиб олган, башарасини тиканакдай босган соқол-мўйлови орасидан қўзлари милтираб, бурни сўппайиб кўриниб турарди. Чол аёлга қарамай ўтиб кетмоқчи бўлди-ю, унинг тараддуланаётганини пайқаб, қизиқди, тортиниброқ назар ташлаб таниб қолди. Анча вақтлардан буён бирон танишини учратмаган-у, энди бундай ҳол рўй берганидан ўзини қўярга жой тополмаётгандай бўлди. Эшагининг нўхтасидан тортиб тўхтатди, ҳирқироқ овозда худди бақираётгандай сўради:

— Ҳа-а, сийним, бу ерда ўтирибсан?

Аёл қўли билан шаҳар томонга ишора қилди.

— Шаҳарга бормоқчимидинг? — яна овозига куч берди чол.

Аёл тасдиқ ишорасида бош иргади. Чол бақиришини қўймади:

— Нима бор экан у ерда?

— Ўғлимни олиб кетишганди, — шу гапни айтиб, аёл пиқиллаб йиғлаб юборди.

Чол эшитган экан, ҳозир ўзи эсга олмагани учун афсусланди, эътиборсизлигининг сабабларини замонга ва одамларга тўнкади: замон чатоқ-да, замон

ШУРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

Чатоқ; одамлар айниб кетишган-да, одамлар айниб кетишган; бир-бирларига боқмай қўйишган, бир-бирларидан ҳол сўрашмайди, оғирини енгил қилишмайди бир-бирларининг ва ҳоказо... — кўча гаплари, бундайчанги гапларни кўтариб юрадиганларнинг аксарияти қаланги-қасанғилар, баъзиларининг яхши кийиниб олишганига, бўйин-богларига, салла-дасторларига ҳам ишонманг.

— Садқаи амаки кетсин, — чол кўпчиликнинг оғиздан эшитган айбномани ўзиникидай қилиб айтаркан, ақли ёришиб, кўзлари чақнаб кетди. — Битта жондор экан бор-йўғи, ўшаем топилибдими, топилибди, мелисаларга оқизмай-томизмай айтиб бериб ўтиргунча жияним сугоргани олиб чиқсан экан, де қўй-да! Ҳэ... амаки бўлган! Нима, шундай деса, бирор ёқасидан олармиди, уриб-сўкармиди?

Ўзиниям алами бор эканми, аёлнинг бу ўтиришига чиндан ҳам ичи ачидими, ишқилиб, чол хумордан чиққунча амакининг шаънига орқаваротдан ҳақоратлар ёғдирди; бир тийинлик одам экан, деди; шу гапларни айтаркан, бу чоқда унинг ўзи ўзига жуда ақлли, бамаъни кўриниб кетди; чол-ку майли, бирорларнинг дард-ғамлари ҳақида сўзлаётганда энг аҳмоқ-овсарларни ҳам донишманд қиёфасида кўриб, панду насиҳатларининг оқилоналигини эшитиб қойил қолмай иложингиз йўқ. Чол қизишганидан ўтлаб кетди. У бу ишларга алоқаси бўлмаган қандайдир воқеаларни сўзлай-сўзлай бир зум тин олганди, аёл тугатди, деб ўйлади шекилли, чолга мақсадини тушунтириб қўйди:

— Қотирма пиширувдим, бирор борса, элтиб берар, деб ўтирувдим.

“Қотирма” сўзини эшитгач, чол бир ютиниб

Шойим БҮТАЕВ

қўйди. Унинг қорни оч эди, талмовсириниб, манзират қиласмикин, деб турди, манзират қилса бир тишилам олиб оғзига солмоқчи эди. Бироқ, аёлдан садо чиқмади.

— Э, у ёқса ким ҳам борарди? — чолнинг негадир жаҳли чиқиб, бўриқиб кетди, аёлнинг умидларини чил-чил синдириб ташлади. — Йўл оғир. Отасидан бериб юбормабсан-да.

Аёлнинг индамай қолганини у ўзича нималаргадир йўйди, ишдан қувилган чиқар-ов, ўғли ҳам бунда-ай, деб хаёл қилди, ўзининг тахминидан негадир қувониб гап қўшди:

- Ё отасиям ишни бас қилдими?
- Боряптилар...

Чол эски гапини такрорлади:

- Бериб юбормабсан-да.
- Отаси... — аёл талмовсиранди, мижжаларида ёш кўринди.

— Ҳа, айтавер, — деди чол энди назоратчининг чиндан ҳам қандайдир каттароқ фалокатга йўлиққанига қаттиқ ишониб, куюнгандай бўлиб, бироқ кўнглида тариқчаям ачиниш ҳис этмай.

Бу чоқ аёл кутилмаган гап-янгилик айтиб қолди:

- Ота-бала гаплашмасдилар, уришиб қолган эдилар. Бормаяптилар, ўзидан кўрсин, деяптилар.

Чолнинг хаёлига лоп этиб ака-укаларнинг қирпичоқликлари келди, энди ота-болаларга ўтибдида, дея ўзи ҳам билмаган ҳолда генетик қонунлардан бирини ечди — кашфиётчи бўлди, ўз кашфиётидан ўзи бехабар кашшоф бўлди. У қандайдир ғалати тарзда ихраб, ҳаттоки кўзлари олайиб кетгандек бўлди, уни ҳайратда қолдирган сабаблардан бири шу эдики, у бу хабарни шу чоққача нега эшитмадим

екан-а, деб ўйлаётганди; бундай муждаларни оқизмай-томизмай етказиб турувчи Қулмонбайдан домангири бўлаётганди, тагига етиш учун шоша-пираша сўз қўшди:

— Уришишса уришипти-да! Ёш болани бу аҳволга ташлаб қўймасин-да! Яна ҳукумат одами эмиш-а? Ё, қаттиқроқ гап ўтганмиди?

— Шунаقا шекилли, — аёл пиқиллади.

— Унда қийин экан, — чол эснаб, аёлга тасалли беряётгандек минфирилади. — Бориб-бориб ярашиб кетишади-да.

— Билмасам, — деди-ю, билмаслиги алам қилгандай аёл уввос солиб йифлагаб юборди.

— Йифлама, сийним, йифлама, — чолнинг кўзи шу чоқ итга тушиб, гапни бурди. — Анави кучук силарникими?

Ўзини ҳамон йифидан тўхта олмаётган аёл бош чайқади.

— Ўлай деб қопти, — деди чол. — Эгаси қарамагандан кейин шу-да!

Аёл ўзи билан ўзи эди, индамади.

— Эгаси йўққа ўхшайди, — мулоҳазасида давом этди чол, кейин негадир хўрсиниб қўшиб қўйди: — Шу кучукларгаям қийин бўлди-да! Ҳозир бозорда мол-ҳоллар ҳам нарх ташлаган дейишади. Эшитишимча, эшак қиммат эмиш, — чол тош йўл четидан ўт чимдишга тутинаётган остидаги эшакка фахр билан қараб қўйди. — Бу жониворнинг хизмати кўп-да!

Яна хаёли оғиб кетган чол ўзи билан ўзи бўлиб қолди, нималарнидир ғўлдирай-ғўлдирай, хайр-маъзурниям насия қилганча жўнаворди. Аёл энди унга эътибор бермади. Йўл қарайверди. Би-ир муштипаргинаки... Ичи тўлиблар, пойу пиёда

дилбанди олдига боргиси келади. Би-ир ёлғизгина-
ки... Дув-дув ёш тўқади, ёш тўқади-ю, йўлга қарайди:
ай, бу йўл тош бўлгани билан қаёқдадир – остида
майсанинг овозига дош беролмай ёрилади. Дайди ит
сўниб бораётган кўзларини аёлдан узмайди. Аёлга
ташланиб, қўлидаги тугунчани тишлаб қочгиси
келади, аммо олишувга чофи келмаслигидан қўр-
қади. Аёл ҳардамхаёллик билан тугунчани ёнига,
ерга қўйди. Ит калласини хиёл кўтарди. Аёл шо-
шилмай ўрнидан турди. Увишиб қолган оёқлари
билан базўр қадам босиб, ит ётган томонга ўтди. Ит
саросима ичидаги қолди. Аёл қотирмани унугланди.
У келган йўлидан кета бошлади. Ёруф дунёдан
умидини узаётган ит кўз кўриб, қулоқ эшитмаган
чаққонлик билан тош йўлни кесиб ўтди. Тугунчани
тишлаб, орқа-олдига қарамай қочди. Хавфсиз жойга
бориб олгач, сўлаклари оққанча, тугунчани олдинги
оёқлари остига олди, тиши билан лаҳза ўтмай
рўмолчани йиртиб ташлади. Ит ҳаш-паш дегунча
қотирмани пок-покиза туширди, у ёқ-бу ёққа қараб
ириллаб ҳам қўйди, яна қолмадимикан, дегандай
ўзи йиртган рўмолчани бир қур титкилаб кўрди, ҳеч
вақо тополмагач, шунисигаям шукр қилиб, думини
ликиллатганча қайгадир жўнади. Узоққа бормай,
нураган девордан бир мардумнинг ҳовлисига да-
диллик билан кириб эди, зум ўтмай ангиллаганча
ўша жойдан жун коптоқдай ташқарига улоқиб тушди;
воқеан, мардум занжирдаги қанжифини қизғанганди,
қандайдир саёқ кучукнинг искаланиб, тап тортмай
девордан ошиб ўтиши беҳад фазабини жўштириб
юборганди.

Назоратчининг хотини уйга етиб, танча устидаги
яримта қотирмани кўргачгина ўғлининг насибасини

Нұлда қолдириб келгандығини эслади. Ичи шув этиб кетди. Шоша-пиша изига қайтди. Ўтирган ўрнида ҳай бор — ҳайдар йүк, үзидан-үзи ўтирган жойим шумиди-я, дея сұрагулик бўлиб турибди. Теварак-атрофни тимирскилаб, анча излади. Бу чоқда қайга боргани номаълум ҳалиги чол изига қайтган эди.

— Ҳа, сийним, ўтирибсанми? — деди у боя хайрлашмай ҳам кетганини эслаб, ўшанинг ҳиссасини чиқармоқ ниятида эшагининг нұхтасидан тортиб.

Тұсатдан аёлнинг оғзидан чол кутмаган сўзлар уваланиб тушди:

— Қотирмани йўқотиб қўйдим...

Чол сесканиб тушди.

— Қотирмани? — дея, деярли бақириб сўради.

— Ҳа-а...

Чолнинг юзида қаттиқ таассуф аломатлари кўринди: ичидә аёлдан домангир бўлди, ичидә яниди уни, хасисликда айблади, қорни сурнай чалиб турган отаси тенги одамга қўлидаги қотирмасидан бир бурдасини раво кўрмагани учун шу аҳволга тушиб ўтирипти, дея ўйлади. Чол яна хайр-маъзурни насия қилди.

3

Амаки бузофини ўғирлаганлар кимлигини билгач, даъвосидан воз кечганини, ўғрилардан бири бегона эмаслигини, ўз қариндоши эканлигини қўни-қўшниларга, оқсоқол-кўксоқолларга, учраган одамга айтиб бериб юрди.

— Тошмуродбекни бир кўрай, ҳол-аҳволини сўрай, деб борувдим, — жиянининг номини ҳар галгидек қандайдир тантанавор тарзда тилга олди. — Э, қанча қилғиликларни қилган бўлсаям, жигар — жигар-да!

Мен эсламасам, ким эсларди? Аввал бозорга кирдим, иккита иссиққина нон олдим. Ахир, қуруқ қўл билан бориб бўладими? Ўзи айтмасаям, амакиси келди, деб бирловлар айттар. Э, у ерда ётишни ҳеч кимнинг бошига солмасин. Биттаси кўринувди, шундай-шундай, дедим, тушунтиридим, у афтиимга бирпас қараб тикилиб турди-да, навбатчидан сўранг, деб жўнаворди. Навбатчиси темир эшикларни шарақ-шуруқ очиб-ёпиб у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа юриб турган экан. Қисталоқ, қиё боқиб қарамайдиям, эшитиши истамайдиям, калитларини кўрсатиб гердайиш билан овора. Бир сўкким келди-ю, шайтонга ҳай бердим. Кўришга рухсат йўқ, деб айтади, ҳе, сендаقا ҳукумат одамларини! Амакисиман, десам ҳам қулок солмади. Қайтанга, ўғрилигига шерикчилик қилган бўлсангиз керак-да, вообще сизниям бир текшириб кўриш керак, дейди. Тап тортмайди. Ҳо-ой инсон, мен даъвогарман, даъвомдан кечгани келдим, девдим, кўкрагимдан итариб чиқариб юборди.

Амаки бу гапларни ўзи тўқимаганди, рост айттаётганди. Баъзи-баъзида ўзини у ерда хасчалик кўришмаганини, кўкрагидан итаришганини ўйлаб, хўрлиги келмоқдайди. Ўз дарди билан бўлиб турган деҳқоннинг қулоғига айтиётган сўzlари умуман кирмаётганини туйқусдан пайқаб қолди-ю, қўл силтаб нари кетди.

У қанчалик кўпириб-тошиб сўзламасин, эшистаётгандар аксарият ҳолларда қандайдир ишон-қирамаётгандай, гумонсираётгандай бўлиб қарашаётганидан тутаб кетар, ҳатто ўзигаям баттар ёлғонлаётгандай бўлиб туюлар, нима қиларини билмай қолиб, хижолат чекарди. Талмовсиради. Кейин кутилмаганда қасам ичиб юборарди:

— Ўлай агар, ана-а, тепамда худо турипти, борувлим, шундай деб кўргани қўйишмади!

Қасамдан кейин ҳаммаси абас топарди. Бу келгинди мелисаҳонага бормаган, ўша куни уйдан чиқиб кетаётганда хотинига ёлғон сўзларни айтиб, қайси гўрларда улоқиб юрган, бирор пасқам жойда уйқуни урган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас, деган аниқ хуносага келишади. Майли, уйқуя� ёмон нарса эмас, айниқса, баъзи бир ишларни кўриб, одамнинг умуман уйқудан уйғонгиси келмайди. Аммо ёлғон гапнинг нима кераги бор? Яна, худони ўртага солишини-чи? Тўгрисини айтсин, бирор уни уриб-сўкармиди? Амаки, аввалига бундай тескари тушунишларга ғазаби тошиб, кўпириб юрди-ю, кейинчалик пусиб қолди. Ҳатто, ёлғон айтувдим, дея узр сўрашният дилига туғиб қўйди. Кейин англадики, фурсат ўтган, энди фойдаси йўқ. Нега деганда, оқсоқол-кўксоқоллар у билан гаплашмай қўйишганди. Оқсоқол-кўксоқолларнинг гаплашмай қўйишгани худо урди дегани, бундай одамларни давраларга чорлашмас, маърака-маросимларга қўшишмасди. Амаки энди ўлиб кетган молларният, тиригиниям, Тошмуордниям, ўзининг акасиниям ажрим қилиб ўтирумай, қаторасига сўқадиган бўлди. Энди унинг эсига ёлғизлиги, мусофирилиги тушадиган бўлиб қолди, асаби бузилиб, ҳаммаёқقا ўт қўяман, ёндираман, дея хотинининг, болаларининг ўтакасини ўқтин-ўқтин ёриб турарди.

Суд бўладиган бўлди. Уч ўспириннинг ортидан борганлар — қавму қариндошлари, ҳамқишлоқлари йўл четидаги кекса чинор остида давра қуриб ўтиришарди. Учта аёл, етти нафар эркак кун иссиқлигига қарамай, қалин кийиниб олишган, бу

тарзлари билан худди қишин-ёзин киядиган бор-йүқ кийимимиз шу-да, деяётгандек бўлишарди. Улар ундан-бундан бир-бирларига гал бермай шақиллашиб гаплашишарди. Нарх-наво, чой-қанд, ўтичўп, совун-гугурт ҳақида паст-баланд фикрларни билдиришарди. Бу фикрларга тузукроқ қулоқ тутилса, шу нарса аён бўлардики, дурри жавоҳир ўрнидаги бу нимарсаларни ишлатиш, истеъмол қилиш азал-азалдан уларнинг зиммасига тушган экан, ҳозир ҳардамхаёлроқ бўлиб қолган қайсиидир нобакорнинг вазифаси эса етказиб бериш экан. Ўша нобакордан домангир бўлишмоқдайди, нега деганда, у ўз вазифасини удалай олмаётган экан.

Суд биносидан юз қадамча наридаги кекса чинор остида шунаقا гап-сўзлар бўлаётган эди-ю, ҳозирдан қора курсига ўтиришаётган уч ўспириннинг тақдидири нима кечиши тўғрисида қайфуриш кераклиги уруғ-қаёшларнинг айни дамда ёдларидан кўтарилиб кетгандек эди. Аслида, тузукроқ син солинса, улар гапиришаётган гапларнинг уч ўспирин ҳаётига тааллукли жойи бор эди. Аҳвол шу бўлгач, туриштурмуш шу бўлгач, боёқишлиар нима қилишсин, деяётгандай бўлишарди-ю, бу сўзларни очиқ-ойдин айта олишмасди. Бўлаётган гап-сўзларга аралашмай, даврадан икки қадам нарида ўз-ўзича нималарнидир хаёл қилиб ўтирган озғин киши учала қаҳрамоннинг ўқитувчиси, синф раҳбари эди. Йигитчалар мактабни битириб кетган бўлишсаям, судга негадир ўқитувчиниям чақдиришган. Ўн йил мобайнода ақалли бирор марта эсга олинмаган, йўқланмаган, ҳол-аҳволи сўралмаган ўқитувчининг тўсатдан эсга олиб қолиниши унинг ўзиниям тонг қолдирган эди. Бир жиҳатдан, одам ўрнида кўришгани, ҳатто

фаҳрлантирап ҳам эди-ю, аммо хавотир ва ҳаяжони бисёр эди. Шу боис, ўқитувчи туни билан ухламай чиққан, учовлоннинг биринчи синфга боришганини, кичкина парталарда чиройли ялтироқ кўзларини ҳар ёқларга қизиқсиниш билан тикиб ўтирганларини эсламоқда эди. Бу сабий порасидаларнинг ўн йил мобайнида бундай ўқибулғайганидан улғамайгани, ўша мусаффо гўдаклигича қолавергани маъқулроқ экани боёқиш ўқитувчи кўнглининг бир четида тошдек қадалганди. Болаларнинг улғайиб бундай йўл тутишларига негадир ҳеч ким ажабланмасди. Бирор ўғри, бирор тўғри – шундай бўлиб келган, шундай давом этади, деган гаплар билан одамлар ҳамма айб-гуноҳларини ҳаётнинг зиммасига юклаб юбора қолишар, шу тариқа кўнгилларига таскин-тасалли бериб, ўз ишюмушларини тинчгина, ҳеч нима кўрмагандай давом эттираверишар эдилар. Ўқитувчи эса ҳамма айб-гуноҳ ўзидан экандай айбдорлик ҳиссини тўйганича қунишиб, пинжини қисарди. Бечорага қийин, дейишарди у ҳақда, ўн йил ўқитган, тарбиялаган болалари шу ишларни қилиб ўтиришса, улади-да! Туққан-туғдиргандар, қавму қариндошлари, қони ва қорни бирлари уялишмаса-да, негадир ўқитувчи уялиши керак эди. Ҳатто, ўқитувчига ачинишгандай қараашарди, лекин, тузукроқ разм солинса, бу асло ачиниш эмас, шунчаки кўнгилни кўтариб қўйиш учун номигагина қилинаётган дилсўхталик эди, холос. Ҳар хил қарама-қарши фикрлар қуршовида тонгни бедор оқартиргани учун ўқитувчининг юзи синиққан, лекин кўзлари чақнаб турарди. “Малимлар ҳам нонемас-да! – деб ўйларди ўғлининг ортидан келган семиз аёл. – Харж қилишдан қўрқиб, ўзини

четга олиб ўтирибди. Рангини қарасанг, кесакдай. Ўзи бу калтакесакни ким чақирди экан, нимаям қилиб берарди у бизга? Бирор гапини бир чақага олмаса, қишлоқда биргадчалик, ҳисобчичалик обрўси бўлмаса — судда нима каромат кўрсатарди? Чўнтағида уч-тўрт танга пули бўлгандаям баҳарнав эди. Хотини Аҳмад девонанинг уйига ёф сўраб чиқипти — ўл қўй-да бу кунингдан!”

— Малим, чойга келинг, — манзират қилди эр-каклардан бири.

Ўқитувчи бош чайқади.

— Раҳмат, чой ичгим йўқ.

Бошқаси унинг кўнглини кўтаргандай бўлди:

— Кўп куйинаверманг, малим, бош омон бўлса, дўппи топилади.

Ўқитувчи сўзлаган кишига ҳайрон боқди. У парво қилмай, давом этди:

— Ахир, сиз ҳам бунақа ишларни қилинглар, деб ўргатганингиз йўқ-ку?

— Пешона-да, пешона! — қариндошлардан бошқа бирори сўзни илиб кетди.

— Пешонасида бўлмаса, минг йил ўқитсангиз ҳам бир пул.

— Балли.

— Бўладигани мактаб кўрмай ҳам бўлиб кетаверади.

— Тўнпа-тўғри.

Бу гап-сўзларни ўқитувчи ичидаги зил кетиб эшитсада, эшитмасликка олиб ўтирди.

Учовининг иши соат иккиларда кўрилиши керак эди. Унгача суд жанжал кўтариб, булар меники эмас, деб болаларини сўймоқчи бўлган маст-аласт эрининг бошига ўқлов билан тушириб ўлдириб қўйган аёлнинг ишини кўриб чиқди. Эрининг бошқа бир шаҳарда

яшайдиган укаси даъвогар бўлиб чиққан, тўғрироғи, унда укалик шаъни, ор-номуси деганлари дай, бир нарсалар бош кўтариб қолган, тифиз изқуварлик ва хунталабликка тушиб, қотил аёлнинг қонунга биноли жазоланишини сўради. Марҳумнинг ота-онаси бўлса, аксинча, бу муштипар қамалиб кетса тўрт боласига ким қарайди, бўлар иш бўлди – бўёғи сингди, худонинг олдida гуноҳкор бўлишдан қўрқайлик деб, келиннинг тарафини олишарди. Улар, кейинги пайтларда ўғилларининг кўп ичганини, қанақадир восвосга йўлиққанини, учраганга дўқ-пўписа қилганини, ўқлов бошига вақти-соатида тушиб қолмаганида невараларига ҳам зиён-заҳмат етиши мумкинлигини, буни кенжатой тушунмаётганлигини очиқдан-очиқ тан олиб айтишарди. “Э, сизларда фурур-номус борми? – дея чиранарди кенжатой. – Қандайдир бир аёл фарзандларингизни ўлдириб юборса-ю, унинг тарафини олиб ўтирасаларингиз; ўзи қанақа одамсизлар?” – кўзларининг пахтасини чиқаарди кенжатой. Чол-кампир aka-ука ўғиллари га қараганда қотил келинларидан кўпроқ меҳр, садоқат кўришгани учун ён беришмас, ҳамма фуруринг, ор-номусинг, виждонинг ўзингга сийлов, дея кенжатойга очиқдан-очиқ аччиқ айтишарди. Бунақа ишга энди дуч келишгани учун судъялар ва маслаҳатчиларнинг мияси обдан қотиб, қайта кўриб чиқишига қарор қилишган, жуда бўлмаса вилоят судига оширишни келишиб қўйишганди. Қора курсидаги ўттиз беш-қирқ ёшлардаги озфингина, бошига оқ рўймол ўраб олган, кўзлари йифидан шишиб кетган аёлга рухсат беришганда, у кетмай ўтираверди.

– Сиз бораверинг, – деди суд раиси уни рухсат берилганини англамади деган хаёлда.

Шойим БҮТАЕВ

Аёл рўмолининг барини бармоқлари учida ўйнаб ўтираверди. Раис овозини баландлатди:

— Бораверинг!

Аёл базур сас чиқарди:

— Йў-ўқ...

— Ие, нега?

— Мени қаманглар.

— Нима учун?

— Гуноҳкорман. Гуноҳим кўп.

— Ана-а! — кенжатойнинг кўзлари шодликдан чарақлади.

Чол-кампирнинг кўзлари баб-баравар ёшланди.

— Ундаи дема, қизим, — чол зўрга овоз чиқазди.

— Қамасаларинг қаманглар, — деди овозини баландлатиб келин. — Қайнимнинг кўнгиллари тўлсин.

Хамма ҳайрон эди.

— Бирорданмас, акаларидан орттирганларимни қараб-боқиб олсинлар, ўқитсинлар. Мени гуноҳкор билсалар, шундай қилсинлар.

Аёл пиқиллаб йиглаб юборди. Бу ҳолат даъвогар бўлиб чиқсан қайнини анча иккилантириб, сустлаштириб қўйди. Келинни алдаб-сулдаб уйига олиб кетдилар.

Учов ўспирин қора курсида кўзларини жовдирашиб ўтиришганда, суд зали димиқиб кетган, бу ерда оғир руҳ кезар, аллақандай ислар ўтириб қолганди. Суд раисининг ўсиқ қошлари остидаги кўзлари юмилиб кетай-юмилиб кетай дер, унинг бадбуруш юзида, пешонасининг тиришиб туришида, бутун вужудида, ўтиришида, қарашида ҳориганлик, ўз ишидан зерикканлик акс этиб турарди. У ҳозир ичига кўкат солинган бир кося муздек айронни ариқ лабида симириб ётишни орзу қилмоқдайди. Учала

Ўспирииннинг қиёфаларидан, албатта, бизни кечириб юборишади, бу қилаётган ишлари худди мактаб мұаллимининг арпа дүғидай гап, деган маънони уқиб олиш қийин эмасди. Ўспириналардан бири, ўша отаси қамалгани суд раисининг қип-қизил бурнига, бурни ғидаги қора пашша ёпишгандай беүхшов холига оғзини очганича қараб қолган, мана шу тепакал одам бир оғиз сўзи билан отасини шунчалик балоларга тирифтор эттанига ишонгиси келмаётгандек эди. Суд раиси ҳориганлигининг жиддий сабабларидан яна бири шунда эдики, у бугун уйидан норози кайфиятда чиққан, хотини эрта саҳардан фалва-фишавасини бошлаб юборган, яъни менга тузук эътибор бермайсиз, қарамайсиз, одам ўрнида кўрмайсиз, деб, кўзининг сийдигини оқизганди. Нафсила мрини лйтганда, бу кўз ёшларга эътибор бермаса ҳам бўларди, нега деганда, бу турмуш қуришганидан бўён пігъянага айланиб қолган одатий ҳол эди. Лекин суд раиси негадир шу бугун эътибор берган, э, ўзи сенга нима керак, дея бақирган, нима кераклигини ўзиям аниқ-таниқ билмаган хотин аввал оғзини очганича ҳайратда қолган, кейинчуввос солиб шу қадар пойинтар-сойинтар гапларни қалаштириб ташлагандики, уларга қулоқ солинадиган бўлса, суд раисининг ўзиниям суд қилиб, кесиб юборилиши лозим эди. Унинг боши лўқиллаб оғрий бошлади. “Давлением кўтариляпти, — деб ўйлади у хафа бўлиб, — ишлаб-ишлаб, энди-и оёқни узатиб еб ётадиган вақт келганда бу аҳвол...” У қовоқларини базур кўтариб, айбланувчиларга қаради. Ичидан, ҳали ёш-ёш болалар экан, деган фикр ўтганди яна ичкарироқда аллаким уларга ҳасад қилаётганини ҳам пайқади. Кейин у, ўзининг ўн етти яшар ўғлини кўз

ұнгига келтирди-ю, норози бұлди. Мана, унинг тенгтүшлари қора курсида ўтиришипти. Фарқ борми? Бор. Ығли инжиқ. Ўзини ёш боладай тутади. Егани олдіда, емаганы ортида бұлишига қарамай, құллари нимжон, мускули йүқ, ранги заҳил. “Падарлаънат боланиям расво құлди, – ўйлади суд раиси бошини кафтлари орасига олиб қисаркан. – Бирон-бир ишни мустақил бажаришга имкон бермайды, шохи бордай бошқа болаларгаям құшмайды, ўзини катта тутади – сочи узун, ақли қысқа, деб шунга айтишса керак-да! Мана, бу йигитчалар күзларидан чақмоқ чақнаб ўтиришипти, қоринлари оч бұлсаям кучлари тұлибтошиб ётипти – ҳаётнинг нима эканлигини, унинг машаққатларини ҳозирдан билишади. Фақат, ўғирлик қилишгани чатоқ. Буларга имкон яратыб бериш керак, буларга шароит яратыб бериш керак, – лекин қани ўша имкону шароит?!” Унинг боши баттар лұқиллаб, күзларига ичкаридан олов сачраётгандек бұлди. Залда ўтирганларнинг гавдалари унга хира туман орасидагидек күриниб, айқашиб-уйқашиб кетарди.

Суд аъзолари, маслаҳатчилар ҳам делоларни варақлаб, баланд овозда ўқилаётган айбномани диққат билан эшитишаётгандек бўлиб ўтиришса-да, ўз ўй-хаёллари билан банд эдилар, инчунин, суд раисининг бугун машқи ниҳоятда пастлигининг сабабларини излашарди – нима жин урдийкин, битта-яримтасининг қалтисроқ ишини ёпди-ёпди қилиб юборганини пайқаб қолишганмиカン? Улар, ишни тутатиб, тезроқ тоза ҳаво олишга чиқиши, күча айланишни, илож топилса, бир кружкабир кружка муздек пиво ичишни исташаётганди. Шунинг учун айбномани ҳаммалари чала-ярим

шитишарди. Айбномада күрсатилишича, бу учовлон ҳозир күзларини жавдиратиб ўтиришгани билан анойилардан эмас, құллари хийла эгриликка үрганиб қолган экан. Жар-журларда юрган, ўзларига қеч ҳам тааллуқли жойи бұлмаган әчки-улоқтарни бебилиски ҳал қилиб юборишган экан. Подадан айрилиб, ўз-ўзларича аллақаёқтарга улоққан, би-рор тупканнинг тагида бир-бирига айланишиб қолган новвосчалару тана찰арга “айрилганни айиқ ер” мақолининг моҳиятини очиқ-оидин ту-шунтириб қўйишган экан. Дала-тузларда овлари юрмагач, ажал қувлагандек амакининг оғилига қадам босишган экан.

Айбномада ҳаммаси очиқ-оидин, аниқ-равшан, қўриб-билгандай ёзилган эди. Бу гаплардан огоҳ бұларкан, амаки гарчи даъвосидан кечиб (давлат кечмаган эди!) олижаноблигини намойиш қилган бўлсаям, ўша кунги воқеа, ўзининг аҳволи, хўрлиги келгани ёдига тушиб, ич-ичидан қувонгандай бўлар, қанча бафрикенглик қилмайин, энди қутулиб бўпсизлар, деб ўйларди. Учовлоннинг кесилиб кетишилари учун бошқа гуноҳлари ҳам етиб ортиши унинг виждонини тинчлантиради. Учовлон томонидан гумдон қилинган деб гумон қилинган әчки эгаси – олтмишларга бориб қолганчувак юзли, қисиқ кўз, паст бўйли уташанлик эгарчи уста негадир бесаранжом бўлиб, шошиб қолди. Ахийри, чидолмади шекилли, пайпаслаганча, залнинг исиб, димиқиб кетганига қарамай угадаси чиқиб, айрим жойларидан паҳтаси оқиб туша бошлаган чопонига ўранганча ўрнидан турди ва дабдурустдан:

- Мани әскимни бу болалар ўгирлашмаган экан,
- деб қолди нимадандир афсусланаётгандек.

Шойим БҮТАЕВ

Залда ўтирганлар гув этиб унга қараши. Эгарчи уста ниҳоятда ўнгайсизланди, ўзини йўқотиб қўйди. Ёнида ўтирганлардан кимдир унинг тирсагидан туртди.

— Рост-да! — деб хитоб қилди эгарчи уста туртган одам билан келишиб олса бу ёғи силлиқ кўчадигандек унга жовдираб қараганича.

Раиснинг боши энди санчиб-санчиб оғрий бошлади.

— Фактлар эчкингизни айбланувчилар ўғирлашганини тасдиқлайди, — деди у негадир тишларини фижирлатганча ботиний фазаб билан.

— Пакетларни билмадиму... — эгарчи уста яна ўнгайсизланиб қолди. — Лекин ман хабарини топдим, эчким Назар чўпоннинг сурувига қўшилиб кетган экан. Ҳозир Искандаркўл томонларда юрипти экан.

Унинг бу гапидан кўпчилик ўзини тутолмай пиқирлаганча кулиб юборишиган эди, эгарчи уста энди изоҳ бермаса бўлмаслигини пайқади.

— Назар чўпоннинг миниб юрган оти эгарининг корсони торс этиб ёрилибди-ю, бошқа ишлатишга ярамай қолибди. Ўзи уни бозордан сотиб олганига кўп вақт бўлмаган экан. Нима, эгар эшакка уриладиган тўқиммидики, уни бозордан сотиб олса? Ҳалиям корсони экан, ўзи бўлак бўлакларга бўлинниб кетсаям кимнинг ёқасидан тутасан? Сотиб олдингми, бўлди, бор, йўлингдан қолма — бозор шунаقا-да, — эгарчи устанинг ўзига хос сўzlари бошқаларда қандайдир қизиқиши ҳосил қилдими, залда сув қўйгандек жимлик чўкди; у фурсатдан фойдаланиб даромадни узоқдан олганча кўнглидагиларни тўкиб солишига киришиди. — Эгарсиз қолгач, Назар чўпон олдимга келиб, шундай-шундай, шунаقا бўлиб қолди,

бозордан олган эгарим кўпга бормади, ўзингиз бир эгар ясаб берсангиз, эвазига битта эчки бераман леди. Индамадим. Нимаям дейман? Бориб бозорда эгар сотган одамни топиб, ўшанинг эгаридан ол дейманми? Кўрамиз, дедим. Бориб унинг отини бичимиши чамалаб, қўймич белини қаричлаб олгунимча сабри чидамай айтган эчкисини йўғимда ҳовлимизга ташлаб кетипти, эгарни тезлаштирсинглар депти, — эгарчи уста гапларим қандай гаъсир қиляпти экан дегандек, теварак-атрофга олазарак назар ташлаб олди. — Нима, эгар дегани хотинларнинг тахта ўқлогини ясашмидики, бир ёғочни олиб тарсурс у ёқ-бу ёғини чопиб қўлига тутқазиб юбораверсанг. Эгар ясаладиган тол ёғочим бўлгани билан унинг қопламасига мол пайларини қуритиб, жун титтандек уни титиб олишим керак, унинг устидан елимланадиган елимни ҳам ўзим тайёрлашим керак, унинг устидан қопланадиган қайрафоч пўстлогини Андарваштдаги ўтинчидан сўраб олишим керак. Ундаям қолганми, йўқми, худо билади. Нима, бу қўй боқишибиди, деб Назар чўпоннинг ўзига айтмоқчи бўлиб юрувдим, хайрият, ўша бериб кетган эчкиси далада бизнинг эчкilar орасидан қочиб бориб, Назар чўпоннинг болалари боқиб юрган эчкilarга қўшилиб қопти. Назар чўпон буни кейин, сурувини Искандаркўл томонларга ҳайдаб кетганидан сўнг билиб қопти. Яхши бўпти дедим; энди эгар, эгар деб бошимни қотирмайдиган бўлди, дедим.

Шу гапларни айтиб яна қандай даъволаринг бор, дегандек эгарчи уста кўзларини пирпиратиб бир оз анграйиб турди ва сўнгра жойига ўтирди. Кутилмаган бу янгилик залдагиларга фалати таъсир қилди. Худди учовлон устидаги айбловларнинг бари

кўзбўямачиликдан иборатдек эди. Аммо эгарчи устанинг айтганлари айбланувчилар гуноҳини заррача енгиллата олмасди – гап битта эчки устида кетмаётганди.

Залда сукунат чўқди. Шу чоқ маъноли йўтал товуши эшитилди. Ўқитувчи иккиланаётгандек секингина қўл кўтарди. Суд раиси ўсик қошлиари остидаги бит кўзларини унга қаттиқ тикди. Сўз истовчининг уринган уст-боши, тирсакларининг йиртиқлиги, ориқлиги унда нафрат уйғотган бўлса, соқолининг қиришилаб олингани, кўзига кўзойнак таққани бу нафратни сал-пал юмшатди. Ҳаяжонланганидан бўлса керак, ўқитувчининг ранги оқариб кетганди. У қийшайиб, оғирлигини бир оёғидан иккинчисига ташлай-ташлай ўрнидан турди. Кўзойнаги бот-бот бурнининг устига тушиб кетаётгандиги учун уни бармогининг учи билан тузатиб қўяр, нима учун ўрнидан турганлигини, нима демоқчи бўлганлигини унутгандай аросат ичра қолганди.

– Гапиринг! – суд раиси унга беписандлик билан тикилганди, миясига мих санчилгандай бўлди, афти буришиб, ихраб юбораёзди.

– Мен нимаям дердим... – ўқитувчи сўзини шундай бошлади-ю, дарров тилини тийди. Ўқувчиларининг тўйларида, туғилган кунларида шу тарзда сўз бошларди. Ҳозир эса... собиқ ўқувчиларининг бундай жойда, қолаверса, ҳали аттестат ҳам олмай (аттестат фақат катта ўқишиларга боришадиган битта иккита болаларга берилган, қолганини кейинга суришган, аттестат дафтарчасининг камёблигини маорифдагилар пеш қилишганди) ўтиришгани уни ажаблантираётгандай бўлди. Кейин гап нимада эканлигини эслаб олмоқчи бўлгандай, бир

зум сукут сақлаб турди-да, аввал тутила-тутила, сүнгра равон сўзлай кетди. — Биз болаларни оила, мактаб ҳамкорликда тарбия қилишлари ҳақида кўп гапирамиз, — деди китоб ўқиб бераётгандай. — Бу тўғри. Бунга қўшилмай иложимиз йўқ. Аммо, боланинг уйда, мактабда кўргани жамиятга, шу жамият шароитига, муҳитига қай тариқа мос келиш-келмаслигида ҳамма гап.

Суд раиси беихтиёр ўқитувчининг сўзларига қизиқиб қолди. Талабалик йилларини эслади. Ушанда у бир гурӯҳ ҳамкурслари билан инсон ҳар қандай сиёсатдан, мафкурадан баландроқ, муҳимроқ эканлиги ҳақидаги қарашларни қизгин тарзда кўтариб чиққан, шу боис ҳукуматнинг мавжуд сиёсатига қарши деган баҳонада университетдан ҳайдалиб кетишига бир баҳя қолганди. У шунга ўхшаш гапларни ичидан қандайдир уялиб эсларди, ҳаётга тўғри келмайдиган, ёшликтининг файритабии ҳодисаларига ўчлиги туфайли рўй берган аҳмоқона ишлари деб биларди. У ўқитувчининг қиёфасида қари талабани кўрмоқда эди. Шунинг баробарида, ўз ўғлини кўз ўнгига келтириб, оила ва мактаб тарбияси жамият шароитларига ҳеч қанақа тўғри келмайди, масалан, менинг ўғлим, ўзига қўйиб берса, қорнини тўйғаза олмай сарсон бўлади (ҳолбуки, унинг ёшидагилар бир маҳаллар ин-қилобий foялар билан тўлиб-тошиб юришган!), эҳтимол жиноят ҳам қилас, деб ўйлади-ю, бирдан кўрқиб кетди. У қандай бўлмасин, қанча пул ишлатиб бўлсаям, ўғлига жамиятдан муносиб жой ҳозирлаш лозимлигини хаёл қилди. Жамиятда бундай муносиб жойлар тўлиб-тошиб ётипти, аммо анча-мунча одам яқинлашолмайди; бундай

жойларни забт этишда пул, обрў-эътибор, юқори доираларга қавму қариндошлилик, шотирлик, күёвлик муҳим аҳамиятга эга; забт этдингми, хоҳлаганингча сўриб, фажиб еб ётавер — бирор пишагингни пишт демайди. Суд раиси бу ишга зудлик билан киришиш кераклигини кўнглига тугди. Ўқитувчи томогини қирганича давом этарди:

— Болаларимиз мактабни битириб нима иш қилишларини, қаёққа боришлирини билмай қоляптилар. Икки-уч йил аввал мактабни тугатганлар ҳам беҳуда кўча чангитиб, ароқ ичиб юришипти, ўзлари билмаган ҳолда турли-туман жиноятларга қўл уришяпти. Жамият бунга йўл қўйиб бермоқда. Катта бир қишлоқда бирорта ишлаб чиқариш корхонаси, маданий маскан йўқ; бироқ ароқ, сигарет сотадиган катта-кичик дўкончалар сон-саноқсиз.

Ўқитувчи айбдорларни оқлайман, деб ўтлаб кетиб қолди, сўзлари умумий тус олди. Нима демоқчи бўлганига тушуниб бўлмай қолди. Суд раиси қўлидаги қаламнинг орти билан столни тақиллатиб, уни тўхтатмаганида, ким билсин, қайси томонларга от суради.

— Мақсаддан узоқлашманг, — деди-ю, суд раисининг ўзи бошқа нарсаларни ўйлай бошлади: хемикрания, мигрен... бош оғриқнинг қон босими кўтарилишидан бўлак турлариям кўп экан. Тирик бош оғрийди-да, дея ўзига тасалли берганди, яқинда ҳажга борган бир одамнинг топиб келган гапи эсига тушди. Ўғирлик қилишгани учун у ерда еттига занжининг бошларини узib ташлашипти, буни ҳожиларнинг кўзлари ўнгидга ижро этишипти, намуна бўлсин, дейишипти. Ўша воқеа суд расининг таниши бўлган ҳожининг кўз олдига

келди дегунча, ўхчий бошлармиш, унугининг ҳеч-кеч иложини тополмасмиш. Суд раисининг хаёли чалғиб, негадир ўзининг бошини олишаётанини тасаввур қилди, катта бир соҳа бошида турганди, бош туйқусдан танидан учиб ўша соҳга қулай бошлади, у сесканиб ўзига келди. Серрайиб қолган ўқитувчига кўзи тушиб, унинг бу ердалиги сабабини бир зум қоломай-англолмай ҳайрон бўлиб турди. Нигоҳлар учрашгач, ўқитувчи баттар каловланди. У, ўзи шитишни истамаган гапни айтиб қўйиб, ана энди ичиди пушаймон өмоқда, нима кераги бор эди, деб ўйламоқда ва қора курси томонга ўқтин-ўқтин қараб қўймоқда эди. Суд раиси, нима гап, дегандай унга бош иргади. Ўқитувчининг ранги қути учиб кетди.

— Мақсад шуки, мақсад шуки, — дея бир сўзни икки-уч қайта такрорлади, кейин томдан тараша тушгандек шундай деди: — Бу болаларнинг гуноҳларидан ўтишларингизни сўрайман. Уларнинг ўзлариям бу қилғиликни иккинчи қилмаймиз, деб ўйланиб ўтиришипти, — ўқитувчи дарс пайдидаги, ўз фикрини тасдиқлаб олмоқчи бўлиб айборларга қаради. — Шундайми, болалар?

Айборлар бошларини эгиб, худди унинг сўзлари ни эшитишмаётгандек, қилт этмай ўтиришарди.

— Шундайми, болалар? — бир хил тарзда саволини такрорлади ўқитувчи, лекин бу гал унинг овози қандайдир қалтираб чиқди.

Айбланувчилар келишиб олгандек, бошларини баб-баравар кўтаришди. Уларнинг юзлари ёришгандек бўлди. Бу оқкўнгил ўқитувчи, ўқувчилар юзинчи маротаба бўлса-да, бирон гуноҳ иш қилсалар иккинчи қилманглар, деб кечириб юбораверарди, бундай афвларнинг адоги кўринмасди.

— Айбланувчиларга савол беришга ҳаққингиз йўқ! — деди бўйинлари-ю бетига тифиз хўппоз тошганидан хўрозднинг тожидай қизарип кетган адвокат ўқитувчини тариқчалик менсимай.

Бу гапдан кейин айбланувчилар дарров бошларини тушириб, қунишиб олишди. Суд аъзолари қандайдир масхараомузлик билан тиржайиб қўйишиди. “Франсияда ўн йил мактабда ишлаган малимни судга гувоҳликка чақиришмас экан, — ўйлади ўзича суд раиси. — Томи кетади-да! — бирдан чаккалари лўққилай бошлаганди, хаёли чалғиди. — Бу аҳволда бора-бора ўзимиззиям калламиз ишламай қолади-ёв! Раҳматли бувим одам ёнгоқнинг баргини бошига қўйиб ўтиrsa оғриқни босади, дердилар”, — у бошига ёнгоқ баргларини тахлаб қўйган ҳолда суд йигилишини олиб бораётганлигини тасаввур этганди, кўнгилли чиқмади.

— Ўтилинг! — деб ўқитувчига қараганди, унинг бошидаги мошранг марғилон дўппи ёнгоқ баргидек кўриниб кетди.

Ўқитувчи иккиланана-иккиланана, бир оз хижолат тортаётгандек бўлиб ўтириди. Ўтириди-ю, кифтини қисди. Суд мажлиси узоқ чўзилмади. Барча айловлар, фактлар, оқловлар, шахсларнинг ва давлатнинг моддий-маънавий заарлари, айбланувчиларнинг биринчи марта жиноят содир этишаётгани, пушаймонлари инобатга олинди ва уларга бир йиллик муддат билан қамоқ жазоси берилди. Ҳукм эълон қилингач, наша туфайли эри қамалиб кетган, ҳали чинор остида оғзи тинмай шангиллаётган аёлнингчуввос солганча ҳушдан кетганини ҳисобга олмаганда, айтиб ўтиргулик ҳеч қанақа воқеа содир бўлгани йўқ. Бир йил нима, ўтади-кетади,

дайишарди айбланганларнинг ортидан келганлар ҳилиги ташвиш-хавотирларни буткул эсдан чи-қаришган ҳолда, ҳатто ўзларини елкаларидаги оғир юкни итқитиб қушдай енгиллашиб олгандай ҳис этишганча. Армияга ҳам бориб ўтиришмайди, бир ташвишдан қутулишади, дея бири гап бошлаганди, иккинчиси уни жаҳл билан тўхтатиб ташлади: ўзи сиз қанақа одамсиз, йигитнинг бошига нималар тушмайди, шу арзимас нарса учун армияга бормайди, деб пичинг қилишга қандай қаддингиз сифди; униси пичинг қилмагандим дели, буниси биламиз, биламиз, дея, ким билсин – нима балоларгадир ишора қилиб ўтди. Шу тариқа бўлар-бўлмас, олди-қочди, аччиқ-тизиқ сўзларни пайта-айта, бир-бирларидан узилмай, тўдалашиб қишлоққа қайтаверишди. Улардан биттагина одам узилиб қолди. Шундаям уларга эргашиб, орадаги масофани ушлаб келаверди. Тўданинг у билан иши бўлмади. Ярим йўлдагина кимдир унинг ораларида йўқлигини пайқаб қолди. Аланглаб, анча ортда келаётганини кўрди. Шу ҳолдан негадир шод бўлди. Шодлигини ичида сақломади. Бир нималар дегиси келди.

– Ё, раббилоламин, малим бир қизиқ гапларни гапиради-я! Гуноҳларидан ўтинглар, дейди-я! Э, ўқиб орттирган дипломчангдан ўргилдим! Сани гапинг билан бўлармиди? Ё заринг бўлсин, ё зўринг. Гуноҳидан ўтиш учун пул керак-да, пул! Малим тушмагур би-ир ўзини кўрсатиб қўймоқчи бўлдими, дейман-да!

Тўда эшитмади. Қизиқмади бу гапга. Бундан-да муҳимроқ, бундан-да қизиқроқ мавзуларга талашиб

Шойим БҮТАЕВ

кетаверишди. Сергакроқ бир қулоқ чала-чулпа илғади, шекилли, үқитувчини назарда тутиб:

— Ўзи қани? — дея мингирилаб, атрофига олазарак қараб олди.

У шу билан қаноатланди. Ўзининг саволиям, қайтарилимаган жавоб ҳам уни заррача қизиқтиримаганлиги аён бўлди.

Уфқ қизарди. Дала-тузларга тарқаб кетган молхоллар, эчки-улоқлар чангга ботиб қишлоққа қайтиб келишди. Бутун вужуди пайга айланиб, тарашадек қотиб кетган подачи пода ортидан устига қоп ортилган эшагини етаклаб келарди. У кун бўйи далада бекор юрмай ичини қўнғизчалар тешавериб фовак қилиб ташлашган тезакларни териб қопини тўлғазар, қайтаётганда эшакка юклаб келарди. Подачининг ҳовлисида қоп-қоп тезак уюлиб ётар, хотини мақтов эшитиш учун уни қўни-қўшниларга, қавму қариндошларига улашиш билан овора эди. Мабодо, подачи бўш қайтгудек бўлса хотинининг жанжал солиши ҳам шундан, мақтов эшитолмай қолишидан қўрқув туфайли эди. Уфқ ёқда, унданбунда тўдалашиб туришган қўргошин тусдаги булатлар узайиб, қип-қизариб кетишли. Кўк тоқида қимир этмай турган булатча ўзининг атрофи зарҳал билан бёзалганини билгандай, секин суза бошлади — булар, чиқиб келганидан бўён ҳаммага бахт-саодат, куч-кувват берганига қаттиқ ишонган қўёшнинг ётоғига бош қўяётиб кўрсатган сўнгги мўъжизалари эди.

Суддан кейин амакининг қишлоққа етиб келиши ҳам ана шу пода қайтар маҳалга тўғри келди. У, бирорвнинг ҳовлиси ёнидан ўтаётиб, пасқамгина тупроқранг эшикдан устини чанг босган тўрт-бешта

қора молнинг, уларнинг ортидан ўн беш-йигирма чоғли эчки-улоқнинг ичкари кириб кетишганини кўриб қаттиқ ичикди. “Ҳамманики балодай, ўз-ўзича униб, кўпайиб юрипти, келиб-келиб ўлат ҳам меникиларга тегади, ўғриям меникига киради...” Шу хаёл ўгри – Тошмуродга унинг нафратини баттар оширди, хўп бўлди, ажаб бўлди, деганича ўзига тасалли берди. Ҳовлисига етди. Дарвозани чуқур хўрсинганича очди. Ичкарига кирди. Худди, йўқлигимда ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборишмадимикан, дегандай ҳовли саҳнига саросар назар ташлаб чиқди. Ҳовли ўртасида, қайнотасидан қолган отқозиқ остида гужанак бўлганча қўшнининг кучуги ётарди. “Падарлаънатга бу ерда пишириб қўйибдимикан, – леб ўйлади амаки. – Жўрттага қилган. Эгаси атай бу ҳовлига чиқариб юборган, оёқости қилмоқчи бўлган”. Амаки газаблана бошлади. Кўзлари жайноқланиб, бурун керилди. Отқозиқ устида кучук эмас, барча қўни-қўшнилар, оқсоқоллар-кўксоқоллар гуж бўлиб ётишгандай туюлди. Қўлига каттакон кесак олиб гужни мўлжаллаб, чунонам зарб билан отдики, текканда кучукнинг бирон жойи албатта лат ейиши турган гап эди; кейинчалик бу дард туфайли ўлиб кетишиям эҳтимолдан холи эмасди – бундан амаки зарра фам чекмасди. Балки бу кучук тикка жаннатга тушиб, у ерда хуру филмонлар қуршовида, оқ, пушти, зангор гулзорлар орасида айшини суриб юрган со-биқ қўшнисини, отқозиқнинг ҳақиқий эгасини, бул нобакор қотилнинг қайнотасини учратиб қолган бўлар, унинг кавсар сувида ювилган оёқлари остида ўралашар, унинг ташлаб кетган моликонасида рўй беряётган воқеаларни вангиллаганча айтиб бермоқча уринар ва лекин ул жаннатий зот фоний дунёдаги

бирор нарсани – на мол-мулкни, на ҳовли-жойни, на бебурд күёвни эслолмас, фақат шу кучукни таниб, унга меҳр кўрсатар, етти биродарнинг бириси шуда, деб муқаддас каломларни такрорлаган бўларди. Бахтга қарши, кесак кучукка тегмади; отқозиқча зарб-ла урилиб, уваланганча сочилиб кетди. Кучук эринчоқлик билан ўрнидан туриб, думини қисганча жўнаб қолди.

– Ҳе! – деб қўйди амаки.

Бундай қараса, хотиниям кучукдан баттар бўлиб ўтирибди. Бу ўтиришдан гуж бўлиб ётган яхши эди. У пешайвонда, устунга суюнганча йиғлар, эри бевақт ўлган тулдай дув-дув ёш оқизмоқда эди. Атрофини паст-баланд болалари қуршаб олишганди. Нима қилишларини билишмаётгандай лаллайиб туришарди. Уч-тўрт яшар супрақоқдигина ойисининг дардини енгиллатишга астойдил жаҳд қилгандай, овозининг борича дод соларди. Амаки ҳайрон бўлди. Нима гап-сўзлигини англамади. Сўраб-суриштиришни ўзига ор билди. Болани ора қилди:

– Э, ўчир-э овозини!

Болалар аяларининг пинжига тиқилишди. Хотин бепарво бўлди. Ўз ҳолатини ўзгартирмади. Йиғлайверди. Амаки, битта арпа дўқ билан ўтакаси ёрилиб кетадиган хотинини бу аҳволда ҳеч вақт кўрмаганди, кўраман деб ўйламаганди, шунданмикан, бир зум саросималаниб турди-да, яна бақирди:

– Ўчи-ир дейма-ан!

Бу пўписа катта важоҳат билан аёлга қараб отилдими, болагами, ажрим қилиш қийин эди – ҳарҳолда, ҳар иккисигаям тегишли бўлса керак.

Лёлнинг овози эри айтганчалик батамом ўчмаса-да, пасайгани билинди; лекин у ўзини тутолмай ҳамон ҳиқиллар, елкалари силкинарди. Хотинининг нима сабабдан йиғлаётганини сўраш амакининг ёдига шундагина келди.

— Э, ўзи нима гап? — деди қандайдир ўнгай-сизланайтгандай.

— Айтмасангиз ҳам эшилдим, — аёл ҳамон кўз ёшлирини тиёлмасди. — Хабари келди, қишлоқда дув-дув гап — Тошмуродни турмага тиқиб келаётган ёксиз.

— Ие, ие! — амаки кулмоқчи бўлди, лекин лаби бир четга базўр жийирилди, холос; шуям жуда аянчли чиқди. — Мен қаматибманми?

— Сиз-да! — аёл бу сўзни жуда сокин товушда айтган эса-да, ўткир пичоқнинг учига илинтириб эрининг қулоғига тиқиб юборгандай бўлдики, бундан жароҳатланмай қолиш мумкин эмасди.

— Э, тур-э! — бақириб юборди ярадор амаки жон аччиғида нима деярини билмай. — Топган гапини-ю!

— Сизга барибир! — аёл ўзи билмаган ҳолда пичоқни янаям ичкарироқча урди. — Мен бошимни қандай кўтариб юраман?

Аёлки шундай деса! Аё, ай!

Амаки ихраб юборди. Каттароқ жиноят қилиб қўйишидан қўрқиб, қўлини силкий-силкий, сўкина-сўкина уйга кириб кетди. Кирасолиб, ўзини таппа кўрпача устига ташлади. Ҳеч нарсани ўйлашни истамади. Шундаям, хотини билан бўлган бир лаҳзалик тўқнашув уни қаттиқ толиқтирганини пайқаб ётди. Айниқса, кейинги гапи. Во-ой! Бошига қон шиддат-ла урилди. Бир-биридан кўнгилсиз, бир-биридан аянчли, хира, кир фикрлар, хотиралар

Шойим БҮТАЕВ

Ўргимчак тўридек уни ўраб олишди. Қора хаёллар исканжасида кўрпачанинг икки четидан чанглаб олди. Булардан қутулишнинг ёлғиз давоси уйқу деб билган амаки беихтиёр кўзларини юмди. Аммо у на ухлай олди, на бедор бўлиб бедор бўлолди. Қандайдир босинқи туш остида тўлғонаётгандай эди, ўзини ҳадеб у ёқ-бу ёққа ташлайверди. У бир замбил лойдан қорилган жисмида содир бўлаётган ўзгаришлардан ўзи ҳам ҳайрон эди. Шунча ёшга кириб бирор марта бунаقا ҳолатни кечирмаган эди. Касал бўлдиммикан, деб ҳатто қўрқиб ҳам кетди. Боши ёстиққа тегиши билан ухлар, олдига овқат қўйишлари билан ея бошлар, ўзининг қиласиган ишларини билар, вазифаларини бажарап – аммо бунақасини энди бошидан кечириши эди. Молекула туйқус ҳаракатга киргани сингари ҳозир тупроқ-да унинг жисмида жунбушга келиб қолганди, ишқи бор кесак бўлғанди, энди бу лой оддий лойлардан эмаслигини, пахса девордан фарқланишини кўрсатмоқда эди; бу лой ўзини ўзи одамга айлантирмоқчи бўлаётганди, изтиробдай кўринган тўлғонишлар ҳам амакининг ўзиники бўлмай, ана шу лойники эди. Шу ангиз бу лой ўзининг дастлаб эврилмоқда бўлган гўшаларига қараб кетмоққа чоғланди. Амаки лолақизғалдоқлар териб, эчки-улоқларни қувиб юрган сабийлигини кўрди: ҳаво очиқ, чароғон, би-ир хушбўй насимлар эсмиш, гулдан-гулга қўнмиш капалаклар шу қадар кўп, ранг-баранг, бундан сабий норасиданинг юраги ҳовриқиб кетиб, ёнидаги болага ҳадеб нималарнидир кўрсатмоқчи, нималарнидир тушунтиromoқчи бўларди. Бу бола акаси экан, уям ана шу гўшада жайрондай ўйнаб юрарди, шодланарди, чучмомою лолақизғалдоқлар терарди, капалаклар

құлдарди. Иккаласиям Тошмуродға шу қадар үхшаб етишардикі, күрган одамнинг күнгли беихтиёр орнікәрди.

Амакининг күз ўнгіда бирданига ҳаммаси чапасига айланиб кеттіндей бўлди. У кимдан дир ҳадеб кочарди. Ажіб гүшалар ҳам күздан ниҳон бўлганди. Ортидан бир рўдапо қувиб келарди. Унинг бошини мўлжаллаб тош отарди. Тошлар сеҳрлангандаи әдилар. Улар етиб келганида, амаки, мана энди тимом, бошимни мажақлаб ташлайди, дея ўйлай бошлаганида, қўрқувдан юраги ортга тортганча, осқларидан мадор кета бошлаганида гоҳ у ёнидан, гоҳ бу ёнидан ўтиб кетаверарди. Тошлар қулоғи остида гув-фувлаганича ён атрофидан ўтиб кетаверарди. Бу гувиллашлари азадор аёлнинг ўкиниб товуш солаётганга үхшарди. Қулоғи остида қандай дир түн-узун нолалар янгарди. Фув-фувлашлар ҳам, товуш ҳам, нолалар ҳам амакига қандай дир жуда-тим танишдай эдилар. Рўдапо бир маҳал кичрайиб, қора кўйлак кийиб олган онасига айланиб қолди. У, исега қора кийгансиз она, деб сўрамоқчи бўлармиш-у, тилига калолат келганча қотган, тили айланмас, тапиролмас эмиш. Онаси Тошмуроднинг қўлидан стаклаб олган, юпқа лаблари бир-бирига тегмай кавранар, қарғанар эди. Рўдапонинг онасига айланиб қолганидан амакининг боши осмонда эди, исега деганда, энди қўрқмай қўйган, уни ваҳимага солган тошлар ҳам, уларнинг гувиллашиям йўқ, ҳаммаси онасининг жаврашлари орасига сингиб тетган эди. Уни фақат бир нарса — онасининг олдида Тошмуроднинг пайдо бўлиб қолганлиги жаблантироқдайди. Бугун қамалганди-ку, жавоб бериб юборишдимикан, деб ўйламоқда эди. Онаси

нимадир деди. Тошмурод унинг қўлидан юлқиниб чиқиб қочди. Ҳай-ҳайлашларга, чақиришларга қарамай қочаверди. Амаки унинг ортидан қувиғетиб олмоқчи бўлармиш-у, оёқларини ҳеч қимиirlатм олмасмиш.

У нимадир демоқчи бўлиб чинқирган эди, тўсатдан уйғониб кетди. Қора терга ботганди. Бир зум қаерда ётганлигини ҳам билолмай гарангсиб турди. Сўнг эслади. “Босинқирабман” – дея фўлдираб, ўзини яна таппа ўринга ташлади, гафлат уйқусига кетди. Туш-пуш кўрмади. Уйғонганид кун ёйилиб кетганди. У кўрпача устида ўтириб, жун босган бўйни-ю энгакларини, тор пешонасини пича қашиди, бурнини кавлади, қулоғидан ниманидир олиб ташлади, чирт этказиб ёнига тупурди, шундан сўнг гўёки одам сиёқига киргандай ўрнидан турди. Ҳаммаёқ жимжит, уй эгаси кўчиб кетгандек ҳувиллаб ётарди. Хотиниям, болалариям кўринишмасди. “Падарлаънатилар шу вақтда қаерга кетишиди экан? – ўйлади у бурчакдаги тосқумfonда бетини юваркан. – Ҳали чой ҳам дамламаган кўринади”. Ўчоқ бошини, тандирхонани бир-бир қараб чиқди, ҳеч қаерда кўринишмасди. Хотини-ю болалари ўз-ўзича кетиб қоладиган борар жойи йўқ эди, шунинг учун кўнглига фулгула тушди. “Балки, тезак тергани далага чиқишигандир” – деган ўйда ҳовлининг адирга туаш бурчига қараб кетди. Бу жойни Тошмуродга кўрсатиб, тирикчилик ҳақида ваъз айтганди. Айни дамда, ҳақиқатан ҳам, ўша ваъзида таъкидлаганидек, пахса деворнинг нариги томонида тоғдан тушиб келган бир тўда лўлилар: усти-бошлари кир-чир, йиртилган, тўзиган, оёқларидаги калишларининг фақат номигина қолган, ёноқлари ич-ичига ботиб

коттан хотин-халажлар, бола-бақралар фужур-фужур қилғанларича бир-бирларига гал бермай нима-нинидир тушунтиromoқчи бўлишарди, нималар лейишаётгани ёлғиз худога-ю ўзларигагина аён иши. Жонга тегди-ку, дея ўйлади у, неча марталаб уларнинг аҳволидан воқиф бўла туриб бир қултум сувниям рано кўрмаган бу одамнинг жонига шима текканини ўзи ҳам билмасди – қайтанга, уларга қараб тасалли оларди, дунёда мана бунаقا ғадбахтлар ҳам бор, мен жаннатда яшаяпман, деб хаёл қиласди, ўзини-ӯзи тинчтарди; яна тиланчилик қилиб келишган, ўйида давом этди амаки, минг ялиниб-ёлворишмасин, барибир ҳеч ширса бермаслигимни билишади, бермайман ҳам. Хотинлари-ю болаларини кўчага ҳайдаб юборишиб, ғракклари уйда оёқни узатганча ялпайиб ётишади. Соқолларини ўстириб, кўкраккача тушириб олишнига ўлайми? Амаки шу хаёл билан ўша томонга қараётганди,чувриндилар орасидан кимнингдир кўзи унга тушиб қолди шекилли, кўпдан бўён интиқ кутаётган одамини кўргандай чинқириб юборди:

— Ана-а, вай!

Бу чинқириқ команدادай янгради. Чуфур-чугур қилиб турганлар бирдан оғизларига талқон солволгандай жимиб қолишли. Марҳамат қилишимни кутишяпти, ўзича тиржайди амаки қандайдир турурни ҳис этиб, мўмин-қобилгина бўлволиб, кўнглимни олишмоқчи, мени эритишмоқчи, аммо билишмайдики, мен эримайман, чунки мендаям орыйдиган ҳеч вақо йўқ, савлатимга қараб бунда бор, ошиб-тошиб ётипти деб ўйлашади; майли, шундай

Шойим БҮТАЕВ

ўйлашса ўйлашаверсин, буям обрў-эътибор, аммо ҳеч вақо олишолмайди.

Амакининг хаёли чалғиб кетди. Фикрини давом эттиролмади. У ўша томонга энди қадам ташламоқчи бўлганди, ола қурага ўралиб олишган ланъати дайдилар бирданчуввос солишиди ва қўйинларидан тош олиб амакининг устига дўлдай ёғдира бошлашди. Бундай бўлишини хоби хотирига келтиргмагани боис у саросималаниб, нима қиласини билмай қолди. Сўнгра файриихтиёрий равишда қўллари билан бошини пана қилганча ортига қараб қочди. Уйгача етиб олишга кўзи етмади. Яқинроқда жойлашган ўтинхонанинг эшигини шитоб-ла очиб, ўзини ичкарига урди. Пахса девор ортидагилар ундан мардлик талаб қилишарди, ўтинхонадан чиқишини сўрашарди, уни сўкишарди, жиноятчи деб аташарди, қавму қариндошини танимаган бераҳм деб маломатлар ёғдиришарди. Амаки чидаб туролмади, ўтинхона эшигидан бошини чиқариб:

— Йўқол ҳамманг, гадойлар! — деб бақирди.

Гапини тугатмаган ҳам эдики, бир неча тош фувиллаб учиб келди. У яна дарров яшириниб олди. Таппитетаклар устида уларнинг бақиришларини эшитиб ўтириди. Шу нарса аён бўлдики, улар ўз жиянини қаматган бундай одамдан нафратланишармиш, тоғлар этагида бундай одамнинг яшашига чидаб туришолмасмиш. Амакининг хаёлига негадир оқсоқол-кўксоқоллар келди. Буларни ўшалар гиж-гижлаган, йўлга солган, деган фикр миясидан ярқ этиб ўтди. Қўни-қўшниларидан ҳам гумонсиради: йўқса, бу хабарни тоғлар ортида яшовчи ялангоёқларга ким етказарди? Умуман, нега унга ҳаммаси бунчалик ёпишиб олишди? Тушунолмасди. Ўз ҳовлисида эмин-

еркин юролмаса. Ўтинхонага яшириниб, таппа-тезак ҳидлаб ўтиrsa – алам қилмайдими, ахир?

Адирда зулукдай қора от минган бир суворий пайдо бўлди. Бир-бирига мингашиб кетган қирлар орасида гоҳ кўздан йўқолиб, гоҳ пайдо бўлиб шитобла шу томонга кела бошлади. Ҳамон бақириб-чақиришаётган, ҳовлига тош отишаётган лўлилар олдига етиб келиб, отнинг жиловини тортди. Уларга нималардир деди. Тушунтиrolмади шекилли, қўлларини силкиб-силкиб гапирди, таъсир ўтказсин, деди-ёв! Улар этакларидаги тошларини ерга тўкишиди. Этакларини силкишди. Уларнинг чурвақалари амаки ўтирган ўтинхонага қараб муштчаларини дўлайтириб қўйишиди. Шундан сўнг яна келган жойлари – тоғ томон кетишиди. Бора-бора кўздан буткул фойиб бўлишди. Амаки ўтинхонадан чиқиб улгурмай, қора отлиқ суворий ҳам изига қайтиб, жўнаб қолди.

4

Назоратчи турган кўтармадаги лампа лишиллайди: гоҳ хира тортиб ўчиб қолай-ўчиб қолай дейди, гоҳ туйқус чарақлаб кетади. Унинг атрофида қор зарралари гужгон ўйнайди. Шаҳарча четидаги, ташландиқ бир ерда жойлашган бу қамоқхона режимининг қаттиқлиги, назоратчиларнинг қўрс-қўполлиги билан донг таратган, энг ашаддий жиноятчилар унинг номини эшитгандаёқ титроқقا тушишарди. Шунинг учун ҳар пучмоқда, ҳар унутилган ерда йилнинг тўрт фасли бўладиган ўзгаришларнинг ҳам фақат шу жойгагина дахли ўйқдек туюларди – совуқми, иссиқми, кечами ё кундўзми – бир-биридан қолишмайдиган азoblари

бор эдики, булар аста-секин күнгилдаги орзуларни чилпарчин қилиб, маҳв этаверарди.

Қамоқхонани устига тиканли симлар тортилган баланд деворлардан ташқари ҳеч вақо битмайдиган-унмайдиган, яккаш қизғиши тошлардангина иборат пастак төг ҳам қуршаб олғанди, дарвоза томонигина очиқ эди. Дарвозадан нарида бу ернинг манзарасига жудаям мос тушадиган кенг йўл ўтган: ёзда тупроғи тўзғиб, ёгингарчиликда тизза бўйи лой бўлгани учун, йўловчилар уни четлаброқ ўтишга ҳаракат қилишарди. Йўлдан у ёғи кенг ва чуқур жарлик. Унинг тубида кичкинагина ариқча йилт-йилт этиб, бепоён саҳродаги эмин-эркин илондек биланглаб, ўзини ҳар ёққа ташлаб юради. Илон қумликлар орасида яйраса, бу ариқча қоп-қора балчиқлар, бигиздай-бигиздай сассиқ алафлар ичидаги жилдирабгина оқади. Жарликнинг у томони баланд тепалик – айтишларича, бир маҳаллар сўғдлар қўргони бўлган экан. Кейинчалик маҳаллий хоқон ҳам шу қўргонда туриб салтанат ишини юритган, атроф-жавонибни зир титратган; вазиру вузаро, қозикалону муншийлар шунда нашъу намо сурган эканлар; шоирлар қаламларини қитирлатиб, оламгир шоҳаншоҳнинг дунё тургунча туриши ҳақида бир-бирларидан ўтказиб баландпарвоз қасидалар тўқишиган – “хоқонимиз тўлин ойдуурки, ситорадур умаролари” – эвазига ёқуту олмосларга эга бўлишган, зарбоғ тўнлар кийишган экан; мунажжимлар самога боқиб ўз пушти паноҳларининг юлдузи агадиян балқиб, унга толе келтиришини башорат қилган эканлар. Ана шу тарзда ўз устларига юлдузлар шуъласи эмас, тупроқ тўкилиб бораётганини пайқамай

қолишган экан. Уларнинг айтган барча гаплари устларига тупроқ бўлиб сочилган экан. Сочила-сошила, тўкила-тўкила уюлган тупроқдан ана шубаланд тепалик пайдо бўлган экан.

Тепалик устидан қамоқхонанинг тош ётқизилган чиннидай тоза ҳовлиси кафтдагидек аниқ кўринади. Ҳовлида баъзан битта-яримта маҳбус фивирсиб юради. Уларнинг ҳаммасиям кўкраклари ичга ботган, олкалари тутиб чиққан, бўйниларига оғир юқ осиб қўйилгандай ҳамиша бир оз энкайган кўйи қадам ташлайдилар. – Ана шу фарид ва бенаволарнинг ғурилик қилганига, одам ўлдирганига ва ҳоказо бошқа жиноятларни содир этганига ишонгиси келмайди кишининг, аслида, ҳақиқатан ҳам, уларнинг кўпчилиги оний тарздаги ҳолатлари учун умрбод жавоб беришга маҳкум бўлганлар. Борди-ю, маҳбус тепаликда бироннинг қорасини кўриб қолгудек бўлса, бот-бот ўша томонга қарайверади: чамаси, у тепаликнинг устидагини озодликнинг тимсоли деб ўйласа керак, лекин унинг тепалик томонга қараётганини, айниқса, қандайдир имо-ишоралар қилаётганини пайқашса борми, тамом, боёқиши қашқатаёқ қилиб ташлашади. Тепаликда сўғд ҳоқони эмас, ўйинқароқ бир болакай турганига, уям эчкисини боқиши ёки каламуш қувлаш, чигиртка тутиш баҳонасида бу ерга чиққанига ётибор беришмайди. Бу ўйинқароқ болакай учун маҳбуснинг нималардир демоқчи бўлиб қилаётган имо-ишораси ҳам каламуш қувлаш ёки чигиртка тутиш каби бир эрмак эканлигиниям ўйлашмайди.

Шаҳарчадаги уйларнинг ҳаммасида чироқ ўчиб қолган: зулмоний зулмат бағрида гўристон сукунати янглиф қўрқинчли руҳ кезинади, қоронги олам

жон бераётган улкан дев талvasасига тушгандек кучанади, ингранади, қандайдир номаълум товушлар чиқаради, надоматлар чекади, бутун қаҳру газаби билан пирпираб турган лампага келиб урилади.

Күттарма қамоқхона ҳовлисисининг бир четида жойлашган. Унга чиқиладиган темир нарвонча кўк рангга бўялган, пиллапояларнинг оёқ қўйиладиган қисми жигарранг. Фақат тик туришга мўлжалланган, комбайн кабинасича келадиган майдончанинг чор атрофи очиқ, ийқилиб асфаласофилинга жұна маслиги учун ҳам бу ердаги одам ҳамиша сергак бўлишга маҳкум. Ёғин-сочиндан сақлаш учунгина тепага иккита тунука қоқилган, бўйи баландроқ назоратчилар узоқдан каттакон тунука шапка кийиб олгандай кўринадилар. Бир қараганда, кўттармани лайлак уяси-ю назоратчини лайлакка ўхшатса ҳам бўлади. Чуқурроқ чоғиширилса одам боласининг нақадар шўрпешона эканлиги кўриниб қолади, шунинг учун лайлакниям, унинг уясиниям эсламаган маъқул. Кўттармада туну кун назоратчилар икки соатдан алмасиб туришади. Бугун кечқурунги навбатчилардан бири бир оз кечикиб келган, вақт зиқлиги учун бошлиқ ҳам пачакилашиб ўтирмай кейин гаплашамиз, деб қўя қолган, шунинг учун ўз жойига шоша-пиша чиқиб олганди. У қамоқхонадаги энг кекса ва ҳамма буйруқларни қулоқ қоқмай бажарадиган итоатгўй хизматчи, Тошмуроднинг отаси эди. Унинг бирор дақиқа бўлсаям кечикиб қолиши фавқулодда ҳолат саналарди, ҳар доим ярим соат олдин етиб келарди. Ўзини кўрсатиб, пича бу ёқдан-у ёқقا ўтиб юрар, битта бошлиқни икки-уч марта қўрса, икки-уч мартаям салом бераверар, зарурати бўлса-

пұлмаса иш вақтида безовта қилиб қолмасин, деб анча фурсат ҳожатхонада ўтириб чиқарди. Кейин эса ичидә дуо ўқиётгән ёинки қасамёд қилаётгандай беш-үн дақиқа күтартмага олиб чиқадиган нарвонча қаршиисидағы ғоз қотиб турарди. Соатига бот-бот қарал құяр, биринчи зинага қаңон оёқ босиши-ю ғигирма түртта зинани қанча вақтда босиб ўтишигача — ҳамма-ҳаммасининг аниқ ҳисоб-китобини олиб қўйганди. Зиналардан шошилмай чиқар, қўшиннинг байроғини қўриқлаш ўзига топширилганидан боши шоён кўкка етган аскарда бўлгани каби унинг ҳам қиёфасида бу чоқ чексиз ниқор барқ уриб турарди. Ҳозир эгаси қувганида чопиб бориб катагига кириб кетган итдай саросима ичидә күтартмага чиқиб олгани учун ўзининг ҳам қўнгли ғаш эди. Устига устак, бошлиқнинг кейин гаплашамиз, деганини эслаб, чуқур хўрсиникдан бўлак чора тополмади. Шундай бўлса-да, қўллари билан пайпаслаб, камарининг сиқиб боғланган-боғланмаганлигини, ёқаси остидаги тугмасининг қадалган-қадалмаганини ўз-ўзича ғайриихтиёрий тарзда текшириб кўргач, ўзига эшиттириб:

— Ҳаммаси жойида! — дея минғирлаб қўйди.

Лекин бу товуш ўзиники эмасдай, бир бегона унга тасалли бериш учунгина шундай сўзларни айтиётгандай туюлди ва туйқусдан уйда, жандажундаларга ўраниб, очликдан силласи қуриб бораётгани учун ўрнидан туролмаётгандай хотини эсига тушди. Масъулиятли постда туриб бунақа шахсий ўй-хаёллар миясига келгани учун ўзидан ўзи қаттиқ ранжиди.

— Ҳаммаси жойида! — дея яна бир бор такрорлагач, қўнгли ўрнига тушгандай бўлди.

Шойим БҮТАЕВ

Шамол текис ерлардаги қорларни учирма қилиб чуқурларга тиқади. Құттармадаги лампа липпиллади: гоҳ хира тортиб ўчиб қолай-ўчиб қолай дейди, гоҳ туйқус чарақлаб кетади. Унинг атрофида фужғон қор зарралари ўйнайди. У ўттис йилдан бери назоратчилик қиласы. Саккыз километр масофани күпинча яёв босиб келади. Илгарилари бир бўйноқ ити бўларди, катта йўлгача ортидан кузатиб чиқарди, энди уям йўқ. Илгарилари уларнинг қишлоғидан шаҳарчага қатнайдиган машиналар кўп бўларди, унинг ўзиям тузук маош оларди; бензин тақчиллиги боис ҳамма от-аравага, эшакка ўтган. Илгарилари ҳукумат ишида ишлайди деб унга сал-пал ҳурмат билан қарашарди, энди қари-қартангдан тортиб, мишиғини эплолмаган чурвақаларгача насиҳат қилишга ўтиб олишган. “Э, қўйинг шу ишиңгизни, эртани ўйламайсизми, эртани? Илгариги замонлар энди ўтиб кетди, ҳозир беминнат бирорнинг оғзига сув ҳам томизишмайди”. Аммо бунақа гапсузларнинг унга алоқаси йўқдек қулоги ёнидан дайдибадал шамолдай ўтиб кетаверади. Замон ўзгарса ўзгараверсин, аммо ўз вазифасини бажарishi керак-ку, ахир. У билан бирга ишлайдиганларнинг кўпчилиги бўшаб, ўзларини савдо-сотиққа уриб кетишиди.

— Э, ака, овсар эканмиз, жонимизни жабборга бериб умрни беҳуда ўтказибмиз, қамоқхонанинг бир йилда берадиганини бир ойда ҳам топиш мумкин, — деб унга мақтанчоқлик қилишади.

Бунақа гаплар унга заррача таъсир қилмайди. Аксинча қандайdir нафратини қўзғаётгандек бўлади. Ҳали ҳамманг жавоб берасан, дея минғирлайди қанақа жавобгарлик эканлигини ўзи ҳам тузук-қуруқ фаҳмламай, ҳукумат синов учун бошвоқни бирров

Бүш қўйди-да, ҳали ҳаммасини жой-жойига қўйиб, ҳаммасини йигиштириб олади, бу ўзгаришлар вақтингчалик. Шу эътиқоди туфайли у ҳамон йўл оюраси. Пул писта пўчоғичалик қадрга эга бўлмай қолганидан маошининг ҳам баракаси учиб, уч қишилик оиланинг еб-ичишига ҳам етмай қолди. Кейинги пайтларда нон-чойгаям зориқади, силласи қурийди, лекин навбатчилик вақти яқинлашавердими, ўз-ўзидан туриб кетади. Оёғи толиқади: варибир, йўлдан қолмайди. Назоратчи касбига қанчалик содиқ бўлса, ўз қишлоғига ҳам шунчалик меҳр қўйганди – ўттиз йилдирки, қамоқхона жойлашган шаҳарчада уй-жой қилиб яшашина халлига келтирмаганди. Унинг эгнидан жигарранг мундир тушганини бирор кўрмаган. Белидаги камарда ваҳимали тарзда осилиб турган тўппонча гилофи. Бу филофга у носқовоғини солиб юрарди. У қоп-қора, озгин иягини доимо қиртишлаб юрганидан юзи бир парча кўмирдай кўринадиган камгап одам эди. Сочлари аллақачон оқариб кетган, қўй кўзлари ҳамиша бир хил маънони ифодалаб турар, ҳарчанд тикилиб-уринган билан унинг нима демоқчи бўлаётганини фаҳмлаб олиш мушкул эди. Сўз одатдаги тирикчиликлар – экин-тикин, обу ҳаво ҳақида кетса, миқ этиб оғиз очмас, гўёки бундай майдада ташвишлар билан бошини оғритгиси келмаётгандай кўринарди. Суҳбат мавзуси сиёсатга бурилгудек бўлса, унинг қулфи дили очилиб кетар, юпқа лабларини чапиллатиб, пешонасини тириштирганича гап тулпорига қамчи босарди. Қайта-қайта такрорлайверганидан сийқаси чиқиб кетган гапларни муҳим янгиликни оламга ошкор қилаётгандай оғиз кўпиртириб айтишдан толиқмасди. У армияда беш йил хизмат қилган, бу

Шойим БҮТАЕВ

касбиям қандайдир яқин бўлгани учунми аскарлик қон-қонига сингиб кетгандек кўринарди. Аскарлик пайтида дунёнинг нариги бурчида, Хабаровск ўрмонларида жойлашган ҳарбий қисмда, сиёсий ўқув машгулотларида айтилганларини қулоғига қўргошиндай қуйиб олган, ҳеч ёдидан чиқармас, суҳбати шунинг теврагида кечар, ҳар кунлик ўзгаришлар билан иши йўқ, кўз олдига қалин парда тўсиб қўйилгандек эди. У гап-сўзлари теваракатрофдагиларга қандай таъсир қилаётганига, баъзи бирорларнинг масхараомуз тиржайиб туришларига, айримларнинг очиқдан-очиқ эснашларига ёинки ими-жимида ўринларидан туриб кетишларига эътибор бермасди. Бу ўша – аввалдан қайсар, яккафеъл одам! Дунё эврилиб, шўро ҳукумати умрини яшаб бўлгани ҳаммага аён кўриниб қолгани билан иши йўқ, ҳамон маслагу эътиқоди мустаҳкам, тил тугуни ечилиб, кўпириб-тошишлари авжида.

– Дунёда бизнинг армиямизга етадиган йўқда! – ер юзидағи бирортаям ҳарбий кучни яrim чақага олмайдигандек нописандлик билан сўз бошларди. – Ана-а, Американи зўр дейишади-я? Э, номаъқулнинг нонини ейишибди! Нимаси зўр? Мана, ҳозир бир гапни айтаман, сизлар биласизлару мен биламан – ўрага сичқон тушди гулдургуп; хўш десангиз, бир кун Америка армиясининг каттакони ҳаммадан яшириб келаётган, ўзларича зўрини яратиб қўйдик, деб ўйлаган қуролларини синаб кўрмоқчи бўлипти. Биласизларми, у қуроллар қаерда турган экан? – у саволига атрофдагилардан жавоб кутгандай бир-бир қараб чиқади. Ўртага жимлик чўқади. Кимдир, катта холасининг уйида, дейди. Кулги товуши эштилиди. Бошқа бирор, кеча кетмонимни қаёқقا қўйганимни эслолмай турибман-у, энди қайси аblaҳнинг қуроли қаерда

жан деб бош қотирайми, деб ўйлади. Ишни битириб яна жойига қўйиб қўярман, деган ўйда ўша кетмонни сўрамай кўтариб чиқиб ёдидан кўтарилиб кетган бошқа бироннинг қўшниси эса мочафар менга теккизиб гапиришини, деб нам торгади. Даврада яна ноқулай жимлик ҳукм суради, назоратчига кераги шу, сукунат унга қаноат бахш тади, секингина пичирлайди:

— Сув остида!

Хаёли чалғиган, ҳамон хижолатпазликдан қутуломай ўтирган бошқа бироннинг қўшниси эса тақ силкиб ўдағайлайди:

— Э, муҳраси дарз кетган кетмонни ким сув остига яширади?

Кулги кўтарилди. Назоратчи ҳам қулади. Лекин унинг кулгисида шундай катта сиёсий воқеа ҳақида гапирилаётганда қандайдир кетмон ҳақида ўйлаб ўтирипти-я, аҳмоқ, деган ачинишга ўхшаш, аслида сира-сира ачиниш бўлмаган манманлик зуҳурланиб туради. Хаёли бошқа бироннинг кетмонида бўлган қўшни баттар ўнгайсизланади, ўзини қўярга жой томолмай қолади; фикри ёди ўз кетмонида бўлган бошқа бирон аччиқланади, юрагига безовталик тушади. Муҳраси сип-силлиқ, дарз-парз тушмаган янтигина кетмон эди-ку, ҳам ўғирлаб кетиб, ҳам наф уришини қаранг?! Кўрамиз, қани кетмонни қай аҳволда олиб келаркин?

Бекиёс жанжал муҳорабаларнинг уруғи нишлай бошлайди.

— Сув остидаги қуролдан олинг-э! — кетмон тугул ўроғиям бўлмаганидан хаёли жойидаги одам чапаничасига қўл силтайди. — Ака, сиз буларга парво қилманг, сўйлайверинг, қизиқ-қизиқ гапларни айтинг, бизни кулдиринг, — унинг оғзининг таноби қочади. — Ўзи юраклар сиқилиб кетган.

Назоратчининг айтаётганларини улар ҳангома ўрнида кўришади. Унга бунинг фарқи йўқ, келган жойидан улаб кетаверади:

— Ўша каттакон сув остига тушиб қарапти...

— Ака, сув остига қандай тушади? — ҳангоматалаб одам сўраб қолади.

Назоратчи эсанкирайди, таваккалига айтиб юборади:

— Мошин билан-да, уларнинг сув остида юрадиган мошини бор, — билағонлик билан жавоб қайтарганидан қувониб, қўшиб қўяди: — Биздаям бор, уларницидан зўр!

Қишлоқда ойда-йилда бир кўриниб қоладиган автобусми, юқ машинасими, раиснинг “Виллис”ими сув остида физиллаб кетаётганин тасаввур этганидан ҳангоматалаб одам тиззаларига шапатйлади:

— Э ҳа, олиб қочинг-а, қизиқ гаплар экан деб жа-а олиб қочманг-да, ака!

Бундай иddaодан ноқулай аҳволга тушган назоратчи ноилож илжаяди. Қолганлар мудраб ўтираверишади.

Назоратчи барибир гапи чала қолишини истамайди, давом этади:

— Ўша каттакон сув остига тушиб қарасаки, ҳамма қуроллар жой-жойида турибди-ю, лекин оддий темирдан фарқи қолмапти.

— Нега? — ҳангоматалаб бу гал жиддий тортгандай бўлиб, ўсиқ қошлиари остидаги бит қўзларини назоратчига ўқдай қадаб, қочишга шайланган бирон жонзотни шаппа босмоқчидай елкаларини олдинга энкайтириб сўрайди.

— Заарарсизлантириб қўйишган-да!

— Ҳе, энасини! Ким экан ўша бирорнинг қуоролиши зарарсизлантириб қўядиган?!

Оламшумул мавзуда ваъз ўқиётган назоратчи вазиятнинг бу қадар кескин тус олганидан эсанкираб қолади, нажот ахтармоқчи бўлаётгандай теваракатрофга олазарак назар ташлайди: аммо ҳамма бояги-боягидай мудраганча ўтиришибди, фақат бир жуфт бит кўз унга таҳдидона тикилади. Назоратчининг газаби ошиб кетади, бурун катаклари керилиб, кўзлари катта-катта очилади, бўғзига ичкаридан бир куч шундай уриладики, у худди бегона товушда додлаётгандай бақириб юборади:

— Ўзимизниклиар!

Мудраб ўтирганлар ўринларидан сапчиб туриб кетишади, нима гап ўзи, қани у ўзимизниклиар, дегандай бир-бирларига эсанкираб қаращади. Таҳдидли нигоҳ эгаси оғзини ялоқдек очиб эснайди.

— Э ҳа, ака, сўйланг-э, биз билмаган гаплардан гапиринг-да.

Даврадагилар яна мудрашади. Бу ҳолат жуда қадимдан, дунё пайдо бўлгандан бери давом этиб келаётгандек эди. Нафси замрени айтганда, бу ердагилар ўзларини дунёга тенгдош-тенгқур ҳисоблашар, шу тариқа абадиятга этиб дунёни ҳам қаритиб-йўқотиб юборишга аҳд қилгандай кўринишарди. Энди бўлса, қаривиб картайиб бораётган дунёга маъюс лоқайд боққанча унинг ўзгариб қолаётганига, ўртада нимадир йўқолаётганига лолу ҳайрон эдилар; тилларида аниқ-тиниқ ифодалаб беришолмасада, улар дунё бизни аллади, деган хаёлга боришган, ҳаммалари қандайдир асабийликка, жizzакиликка, умидсизликка берилишганди. Бепарво мудроқ ҳолда эканликларида қулоқлари остида назоратчининг шанғиллаб туриши алладай эшитилар, қандайдир

ишончсиз ишонч уларни ўзлари билмаган нималардан дир умидворлик түйғуларидан маҳрум этолмаганди. Энди эса ишончлари чилпарчин бўлганидан аламларини кимдан олишни билишмас, сўз бошлар-бошламас назоратчининг ҳам дарҳол оғзига уришга ошиқишаради.

— Э, ака, қўйинг энди ўша ўрмонларда эшитган гапларингизни! — дейди тишиниям оқини кўрсатмай қўйган илгариги ҳангоматалаб. — Сўйласангиз ўзимиздан сўйланг, тушундингизми, ўзимиздан сўйланг! — Кейин назоратчининг оғиз очишини кутиб ўтирамай, ўзи жавраб кетади. — Ана-а, шунча ебичгани етмагандай раис калхознинг трактириниям, плугиниям ўзиники қилиб олинти — хусусий эмиш, буни қайси ўрмонда кўргансиз, ака?! Ота-бовасидан битта мисвок ҳам қолмаган шу қисталоқнинг ҳовлисида ҳамма техника қалашиб ётибти-ю, сиз яна ўзимизники, деб ваҳима қиласиз-а? Далаям шуники, ўша сиз айтган ўрмон ҳам шуники, боринг ўзимизники деб, унинг этагидан тутинг, йўқса ҳолингиз хароб, ака. Ўзингизни киларнинг ҳампаси бўш, бир мисқол дон топишолмайди. Булар бермайди, сўйласангиз шундан сўйланг-да, нима қиласиз осмондаги гапларни гапириб?

— Ҳа, шундан сўйланг! — бир ухлаб олишни орзу қилишаётган, аммо қоринлари сурнай чалиб турганидан кўзлари илинмаётган бошқалари уни қўллаб-қувватлашади.

Назоратчи миқ этолмай қолади. Улар эса қисди-бастига олганча ўзлари одатланган ҳаётдаги ўзгаришлар сабабини назоратчидан сўрайверишади, уни ҳамон қандайдир сирлардан боҳабар деб билишади, бундай сирларнинг ошкор этилиши баробарида ўзлари учун нажот чиқиб

қолишидан ҳамон умидвор бўлишади. Уларнинг кўпчилиги ўтган йили дон-дун, буғдой ғамлаб олишолмаган, қишида кўрадиганларини кўришган ёди. Баҳорга-ку амал-тақал етиб келишди, лекин бошлари айланиб, саросимада қолишли. Нега деганда, уларни ҳар йилгидек бирор йўқлаб, далага ишга чиқинглар, деб келмади, шунда ҳеч қераксиз ортиқча юк эканликлари алайно ошкор билиниб қолди. Шунданмикин, назоратчининг гапларидан ўларига таскин-тасалли топишга гоҳ-гоҳида уриниб кўришади-ю, аксига олиб у эски қўшигини тақрорлашни канда қилмайди; э, бор-э, дейишиб, кейин-кейин ундан буткул қўл силтаб қўя қолишида. Уташанинг кўпчилик аҳолиси хуржунни елкага ташлаб, тирикчилик куйида ҳар ёқларга жўнай бошлашди. Айниқса, илгариги ҳангоматалаб жуда жаҳонгашта чиқиб қолди, халтасига сақич борми, тўғноғич борми, заифона тароқ борми, жияк борми — майда-чуйда нарсаларни соловолиб, ойлаб йўқ бўлиб кетади. Топиб келган гапларининг ҳеч бири куракда турмайди: ҳаммаси ёлғон-яшиқ, кўпиртирилган, қўшиб-чатилган, ўзини кўрсатиш учун ўйлаб топилган ваҳимага ўхшайди. Эмишки, у кўрган баъзи жойларининг олдиди Уташан ҳалихануз жаннатга ўхшармиш, бурда нон илинжида одамлар не кўйларга тушмаётган эмиш, аёллару болалар қоп кўтариб қолишганмиш, хотин-халажлар мардикорлик йўлига ўтишганмиш. Унинг бу олдиқочди гапларини афсона ўрнида тинглаб ўтирган назоратчи сал-пал тиржайгудек бўлса, илгариги ҳангоматалабнинг фифони фалакка ўрлаб кетади.

— Ҳа-а, ака, нега иршасиз? — бош бармоғини иккала бармоғи орасига нуқиб таҳдид қиласиди. — Кўрганингиз битта йўл, бориб келишингиз битта

йўл, бошқа оғирлигингиз йўқ-да, а?! Ниманиям билардингиз? Ҳа-а, билмасангиз билиб қўйинг, энди ўша ўрмонларингиз ёниб кетган, ундоқ эди, бундоқ эди, деб бошни қотирманг энди.

Унинг айтаётганлари аслида назоратчининг ҳам бошига тушган, аммо барибир тан олгиси келмасди. Аёлининг кўча-кўйда тиланиб юришларини кўрмайтгандек эди. Дарвоза тирқишидан мўралашган болаларнинг ун-пун сўраб келган аёлни кўриб, эҳтиёткорликни ҳам унуганча ҳовлиқиб қийқиришлари унинг қулоғига етиб бормайтгандек эди, қисқаси, ўз хонадонидаги аҳволдан ўзи бехабардек эди.

— Турибди! — катталарга хабар етказишарди болалар. — Кетиб қолмабди, турибди!

Бу хабар ҳеч кимга ёқмасди.

— Кетмабдими? — деганча хотинини бундай аҳволга солиб қўйган назоратчининг гўрига орқаворотдан фиштлар қалашарди.

— Йўқ, кетмаган, — болаларга худо берарди. — Ана, ишонмасангиз ўзингиз чиқиб кўринг, қўлида халтасиям бор.

Бу ҳолдан кўпчиликнинг тоқати тоқ: малолланишар, ғазабланишлар, билиб-кўриб турсалар-да, нега кетмайди, деб бир-бирларига қаращар, аёлнинг бирон нарса илинжида тиланиб келгани уларнинг мол-мулкларига таҳдид солаётгандай, моликоналарининг кўркига путур етказаётгандай бўларди.

— Бор, чиқиб айт, бу ердан қорасини учирсин! — ғазаблари бошларига урган баъзи бир эркаклар хотинларига чунонам бақириб беришардики, одамнинг фазилат саналмаган хислатлари каллага уриб

кетса нечоқлик даҳшатли бўлиши, яхши оқибатларга олиб келмаслиги шунда аён кўринарди.

— Мен нима дейман? — аёллар ўзларини олиб қочишга уринишарди. — Барибир кетмайди, тунов куни ҳам, кеча ҳам гапирганман, яна келаверади. Миқ этмай тураверади, гап таъсир қилмайди. Халтасини қўлимга қандай тутқазиб қўйганини ҳам пайқамай қобман.

— Э, ўл!

— Отаси яқинда ойлик оладилар, ҳамма қарзларимизни биратўла қайтиб берамиз, дейди. Йифайди, сиқтайди, раҳмим келади-да, бечорага, нега ўл дейсиз?

Яхши оилалар таомилидан кундай равшанки, ору хотин қўш ҳўқиз. Катта ҳўқизнинг ғазаби қўзиганда кичигининг пилдирпис бўлганча ўчоқ бошигами, кўчагами йўргалаб қолиши қанчалик самара берса, кичик ҳўқизнинг бидиллаши барбарида каттасининг нимадир қилиши ҳам фойдалидир — акс ҳолда, қўш бир четда қолиб, омочи занглаб кетади.

— Ойлик олармиш-а, ойлик олармиш! — фўдиллаб тўнғиллаганча ўрнидан қўзғалган эр икки бармоғи орасига бош бармоғини нуқиб кўрсатарди. — Мана-а олади! Айтиб қўй, илгариги қарзлари бошимиздан садақа, бундан буён қорасини кўрмай.

Мана шунаقا саховатли сўзлардан сўнг бўш халтага бир коса-ярим коса ун солиб беришар, шундан сўнгтина назоратчининг хотини дарвоза олдини тарк этарди.

— Ўзи унимиз ҳам, нонимиз ҳам қолмовди, — саховатли эрининг саховатини янада бўрттириб кўрсатадиган аёллар ундан биратўла қутулишнинг йўллари тайвишини чекишарди. — Поччанғизнинг

тиш ковагида асраб юрганлари бор экан, шуни беріб юбордилар. Биз ҳаммасига рози, сиз яна қарзни қайтарамиз деб уриниб юрманг әгачи, поччангиз ҳам айтдилар, уларга қийин, дедилар, ўғиллари соғ-омон чиқиб келса бир гап бұлар, дедилар.

“Әгачи” буларни ўйларми? Хаёли ҳализамон постга кетадиган эрида, унинг қорнини түқлаб жүнатишда. Унинг күнглини олса, зора, у ийиса; майли, аёлим демасин, ўғлим деса, кечирса!

Игнасанчар шамол фувиллайди, чийиллайди; назоратчи турган күтартмадаги лампа липиллайди: гоҳ хира тортиб ўчиб қолай-ўчиб қолай дейди, гоҳ туйқус чарақлаб кетади. У пўстинга қаттиқроқ ўранди. Совуқ, суюк-суюгидан ўтиб кетади. Қалтқалт титрайди. Қамоқхона ҳовлисининг теварагини ўраган камералар туйнуғидан хира ёғду элас-элас кўзга ташланади. Йигирма йил бўлибдик, бу ердан бирорвинг қочганини ёхуд қочишга уринганини назоратчи эслолмайди. У ана шундай бемаъни ҳол юз бермаганини ўз хизматини қойилмақом уддалаётганидан деб билади, назарида хира ёғду кўзга ташланётган туйнуклардан юзлаб жинояткорона нигоҳлар унга қараб туришгандай, сал бўлсада фафлатда қолишини кутишаётгандай туюлади. Йўқ, у анойимас, ҳамиша сергак туради, босиб келаётган уйқуни қувишга ҳамма вақт ўзида куч топа олади! Аммо олти ойдирки, уни анави тирқишидан бошқача бир нигоҳ ҳам таъқиб этади, гўёки барча тирқишлиардан муралаётган кўзлар фақат ўша туйнук ортига жамланиб келгандай туюлади, на уйқуда, на бедорликда, на уйда, на кўчада назоратчи ундан кутулолмайди. Ҳарчанд уринса-да, фойдаси йўқ.

“Ўғлим йўқ!” – деб пичирлайди.

Аммо у нигоҳ барибир күз ўнгидан нари кетмайды.
“Үглим йўқ!” – қайта-қайта шивирлайди унинг
лаблари.

Аммо бу фақат ўзига таскин-тасалли бериш учунгина эканлигини ич-ичидан кимдир бирор шиншиб тургандай бўлади. Фарид бир аҳволда ўй суради, ўйлар суради бир фарид аҳволда. Ўз хаслидан нималар кечайтганини ҳам англолмайди, бошида кўтартмадаги лампани учирисга уринаётган шамол каби дайди еллар кезинади. Юрагининг остида кимдир уни тутиб қўяётгандек туюлади, лекин бу куч шу қадар ожиз ва нотавонки, назоратчиининг кўзларига ақалли қилдек нур беролмайди. Барибир у нигоҳ таъқибидан қутулолмайди. Ахир, тўмтоқ бармоқ узилганини ёдга солмайдими? Ганинг бир нимтасини бемалол кесиб ташлаб бўладими? Ичидаги жамики турткilarга бепарво бўлишни у қанчалик истамасин, амалда бунинг иложсизлигини шўрлик билмайди. У ўз кўникмаси стовида бориб-келаверсин, бориб-келаверсин; мамлакатлару ўрмонлардан гапирса гапираверсин; дунёда қанақа қуроллару қанча аскар борлигини билса билаверсин; погон таққан бошлиқларига қуллуқлар қилиб эгилса эгилаверсин; ўзини қандайдир муҳим ишни дўндираётгандек кўрсатса кўрсатаверсин; маҳбусларни зир титратса титратаверсин; ҳалол ишлаб оиласми боқдим, қорнимни туйгаздим, деб ўйласа ўйлайверсин – бари бир чақага арзимайди, вақти келиб шундай ёдига солиб қўйишадики, ўшанда ҳаммасидан зарурроқ нарса нималигини фаҳмлаб қолади, бутун ҳаёти барбод бўлади, пушаймонлар ейди. Хали-ҳозирча у кўтартмада – камарни белига сиқиб боғлаган, кўз очиргани қўймаётган бўронга ҳам гуё бепарводек қараб

Шойим БҮТАЕВ

туарди. Бу кўтарма назоратчининг мулки-да! У ҳатто бу жойни бировга бериб қўйишдан ҳам қизғанади. Шу боис пост алмашаётганда хўрсиниб қўяди. “Пенсага чиқсан постимни ўғлимга топшираман”, деган хаёл назоратчининг пинҳоний орзуси эди. Лекин у ўйлаганича бўлмади. Ўғли унинг ишончини оқламади, энди у кўтармада бошқа маҳбуслар қатори ўғлини ҳам қўриқлаб турибди.

Ҳар икки соатда алмасиб, назоратчи учинчи марта кўтармага чиқиб тушганида шамолнинг шиддати пасайган, совуқ забтига олган эди. Фирашира тонг отиб келмоқдайди. У бир оз энкайганча, кафтларига куҳлай-куҳлай навбатчи хонасига кириб келди. Хона иссиқина эди. Бурчакда, плитка устидаги алюмин чойнак жўмрагидан, қопқоғининг ёнларидан ўқтин-ўқтин буг пуркаб туарди. Навбатчи бепарво, ўзи билан ўзи овора, димогида ҳуштак чалганча ийифи чиқиб кетган қартани чийлаб, ўзига-ӯзи фол очиб ўтиради.

— Камандирга учрашдингизми? — деди навбатчи айни вақтда командир тугул унинг арвоҳиниям топиб бўлмаслигини билган ҳолда назоратчи томон қиё боқмай фол очища давом этаркан. У фол очаркан, ёмон қарта чиқиб қолсаям хафа бўлмас, яхшироқ қартани топиб, ана шуниси чиқиши керак эди-ю, тасодифан буниси чиқиб қолди-да, дея ўзига-ӯзи тасалли бериб, ҳуштакни баланд пардаларда давом эттиради.

Назоратчининг лаблари базур қимиirlади:

— Йў-ўқ...

— Соат сакқизда етиб келаркан, учрашаркансиз, — дея навбатчи ўгирилиб у томон қаради-ю ҳуштагини янада чўзиброқ чалиб юборди. — Э-ҳе, тарашадек қотибсиз-ку, отам, плитқага яқинроқ ўтиринг.

Назоратчи күттармадан олиб тушган милтифидан узини чиқариб, уни жойига қўйди. Кейин сиртига қўтиқ қора чарм қопланган ўриндиқ четига ўтириб, навбатчининг сири кўчган кружкага қўйиб узатган чойидан ҳўпларкан, аста-секин қалтироғи босилиб, жисму жонида ҳорғинлик туйди ва шунда чидаб бўлмас уйқу истаги ёпирилиб келди. Остида шама юқи қолган кружкани эгасига узатиб, у ўтирган жойида мудраб кетди. Эгнидаги қора фуфайкаси остидан йўл-йўл матодан тикилган қамоқхона шалвори кўриниб турган Тошмурод хонага кириб келганида у ўрнидан туришга ҳарчанд урингани билан гавдасини кўтаролмас, нега камерада эмас, навбатчи хонасида юрибди, деган уйдан ташвишланган ҳолда бу ҳақда навбатчининг узидан сўрамоқчи бўлар, аммо у кўзини лўқ қилганча назоратчига қандайдир ғалати қарааш қилиб ўтиради. Тошмуроднинг қўлида маҳбуслар камерадан ташқари чиқарилганда тақиладиган кишаннинг йўқлиги ҳақида у навбатчини огоҳлантиromoқчи бўлиб турганида, навбатчи ундан шигоҳини олиб қочиб, остида шама юқи қолган ҳалиги сири кўчган кружкага қайноқ чой қуйиб, Тошмуродга узата бошлади. Кружка устидан кўтарилиган қайноқ буғ назоратчининг юз-кўзига урилди, у маҳбусга бунаقا раҳмдиллик қилаётгани учун навбатчи ўзи жавоб бериши кераклигини, бунга ўзининг алоқаси йўқлигини, гувоҳликни ҳам бўйнига олмасликни, яхшиси, ташқарига чиқиб кетишни ўйлар, аммо танаси ўзига бўйсинмас, ўриндиққа парчинлангандек уни кўтармоқ душвор эди. Шутариқа ўзи билан олиша-олиша уйғониб кетганида ташқарига чиқиб қайтиб кираётган навбатчи:

— Оббо отам-ей, росаям босинқирадингиз-да, — деди руҳий аҳволини жайдари сўзлар билан ифодалаб. — Дам-пам солдириб юборинг-э!

Навбатчининг кейинги гапи назоратчига ёқмади, унга бегона қавм кишисига қарагандай ётсираб, хавотир аралаш нигоҳ ташлаб қўйди. Аммо навбатчи парвосиз эди.

— Камандир келди, отам, — деди у назоратчи томонга қарамай темир панжарали дераза олдига бораркан. — Энди бориб, уйда ухлайсиз.

Навбатчининг бу гапи унинг ёдига уйини, хотинини солди; ёшига номуносиб тарзда апил-тапил ўзини ўнглаб, ташқарига чиқди. Бошлиқнинг хонаси рўпарада, сиёсий ўқув машғулотлари ўтказиладиган каттакон залга туташиб кетганди. Эрталабдан икки-уч маҳбус қорларни кураб, йўлкаларни супуриб-тозалаб қўйишган, ҳали яна қиласидиган ишлари бор эканми, бу ердан кетгилари келмаганиданми, ивирсиб юришарди. Уларнинг эгниларида кўкрак чўнтағига гугурт қутисининг ярмичалик келадиган тахтача тикиб қўйилган қора фуфайка, оёқларида оғир кирза этик, бошларида қалпоқ бор эди. Тахтачага қора туш билан маҳбуснинг исм-шарифи, жиноят кодексининг қайси моддасига биноан жазога тортилганлиги, жазонинг муддати ёзиб қўйилганди. Маҳбуслар назоратчини кўришлари биланоқ ўзларини ишлаётгандек курсатиш учун дарров супуриб-сидиришга киришишди. Фақат, ёши бир жойга бориб қолган сочсоқоли оппоқ оқариб кетган маҳбусгина қоққан қозиқдек тураверди. Унинг юзида қандайдир аянчли илжайиш зуҳурланди, назоратчига худди ялтоқланаётгандек бир қиёфада қаради, бош иргаб қўйгандек бўлди.

Назоратчи уларнинг ёнидан виқор билан ўтди. Ўшикдан кираверишда, зинапоя остида калласи киттакон сарғиши қари кўпрак думи билан ер супуриб шарди. Бошлиқнинг эркатойи эди бу кўпрак, унинг оргидан қолмай эргашиб юради, хонага кириб кетганида остона пойлаб ётади. Маҳбусларнинг олдида виқор билан ўтган назоратчи кўпракка ширин гап ийтгиси келиб, энди тиржаяётган эди, бошлиқнинг ўзи кўриниб қолди. Назоратчи шошиб салом берди. Бошлиқ икки бетидан ёф томиб турган ўрта яшар бир одам бўлиб, кайфияти ҳамиша баҳор ҳавосидай ўнгариб тураг, теварак-атрофдагиларга муносабати ҳам шунга яраша эди. Ҳозир син солиб қараган киши унинг вақти чоғ эканлигига гувоҳ бўлар, бунинг сабаби, албатта бошлиқнинг нонуштада саккизта қўймоқни ширин чой билан еб олганида ва уйига кеча кечқурун маҳбусларнинг яқинларидан бири каттагина бус-бутун қўйнинг гўштини ташлаб кетганида эди. Маҳбусларнинг жиноятларини сенгиллаштириш ёки оғирлаштириш ишларига унинг дахли бўлмаса-да, қамоқхона ҳудудида уларни кўпам қийналмасликлари учун озодликда юришган яқинлари қамоқхона бошлигининг кўнглини олиб қўйишга мажбур эдилар, ҳамиша унга эланиб юришга мажбур бўлишарди. Кайфияти соз бошлиқ назоратчининг бир оз кечикиб қолганини, ўзининг кейин гаплашамиз, деганини унутиб юборган, қандайдир яхши сўз айтгиси келиб турган эди.

— Қалай, яхши ўтдими? — деди у назоратчининг саломига алик олмай.

Назоратчи қаддини тиклади.

— Худди шундай, ўртоқ начайлик!

— Совуқ бўлди-я?

— Худди шундай, ўртоқ начайлик!

Шойим БҮТАЕВ

— Уйга кетяпсизми?

— Худди шундай, ўртоқ начайлик!

Бошлиқ зинапоядан тушиб келди. Күппак сакраб туриб, тилини чиқариб унинг атрофида ялтоқланганича айлана бошлади.

— Ўфилчани кўрасизми? — бошлиқ назоратчи марҳамат кўрсатмоқчи бўлди.

Назоратчи бошлиқнинг сўзини қайтаришти одатланмаган эди, унинг ҳозирги сўроғига нимдеб жавоб қайтаришни билмагандай, мабодо йўдеса, бошлиқнинг буйругини рад этгандай бўлиб кўринишидан қўрққандай, иккиланиб елкалари шалвираб тушди.

— Қачон кўргингиз келса, айтинг, шароит яратиб берамиз, — деди бошлиқ унинг ҳолатини тушунгандай.

Назоратчининг кўzlари филтиллади.

— Хўп бўлади, ўртоқ начайлик!

Бошлиқ кўппакка қант отган эди, у илиб олди ва ўз маҳоратидан хўжайнини хурсанд қилганидан яйраб, ириллаб қўйди.

— Кетишга руҳсат этинг, ўртоқ начайлик!

— Майли боринг.

Назоратчи кетди. Бошлиқ унинг ортидан бир зум қараб қолди. Негадир бошини чайқай-чайқай, навбатчи хонасига қараб йўналди.

Оқ сочли маҳбуснинг юзида ҳамон жилваланиб турган ялтоқланиш йўқолиб, ўрнини жиддийлик, фусса эгаллади. Ўз-ўзича гўлдираб, болахонадор сўкиниб қўйди.

Назоратчи кўчага чиққанида ҳаво очилиб кетган, тоза ва мусаффо эди. Лекин совуқнинг заҳри ҳамон баланд, йўлларни ёғоч куракда қордан кураб тозалаб юришган одамлар қулоқчинларининг қулоқларини

тушириб олишган, ўқтин-ўқтин құлларини құлтиқдари орасига тиқиб иситишар, кафтларини бир-бирига ишқаб-ишқаб қўйишарди. Томларни, пўтотларни қор босиб, тарновларда шишадек узунуни сумалаклар осилиб ётар, болалар уларни қор билан мўлжаллаб уриб туширишар, шунда қарскурс синган товушлар эшитиларди. Назоратчи ҳар гал қамоқхона дарвозасидан ташқарига чиққанида генарак-атрофга гумонсираш аралаш бегонасираб кирад, эмин-эркин, ўз эрку хоҳиши билан юришган одамларга хавфсираб назар ташлар, уларният ўзи қўриқлайдиган камераларда ўтиришганини тасавнур этгачгина, кўнгли сал тинчигандай бўларди. Гарчи ҳаммаёқда осойишталик-хотиржамлик бўлсалла, йўлда кетаётган бирон одамнинг афт-ангорига, юриш-туришига, кийган кийимиға туйқусдан узоқ тикилиб қолар, шу киши қамоқда эмасмиди, бебилиски қочиб қолмадимикан, дея ўйлай бошларди. Ҳақиқатан ҳам баъзи ҳолларда, кейинчалик ишилаб сўраб-суриштирилса, ўша одамнинг ўзи синки ака-укаси ёки уруг аймоғидан бирори қамалиб чиққан бўларди. Назоратчи бир кўрган одамининг юз қиёфасини эсда сақлаб қолгани билан қачон, қаерда, қай ҳолатда кўрганини унутиб, айқаштириб-уйқаштириб юборарди. Айтайлик, бирон-бир тўй-маъракадами, йифиндами танишган кишисини кейинчалик кўриб қолса, у қачон қайси жинояти учун қамалиб чиққанди, дея ўйлай бошлар, боши қотар; баъзи пайтларда, ҳатто сўрашдан ҳам тортинмасди. Шу боис, у ҳақда эшитиб-билганлар, уни кўриб билганлар танишишдан безор, ўзларини етти тош наридан олиб қочиб юришарди. Қамалиб чиққанлар эса у билан гаплашишмасди. Назоратчи ҳам улардан нафратланарди, аммо бу жуда кўр-кўронада, яккаш

мана шу одамларгина ёмон, ана-а, абрахликлари алайно-ошкор күриниб турибди, деган бир ёқламп фикрга асосланган нафрат эди. Бундай фикр жамият томонидан құллаб-қувватланиши, ҳайбаракалла қилиниши назоратчини баттар ҳовриқтира, бир автомат олиб ҳаммасини бир четдан қириб ташласам, деган үй үқтін-үқтін хаёлидан чақмоқ каби ўтиб қолар, мана шундай ортиқча юкларсиз аллақандай мукаммалликни тасаввур этаётгандек бұларди. Аслида бу хира тасаввур ҳам унинг үзиники бўлмай, онгига қуйилган; шу манқурт зомби онг етовида қандайдир мавҳум қадрдон нарсасини ҳимоя қилиш учун бутун борлигини беришга, унга қарши бош кўтарғанларни қириб йўқотиб юборишга, камера-ларга тиқишига, ҳар ёқларда ҳар вақт бош кўтаришга ҳозири нозир қандайдир номаълум душманлардан ўчилишга, ҳушёр туришга, қаҳрамонлик кўрсатишига тайёр эди.

У билан ҳеч ким бақамти мунозара қилишни истамасди. Шу боис үзини ҳақ деб биларди. Аммо Суннат ўғрига ўхшаганларга тўқнаш келиб қолишидан қочиб юрарди. Чунки Суннат ўғрининг гап-сўзлари қандайдир муқаддас нарсасини тортиб олишга уринаётгандек туюлиши унга ёқмасди. Унинг тасаввур этганлари, ўйлаганлари, оғзидан чиққанлари ҳаммавақт ҳақ эканлигига ҳеч шубҳа билдирилмаслиги керак. Маҳбуслар шунаقا, назоратчининг айтганларини бекаму кўст бажаришга, елиб-югуришга ҳамиша тайёр туришади. Унинг жайдари онгода шаклланган қудратли мустабидлик тимсоли на тўғри сўзни, на танқидни, на ҳақиқатни, на яратганни тан олади. Ўғлининг бир оғиз гапи учун гаплашмай қўйганининг сабаби ҳам шунда. Ахир, у ким бўптики, менга, менга-я

шұнақа дейишдан тап тортмайды, деган хаёл мұттасил равищда унда ғазаб, нафрат, күпіриб тошиш, аччиқланиш түйфуларини жұш урдиради. Мушти гурзидек қаттиқлашиб боради. Лаблари титраб қалтирайди, сұз нари турсин гинали қарашни ҳам күттаролмайды. Ичіда вайронакорлик шақыйноққа, алам олишга чексиз иштиёқ кучайиб бораётганидан ўзини құярга жой тополмай қолади. Унинг ўзича мақтаниб бошқаларга күз-күз қилиб күрсатишига уринаётган ватанпарварлық түйфулари ҳам сохталигини, оиласи, аёли, фарзандига бүлгән муносабати каби аламангизликдан иборат қанлигини хаспұшлашнинг асло иложи йүқ. Шу болис унциң алами ҳеч қачон босилмай, барчани қамоқхона ичіда күришни хоҳлади. Ўзини шунда күттармадаги игнасанчар совуқ изғириналарга минг йил бұлсаям дош бериб уларни құриқлашга, бирор жонзотнинг мустаҳкам деворларни ҳатлаб ошиб кетишига йүл құймасликка тайёр ҳис этади. Унинг рұхиятидаги бу қадар қайтмас шижаат, ҳамиша аланталанып турувчи алам, чексиз нафрат кучилиги ва қудратлилиги билан теварак-атрофға таҳдид солмоқчи бұлади ва барчани ўзидан бездиради.

Бу қамоқхоналар чепуха, Суннат ўғригина сира-ям тап тортмай унга шундай дея оларди, қамоқхоналар, сургуnlар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, аввал одамни ўйлаш керак, унинг кўнглини ўйлаш керак, буларнинг қаршисида бари чепуха. Шубҳасиз, назоратчига бунақа очиқ-оидин гаплар ёқмас, аламангизлигини баттар кучайтириб юборар, қасд олиш ҳақида ўйлай бошлар, аммо иложини тополмаганидан ўзини баттар құярга жой тополмасди. Қамоқхона тупроғини ҳар хил муддатларда уч-тўрт марта ялаб чиққан Суннат ўғри

Шойим БҮТАЕВ

қонун-қоидаларни сув қилиб ичиб юборган, оғзига келганини қўрқмай айтаверар, шу сабабдан бўлса керак, ўғри номи бўлгани билан туманда обрў-эътибори юксак эди. У билан ҳисоблашиб, айтганларини ерда қолдиришмасди. Атрофидা ёш-яланглар ҳам кўп эди. Буларнинг барчасидан нафратланадиган назоратчи, яхшиси, у билан иложи борича учрашмай қўя қолишнинг йўлини қилиб юради. Аксига олгандай, у оёқ остидан чиқиб қолаверар, назоратчига тегажоғлик қилиб ҳар хил масхараомуз гап-сўзлар қилас, баъзан унинг таърифини осмонга чиқариб мақтаб кетса, баъзан тупроққа қоришириб шаънига танқид тошлари отарди. Назоратчи эса танқид эшитишни хоҳламас, бунақа тўғри гапларни айтадиганларни ҳам кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. У боёқиши ўз табиатига кўра мақтов гадоси эди.

Қамоқхона эшигидан уч-тўрт қадам нарида уюб қўйилган қор устига кимдир йўл-йўлакай тасодифанми, атай қилибми, бир ҳовуч дон сепиб кетибди. Бир гала капитарлар ўзларини донга уришиб, гоҳ қорга ботиб кетишар, гоҳ бир-бирлари билан чўқишиб қолишарди. Назоратчи, бу жойда капитарларнинг дон талашиши қоидага тўғри келадими-йўқми, дегандай бир зум ҳардамхаёлроқ бўлиб турди. Юқоридан битта-яримта текширувчилар келиб қолишса, бу ҳолни қандай баҳолашаркин, дея ўйлади; ҳатто, бундан бошлиқни огоҳ қилиб қўйиш лозиммикан-лозиммасмикан, деб иккиланиб турганди, ичкаридан фолбин навбатчи чиқиб қолди.

— Ҳалиям шу ердамисиз? — деди у керишиб, тоза ҳавода ҳузур қилиб нафас оларкан, назоратчининг кетиши-кетмаслиги ўзини заррача қизиқтирмаслигини билдириб қўймокчи бўлгандек, давом этди. —

Роса ёғди-да аммо-лекин. Айтмоқчи, камандирга упрашингизми?

— Ҳа.

У бу жавобгаям эътибор бермай, хитоб қилди:

— Қор маза-да!

Шу маҳал унинг нигоҳи қор устида дон талашаётган капитарларга тушиб, ёш боладай қувониб кетди:

— Ие, ие, анавиларни; нима қилишяпти ўзи, дон қидиришяптими? Ризқу насибалари қор остида қолганидан қийналишяпти-да, бечоралар, — назоратчининг назарида навбатчи ўз вазифасини унубтиб қўйгандай кафтларини бир-бирига ишқайишқай капитарлар томон юраётганди, қандайдир хаёл уни тўхтатиб қолди ва ичкарига қараб қийқирди. — Жуманазар!

Темир эшик шиқирлади. Бир оздан сўнг сапсариқ озғин юзи иягига қараб ҳаддан ортиқ чўзилиб кетганидан сариқ сабзини эслатиб турган, кўмкўк кўзлари ҳаракатсиз ўттиз ёшлардаги найнов назоратчи чиқиб келди. Унинг олдинга туртиб чиқсан елкалари, туксиз қоши, тифдор бурнининг аянчли тарзда бир томонга қийшайиб туриши, гимнастёркасининг тирсаклари кирланиб кетганини ялқовлигиданми, ҳамма нарсанинг жонига тегиб улгурганиданми дарак берар, шу соҳт-сумбати билан юриб турган полиз қўриқчисига жуда ўхшаб кетарди.

— Ҳа-а, — деди у чўзиб, аввал назоратчига қараб оларкан, сўнгра навбатчи томон ўгирилиб. — Нима дейсиз?

— Буханкадан бир бурда ушатиб чиқ.

Ёш назоратчи ҳайрон бўлиб кифт қисди: у, навбатчи ҳозиргина чой ичиб ўтирувди, яна оч қоптида, деб ўйлади. Ортига қайтди. Анча ҳаяллаб бир

бурда қора жавдар нон олиб чиқди. Навбатчи унга ўқрайиб қараб, қўлидаги нонни газаб билан тортиб олди. Бу ёш назоратчига жуда малол келди, ичидা навбатчининг бирор фалокатга йўлиқишини тилади. Навбатчи нонни ушоқлай-ушоқлай каптарларга яқинроқ тоза ерга сепди.

— Ана-а, ана-а! — дерди у каптарларнинг фувфувлашиб ўзи томонга келаётганидан шодланиб. — Олинглар, ош бўлсин!

Ёш назоратчининг ҳиссиз юзига табассум дориди. Кўм-кўк кўзларида заиф нур ўйнади, лаблари ихтиёrsиз равишда бир томонга жийрилди ва паст овозда:

— Э, шундай демайсизми? — деб қўйди.

Кейин навбатчининг бирор фалокатга йўлиқиши ҳақидаги тилагидан негадир тезгина воз кечди. Назоратчи эса каптарлар устидан бошлиққа шикоят қилмагани учун фахрлангандай кета бошлади. У энди-энди машиналар қатнай бошлаган катта йўлга чиқиб олди. Шундагина ниҳоятда толиққанини, оёқларидан мадор кетганини ҳис этди. Амаллаб уйга етса тўйиб ухлашни, шунда ўзига келишини ўйлади. Ўйлади-ю, шу онда касал ётган хотини, уйида сичқонлар ҳассага таяниб юришгани, ақалли ҳалиги навбатчи каптарларга ушатиб сепган нондан ҳам йўқлиги эсига тушиб, дили хуфтонлашди. Чўнтағидаям ҳемири йўқ. Нима қилса экан? Изига қайтиб, навбатчидан нон сўрасамикан? У йўқ демайди, топиб беради. Аммо қандайдир истиҳолага бориб, бу фикридан воз кечди.

— Биз урмаймиз, сўкмаймиз, — дейишарди қамоқхона ходимлари маҳбусларни кўргани келганларга. — Ҳукумат уларга ойлик бермасаям овқат беради, паёгини кечиктирмайди — бўлди-да,

нип нима керак? Ҳа-а, балли! Ана-а, анави одам исҳқон, Э, ким билсин, деҳқон ҳам тушаркан-да, икнзоридан бир тўп кўйнори топиб олишипти, шуни бўйнига қўйиб юборишган. Азбаройи худо, утим экканим йўқ, шамол уруфини қаердандир опкелиб ташлагандир-да, дейди. Ким билсин. Ўша одамдан, қаер яхши экан, деб сўраб кўринг-чи? Индамайди, индамайди-ю, лекин ичиди бу ернинг ихшилигини тасдиқлаб туради. Ейишга нони бор, онг муҳими паёги бор. Далани кўрмайди холос, керак бўлса, баъзи-баъзида далагаям опчиқиб туримиз — яна нима керак?

Қамоқхона ходимлар маҳбусларни кўргани келгилар билан ўзларини шу тарзда жабрдийда кўрсатиб гаплашишар, сизларнинг қавму қариндошингизга, ака-укаларингизга, яқинларингизга ихши бўлишининг жабру жафосини биз тортмоқдамиз, деяётгандай бўлишади. Бунақа гап-сўзлар остида қандай иддаолар борлигини пайқашиб, кўргани келганлар ўзларини уларга иchlари ачишаётгандек, қандайдир яхшиликлар-саҳоватлар кўрсатмоқчи бўлишаётгандек кўрсатишар, имкон топишса, чўнтакларига пул солиб қўйишар, эвазига улар томонидан маҳбусликдаги яқинларига ўтиборни сотиб олишарди. Шу тариқа то маҳбус озод этилгунча улар билан яқинлашишиб, ўқтин-ўқтин уйларига меҳмондорчиликка айтиб боришар, зиёфат беришарди. Қамоқхонанинг ҳар бир ходими пинҳоний тарзда ўзига ана шунаقا соғин сигир топиб оларди. Маҳбус озод этилган заҳотиёқ бундай муносабатлар абас топар, кўчадаги итга салом беришса беришардики, уйларида бир дастурхон атрофида ўтириб зиёфат еган қамоқхона ходимига қайрилиб қарашмасди. Юз-кўзларига аянчли, шаф-

қат уйготадиган ифодалар беришга устаси фаран таъмагир муллалар икки гапнинг бирида қиёматдан олиб туришади; дунё бебақолиги ҳақида жўшиб оҳанжамали ваъзлар айтишади, бева-бечоралар, майиб-мажруҳлар томонидан қилинган назру ниёзларни ҳарислик билан чўнтакка уришади, бойвачча-ю амалдорларга пойи патак бўлиб юришади, қадам босган жойларида текин дуога тиллари айланмайди, кафтлари ёзилмайди, худонинг номини сотиб ошқозонларини тўлгазишиди. Қамоқхона ходимларининг таъмагирлиги ҳам ўшаларникуга ўхшаб кетар – фарқи, муллалар қиёмат билан қўрқитиши, булар умрлари барбод бўлаётган маҳбусларни ўртага солишарди. Аслида, булар ташқи жиҳатдан бошқа-бошқа кўринишса-да, бир-бирларидан ҳечам фарқ қилмайдиган тоифалар эди. Қамоқхона ходимлари уйидан ҳеч нарса келмаётган маҳбусларни бўлар-бўлмас ишларга буюравериб қийнашар, очиқ-ойдин айтишмаса-да, уларнинг мақсади нима эканлиги барчага маълум эди. Маҳбусларни орқа қилиб уларнинг яқинларини қанчалик юлишга, шилишга интилишса-да, афшаклар келтиришган нарсаларга тегинишга ҳайтишарди.

Афшаклар қамоқхонадаги оқибатнинг тимсоли эди. Собиқ маҳбуслардан беш-олтитаси бирикиб, ўзларини афшаклар деб аташар, байрамларда, маросимларда, дам олиш кунларида топган-тутганларини – қанд-қурс, нон-чой, папирос сингари нарсалар олиб келиб, маҳбусларга улашиб чиқишаарди. Улар бошлиқлардан рухсат сўраб, эшик олдида турган қоровул билан ади-бади айтишиб ўтиришмас, бир имо билан гүёки ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетаверар эди. Улар катта куч

ми. Уларнинг орасида савдогарлар, қассоблар, касбкорларининг тайини бўлмаса-да, оғизларининг ҳовури билан анча-мунча нарсаларни муҳайё қилиб ташлайдиган бообрӯ одамлар бор эди. Афшаклар бир-бирлариникига қатнаб гап-гаштаклар қилиб юришмас, чойхоналарда ўтиришмас, ҳаётда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, мансабдорларнинг тоғонини ялаб-юлқаб иш битириш каби кенг илдиз отган гуруҳбозликлар улар учун ёт эди. Тўймъракаларга ҳам тасодифан бориб қолишмаса, катта тўёналар кўтариб атай боришмасди. Бир-бирларининг шахсий, оиласвий ҳаётларини сўрабуришишишмас; улар учун қотилми, фариштами фарқсиз, одам бўлса бас. Маҳбуслардан хабар олиш фурсати етганда илгаридан келишиб қўшишгандек, дарров бир жойга тўпланишар ва гап-узвизиз, шунчаки томоша қилаётгандек, бозорларни, тўконларни айланиб юришарди. Уларни бозорларда, тимларда, дўйонларда, катта идораларда кўпчилик танишар, лекин бир-бирларига, ана-а афшаклар, деб айтишишмасди. Бу жамоани қўллаб-қувватловчилар бисёр эди. Лекин жамоа аъзолари ҳам, қўллаб-қувватловчилар ҳам мен ундей қилдим бундай қилдим деб, ҳеч қачон ҳеч кимга, ҳатто энг яқин одамларига ҳам айтмас эдилар. Бир оиласда отабола бир-бирларидан бехабар ҳолда уларга ёрдам кўрсатишар, кейинчалик ҳам бу ошкор этилмай қолаверарди. Бу ҳаммаси ўз-ўзича бўладиган ишлар эди. Табиий ва тартибли эди. Ҳеч ким даъват этмасди. Мажбурланмасди. Қўрқитилмасди. Афшакларнинг қамоқхонага келишларининг ўзиёқ маҳбуслар учун байрам ҳисоблаанарди. Улар ўзларига теккан нарсаларни бошқалар билан баҳам кўришар, қамоқхона ходимлариниям қуруқ қолдиришишмасди. Минг

ялиниб ёлворишгани билан назоратчигина улардан ҳеч вақо олмасди. У қамоқхонанинг ҳар бир қонун-коидасини, нарсасини муқаддас санаради. Бошқа ҳамкасларидан фарқи ҳам шунда — очдан ўлса ўлардики, таъмагирлик қилмасди. Ҳатто кийган кийимига бирорвинг қўлини теккизмас, ҳукуматнинг обрў-эътибори, шон-шавкати тўкиладигандай, унга хиёнат қиласигандай туюлаверади. Ўғли қамоқ-қа тушганидан бўён ҳар куни унга ҳамкаслари учиро қилишади:

— Начайлик, ўғилчага паловми, қовурдоқми келтирмайсизми, қачонгача текин қўриқлаб ётамиз? Баҳонада бир жирланайлик-да, нима дедингиз?

Назоратчига бунақа гаплар ёқмайди. Ҳазил та-риқасида бўлса-да, жавоб қайтармайди. Қовоғини уюб, нимадандир дову дунёси қоронфилашади. Шунда ёлғондакам унинг ёнини олишади, мақтаётгандай бўлиб ерга уришади, бебилиски масхара қилишади.

— Э, бу кишига индаманг, — дейишади. — Бу киши маладес! Нақ Лениннинг ўзини кўрганлар, тўғрими?

Украинада назоратчи шўро қўшинида оддий аскарлик хизматини ўтаб бўлгач, уйига қайтиши Москва орқали бўлган, ўшандада навбатда туриб пролетариатнинг доҳийси Ленин мақбарасига кирган, унинг маййити олдидан ўтаётганида кўнгли бўшашиб йифлаганди. Ушани назарда тутишяпти, деб ўйлади. Кўксисда қандайдир фахр-ифтихор туйгулари жўш ургандек бўлади.

— Ҳа, кўрганман, — дейди мақтанганнамо бир оҳангда. — Худди тирикдек ётипти.

— Шўронинг ҳақиқий одами шу киши бўладилар,
— дейишади энди унинг ёнини олаётгандек бўлиб.
— Олмайдилар ҳам, бермайдилар ҳам!

Булар мақташяптими-ёмонлашяптими — назорат-

чи фарқлолмайди, аммо Ленинни кўрганини бошқа-
ларга билдириб қўйгани учун ўзича мағуруланади.

Назоратчининг ёнгинасига шалоғи чиқиб кетган
кўк “Виллис” келиб тўхтади. Чўзиб-чўзиб сигнал
берди. У чўчиб тушди, теварак-атрофига олазарак
қараниб олди. Бу “Виллис”нинг ўзи учун тўхтагани-
ни хаёлига ҳам келтирмади. Йўлида давом этмоқчи
эди, хириллаган бўғиқ товуш эшитилди:

— Ҳо-ов, начайлик!

Бу таниш овоз уни сескантириб юборди. Ўгирилиб,
машина эшигини очиб ташқарига энкайиб турган
Суннат ўғрини кўрди. Унинг бошида шляпа, эгнида
чарм куртка бор эди.

— Ўтириинг. начайлик, обориб қўяй, — Суннат
ўғрининг айттаётган сўзлари томоғининг хирил-
лашлари орасидан базўр эшитилаётгандай эди.

Назоратчининг машинага чиққиси йўқ эди.

— Раҳмат, — деди ўзини олиб қочмоқ ниятида.
— Раҳматни кейин айтасиз, начайлик, — Суннат
ўғриям икки оёқни бир этикка тиқиб олди, ҳатто
жаҳл аралаш ҳукмфармолик ҳам қилди. — Ўтиран-
гиз-чи!

Назоратчи машинага чиқди.

— Уташангами? — деб сўради Суннат ўғри.
— Ҳа.
— Йўл очилганмикин?
— Билмадим.
— Очилмаган бўлса, ўзимиз очиб кетаверамиз-да!
— деди Суннат ўғри беписандлик билан.

У бунчалик тантилашиб кетганининг сабабини
назоратчи тушунолмади. Ўша томонларда бирон
иши бўлса керак-да, деб ўйлади.

— Сизни ташлайман-у, дарров қайтиб келаман,

— деди Суннат ўгри унинг кўнглидан кечганини пайқаб тургандай.

Қамоқхона жойлашган туман марказидан чиқишиди. Транспорт ўтмаган бўлса-да, шамол қорни учирив-супуриб кетгани учун Уташанинг тош йўлидан бемалол юрса бўларди. Нимадандир хавф сираб келаётгандай кўринган Суннат ўғринин чеҳраси бир оз ёришди.

— Ўзи яхши юрибсизми? — деб сўради у назоратчи томонга ўгирилиб, садафдек оппоқ тишларини кўрсатганча фалати тиржаяркан. Унинг соч-соқоли текис оқариб кетганига қарамай, қотма юзи, ихчам гавдаси, чақнаб турган қўзларининг дадил боқиши ёш йигитларникоига ўхшарди.

Назоратчи бош ирфади.

— Биз ҳам юрипмиз, — деди Суннат ўгри бояги саволни ўзи учун ҳам бергандай. — Фирма очдик. Сибирга мева-чева олиб борамиз. Ёғоч опкелиб сотамиз. У ерда менинг таниш-билишларим кўп.

Назоратчи индамади.

— Бир вақтлар ҳаммаси ётиб чиқишиган, — давом этди Суннат ўгри.

Унинг бу гапидан сўнг назоратчи ўзини ашаддий душмани билан ёнма-ён ўтиргандек ҳис этди. Ҳатто машинани тўхтаттириб, тушиб қолмоқчи ҳам бўлди. Аммо Суннат ўғрининг йўлдан кўз узмай, парвойи фалак кетиши уни бу шаштидан қайтарди.

— Замон оғир бўлди, — деди Суннат ўгри. — Худабеҳуда қамалиб ўтириш кимга ҳам ёқади дейсиз, начайлик? Раз қамалдингми, каттароқ нарсани ўмаргин-да, кейин бемалол бориб ўтиравер! Қайтиб келганингдан кейин ҳам асқотсин-да. Нима дедингиз?

Назоратчи ўзини тутиб туролмади.

— Шунча йил турмада ётиб чиқиб, яна ўша ёқقا бормоқчи бўляпсизми? — деб сўради. Суннат ўғри “ҳа, бормоқчиман”, дегудек бўлса ҳозироқ уни камрага элтиб тиқиб қўядигандек бир оҳангда.

Суннат ўғри унинг бу гапига эътибор бермаганлек кўринди.

— Нима бўпти? — деди у кулиб туриб. — Юз йил турмада ўтирсан ҳам халқ барибир мени яхши кўради. Биласизми, нега?

Назоратчи кифт қисди.

— Ана-а, билмайсиз! Чунки мен халқнинг ха-
сигаям тегинмайман, мол кўчада ётган бўлсаям қиё
боқмайман. Ҳукуматнинг нарсаси бўлса, қўлим
қичииверади, эски касалим хуружланиб қолади, то
гумдон қилмасам қўймайман.

Назоратчи сиёсий ўқув машғулотларида орттирган билими билан Суннат ўғрини тилидан тутиб олиб, мот қилмоқчи бўлди:

— Халқнинг молига тегинмайман-у ҳукуматни-
кини қўймайман дейсиз-а, — деди беписандлик
билан; мана, энди бир ўқ билан тамоман кунфаякун
қилиб ташлайман, дегандек қиёфада. — Ахир, халқ
дегани ҳукумат, ҳукумат дегани халқ-да!

Назоратчининг юзида ғолиблик нашидаси барқ
урди. Ўзиям анча вақтлардан буён бунақа сиёсий
кучли гапни айтишга имкон тополмай юрувди-да!

Суннат ўғрининг лабларида истеҳзоли табассум
ўйнади.

— Сизга ким айтди?

— Нимани?

— Шу гапни-да!

Назоратчи, ўзим айтипман, деб мақтанмоқчи ҳам
бўлди-ю, фош бўлиб қолишидан қўрқиб, очишини
тан олди:

- Камандир!
- Унга ким ўргатган?
- Камандиргами?
- Ҳа-да! Ўзи ўйлаб чиқармагандир, ахир?
- Ўзи ўйлаб чиқармаган, — тан олди назоратчи командирнинг бунақа гапларни минг йилдаям ўйлаб чиқаролмаслигини билган ҳолда. — Китобдан ўқиб ўрганган.

— Ўша китобниям кимдир ёзган бўлиши керакдир ахир, — бўш келмасди Суннат ўғри ҳам.

Назоратчи иккинчи дафъа бир сўз билан Суннат ўғрининг оғзига уриб, ўтиргизиб қўймоқчи бўлди.

— Лелин ёзган!

Суннат ўғри эшитмагандай бир қўлини рул чамбарагидан қўйвормаган ҳолда иккинчи қўли билан эшикни қия очди. Ичкарига гувиллаб совуқ ҳаво ёпирилди. Суннат ўғри чирт этказиб тупургач, эшикни ёпиб олди.

- Шунақа денг.
- Шунақа.
- Бекорларни айтишипти!
- Ким?
- Ўша лелинингиз ҳам, камандирингиз ҳам,
- Суннат ўғри бу кимсаларнинг ўзига дахли йўқлигини билдирганича сўзларкан, туйқусдан назоратчига қаради, чамаси, “сиз ҳам” демоқчи бўлди-ю, қандайдир истихолага бориб айтмади, ўзича яди, лекин ичидаям қолдирмади. — Бошқалар ҳам!

Назоратчининг тилига беихтиёр шу калима келди:

— Оғзингизга қараб гапиринг!

Суннат ўғри тиржайди.

- Барибир соддасиз-да! — деди назоратчининг кечирса бўладиган фазилатини топиб олгандек.
- Ўзингиз ҳаётни кўриб-билиб турсангиз ҳам

ШУРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

Күрмасликка оласиз. Қандай қилиб ўшанақа гаппирга ишонасиз-а, ҳайронман. Ўзи аслида ҳеч вақо қолдирмай сизни шип-шийдам тунаб кетишган, онгингизни ўғирлаб каллангизга бебилиски бўлмайтурсар нарсаларни солиб қўйишган – сиз эса ебтўймас ўша энг катта юлғич ўғри қароқчиларга хизмат қилиб юрасиз, – Суннат ўғри қандайдир афсус-надомат билан бош чайқаб қўйди.

Назоратчининг жаҳли чиқиб, унга қарши оғиз жуфтламоқчи бўлди-ю, аммо нима деб баҳслашиш мумкинлигини билмади. Бундан ташқари, Суннат ўғри туйқусдан ғазабланиб кетди, ўнг яноғи пир-пир учарди, айни дамда у билан сўз талашиш яхши оқибатларга олиб келмаслигини назоратчи яхши биларди. Жим кетаверди. Суннат ўғри ўзини ўнглаб олди шекилли, фўлдираётгандек:

– Тўғри одамсиз-да, начайлик, тўғри одамсиз! – деб қўйди, ўзича меҳрибончилик кўрсатаётгандек бўлиб. – Сизни битта йўлга солиб қўйишса ҳеч чиқмай кетаверасиз. Трамвайнин кўрганмисиз?

Назоратчи Суннат ўғри нима учун трамвайнин сўраётганининг сабабини фаҳмламади. Мақтангиси келиб қолди.

– Москвада кўрганман, – деди фаҳрланиб.

– О-ҳо! – Суннат ўғри, қойил, дегандек бош чайқади. – Москвагаям борган экансиз-да?

Назоратчи сохта камтарлик билан:

– Борганмиз, – деб қўйди.

– Борган бўлсангиз, кўрган бўлсангиз, сиз ҳам ўша трамвайнинг ўзисиз! Битта йўлдан бориб келаверасиз!

Назоратчи бундай қиёслашдан хафа бўлишни ҳам, курсанд бўлишни ҳам билмади: кейин ўйлаб туриб, мени Москвадаги трамвайга ўхшатяпти-я, ҳазилми, дея вақти хуш бўлди.

— Шунақа, — деди Суннат ўғри ўзига-ўзи та-
пираётгандек ва томдан тараша тушгандек савол
ташлади: — Айтмоқчи, сиз ўзингиз ишлаётган қа-
моқхонани ким қурганини биласизми?

— Биламан, Чүянбай Қулмонов қурган.

Суннат ўғри бу исм-шарифни тишилари орасида
ғажиб-ғажиб туфлаб ташламоқчи бўлгандай:

— Ҳа-а, Чүянбай Қулмонов, — деди ва яна:
Қандай қилиб қурган? — деб сўради.

— Қурган-да!

— Материални қаердан олган?

— Қамоқхонанинг қаршисидаги тепаликда бир
мадраса бўлган экан...

— Ҳа, уни жуда қадимий тепалик дейишади.

— Ўша мадрасани буздириб, фиштларини ташитиб
келган.

— Ана-а, холос.

— Жуда меҳнаткаш одам бўлганлар-да Чүянбай
Қулмонов. Қамоқхонани қуришга кўп заҳматлари
сингган. Кейин ўzlариям неча йиллар начайлик бў-
либ ишлаганлар. Ҳукуматга садоқатлари жуда баланд
эди. Биз ишга келганимизда ҳам у киши начайлик
эдилар. Жа-а строгий эдилар аммо-лекин. Аристон-
лар зир-зир титрашарди. Қамоқхона ҳовлисига бит-
та қуш ҳам учуб киролмасди (назоратчи беихтиёр
буғунги капитарларни эслади). Ҳар икки-уч кунда
ўzlари бизга лекция ўқирдилар. Э, бир зўр гапларни
гапирадиларки, асти қўяверасиз. Қўлларини сил-
таб-силтаб, овозларини баланд кўтариб сўзлардилар.
Кўп гаплари қулогимизга қўргошиндай қуилиб
қолган. Устозимиз эдилар-да!

— Шу устозингиз қандай ўлганини биласизми? —
деб сўради Суннат ўғри нимадандир фижинаётгандай.

Назоратчи бир қизишса сўзамол бўлиб кетар, ҳатто
равонгина ҳикоя қиласарди. Ҳозир ҳам устози ёдига
тушганиданми, ўзини унутгандай бўлди, воқеалар
тъсирига берилди:

— Биламан, биламан! — деди Суннат ўғрининг
аволига шоша-пиша калта жавоб қайтариб, сўнгра
уни шарҳлашга киришгандай. — Аммо-лекин қари-
ганди кўп азоб чекдилар. Болалари барорсиз чиқди, —
назоратчининг кўз ўнгига “лоп” этиб ўз ўғли келиб,
хурсиниб қўйди. — Хотинлари ўлгач, болалари-ю-
клинилари бирикиб уни уйдан ҳайдаб чиқаришган
жан. Ҳў-ӯв Махсумнинг чойхонаси бор-ку, ўша
срди ётиб-туриб юрганлар, чойхоначи кечаси битта
қурпача тўшаб берар, кундузи туринг энди, деб
ниғишириб оларкан.

— Махсумнинг отасиниям бир маҳаллар Чўянбай
Қулмонов қамоқхонада азоб бериб ўлдириб юборган,
гап қўшди Суннат ўғри ўзини тиёлмай.

Эл орасида шунақа миш-мислар юришини на-
зоратчи эшитганди, индамай қўя қолди.

— Махсумнинг чойхонасида уни исқирт ҳолатда,
кир-чири усти бошда исириқ тутатиб, тиланчилик
қилиб юрганини мен ҳам қўрганман, — деди Сун-
нат ўғри ошкора нафрат билан. — Ҳазорисфон,
ҳазорисфон, ҳазорисфон, дейишдан нарига ўтмасди,
тиланчиликниям ёлчитмасди; дуога қўл очолмасди,
бармоқлари туғилиб қолганди. Кексалар, бу фалончи-
нистанчи, Чўянбай Қулмонов деганлари шу, барча-
ни зир титратган, мадрасани буздириб қамоқхона
қурдирган, дейишса ишонгимиз келмасди.

Назоратчи, марҳум Чўянбай Қулмоновнинг эмас,
ўзининг устидан айнома ўқилаётгандай қўнишиб
олди.

— Кейин эшитсам, мадраса фишларидан болалари қувиб юборишган ўша ҳовлисигаям олиб келган экан.

— Рост, — беихтиёр оғзидан чиқиб кетди назоратчининг. — Ҳожатхонасининг деворига ишлатган.

Суннат ўгрининг ранги гезарип, қўлидаги рулчамбараги айланиб кетди. Машина йўлдан чиқиб, иккаласиям асфаласофилинга жўнашларига бир баҳя қолди.

— Эшак! — сўкинди Суннат ўғри тишларини фижирлатганча. Бу ҳақоратни марҳум Чўянбой Қулмоновга нисбатан айтдими, назоратчигами, йўлдан чиқиб кетаёзган машинагами, эҳтиётсизлик қилган ўзигами — номаълум эди.

Ноқулай жимлик чўқди.

— Чўянбой Қулмоновнинг қандай ўлганини айтмадингиз-ку? — дея гап бошлади Суннат ўғри бу жимликдан негадир кўнгли гашланиб.

— Ўзини осган, — деди назоратчи нохушлик билан.

— У ўзини осган, — Суннат ўғри тин олди. — Аммо ортидан Махсумниям жавобгар қилиб, қамаб юборишларига оз қолганини биласизми?

Назоратчи бу гапни эшитмаганди.

— Йўқ, — деб бош чайқади.

— Ёмоннинг тиригиям бир бало, ўлигиям бир бало, деб тўғри айтишган. Сиз афтингизни буриштирманг, устозингиз бўлсаям айтаман, унаقا абллаҳни ер юзи кўрмаган. Ўшандаям мана шунаقا қиши пайти бўлган-да. Ҳаво совиб кетган. Чўянбой Қулмонов совқотганидан эринибми, ўзи тоби қочганми, ишқилиб, кечаки ю кундуз ўрнидан турмай ётаверган. Ҳаммаёқни ис босиб кетди, туринг, остингизни супуриб қўйяй, дея ялинаётган Махсумга ҳам қулоқ солмай қўйган. Чойхоначи айтгандай,

Ҳаммаёқ сасиб, чойхўрлар қадам босмай қўйишган. Ахийри, Махсум мажбур бўлиб, уни сўккан, эргагаёқ бошқа жой топиб чиқиб кетмасангиз йигитлар билан ҳовузга элтиб ташлайман, деб қўрқитган. Шунча вақт жой бердим, қарадим, бўлди-да, қарзим бормиди, деб оғзига келганини қайтармай айтаверган. Мана шу дардисар туфайли мижозларнинг келмай қўйгани унга алам қилганди! Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, чойхоначининг гирикчилиги шу мижозлар устидан ўтганидан кейин, бошқа нима қилсин? Чўянбой Қулмонов ўзи бу пайтларда жиндаккина совуқдан ҳам эти жунжикадиган, балодан қўрққандек совуқдан қўрқадиган бўлиб қолган экан. Чойхоначининг ҳовузга ташлаймиз, дегани унинг ўтақасини ёриб юборган. Ўлимнинг осонроқ йўлини танлаган, кечаси чойхона тўсинига белига боғлаб юрадиган чилвир билан ўзини осган. Бўлган-турган гап шу. Чойхоначи эрталаб келиб қарасаки, бир пайтлар ҳаммани зир титратган, қамчисидан қон томган Чўянбой Қулмонов ўзи ётадиган каравот тепасидағи тўсинда осилиб ётибди, остига челяк қўйган экан, гавдаси чўзилиб оёфи яна каравотга тегай деб турибди. Ана-а, бўлган-турган гап шу.

Суннат ўгри жимиб қолди. Анча-мунча нарсага парво қилмайдиган назоратчининг эти сесканди. Йўлнинг икки чети шудгорланган дала. Қорини шамол учириб-ялаб кетган баъзи жойлар қорайиб кўринади. Бу оппоқ кенглик узра тўла-тўла қамғоқлар у ёқдан-бу ёқقا, бу ёқдан-у ёқقا енгил-елпи кўчиб юришади; қамғоқ ўтин бўлмас, ўйнаш хотин бўлмас, деб шунга айтишади. Уташанга икки-уч километр қолганда йўл аввал пастга энади, сўнгра

Шойим БҮТАЕВ

яна юқорилаб кетади. Чүқурликда одам бүйи қор тұдаланиб қолган эди.

— Энди бу ердан ўтолмайман, орқага қайтаман, — деди Суннат үфри машинани тұхтатиб. — Хафагарчилик бұлмайдими?

— Йүқ-йүқ, — деди назоратчи шоша-пиша машинадан тушмоқчи бўлиб.

— Шошманг, — қовоини ууб олган Суннат үфри қандайдир ўта жиддий қиёфада эди. — Сиздан бир нарсани сўрамоқчийдим.

У машинада беҳудага бу ергача олиб келмаганинг сабабини назоратчи фира-шира пайқагандай бўлди.

— Нимайди? — деди ичига аллақандай фулгула тушганидан хавотирланаётгандай бўлиб.

— Кўнглингизга келмасин тағин.

— Йў-ўқ, — назоратчининг дили негадир орзиқиб кетди.

— Биласиз, мен сизнинг ҳурматингизни ўтирган чоғимдаям жойига қўярдим; тўфри, баъзан ҳаддан ошириб юборганингиз билан сиздан ёмонлик кўрмаганман.

Назоратчи унинг муддаосини англолмаётган эди.

— Шунинг учун сиздан бир кўнгил сўрай дедим.

Назоратчи индамади.

— Ўғилчангиз қамалибдими?

Назоратчи бундай кўнгил сўрашни ҳеч кутмаганди. Ток ургандек сесканди. Оғзидан бехосдан шу гап чиқиб кетди:

— Мени унақа ўғлим йўқ!

Кейин, ўзининг қандайдир жиноятчи олдида ҳисоб бераётгандай бўлиб тургани жуда алам қилди. Машинадан саросар туша бошлади.

— Унақа деманг, унақа деманг! — такрорларди

Сұннат ўғри бу гапнинг үзи учун жудаям мұхим ақамияти бордек. – Биламан, қаҳрингиз қаттық, биламан! Аммо сиз тұғри одамсиз, үзингизни ўйламайсиз; ҳозир замон үзгәріпти, күчада қолиб кетманг тағин; тупуринг ўша қамоқхонанғизга ҳам, бошлиқтарингизга ҳам – ҳамма-ҳаммасига тупуринг, шундай құлмасанғиз ишингиз олға силжимайди.

Назоратчи құл силтади.

– Э-э!

– Чұянбой Қулмоновнинг куни бошиңгизга тушиб құлмасин тағин.

– Нима-а?

– Айтаман-да. У мадрасани бузиб, одамларга азоб бергани учун жазосини олди. Сиз-чи? Сиз оддий құриқчисиз, гуноқдан құрқинг, ўғлингизни кечириңг.

Сұннат ўғрининг гапининг давомини эшитишга назоратчининг тоқати бўлмади. Фарч-фурч қор босиб кета бошлади. Унинг товуши ортидан эшитилиб турди. Қадамини каттароқ олди. Янаям катта-катта қадамлар ташлади. Сұннат ўғрини эшитишни хоҳламаса-да, миясида “нега унақа дейди, нега унақа дейди” деган бир фикр чарх ургани урган эди.

Туйқусдан енгилгина шамол қўзғалди. Қорларни тўзғитди. Ортидан ҳамон нималардир деб бақи-раётган Сұннат ўғрининг сўzlари маъносини ил-ғаб бўлмасди. Бора-бора унинг товуши ҳам тинди. Шамол қаттиқроқ эсди, назоратчининг юзига қор зарралари игнадек санчилди. Беихтиёр ана шунақа шафқатсиз аёзда чойхона тўсинида осилиб ётган кирчир, ташландик Чұянбой Қулмонов эсига тушди. У қадамларини тезлатди – барибир қор зарралари таъқиб қиласверди, шамол ҳуштагини чалиб қулоқла-ри остига Чұянбой Қулмоновнинг сўнгги сўzlарини

айтиб-шипшиб турди – ҳазорисфон, ҳазорисфон, ҳазорисфон!..

Ҳавони исириқ иси тутиб кетгандай бўлди. У бу йўлдан қишин-ёзин яёв юравериб-юравериб, паст баландини ёд қилиб юборган. Мана ҳозир эниб тушаркан, Суннат ўрининг нима сабабдан йўлнинг бу ёғига юрмаганинг сабабини фаҳмлади: шамол қорни учирма қилиб қуий томонга тиқиб ташлаган, машина нари турсин, билиб қадам босмаса яёв одам ҳам белгача кўмиб юборадиган уюрмаларга тушиб қолиши ҳеч гапмас эди. Авваллари тонг-саҳарда уйдан чиққанда ортидан кузатиб эргашиб келадиган ити ҳам айнан шу ерда, йўлнинг Уташан томонидаги тепа қисмida бир оз акиллаб турарди-да, эгасининг эниб ўрлаб тўғри йўлга тушиб олганини кўриб, шунга ишонч ҳосил қилгач, ортига қайтиб кетарди. Мана шундай кузатишларнинг бирида садоқатли итнинг уйга қайтиб бориши насиб этмади, очиқкан бўриларга дуч келиб уларга ем бўлиб кетди. Ҳозир эса ити бир маҳаллар ортидан акиллаганча кузатиб қўядиган жойда назоратчининг нигоҳи аллақандай қорага тушиб, беихтиёр ортга тортиб кетган юрагининг гупиллаганча ура бошлагани ўзига эшитилди. Бўримикан, деб ўйлади. Чунки бунаقا пайтда назоратчидан бўлак уташанликлардан бирортаси ҳам бу ерларда юришни хаёлига келтирмас, беҳуда фойдасиз санқишлирдан кўра танча сандалига буқчайиб тиқилмоқни ёхуд етишмовчиликлар ва жидан бот-бот қўпиб қўзгаладиган жанжаллардан қочиб гаштакхона оташхонадаги тақири шолча устида носвой капалаб ётишни афзал кўришарди. Ўлмаган қул кўрар, нақлига амал қилиб ўзларини ўлимдан олиб қочиб юришгани билан фойдаси бўлмас, қиш

чилласига дош беролмаган “қуллар” бирин-кетин думалаб, “мехрибоним қайдасиз, вой-дод, арслонимдан айрилиб қолдим дод-фарёд” сингари қиммат қўпишига ўхшаган, аммо қиёмат қўпишига сира алоқасиз вақтинчалик дийдиёларга сабабчи бўлишарди. Уларнинг дунё кўриб сал-пал ақлини пешлаганлари эса, начора, пешонада бори шу экан, бир тузум тугаб иккинчисига ўтадиган мана шуна-ка бурилиш паллаларига энг баҳтсиз одамларнинг ҳаёти тўғри келиб қолади, энди бу кўргиликнинг ҳали қанча вақт давом этиши номаълум, яхшиям, қутилиб кетди, деб ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам таскин-тасалли беришарди. Шунда дийдиёлар бирлан пасайиб, дод-вой солаётганлар нафасларини ичга ютиб, жизғанак бўлганча куйинаётганлар ҳовридан тушиб, “ўлган ўлиб кетди, зап қутилди; қийин қийин кимга қийин, ўлмай қолганларга қийин”, деб қолишарди. Уташанда шу кунларда илгарилари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, ақл бовар қилмас воқеа-ҳодисалар кўпайиб бораётганини хаёлидан ўтказганча назоратчи йўл бўйида кўзга ташланаётган қоранинг ёввойи санқи жонзотларга илоқаси йўқлигини, узун илгами симгами боғланган қўлидаги қандайдир идишни силкитиб турган одам зоти эканлигини пайқади ва қадамини тезлатди. У қуийга эниб, уюрмаларга тушиб кетмаслик учун шамол қорини учирма қилганидан айрим жойлари қорайиб турган тош йўлдан пича юргач, энди ҳеч қандай хавотирсиз ҳаллослаб ҳансираганча тепалик сари ўрлай бошлади. Шунда галати ҳол юз берди: димогига исириқ ҳиди тобора кучлироқ урила бошлади. У бу ҳиднинг қаёқдан келаётганини аниқламоқ учун теварак-атрофга иланглаб қаради ва ортидан кузатиб чиқиб оч

бўриларга ем бўлиб кетган ити акиллаб турадига жойда қўлидаги идиш исириқдонни силкити турган Чўянбой Қулмоновни кўрди. Унинг эгни алмисоқдан қолганидан кир-чир босиб кетга ўша эски шинели эди. Теварак-атрофни қоплагача қор каби оппоқ оқариб кетган соч-соқоли ҳадда зиёд ўсиб, елкаларига тушган, шу боис юлдузчали погонларнинг бор-йўқлигини билиб бўлмас, салпал совуқча ҳам юраги дош бермас Чўянбой Қулмонов энди изгиринда bemalol оёқяланг, ялангбои ҳолда турарди. Назоратчининг юраги ортга тортиш кетди. Айниқса, кўзлари оний лаҳзада Чўянбой Қулмоновнинг чўғдек ёниб турган нигоҳига тўқ наш келганда ичи ағдарилиб кетгандек бўлди. Қанчалик ҳаракат қилмасин қадами унмай, кўолди қоронfilaшиб ҳушини йўқотганча ағдарилиб тушди.

У ўзига келганида димофида ҳамон исириқ исиридан кузатиб чиқиб оч бўриларга ем бўлиб кетган ити акиллаб турадиган жойда ётарди. У чап қўли билан бир ҳовуч қор чаңгаллаб олиб, юз-кўзларига ишқади, ўнг қўлига таяниб аранг ўрнидан турди. Бошининг ичидаги ҳам шамол изғиётгандек фувилларди. Навбатчининг хонасида босинқи аралаш озгина мизғиб олганини ҳисобга олмагандагуни билан мижжа қоқмай постда тургани устига Суннат ўғрининг дардисар бўлгани қўшилиб, уни қашқатаёқ қилиб ташлагандай эди. Ёдига қандайдир муҳим нарса тушиб қолди шекилли, шоша-пиша ётган жойида, оёғи остида ниманидир кўрмоқчи бўлгандай аланглай бошлади; ҳатто шамол енгилгина сийпалаб, кумуш зарраларни учирив кетаётган қор юзасидан йўқотиб қўйган нарсасини қидириб топмоқчи бўлаётгандек пайпаслаб кўра бошлади, қўлларининг совуқдан қи-

риб, ачишаётганини ҳам пайқамади. У ўзини билиб-бilmай анча вақтгача шу машғулоти билан андармон бўлди, ҳатто нима учун бундай илестгани, нимани қидираётгани ёдидан чиқиб тандек, бу ишга маҳкум мустаҳиқ этилгандек юзасини пайпасларди. У ҳолдан тоя бошлади, ҳамон исириқ ҳиди тарқ этмаган димофини ториб, совуқдан кўкариб кетган бурнини қаттиқ-тиқ ишқади ва қаддини тиклаб туйқусдан, ўзи истамаган ҳолда ўқраб юборди, шунда кўксига тош қаби қотган нимадир узилиб тушгандек бўлди, теварак-атрофнинг кимсасизлиги, бийдай шарада кумуш зарраларгина тўзғиб юргани унга қўл келди, овозининг борича ўқраб-ўқраб йиғлайверди. Куз ёшлари ажин босган юзини қоплаган тикалик соқоллари орасида қор устига тушиб кумуш зарраларга эврилганча тўзғиб кетарди. Уруш даврии фашистлар танки остига ўзини ташлаб танкниям, иниям портлатиб юборганидан қаҳрамон бўлган; ўқраги билан пулемётни тўсиб ўзини кўрсатган; ининг ичагини қирқ даража совуқда ўзи операциянилиб оёқча туриб кетган; кесиб ташланган оёғига ёғоч тақиб трактор ҳайдаган; ёнғин тушган молхонадаги молларни қутқараман деб ўзи ёниб кетган – минглаб миллионлаб фидойи қаҳрамонлар каторгаларда, сургунларда, жазирاما иссиқларда, қаҳратон совуқларда унга намуна мавжуд; шу боис, чексиз азобу уқубатлар тортгани билан бунгага дош бериб келган, иродасини тоблаган, иродасини тоблаганига шу чоққача ишониб келган қаҳри қаттиқ назоратчи энди қор устига мук тушганча ёш боладек, заифа аёлдек ўқраб-ўқраб йиғлар экан, қанчалик истаб-хоҳламасин ўзини тўхтатиб ололмас эди.

Ахийри, йиғлай-йиғлай ҳолдан тойди – йиғи

инсонни ҳолсиз қилиб қўяр эканми? Унинг ичидаги ёвуз ва қаҳри қаттиқ кучларни вақтингчалик ҳайдаб юборармикан ёки йифи? Ёки инсоннинг ўзи жуда ҳолсиз ва кучсиз, ичидаги ўша ёвуз ва қаҳри қаттиқ кучлар туфайли ҳаётнинг барча кўргиликларини енгиги үта олармикан?

Назоратчининг қадам ташлагиси келмас, йиллар давомида бориб келган йўлида одим отиш унга бегонадек, нима қиласини билмай қолганди.

У зўр-базўр, билиб-билмай, савқи табиий равишда йўлга тушди.

Кета бошлади.

Уташанга етди.

Икки четини уваланиб тушган пахса ва гувала деворлар тўсиб турган тор кўчага бурилаётганида чакана бозорда йил бўйи ийққан-терганининг пулини ўғирлатган деҳқонга тўқнаш келди. Деҳқон уни кўриб-кўрмасликка олди, салом бериб кўришмаслик учун йўлинни буриб, нари кетди.

“Суннатга айтсан топиб берарди, деҳқоннинг саломлашмасдан ўзидан юз буриб кетгани сабабини эслаган назоратчининг хаёлига чақмоқдек шу фикр урилди. — Бошқа одамнинг қўлидан келмайди, ўғрилару майда киссавурларгача — ҳаммаси ўшанга ҳисоб беришади, давлат одамлариям ундан ҳайи-қишиади”.

Шу хаёлда назоратчи ҳовлисига етиб келганида дарвоза оғзининг куралмагани, одам изининг йўқлиги уни бир оз ажаблантириди. Тунда бир-бирларига илакишиб келган итлар дарвозадан кираверишда, ўнг томондаги очиқ майдончанинг қорини босқилаб ташлашган, унда-бунда жунлари тўкилиб қолган, суроблариям тўғриланиб кетганлиги эҳтимолдан узоқ эмасди. Тамбаси ҳали олинмагандир, деган

тумонда назоратчи дарвозанинг бир табақасини сеқингина итарганди, у ўз-ўзидан очилиб кетди.

У ичкарилади.

Тамба — ёғоч ғўла устини бир қаричча қор қоплаган, четда ётарди.

Назоратчи янам ҳайрон бўлди. Кўнгли қандайдир похуш ҳодисани сезгандек, илдам-илдам одим отди.

Уйга етди.

Эшикни очаркан, туйқусдан келиб қолган, томни роса қор босипти, вақтида куралмаса, эриганда чакка ўтиб тўсинлару вассаларни чиритиб юборади, деган фикрни миясидан қўйвормай турди. Аслида, феъл-авторига кўра, арзимас туюлган бунақа ташвишлар уни кўп ҳам безовта қилмасди.

У эшикни очиб кирган жойи ошхона эди.

Ҳар доимгидек, у энг аввал қўшўқчоқقا қаради. Каттароги қозон осиш учун мўлжалланган, ёнидаги кичикроғи эса чой қайнатиладиган қумғон осиладиган қўшўчоқсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Азал-азалдан шундай бўлиб келган. Қозон остидаги олов кўпайиб кетса, косов билан олиб кичик ўчоқقا ташланади, баҳонада чой ҳам қайнайди. Уташанликлар кейинги эллик йилда аждодлардан ўтиб келган анъаналарга нописандлик билан қараб, бунақа нарсаларни унутиб юбораёзган бўлишса-да, ўчоқбошининг ҳар доим саранжом-саришта бўлиши кераклигини савқи табиий ҳис-ла пайқашади. Бошларига мушкул бир иш тушгудек бўлса, аёллар ҳали-ҳануз пилик ёқиб, ўчоқ бошига қадаб чиқишади, мўри қуруми билан темиратки, оқпес, сўгал каби терига тушган доддуғ ҳамда тошмаларни йўқотиб юбориш уларга чўт эмас. Уташан, Уташан деган билан қишлоқнинг нега бундай аталишини ҳеч ким билмайди, била-

дигандарни аллақачон ер ютиб юборган. Унинг көз ҳужжатларда кўрсатиладиган “Улуғ октябрь, инқилобининг эллик йиллиги жамоа хўжалиги” деб аталадиган узундан узоқ янги номи бирорнинг эсида турмагани учун оғизда эскиси сақланиб қолган, холос.

Ўчоқ бошида таппи-тезак, ўтин-чўплар ҳар ёққа сочилиб, тўзиб ётганини, тўнкариғлик қозоннинг устини билинар-билинмас чанг қоплаганини кўриб, назоратчининг қовоқ-тумшуғи аразчи ёш боланикiday осилиб тушди. Суви музлаб қолган челак негадир пастдаги обрез устида эмас, тўғридаги токчада туради. Ўчоққа пала-партиш олов ёқилган-у, танчага солиш учун яқингинада хокандозда олиб кетилган, кул ичидаги битта-яримта чўғлар қизаринқираб кўзга ташланганча базўр милтиллаб туради. Чап томондаги, деворнинг тусиға жудаям мос тушган тахталари раңдаланмаган дағал эшик ёпиқ эди. Кираверишда, эчкиники бўлса керак, оёқ остига ташланган, тақирлашиб, яғири чиқиб кетган пўстак устида иккита заифона калиш туради. Анавиниси, чап поининг уни тешилгани, кийилаверганидан матоси сузилиб кетгани хотинники – назоратчи уни кўравериб, кўзлари кўниккан. Ичига кигиз солинган янгироғи кимники бўлдийкин?

Назоратчининг юраги ҳаприқиб, этигиниям ечмай эшикни итарди.

Эшик фирчиллаб-фийқиллаб очилди. У тўрдаги эски-туски, увада-жувода кўрпалардан тўшалган қалин тўшакда хотинининг шипга термулганча чўзилиб ётганини кўрди. Унинг бошида қалин гуппи чопон кийган, катта ўсол рўмол ўраган, тиззасига кўрпача ёпинган жиккаккина кампир қўлларини

құксига қовуштириб, енгининг ичига тиқиб олган-ча үйнәйиб үтиради. Бу уйдаги уруш-жанжаллар, кептә түркіләнгәнлар пайтида етиб келиб, ўртага ту-шадиган, ҳамиша назоратчини қарғаб, унинг аёли тарафини олиб юрадиган кампирнинг ҳозирги ўти-риши күтилмаган ҳодиса эди. Назоратчига унинг она томондан қариндошлиги бор эди, шунинг учун күпинча, нега мени хола демайсан, тилингга тирсак чиққанми, онангни фалон-пистон уруғи әдим, дея домандыр бўлиб юради. Назоратчи, кўнгил учун бўлсин-да, хола демаган, кампир ўртага тушган ғалва-фишаваларда аччик қилгандай баттар кўпириб тошган, барча ҳаракатларида уни ёқтиргаслигини билдириб турган. Эшикнинг ги-чирлаганини эшитган кампир сесканиб бошини кўтарди. Бемор ҳам қўзғалиб қўйгандай бўлди. Аммо унга сесканишнинг-да, ўгирилишнинг-да қизифи бўлмади. Кампир эшикнинг очилганини ва назоратчининг энкайиб, рўдаподай бўлиб ки-риб келаётганини кўрди. Хотини ҳоргин нигоҳини ҳамон шипдан узмаган бўлсаям, эрининг келганини ҳис этди. Ҳар доимгидай унинг мана энди унинг уйда эканлигидан хотиржам бўлди. Омон-эсон келганидан шодланди. Аммо энди бу ҳис-стуйгулару шодланишлар унинг инон-ихтиёрисиз ичкарида ўз-ўзларича пайдо бўлиб, ўз-ўзларича иззиз кетдилар. Назоратчини кўргач, кампирга жон битди, ўқдек овоз билан:

— Эшикни ёп, баҳти қаро, эшикни ёп! — деди чинқириётгандек.

Назоратчи аксинча иш қилишиям — эшикни атай ёпмаслигиям мумкин эди-ю, айни дамда негадир ихтиёрисиз равишда кампирнинг гапини дарҳол олди, шоша-пиша эшикни ёпди. Бу ҳол кампирни мамнун

қилдими-йўқми — номаълум, ҳарқалай, тилига жудаям эрк бериб юборишига сабаб бўлди. Жаврабсаннаш баробарида назоратчини мудҳиш ҳодисадан хабардор қила бошлади:

— Пешонанг шўр экан сани, пешонагинанг шўр экан! Ўғлингни турмага қаматиб, хотинингни ўлдириб, би-ир ўзгинанг сўппайиб юрадиган бўлдинг-а! Ўл-а, бу кунингдан, ўл кўй! Икки жувонмаргни туғиб катта қилган онанг санлардан нима роҳат кўрдики, бошқалар кўрсин! Бироннин париштадай қизини уриб-уриб сочини оқартирдинг, қаритдинг. Мана, энди қутуласан, мана, энди дуруст хотин оласан, — кампир бирданига айтиб турган гапидан тонди. — Дуруст хотин оласан-а, дуруст хотин оласан! Сочгинасини тараб турган эканми? Сангинага қараб қолган эканми? Балони оласан! Санга моча эшак ҳам ҳайф, ҳайф! Эр бўлгунча қаро ер бўл, қаро ер бўл! — кампир эшик олдида қоқкан қозиқдек серрайиб турган назоратчига қарамай, икки мушти билан ўзининг тиззаларини эза бошлади. Унинг бу ҳолати айтиётган сўзларининг маъносини янаем кучайтириб юборди. Бемор нимадир бўлиб лабларини қимтиди, аммо мадори етмай шифтга қараб ётаверди.

Кампирнинг лаби лабига тегмай жавраб-саннашлари, қарғанишлари асносида аёнлашган воқеадан назоратчи хабар топди. Унинг айтишича, кеча кечаси, назоратчи ишга жўнагач, бир хабар олай-чи, деб кириб келган; аёл билан беш-үн дақиқача туппатузук гаплашиб ўтирган, тоби йўқлигига қарамай, аёл ўзини дуруст ҳис этган, тузляяпман, деган; аммо кампир унинг ранги тобора оқариб-сарғайиб бораётганини кўриб билиб турган, ўзи санга нима бўляпти, дейишга улгурмай, аёл ўтирган жойида

үшини йўқотиб ағдарилиб тушган;вой шўрим, улиб қолди, деб кампир изиллаганча ўзининг уйига урган, ўғлини етаклаб келган; етиб келиб қарашса, ирият жони узилмаган экан; уй тўридаги йиштирилмаган жойни тузатиб, танчанинг ёнидан кўтариб олиб уни ўша ёқقا ётқизишган; кампирнинг ўғли қишлоқнинг нариги чеккасида шовчи дўхтирга борган, дўхтирик ухлаб ётган экан, уни уйғотиб, бор гапни айтган; дўхтирик кўп оҳанжома қилган, ўзини тарозига солган, назоратчиникига бўлса бормайман, деб ахийри очиқ айтган, пул бермайди, деб ўйлаган; кампирнинг ўғли ёнидан пул бериб уни етаклаб келган, дўхтирик ўзини киддийликка солган, қутичасидан бир балоларни қиқариб беморни текширган, кўкрагига қулоқ солган, билагини ушлаган, кейин яна кўкрагига қулоқ солган, яна билагини ушлаган, кейин бошини сарак-сарак қилиб чайқаган, кейин кетган; кампир коровулликка қолган, ўғли-ю келини ҳар замон-ҳар замонда улардан хабар олиб туришган, обувокат келтиришган; кампир ҳар доимгидек ебничган, иштаҳаси очилганини пайқаган, бемор бирор луқмаям таом тотмаган, озгина сув ичган, холос.

— Мана, кўр, хотининг ўляпти! — деди кампир шафқатсизлик билан, беморнинг кўнглига келади ҳам демасдан.

Бемор эшитди. Унинг тиришиб терисигина қолган озгин юзида, жудаям тиникқан катта-катта кўзларида бу гапдан заррача қайфу, қўрқув кўринмади. Аксинча, қандайдир суюнишга, қувончга ўхшаш ифодалар зоҳир бўлди. У ҳаётда кўрмаган рўшноликни у ёқда кўришни орзу қилаётгандир балки? Бир маҳаллар юрагида тўлиб-тошган орзу-умидлари, шўх-шанликлари, ҳис-ҳая-

жонлари, оловликлари ҳам қайларгадир кетган-ку Аёл уларни хотирлай олмаса-да, эс-эс билади Балки улар ҳам аёл бориши керак бўлган ўша ёқи кетишгандир?

Назоратчи похол устига тўшалган шолчага эти гининг катта-катта изларини қолдириб, тўшак ёнига келди. Турмуш қуришганидан буён бирон март тузук-қуруқ эркаlamаган, эркалаш нари турсин, ҳар хил майдо-чуйда гаплари билан кун бермага чалажон аёлининг тепасида қўлларини қаерга қўйиши билмай, саросималаниб, овсарланиб турди. Унинг кўнглида ҳозир нималар кечеётганини англаш мушкул эди. Ҳарқалай, унинг чарчоқ кўзлари да, эзилган вужудида ўзи англаб етмаган ибтидои бир ўтинч мавжуд эди, бу ўтинчнинг моҳиятида савқи табиий равишда ўзини асраб қолиш истагиям яширинган эди: қола қолсанг-чи, мен нима қиласман кетма, ҳолим не кечади?

Аёл нигоҳини шипдан узиб унга тикди. Умрида тик боқмаган эрига киприк қоқмай бир муддат қараб турди. Лаблари нималарнидир шивирлагандай бўлди. Назоратчи англамади.

— Ўғлимни опке деяпти, — шақиллади кампир.

Назоратчи нима қиласини билмай туриб қолди.

— Нега аграйяпсан? — дўқурди кампир. — Бор, чиқ Хотинингни охират ўтинчиниям адо этмайсанми? Қанақа эркаксан ўзи? Бор, чиқ! Тезроқ опке ўғлини! Кечадан бери Тошмуроджон деб, ўғлим деб эси кетди — чақира-чақира тилининг суви қуриди, гапироммай қолди. Бор, бор; тезроқ бор, тезроқ опке, ўғлини кўрсин, ўғилгинасини кўрсин, жигаргинасини кўрсин! Бор, бор, опке, жигаргинасини кўрсин-да; сани нима қиласиди? Сан бегонани нима қиласиди? Бегонасан, бегонасан, девонасан — сани бошига урадими?

ШУРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

Кұрса, ўғилгинасими күрсін-да! Түйса, ўғилгинасига түйсін-да! Муштипаргина узоққа кетяпти, қайтмас шұлға кетяпти. Санды инсоф борми, санда номус борми, санды ор борми -- нега Тошмуродгинасими үнгі күрсатмайсан? Чиқ бу ердан, тезроқ опке!..

Назоратчи нимадир демоқчи бұлди-ю, тили ғұл-шыраб қолиб, оғзидан қандайдыр ноаниқ сұзлар шікдики, уларнинг маънисини илғаб олиш ниҳоятда мүшкүл эди. Барибир кампир назоратчини эшитишни истамасди. Навбат бергиси келмай, гапирган айнан үзининг гапиргиси келиб турарди. Тили үз-үндән айланыётгандек давом этарди:

— Ўғлининг нима гуноҳи бор экан? Нега уни қамаб құясызлар? Паришта болагина нима айб қипти? Бор-бор, жавоб бермаса, ўрнига үзинг кириб үтири. Үзимни күрайин деб юраккинаси эзилиб кетди-ку, үзгинаси түрт бұлди-ку, Тошмуродимни күрайин төб! Үзининг ортгинасидан қоладиганини, дуои жонини қиласынан күрсін-да, сан нима қилиб берардинг унга? Бор, чиқ!

Жуда алами келиб турған эканми, кампир паёпай, бир сўзни икки-уч қайта-қайта такрорлаб, ахийри назоратчини таёқ билан уриб чиқарғандай уйдан қувиб чиқариб юборди. Назоратчи ташқарыда нима қиласын билмай бир оз серрайиб турди. Сұнгра скалалари шалвираб тушганича, базур қадам босиб келган йўлидан ортига қайтиб кетди. Тушга яқин у қамоқхонага ранги ўчган ҳолда етиб келди. Қўллари қалтираб эшик қўнғирофини босди. Кейин маҳбусларни кўргани келувчилар кутиб туришадиган, узунлиги уч қулоч, эни бир қулоч бўлган, ости бетон йўлакка оёқ қўйди. Йўлакнинг ўнг деворидаги дарчанинг кўк рангга яқиндагина бўялгани билиниб турган гемир эшикчаси очилди ва Жуманазарнинг ба-

шараси күринди. Унинг қонсиз лабларидан тортиб уюлган түксиз қовоғи-ю мушуккүзларигача қандайдир норозилик муҳрланган эди. Эшикчани очмасдан аввал келган одамга бор аламини түкиб солишига тайёргарлик күриб қўйган; шу сабабли, кўзлари чақчайиб, лаблари чўччайиб турарди, ҳамкасбини кўриб унинг қандайдир ҳафсаласи совигандай, тарвузи қўлтигидан тушгандай бўлгани ҳам шундан эди.

— Э, начайлик, сизми? — деди у назоратчини кўргач, тилини сўкишдан базур тийиб.

Назоратчи оддий назоратчи бўлсаям, қамоқ хонадагиларлар, кўча-кўйда кўришиб юрадиганлар, умуман ҳамма таниб-билгандар уни “начайлик” деб аташар, уларнинг сўз оҳангига ҳурмат-эътибордан кўра киноя, масхаралаш оҳанглари кўпроқ билиниб турарди. Назоратчи уларни сезмас, ҳақиқий “начайлик”дай гердайиб, ўзини қамоқхонанинг эгасидай тутиб юрарди.

— Ҳа, — деди назоратчи синиқ товушда.

Эшикча ши-ик этиб ёпилди. Зум ўтмай Жуманазар тўғридаги панжарали темир эшикнинг ортида пайдо бўлди. Қулфга калит солиб, шарақ-шуруқ оча бошлади. Жуманазар гап-сўzsиз эшикни очиб, бир томонга сал-пал четланди, қулфни қўйвормай қараб турди. Назоратчи индамай ичкарилади. Эшик шарақ этиб ёпилди. Шарақ-шуруқ қулфланган товуш эштилди.

Жуманазар яна ўз жойига, дарча ортига ўтди. Бирорга айтилмай, ҳамон ичиди қамалиб ётган сўкишни айтишга ўзини чоғлаб, лабини чўччайтирганча қўнгироқ товушини кутиб турди. Ўзини сўкишга қанчалик чоғламасин, аслида унинг оғзидан бирор сўз чиқиши шарт эмасди. Туй-

шук ортида унинг турқини кўришнинг ўзиёқ ҳар қандай одамда нохуш таассурот қолдирап, қалбини ҳақоратларди. Жуманазарнинг бирон-бир маъно ифода этмайдиган кўзлари, соҳт-сумбати, ялқовлиги, хатти-ҳаракатларининг файрихиётлиликка бўйсундирилганлиги туйнук билан, темир эшикларнинг шарақ-шуруқ очилиб-ёпилиши билан ва умуман, бу ердаги ҳар бир предмет, ҳодиса билан шу қадар уйғунлашиб-мослашиб кетгандики, бундай уйғунлашув-мослашув табиатда ҳам, жамиятда ҳам ноёб ҳисобланади, узоқ яшайди.

Назоратчи тикка бошлиқнинг хонасига йўналди. Йўлкалар, майдончалар чиннидай тозаланган, супуриб-сирилган, бу ерни назоратчининг эшик оғзигача қор босиб ётган ҳовлисига қиёслашни тасаввур этишнинг ўзи ҳам қийин эди. Ҳамишаги жойида ётган кўппак, ким экан, дегандай думини сал-пал қимирлатиб, бошини кўтариб қаради-ю назоратчини кўриб, яна ётиб олди. Назоратчи ҳамма вақт унга марҳамат кўрсатмоқчи бўлгандай қарасада, ҳеч вақт марҳамат кўрсатмас, бирор нарса бермас, фақат кўринишдангина шунаقا эди. Кўппак эса кўринишнинг ўзигагина қаноат қилмас, эринчоқ кўзларини учраган одамга таъмагирлик билан тикарди. Маҳбуслар ҳазиллашиб, бу кўппакнинг юрагига теккан ўқ ҳам ҳайф кетади, дейишарди. Назоратчи кўппакнинг ёнидан ўтаётуб, унга қараб ғалати тарзда тиржайиб қўйгандай бўлди; унинг лаби билан кўзининг ифодалари бошқача-бошқача эканлигини сезиб қолиб, нега бунаقا иккюзламачилик қиласан, дегандай кўппак олдинги оёқларида тикланиб, сохта ҳурди. Назоратчи ихтиёrsиз равишда:

— Ёт! — деди.

Аслида күппакка бу буйруқнинг ҳожати йўқ эди, ўзи ётган эди.

Зални кесиб ўтган назоратчи бошлиқнинг хонаси қархисига етиб келгач, кирайми-кирмайми, дегандек анча вақт иккиланиб-серрайиб турди. Кейин ҳуркиб-ҳуркиб, эшикни секингина тақиллатди.

— Кираверинг! — ичкаридан бошлиқнинг ўқтам овози эшитилди.

Назоратчи эшикни секин очиб, ичкарига қадам қўйди. Бошлиқ стол устига бутун оғирлигини ташлаганича деярли ётиб олиб нималарнидир ёзиб-чизиб ўтиради, тўғрироғи, ручка билан қофоздан бит қидираётганга ўхшарди. У бу самараисиз машфулотидан бир оз тин олиб, нигоҳини кўтарганда қархисида рангида ранг қолмай, чарчоқ ва очликдан оёқда базўр қалқиб турган назоратчини кўрди-ю, ҳайрон қолганлигини билдириб:

— Ие, сиз ҳалиям шу ерда юрипсизми? — деб сўради унинг қишлоғига бориб келганини хаёлига келтирмай.

— Йўқ, — минғирлади назоратчи нима деяётганинг фарқига ўзи ҳам бормай.

— Ўзи нима гап? — деб сўради бошлиқ катта ишни дўндиргандек курси суюнчигига бутун гавдасини ташлаганича назоратчига қандайдир хавотир аралаш син соларкан.

Назоратчи қўли билан камералар томонга ишора қилиб қўйди ва нима деярини билмаётгандек:

— Онаси, — деди зўрга сас чиқариб. — Ўляпти.

Бошлиқ тушунмади.

— Кимнинг онаси ўляпти?

— Тўқсон олтинчининг.

— Аниқроқ айтинг.

— Нўмер тўқсон олтинчи маҳбуснинг онаси ўляпти.
Бошлиқ қалласини қотириб эслаб ўтиргиси келмади.

— Ким экан у?
— Тўқсон олтинчи, — беихтиёр такрорлади назоратчи.

Бошлиқ нима гаплигини фаҳмлай олмаётгандек назоратчининг юзига бир зум тикилиб турди. Кейин нимадир эсига тушди-ю:

— Ўғлингизми? — деб сўради.

Назоратчи тош қотди. Унинг қиёфасида, ўғлим деб атаб гуноҳини осонликча кечиб юбораманми, деган ифода бор эди. Лекин ҳозир бошлиқнинг изоҳталаб саволига жавоб бермай иложи йўқ, у ҳамон чақчайганча қараб туради. Назоратчи ноилож бош иргади. Бошлиқнинг юзида сохта ачиниш ифодаси пайдо бўлди. Ўлаётган бўлса менга нима алоқаси бор, дегандай назоратчига қаради.

— Ўғлини кўргиси келяпти, — минфиrlади назоратчи.

Бошлиқ кифт қисиб қўйди.

— Рухсат берилса, — назоратчининг томоғига нимадир қадалгандек бўлди-ю, дарҳол ўтиб кетди. — Видолашиб қайтарди.

Бошлиқнинг эрталабки кайфияти йўқолмаган бўлса-да, назоратчига кўрсатмоқчи бўлган марҳамати ёдидан кўтарилганди.

— Ие! — хитоб қилди у астойдил ҳайрон қолганини билдириб кафти билан оғиз-бурнини аралаш қаттиқ-қаттиқ ишқаб қўяркан. — Қизиқ гап бўлди-ку, а? Бу ер сизга пахта даласимиидики, бирон қариндоши ўлсаям жавоб бериб юбораверадиган?

Назоратчи миқ этмай тураверди. Бошлиқ унга сартапо назар ташлади. Нимадир демоқчи бўлди-ю,

аммо тилини тийди. Қиёфасидан бу ер пахта даласи бўлмасаям, ҳамма нарсанинг иложи бор, деган ифодалар англашиниб турди. Қамоқхонанинг бошқа ходими бўлганида буни дарҳол фаҳмлаб оларди. Аммо аксига олгандай, ойлик маоши кундан кунга қадрсизланиб, рўзгоридан батамом путур кетган; бунинг оқибатида хотини бирордан бир кафт ун, бирордан чакса ёғ сўраб Уташандаги барча эшикларни бирма-бир санаб чиқсан бўлсаям, назоратчи бунаقا нарсаларни хаёлига келтиромасди. Берса ейман — бермаса ўламан, деганлари шу эди. Шу сабабли, ҳозир ҳам бир амаллаб ниятини айтиб бўлгач, энди бундан бу ёғига нимаики қилса бошлиқнинг ўзи билади, жавоб берса берди — бермаса йўқ, дегандай тошқотган қиёфада миқ этмай тураверди.

Бошлиқ унинг бу ҳолатини пайқади. Бир зум нималар ҳақдадир ўй суриб қолди ва кейин туйқусдан чехраси ёришиб кетди.

— Хўп, — деди тиржайганча. — Илтимосингизни бажарамиз.

Назоратчи бош иргаб, ортга қайтмоқчи эди, бошлиқ уни тўхтатиб қолди.

— Нўмер тўқсон олтинчи маҳбуснинг конвойлигини сизга топширамиз, — деди ўзининг бошлиқлик салоҳиятига ўзи қойил қолаётгандек бир қиёфада. — Сиз ҳам, уям тилхат ёзиб бериб кетасизлар.

Назоратчининг қўрқиб турган нарсаси шу эди. У, бугун мен хизматда эмасман, демоқчи бўлди. Ўзи алоҳида конвойлар бор-ку, деган фикр миясидан чақмоқ каби ярқ этиб ўтди. Маҳбуснинг ёшлиги, бақувватлиги, бўйин бермай қўйиши мумкинлигини пеш қилмоқчи бўлди. Нималардир демоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаётганди, бошлиқ:

— Уч кун етадими? — хоҳласанг-хоҳламасанг шу дегандек, буйруқ оҳангидаги сўради.

— Ҳа, — аслида назоратчи, бир кун кифоя, уч кун у ерда нима қиласди, демоқчи эди-ю, бошлиқнинг тақлифига қарши фикр билдиришга ўрганмагани боис уни тасдиқлаб қўя қолди. Бошлиқ ўрнидан туриб келиб, эшикни очди ва ҳайқирди:

— Мусоев!

Ҳовлидан:

— Лаббай, ўртоқ начайлик! — деган хитоб эшитилиди.

— Мэлсифни чақир!

— Хўп бўлади!

Мэлс назоратчининг исми эди. Ўз номини шитиб у ғалати бўлиб кетди. Бу номни ўзига у йигирма ёшида, аскарликда эканлигига танлаган эди. Кейин қулогига аzon айтиб қўйилган исмини ана шу ном билан алиштириб олмоқчи бўлганини командирларига айтганида, улар бу шоввоз аскарнинг топқирлигига, замон билан ҳамнафаслигига тасанно айтишиб, уни муборакбод этишганди. Уни шу ном билан аташиб, янги ҳужжат олиб беришганди. Ҳужжатни полк командирининг шахсан ўзи топширган, полкнинг барча зобиту аскарлари олдида уни табриклаб, қучоқлаб ўпганди. Одамда собит ўтиқод бўлса, йигирма ёшида ҳам исмини ўзгартира олади, деганди. Кейин полк оркестри жўрлигига батальонлар, роталар, взводлар шахдам қадамлар билан “Широко страна моя родная” деган машҳур қўшиқни айтиб ўтишган, назоратчининг қалби қувончга, кўзи ёшларга тўлиб полк командирининг қаватида ўнг қўлинни чеккасига теккизганча фоз турганди. Бу маросим ҳақида қизил армиянинг “Красная звезда” деган марказий газетасида каттакон

мақола босилған, назоратчининг оғзи қулоғига етиб кулиб турған шапалоқдай сурати изидан даста-дасты хатлар келганди. У билан танишишга, учрашишта иштиёқманд тенгдошлари; ўзини күриб танимаган бўлсаям газетадаги мақоладан яхшигина билиб олиб турмушга чиқишига рози бўлган москвалик, ленинградлик, киевлик, минсклик, тошкентлик, олматалик, рязанлик, саратовлик, ереванлик, анибадалик, хабаровсклик, омсклик, воронежлик, тулалик, томсклик, қозонлик, тифлислик, уфалик спортчи, талаба, сигир соғувчи, комсомол, йўл қурувчи қизлар шу қадар кўп ва кетма-кет мактублар йўллашардики, ўзининг юлдузли онларидан боши гангиган қаҳрамон фидойи уларни ўқиб улгуролмасди. Булар-ку майли, ўқиб тушунса бўладиган мактублар эди; минг йил тикилиб қарасаям бирон ҳарфига тиши ўтмайдиган ўзга тилларда ҳам унга мактублар оқиб кела бошлаган эди. Айниқса, кубалик, вьетнамлик, болгариялик, польшалик, венгриялик, суданлик, хитойлик, мўғулистанлик, колумбиялик, фаластиналик, суриялик, ливанлик, афгонистонлик, покистонлик, ҳиндистонлик, ироқлик, марокашлик, аргентиналик оқ танли, сариқ танли, қора танли ёшлар унинг ўз исмини ўзгартиришга журъат этиб, мангу доҳийлар номларини ҳурматлаганини олқишлиб ёзишарди, бу мактубларнинг айримлари турли газеталарда босилиб чиқарди. Сон-саноқсиз раҳматномалар, телеграммалар, қутловларнинг кети кўринмасди. Ҳаётидаги энг нашъали, баҳтиёр дамлар эди. Армия хизматини тугатиб, Уташанга қайтиб келгач, бу қилифи учун онасидан қарғиш эшитган, отаси бепарволик билан қўл силтаганича, майли, қўявер, ҳеч нарсага тушунмай гапираверади-да, деб ўғлига таскин-тасалли берганди. Бошлиқ конвойга

“Мәлсифни чақир” деганида назоратчининг хаёлига ўти эмас, ўтмишдаги ўша воқеалар келди. Назоратчи бу ерда ўзини ўнгайсиз ҳис этди. Ботинмайгина:

— Чиқиб туришга рухсат этинг, ўртоқ начайлик, — деди қаддини гоз тутиб.

— Йўқ, нега? — унинг гоз қотганига бепарво қараш бошлиқ ажаблангандай бўлди, кейин қандайдир предмет ҳақида сўзлаётгандай қўшиб қўйди: — Ҳозир олиб келишади, ўтириб туринг.

Назоратчи пойгакдаги курсига омонатгина чўкли. Беш-ён дақиқалардан кейин паст бўйли, ўттиз спилардаги қоп-қора конвой — Мусаев хонага кириб келди ва қаддини гоз тутиб честь берди.

— Рухсат этинг, ўртоқ начайлик, топшириғингизга биноан тўқсон олтинчи маҳбусни ҳузурингизга олиб келдим.

— Ҷақир!

— Хўп бўлади, ҷақираман!

Мусаев қандай кирган бўлса, шундай шахдам қадамлар билан хонадан чиқди.

Назоратчи беихтиёр иккала қўлиниям тиззалири ўстига қўйганича бармоқларининг қалтираётганини билдириб қўймаслик учун қичима тошгандай қашиб тирнай бошлади. Кўп ўтмай бошида қалпоқ, маҳбусларнинг қоп-қора кийимидаги Тошмурод конвой етовида кириб келди. У конвой кўрсатган жойда тўхтаб, теварак-атрофнинг ҳам, бу хонанинг ҳам, бунда ўтиришган одамларнинг ҳам ўзи учун ҳеч қизиғи йўқдек, қўзларини ерга тикди. Унинг икки синга шалвираб, тушган қўллари худди керосинга ботириб олингандек қоп-қора, бундай кирлар бурнинг икки четидаям бор эди.

— Ҳа-а, Мәлсиф, — деди бошлиқ қўппак билан ўйнашганда юзига тошиб чиқадиган шодумонлик-

Шойим БҰТАЕВ

ни йиғиштиролмай қоладиган фурсатдагидек бир қиёфада. — Ишлар қалай?

Маҳбус индамади. Бошлиқ ручкани бармоқлари орасида айлантириб, ўзига-ўзи аллақанаңа томош ташкил этди, бу томошадан күзини узмаган ҳолда:

— Тигр қийнайяптими? — деб сұради.

Конвой ялт этиб назоратчига қаради. Униш қиёфасида ўзи хавотир олган ўзгариш ифодасини тополмагач, ҳамон қимир этмай турған маҳбусға тикилди. Күзларыда недандир шүх-шан ифода зуҳур этди. Еноқлари пир-пир учеб, оғирлигини у оёгидан бунисига ташлади, гипирсамми-гапирмасамми, де гандай бошлиққа илкис қараб олди. Сүнгра бу саволнинг жавобини ўзи яхши билганини күрсатиб қўйиши истагига дош беролмай, айтиб юборди:

— Иккови ошно бўлиб олишипти, ўртоқ начайлик!

Маҳбус ер остидан аввал конвойга, кейин бошлиққа тезгина қараб олди ва унинг нигоҳи назоратчига тушди: күзини ололмай бир муддат серрайиб қолди. Қулт этиб ютинди. Назоратчиям унга қаради. Иккаласининг нигоҳлари бир муддат тўқнашиб қолди. Назоратчининг ич-ичини бир нималар тирнаб-оғритиб ўтгандай бўлди; беихтиёр ҳозирги ҳолати ёдидан чиқиб, қаршисидаги нигоҳ билан ўзиники бирлашиб кетаётганини ҳис этди-ю, ўзини зўрлаб күзини олиб қочди. Маҳбус ҳамон унга тикилиб турарди.

— А-ҳа! — негадир шодиёна хитоб қилди бошлиқ.

— Шунақами?

— Ҳа, шунақа, — маҳбуснинг ўрнида жавоб берди конвой ўзини бошлиққа яқин ҳамфикр кўрсатиш илинжида.

Аммо бошлиқ конвойнинг гапига эътибор бермади.

— Уйингга бориб келасанми? — деди маҳбусга қараб, томдан тараша тушгандек.

Маҳбус ялт этиб назоратчига қаради. Күзлари қақнади. Ич-ичидан хуружланиб келаётган түйфуларни бостиришга интилаётгани унинг зўриқиб туришидан аён кўринди. Бу ҳол бир лаҳзагина давом үтди, холос. У яна қандайдир хаёлларга берилиб туйқусдан бўшаши. Кўзларини ерга қадаб олди. Ўшаша ҳолатига тушди. Бошлиқ ўйнаётган ручкасини столнинг устига отиб юборди.

— Онангни кўриб ке-да! — деди, мана энди май-навозчиликни ҳам йифиштириш пайти келди, дегандай бир қиёфада.

Маҳбус илкис бошини кўтарди. Тўсатдан кўрсатилаётган марҳаматнинг сабабини билолмай, боши қотди. Бошлиқ бепарвогина:

— Тоби қочиб қопти, — деди темир панжарали дे-раза томонга нигоҳ ташлаб.

Маҳбуснинг юз-кўзларини хавотир ифодалари чўлғаб олди. Назоратчига саволомуз қаради. Унинг чарчоқ, сўлғин юзидан ҳеч қандай ифода илғай олмади. Бўлаётган гап-сўзларнинг ўзига алоқаси йўқдек, фақат буйруқ берилишини кутиб тургандек эди у. Маҳбус бошлиқ ва конвойга нажот кутаётгандек бир-бир қараб чиқди. Уларнинг ҳам юз-кўзларида қилт этган ўзгариш йўқ эди. Шунда савол беришниям лозим топмади, елкалари шалвираб тушди. Онаси ҳақида нохуш хабар эшитишдан қўрққандек қўнишиб олди.

— Зора сени кўриб тузалиб кетса, — бошлиқ бу гапни шу тарзда айтдики, беморнинг соғайишига ўзининг қилча ҳам ишончи йўқлиги билиниб қолди.

Маҳбус миқ этмади. Бошлиқ эснади. Кўзларини хонанинг аллақайси бурчакларига эринчоқлик билан

Шойим БҮТАЕВ

югуртириб чиқди. Бир муддат шифтдан осилиб тушаётган ўргимчакқа тикилиб қолғанди, ўргимчак шоша-пиша ортига қайтиб, шифтга қора нұқтадек ёпишиб олди. У ўз-ўзича сұзланаётгандек деди:

— Сен боравер.

Конвой Мусаев буйруқ ўзига қарата айтилганини англади. Қайрилиб эшикни очмоқчи бұлди.

— Соат учда судга бориш эсингдан чиқмасин.

— Хұп бұлади, ўртоқ начайлик! — конвойнинг күзлари йилтиради; унинг кетгиси келмаётганди, бирор баҳона топилиб шу ерда пича қолсам, деб ўйлаб турарди. Маҳбус ўғил билан назоратчи отанинг фалати бир ақвозда учрашиб туришлари, улар бир-бирлари билан ҳатто сүрашиб ҳам құйишимагани конвойни беҳад ажаблантирган, охири нима бўларкин, деб қизиқаётганди. Шунинг учун талмовсираётганди.

— Боравер! — деган дўқ аралаш қатъий буйруқдан сўнггина у истар-истамас хонани тарк этди.

Бошлиқ ота-ўғилга бир-бир назар ташлаб чиқди.

— Уч сутка муҳлатга жавоб берилади, — деди умумий қилиб.

Маҳбусдан садо чиқмади. Назоратчи нимадир демоқчи бўлиб сал-пал безовталанди-ю, негадир индамай қўя қолди. Кейин беихтиёр бош иргади.

— Сизга мана шу уч сутка мобайнида тўқсон олтинчи нўмерли маҳбусга конвойлик қилиш топширилади, — деди энди у назоратчига қараганича ўта жиддийлик билан. — Тушунарлимни?

Назоратчи сергак тортди: уни кўтартмага чиқаётган пайтидаги ҳис чулғади, зиммасига юкланаётган топшириқнинг аҳамиятини чамалаб кўраётгандек, күзларини бир оз қисиб олди, қаддини гоз тиклаб, ўнг қўлинин чаккасига қўйди.

— Худди шундай, ўртоқ начайлик!

Унинг камарбасталиги бошлиқни жуда мамнун қилди. Маҳбуснинг юз-кўзларида илкис чақнаган шодлик учқунлари эса негадир дарҳол чуқур қайфу ифодалари билан алмашди.

— Конвойнинг айтганларидан чиқилмасин, — деди онди бошлиқ маҳбусга қараб. — Унинг назоратисиз ҳеч қаерга борилмасин, притензия билдирилмасин, тушунарлими?

Тошмурод билинар-билинмас бош иргаб қўйди.

— Конвойнинг маҳбусга яқинлиги, яъни ота қанлиги сустеъмол қилинмасин, — давом этарди бошлиқ жиддий тарзда. — Аҳоли орасида учраган одам билан ҳар хил мавзуларда гаплашилмасин. Уч суткадан бирон соат ҳам кечикилмасин.

Назоратчи жон қулоғи билан, эслатилгандарни сўзма-сўз ёдда олиб қолишга уринаётгандек қошлиари орасини тугун қилиб, зўриқиб тинглаб турди. Маҳбус бепарво бўлиб олди.

— Конвойлик вақтида амал қилинадиган қонун-қоидаларни ўқиб, имзо чекинг, — деди бошлиқ назоратчига бўйруқ оҳангидা.

— Хўп бўлади, ўртоқ начайлик.

— Боринг!

— Хўп бўлади, ўртоқ начайлик!

Кейинги пайтларда назорат сусайганидан ҳамма-ёқ пароканда бўлиб, эгасиз қолганидан бошлиқ қамоқхонани ўз-ўзича, ўз йўригича бошқаар, томофини ёғлаганларга бебилиски жавоб ҳам бериб юбораверарди. Аслида битта-яримта ашаддийларини ҳисобга олмагандан кейинги йилларда бу ерга келтирилган маҳбуслар қўйдек ювош; кўпчилиги ҳатто нима гуноҳ қилганликларини билмас ё англамас эдилар; чунки уларнинг аксарияти жайдари, ҳашаки,

эркинликда ҳам амал-тақал кун кечириб юришган одамлар эди. Уларнинг кўпчилиги қамоқхонага ўрганиб, ёқтириб ҳам қолишган; бир кун-ярим кун бошлиқдан илтимос қилишган таниш одамларнинг томорқасида ер ағдариб, ўтин кесиб, девор уриб ёки том ёпиб, белгиланган фурсатда яна эшик оғзига келиб туришарди. Шу сабабли бошлиқнинг кўнгли улардан тинч-хотиржам эди. Тигрга ўхшаган битта-яримта тўполончиларни, вайсақилигидан академик деган лақаб ортирган оғзига кучи етмайдиганларни, кутимаганда бақириб-чақириб мўътадил ҳаётга халал етказадиган асаби суст девоналарни ўқтин-ўқтин қаттиқроқ сикувга олиб туришса, обу овқат бермай дармонларини қуритишса, ҳаммаси кўнгилдагиек кетаверишини бошлиқ яхши биларди. Қамоқхонанинг ҳозирги ҳаёти шундай эди.

Бошлиқ ўрнидан турди. Маҳбусни стол ёнига ўтқазиб, олдига қофоз-қалам қўйди. Назоратчиниям имлаб чақирди, унгаям қофоз-қалам берди. Ўзи айтиб туриб, иккаласига тилхат ёздирди. Назоратчи пишиллаб, пешонасини совуқ тер босиб, анча овора бўлди. Ниҳоят, қаддини тиклагач, тепасида кузатиб турган бошлиқ унинг олдидаги қофозни олдида, кўзига яқин келтириб бирпас қараб турди, кейин кўзидан узокроқ тутиб қаради, кейин масхараомузлик билан:

— Нима деб ёздингиз, камандир? — деб сўради истеҳзо билан.

Назоратчи бурнини тортиб қўйди.

— Айтганингизни, ўртоқ начайлик.

— Кўлингизга илгариям қалам ушлаганмисиз?

— Ҳа, ўртоқ начайлик, — назоратчи қандайдир гуурулангандек бўлди. — Тўртинчи классни битирганимиз-да!

— Э, яшанг!

Бошлиқ иккала қофозниям тортмага солиб қўйди. Бу тилхатларнинг ҳеч кераги йўқ, шунчаки хўжакўрсинга қилинган эди. Бу аҳволда кўчага чиқса бўладими-йўқми, дегандай бошлиқ маҳбусга бир оз син солиб турди. Кейин туйқусдан назоратчига ўгирилиб:

— Чопон-мопон олиб келганмисиз? — деб сўради.

— Йўқ.

— Ана-а, холос! Шу-да, сиз!

Бошлиқ нима қилиш кераклигини ўйлаб, бирпас ҳайёл суриб турди.

— Мусойифга айтинг, чопонини берсин, — деди сўнгра назоратчига қараб. — У ярамас баъзан ўғирликча вишкагаям чопон олиб чиқади.

— Вишкага чопон олиб чиқиш мумкинмас! — назоратчининг кўзлари катта-катта очилиб кетди; исега Мусаевни жиноят устида қўлга тушириб жазо бермайди, биларкан-ку, дегандай бошлиқقا ўқрайиб қаради.

Бошлиқ хижолат чеккандай бўлди. Аммо индами-ди. Мусаевнинг кўтармага чопон олиб чиқиши ҳақида айтган гапи учун ичиди афсуслангани қиёфасида акс этди. Хаёли паришонлигича бориб ёшикни очди ва:

— Жуманазар! — деб бақирди.

— Лаббай, ўртоқ начайлик! — деган овоз келди ташқаридан.

— Мусойифни чақир!

— Хўп бўлади, ўртоқ начайлик!

Ташқаридан яна Жуманазарнинг чийилдоқ овози ёшитилиб турди:

— Мусойиф, начайлик чақиряптилар!

Бошлиқнинг хонасида ўзини қизиқтирган во-

Шойим БҮТАЕВ

қеалардан огоҳ бўлиш истагидан воз кечолмаган Мусаев ўқдек учиб кирди.

— Буйруфингизга биноан... — деганича у қаддини фоз тутиб, қўлини чеккасига теккизганча энди гап бошлиётувди, бошлиқ қўл силтаб:

— Чопонинг шу ердами? — деб сўради кутилмаганда.

Тунов куни кўтартмага чопон олиб чиққанимни сезиб қолдимикан, деган гумонга борган Мусаев ўзини оқлаш учун баҳона излай бошлаганди, унинг жавобини кутишга бошлиқнинг сабри чидамади.

— Унга бер, — деди Тошмуродни кўрсатиб. — Уйиги кийиб борсин.

Мусаев негадир жуда хурсанд бўлиб кетди.

— Хўп бўлади, ўртоқ начайлик! — деганича суюна суюна югуриб чиқиб кетди ва зум ўтмай айтилган матоҳни кўтариб келди. Бу хизматдан аллақачон истеъро берган, кўп жойларининг пахтаси оқиб тушиб трактор моторини артадиган латта тусини олган, авра-астарининг яғири чиқиб кетган, ҳечам чопон дегулик ҳолати қолмаган жўл эди. Жўл эгаси Мусаев хон саройида зарбоф тўн кийгизаётгандек бир қиёфада уни Тошмуроднинг елкасига ташлади ви жиндаккина фурур билан қўшиб қўйди: — Бу чопон бовомиздан қолган, бувимиз икки ҳафта қадалиб ўтириб тиккан эканлар.

Бошлиқ кетишига рухсат берди. Улар ташқарни чиқишиди. Аввал Тошмурод, ортидан назоратчи чиқди. Тошмурод эшик оғзида Мусаев тутқазган чопоннинг эскилиги ва яғир босганига эътибор бериб ўтиромай, кийиб олди. Чопон унинг устида қопдай осилиб турар, елкалари шалвираб тушганди. Назоратчи унга эшик томонни кўрсатди.

— Қани-и, марш!

Маҳбус эшитмагандай эди. У ниманидир сўра-

ШУРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

моқчидай, сүрасаммикан-йўқми, дея иккиланаёттандай эди.

— Қани, марш! — овозини бир парда баланд кўтарли назоратчи, юраги аллақандай бўлиб кетганча.

Маҳбус боши билан камера томонга ишора қилди.

— У ёқса бориб келсам майлимни?

— Нега?

Маҳбус жавоб бермади. Назоратчи гапни чувалабиб ўтиргиси келмади.

— Майли, бор. Сенга ўн минут вақт берилади. Гашундингми?

Маҳбус бош ирғади. Кейин орқа-олдига қарамай шоша-пиша кетди. У назоратчи айтган фурсатдан кечикмай қайтиб келди. Кўзлари қизариб шишган, бурнининг икки четида қотиб қолган кирлар ба-шарасига ёйилиб, чаплашиб кетгандек эди. Ўқтин-ўқтин чуқур-чуқур нафас олиб, хўрсинарди. Чопоннинг орқа-олдини йифишириб, яхшилаб ғранган, қалпоғини янайм бостириб кийган, бутун қўриниши билан қандайдир кўнгилсиз сафарга шайлигинини билдириб турарди. У етиб келгач, итоаткорлик билан маҳбуснинг конвой олдида юриш қоидасига биноан қўлларини ортига қилди. Навбатчи хонасидан ўқлаб елкасига таққан қўндоқли милтиқни Тошмурод яқинлашганда назоратчи қўлига олди ва унга ўқталаётгандек бош ирғаб:

— Қани, марш! — деб жиддий буйруқ берди.

Тошмуроднинг кўзлари алланечук филтиллади. Кейин буйруқса бўйсуниб, қамоқхона қоидасига биноан қадам ташлади.

Назоратчи эса ўзи билан маҳбус орасида икки қадам масофа бўлиши кераклигини ўйлаб, шуни чамалади. Маҳбус итоатгўйлик билан унинг айтганини қилди. Жуманазар дарҳол шарақлатиб

эшикларни очди. Қоидага биноан, у қамоқхонада чиқаётган маҳбусларнинг ён-верини текшириб, кейин қўйвориши керак эди. Аммо ҳозир чиқаётгани маҳбус кекса назоратчининг ўғли эканлигини, қолаверса, назоратчининг ўзиям унинг ортидан келаётганини ҳисобга олди. Жуманазар маҳбусни тинтув қилмаслигининг яна бир сабаби унини эгнида Мусаевнинг чопони борлигига ҳам эди Жуманазарнинг бу чопонга ҳурмати беҳад баланд нега деганда, совуқдан акашак бўлганича қотиб қолаёзган кезларида чопон кўп марта унинг жонигора кирганди. Ҳозир чопоннинг маҳбус эгнидекетаётганилиги шунинг учун унинг кўнглини анчамунча фаш қилганди. Маҳбусни чиқариб юбориб, назоратчидан:

— Мусойифникими? — деб сўраганининг ҳам сабаби шунда эди.

Унинг сўроғига жавоб бериб ўтиришнингда ҳожати йўқ, чунки кўра-била туриб сўрагани шундоққина аён эди. Улар ташқарига чиқишиди. Қамоқхонага кираверишдаги темир эшикка қадалиб тикилганча бир одамча турарди. Унинг қиёфасида адашиб-нетиб қолмадиммикан, деганифода ҳам йўқ эмасди. У, чамаси, ўзича ноани нималарнидир ҳижжаламоққа уринар, аммо тептекис эшикдан бирон нимани уқмоқнинг иложи йўқлигидан боши гангигандек эди — бирор яқини ўтирган бўлса, эсига тушиб қолиб, кўргани келганлиги афт ангоридану қўлидаги тўрхалтадаги лочирадан билиниб турарди. Даставезини аҳён-аҳёнда гоҳ қўлтиғига қистириб, гоҳ паст тушириб, эшик кесакига қапишган деворда кўриниб турган қўнфироқ тугмачасини боссамикан, босмасаммикан, ичкаридаги камераларнинг би-

рида ўтирган яқинини чақырсаммикан, чақирмасаммикан, дегандек иккиланиб турарди — ҳа-да, қозирги вақтда лочира түгүл биттә шапаракни ҳам тоңган бор, топмаган бор. Назоратчи иккى қадам олдинда бораётган маҳбусдан күз узмаган ҳолда одамчанинг ёнидан индамай ўтиб кетаётганида у анқайиб, негадир Тошмуродни яхшироқ құриб олмоқчи бўлгандек унга қаттиқ тикилиб қаради — унинг қарашида, мободо менинг ўзим шусиз ҳам жазосини тортиб ўтирган жигаримга бошқа каллакесарларнинг жиноятлариниям юклаб юбориб хукм чиқаришдимикан, шунинг учун отишга олиб кетишимаяптымикан, деганга ўхшашиб тумон бор эди. У шу қиёфаси, иккиланишлари, чалишлари, хаёлининг кирди-чиқдилари билан ортда қолаверди, назоратчи билан маҳбус қамоқхонадан узоқлашиб, шаҳарчанинг ягона марказий йўлидан юқориляб кета бошлишди. Жуда қадимий дейишса-да, қамоқхонадан бўлак кўрки ва мақтанадиган жойи бўлмаган бу шаҳарчада асрлар бўйи ҳеч қанақа ўзгариш рўй бермагандек кўринар, сассиқ туман ва рутубатга бўлғанмиш оғир ҳавосига яраша одамлар ҳам сийрак учрар, аллақачонлар тарқаб ҳаммаёқни босиб олган вабо ёхуд қандайдир тузалмас касаллик асоратларининг узундан-узоқ изтиробларини сиғиш билан оворадек таассурот уйғотишарди. Жон галвасасида алангали оташга айланганларнинг қуруқшаган лабларига томчи сув томизиш ўрнига, уларга метин ирода ва чидамлиликдан сабоқ берувчи эскириб кетган сўнгги плакатларнинг кўзга яқин жойларга илиб қўйилгани ҳам шундан дарак берарди. Уларнинг бирида каттакон болғани болғадек қўл маҳкам сиқиб турарди, бошқасида қип-қизил дастасиз ўроқ қандайдир теран маъно

Шойим БҮТАЕВ

касб этарди. Одам сийрак эса-да, күчаларда очиқсан дайди итлар учради. Дараҳтлар шохидә қўниб турган қарғалар қағиллаб қўйишди. Қулоқлар диккайди, кўзлар ялтиради. Маҳбус ўғил ва унинг ортидан милтиқ ўқталиб конвойлик қилиб кетаётган назоратчи шу қадимий шаҳарчанинг мана шу ягона кўчасига билакдаги болға, дастасиз ўроқ каби уйғунлашиб, ирода ва чидамлиликнинг намунаси бўлиб бораётганлиги эгасиз эганинг путурдан кетган қудратини намойиш этаётган эди. Қамоқхонадаги маҳбуслар ташиладиган иккита машинанинг икковиниям ичак-чавофини ағдаришиб майда симигача ташиб кетишгани, энди улар чўчқабоқарнинг қуш тумовига учраган товуқлари учун катақ бўлишдан бошқасига ярамаслиги юзага келтирган табиий манзара эндиликда бундай қамоқхона турмалар тузиб йўқолиши гумонларини тасдиқлаётгандек эса-да; очиқ ёз кунлари маҳбуслар қамоқхона бошлифи уруғ-қаёшлари ва таниш-билишларининг ёввойи алаф қоплаган томорқаларида сабзи ўташ ҳамда шолгом ягоналашдан ташқари бошқа оғир ишларга ҳам жалб этилиши бунаقا жойларнинг мангу зарурлигинини исботларди. Қолаверса, назоратчи каби камарбасталар теварак-атрофда кечеётган воқеа-ҳодисалардан, қандайдир янгиланиш-қўзгалишлардан элас-элас хабар топгандек бўлишса-да, улар ҳали-ҳануз юриб кетаётган танқ ғилдираклари остига ўзини отиб ёхуд пулемётга кўксини тутганларнинг мангу жасоратларини унутишолмас, бурдаланган жасади билан бўлса-да ҳали-ҳануз жонажон ҳалқи ва суюкли доҳийсига хизмат қилишга шай туришарди. Буни якка-ю ягона ўглини онаси билан видолашишга ортидан милтиқ ўқталиб олиб кетаётган назоратчининг хатти-ҳаракатлари ҳам яққол исботлаб

туради. Ҳатто тепаликларининг ўзгарган эса-да ҳали буткул унutilмаган номлари ҳам сўғдий лаҗжаларнинг оҳангларини эслатиб турган қадимий шаҳарчанинг замонавий фахр-ифтихори қамоқхона ҳам, унинг маънавий қиёфаси плакатлару рутубатга чўлганган хира томлари ҳам ортда қолиб, назоратчи ва маҳбус, ота ва бола Уташан йўлига чиқиб олишди.

5

Уташан оқсоқоли совуқ кунда оёқ остидан чиқ-кан кутилмаган фалокат – назоратчининг хотини дафъатан ўлиб қолганини эшитган заҳотиёқ, калласига урилган илк ташвишли фикр қабр кавлаш ҳақида бўлди. Бунаقا ишларга ҳамиша ўзи бош-қош бўлиб юргани билан, ҳозир уни ташвишлантирган парса изиллаган совуқдан ташқари назоратчининг номини эшитган заҳотиёқ Уташан аҳолиси йўлини стти тош наридан буриб кетишида эди. Устига устак, ўз пуштикамаридан бўлган ўғлининг қамалиб кетишига бепарво қарагани боис энди ҳамма ундан қўлини ювиб қўлтифига урган, ҳаттоки кейинги пайтларда Уташанга кетма-кет ёfilaётган фалокатлар сабабини ҳам шундан кўрадиган бўлишганди: ўтган йили лалми буғдойзорни чигиртка босиб экиндан ном-нишон қолдирмагани, бип-бинойи гуллаб, шиғил ҳосилга кирган дарахтлар мевасига рангу маза кираётган маҳалда остига дувва-дувва тўкилиб нобуд бўлгани, бир амаллаб йиғиб олган сабзи ҳосилини эндинина пуллаган уташанлик боёқиши деҳқоннинг чайнаётган луқмасини нақ бўғзидан тортиб ол-гандек ўғри уриб кетгани бежиз эмас-да ахир, деб бир-бирларига маъноли им қоқишарди. Очиқ-ойдин айтишга эса гарчи паторат топиб пароканда бўлиб бораётган бўлса-да, ҳукуматдан ҳайиқишиб,

илоннинг тиригиям илон, ўлигиям илон-да, деб қориёд қилганча, ўйлаётган ўйларининг таҳликали хавотиридан ичлари тушганча теварак-атрофга ҳадик ва қўрқув аралаш қараб қўйишарди. Шу сабабли, Уташан оқсоқоли маййитнинг яқинлари, эри ва ўғли ҳали йўлда эканликларидаёқ, уларнинг уйларига бориб ўтириш фойдасизлигини сезиб, эшитган заҳотиёқ ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб гўрков ҳақида ўйлади ва гўрковникига қараб йўл олди. Гўрков масаласи ҳал бўлса, у ёғи унчалик мушкул эмас. Мулладан ташвишланмаса ҳам бўлади, у ўз уйида ибодатини қилиб бошини танча кўрпасига буркаб ётган бўлсаям, илоҳий пайғомлардан хабардор, тўй маърака-ю жаноза ҳидини тез пайқайди. Оқсоқол айтса-айтмаса, дарҳол бошига узун салласини ҳафсала билан ўраб, тuya жунидан босилган кигиз чакмонини эгнига илади ва эътиқодидан қатъи назар дунёдаги жамики руҳонийларга муттасил бошоғриқ бўлиб келган масала – тириклик ва ўлим муаммоси муҳокамасининг ботиний жараёнинга имкон туғилганидан руҳланиб, дадил йўлга тушади. Йўлга тушмаслигининг иложи ҳам йўқ, диний илмлар борасида билиб олгани беш-олтига қисқа ояту замонанинг айниб кетгани борасидаги эски ашула эса-да, барибир Уташанда ундан бўлак мулла топилмайди; шу сабабли, алоҳида таклифни кутиб ётмай эшитган заҳотиёқ йўлга чиқиши унинг руҳонийлик фазилатини ошириб кўрсатса кўрсатадики, асло камайтиrmайди; шуни ҳамиша ҳис этиб тургани унга ожиз ва осий бандаларнинг пешонасига кафтини марҳамат янглиғ қўя олиш ҳукуқини беради.

Оқсоқол шулар ҳақида ўйлаганича ҳарсиллаб-ҳансираф Уташаннинг кунботар томонидан таш-

қарига чиқиб кетган, бир-бирига мингашиб ётган қирлар орасида жойлашган гўрков кулбаси томон қор кечиб борарди. Оқсоқолнинг ёши бир жойга бориб қолгани боис сўнгги пайтларда ҳаммаси меъдасига урган, бирон-бир тайинли одам чиқса ўшанга иш-юмушини топшириб қутилиб олиш пайида бўлиб юрар, аммо назарида барча қаланги-қасанги фитнагўйлар йиғилиб олган Уташандан ўзи каби бинойи одам топилиши ниҳоятда душвор кўринар эди. Шу сабабли, унинг хаёлидан ўқтин ўқтин, мободо мен ўлиб-нетиб кетсан, бу шўринг қурғурлар нима қилишар экан-а, мурда маййитлари тахта устида қолиб кетмасайди, деб хавотирланиб юрарди. Эҳтимол, шундай хаёллари мавжудлиги эвазига худо умрини зиёда қилиб, йўлбарс мучалини елкасига ортмоқлаганча авваллари йилдан-йилга, кейинчалик ойдан-ойга, мана энди кундан-кунга қари йўлбарс каби кучдан қолганига қарамай судралгани судралган эди.

Гўрковнинг ҳовлиси тепалик тубида жойлашган эди. Теварак-атрофда на девор, на бирор тўсик, на дов-дараҳт, ҳаттоқи ҳожатхона ҳам кўринмайди – битта уйнинг ўзи қабристон хонақосидай сўпнайиб турибди. Шуям бўлмаса, яланг даштдан фарқи йўқ. Кайвони остонаягача бораверсаям бўларди-ю, аммо бунақа эгасиз кўринадиган жойларда осонлик билан эгалик қиласидиган вакиллаган итлар муомала-муросани билмасликларини хаёлидан ўтказиб, узоқдан турганича овоз берди.

Ҳеч ким чиқмади – ҳаттоқи, гумон қилинган ўшанақа ит ҳам кўринмади.

Кайвони оёғи остидан қор олиб думалоқлади ва қасди бордай уни гўрковнинг уйи томон отди. Қор уй

деворига тупиллаб урилгач, бир зумдан кейин әшик очилди ва калта чопонига ўраниб олган гүрковнинг барваста гавдаси кўринди. У ёқ-бу ёққа ботинар-ботинмас назар ташлади.

— Ким у? — деган сўз оғзидан чиқар-чиқмас сапсариқ бир кучук вовуллаганча унинг ёнида пайдо бўлди.

— Бор-э, қанжиқ! — гўрков бир ўшқириб берганди, кучук эгасининг сўкишидан ҳаво олиб энди акиллаганча оқсоқол томон югуриб кела бошлади.

Уни кўриб, айниқса, оламни бузгудек овозидан чўчиб кетган оқсоқол оёғи остига бир нима олмоқчи бўлгандай энкайр экан, овозини ҳам баралла қўйди:

— Э, олмайсизми итингизни!

— Баҳ, баҳ, — чақирди гўрков оқсоқолнинг ваҳимасидан фарқли ўлароқ хотиржам товушда хотиржамлигининг сабабини ҳам тушунтириб қўяркан. — Қўрқманг, тегишмайди.

Аммо файратга кирган ит бу чоқда бирон қулайроқ жойига жаф уриш илинжида оқсоқол атрофида тинмай акиллаганича айланарди. Оқсоқол эса юмалоқланган қор билан урса, ит баттар қутириб кетишини, ўзи эса қўлида бошқа яроғи қолмай танг вазиятга тушишини фикр қилаётгани учун уни ишлатмай турарди.

Уйи остонасида яланг оёғига кийиш учун қидираётган калишини тополмаган гўрков гўнг ва тупроқ ёпишавериб тарашадек қотиб кетган каттакон этикни қўлантаёқ кийиб, у томон юрди. Унинг келаётганини кўргач, ит ўз вазифасини ўтаб бўлгандек, думини ликиллатганича нари кетди.

Гўрков етиб келиб, оқсоқол билан саломлашиб, кўришди.

— Совуқни қаранг-а, — деди оқсоқол. — Бундан баттари бўлмас.

— Бўлади, — деди гўрков парвойи фалак. — Ҳали ернинг сирти музламаган. Ернинг сиртини музлатадиган қаттиқ совуқлар энди бўлади-да! Ўшанда чўкич билан кавламаса, кавлаб бўлмайди.

Ўрвин-тўда оила аъзолари устига уни етаклаб кириш ортиқча юқ эканлигини билгани учун гўрков оқсоқолни уйга таклиф қилишни хаёлига келтирмай у олиб келган хабарни паришенлик билан қабул қилди — начайликнинг хотини ўлди!

Оқсоқол бирров исиниб олиш ва бир пиёла иссиқ чой илинжида гўрковда одамгарчилик деган нарслар сақланиб қолган-қолмаганини фикр қиласади — қайси начайлик?

— Мэлсиф, — деди оқсоқол гўрковдан араздай тўнфиллаб.

Гўрков юзига фотиҳа тортиб қўйди.

— Эртага чиқазиши керак, — оқсоқол унинг вазифасини тушунтириди.

— Мэлсифники бўлса, мен гўр кавламайман, — ўзини олиб қочмоқчи бўлди гўрков.

— Нега? — оқсоқол унинг бунақа қилолмаслигини аниқ айтди.

— У ҳақ бермайди.

Оқсоқол мижоз топиб бергани учун гўрковнинг ҳақидан уриб қолар, кейингиларини кўпайтириброқ айтинг-да, деб унинг бу талончилигига гўрков индамасди, бу галги мижоздан бирор нарса сўрагудек бўлса, унинг ўзини гўрга тикиши ҳам ҳеч гапмас — энди-и, битта-яримта шунақасиям бўлади-да!

— Битта-яримта деб, битта-яримта деб нечтаси томсувоқ бўб кетди!

Оқсоқол сўнгги чорани қўллади, сўз орасига у қабристоннинг бир четига экиб, фойдасини олиб ётганлигиниям қистириб, мақсадига эришди – э, одамни ҳоли-жонига қўймайсиз-да, оқсоқол, майли, сиз учун, мингта начайлик-пачайлигига ишим йўқ эди, олдингиздан ўтолмаслигимни биласиз-да, йўқса узатган оёғимни йифмас эдим.

Гўрков ўзини тарозига солиб, оҳанжамо қилиши бежиз эмасди. Кейинги икки-уч йилда, айниқса, қишқировли кунларда одамлар сал нарсагаям тарновдаги сумалакдай “чирт” этиб узилиб, жўнаворишишмоқда. Уларнинг бундай мўрт бўлиб қолганликлари гўрковни бир жиҳатдан қувонтируса, иккинчи жиҳатдан ташвишга солади. Қувонтирадиган жойи шундаки, гўрков бошқалар қатори ишсиз қолмайди, бир бурда нон илинжида ўзини ҳар томонга урмайди, бемалол ишлаб, еб ётади. Ташвишга соладиган жиҳатига келсак, ҳозиргига ўхшаб суллоҳлар кўпайишиб бормоқда. Бундайларни ҳам теппа-текинга кўмасан, ҳам ери эгаллаб ётишади, турган-битгани зарар. Экин-тикин қилинадиган жойлар борган сари камаяверади.

Гўрков билан ишни битиргач, оқсоқол ўлик чиқадиган уйга бош суқиб ўтишни лозим кўрди. Ҳовли дарвазаси оғзида иккита қўшни қўнишиб, иchlарида қўни-қўшничилик борди-келдилари энди поёнига етганини ўйлаганларича ҳаётнинг тобора оғирлашиб бораётгани ҳақида ҳамма биладиган ва оғиздан қўймайдиган, билиб оғиздан қўймагани билан ҳеч ким ҳеч қанақа чора кўрмайдиган ва буни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмайдиган, гап учун чиқиб, гап учун тарқалган одатий гаплардан гаплашиб туришарди.

Оқсоқолни кўришлари биланоқ улар ғивирлаб

қолишиди. У етиб келиб, бош иргаб саломлашган бўлди ва иккаласига савол аломати билан қаради.

– Йўқ, – икки ёноғи ичига ботиб кетганидан бурни сўппайиб, кўзлари чақчайган қўшни ўзича мулоҳаза қилаётгандек. – Ўғлиниям олиб келса керакки...

Оқсоқол унинг ҳаммага маълум гапларни ўзи кашф қилаётгандай узоқ чайналиб, эзibичди қилиб айтишини билгани учун қулоқ бермай очиқ дарвозадан ҳовлига кирди.

Гапи оғзида қолган қўшни нега бунақа бўлганини мулоҳаза қилаётгандек бир оз суррайиб тургач, ёнидаги томон энкайиб:

– Бу бориб ҳозир гўрковни гаплашиб келган кўринади, – деди катта кашфиёт қилгандай. – Шунга бурни кўтарилиб қопти.

Қўшнининг феълини яхши билган қўшни бош иргаб қўя қолди – сеники маъқул, Тоживой!

– Улар энди йўлга чиқсан булишса керак, – бир оз жим туришганидан сўнг яна гап очди Тоживой. – Етиб келишмасидан ҳамма ишларни жо-бажо қилиб, начайликка яхши кўринай дейди-да!

Яна бош иргайди – сеники маъқул, Тоживой!

Агар уларнинг шаҳарчадан чиқишаётганини аниқ билганида Тоживой яна ёнидагининг қулоғи остига ёнкайиб:

– Ана-а, айтмадимми?! – деган бўларди.

У яна бош иргарди – сеники маъқул, Тоживой!

Тоживой айтгандақа, ота-бала қамоқхонадан чиқишига, пойу пиёда шаҳарчани ҳам ортда қолдиришиди. Кунни кун, тунни тун демай қатнаган Уташан йўлига чиқиб олишгач, назоратчи қонун-қоидага биноан олдига солиб кетаётган маҳбусга энди янайм кўз-қулоқ бўлиш лозимлигини, шунақа очиқ жойлар шунақа вақтларда жуфтакни ростлаш

учун қулай бүлишини хаёлидан ўтказди. Отишта шай үқталиб кетаётган милтиини янаям қаттиқроқ чангаллади – мабодо маҳбус қочишга урингудек бўлса, тегмайдиган қилиб биринчи ўқни узади – дастлабки огоҳлантириш; кейин иккинчи ўқ иккинчи марта огоҳлантириш; кейин нишонга олиб отиш керак – учинчи ўқ қовурғасининг остидан тешиб ўтганда, маҳбус йиқилган бўлади. Шунаقا вақтда унинг жони узилса ҳам назоратчи жавобгар ҳисобланмайди. Мободо яраланиб нетгудек эса, у ёғи яна бир гап бўлар.

Қишин-ёзин яёв юравериб-юравериб, паст-баландини ёд қилиб юборган йўлда назоратчи милтиқ ўқталганча ўз ўғлини олдига солиб кетарди. Улар йўлнинг эниш жойига етиб, қуи эна бошлишди. Шамол қорини учирма қилганидан айрим жойлари қорайиб турган тош йўлдан пича юргач, авваллари тонг-саҳарда уйдан чиққанда ортидан кузатиб эргашиб келадиган ити акиллаб турадиган Уташан томондаги тепаликка кўтарилишаркан, назоратчи беихтиёр ўша итини эслади – унда олдига солиб кетаётган маҳбус ҳали ўғирлик нима, гуноҳ нима эканлигини билмаган болакай эди. Назоратчининг хаёл кўзгусидан беихтиёр ўша болакай лип этиб ўтди-ю, қалби мумдай эрий бошлаганини пайқаб, энкайиб бўш қўли билан бир кафт қор олиб юз-кўзига ишқади – хизмат чоғида бунаقا хаёл суриш жиноят эканлигини у яхши биларди.

Уйга етиб келгунларича назоратчи орадаги икки қадам масофага қатъий амал қилди. Ундан кўнгил сўраш учун жанозага келаётганлар ўз ўғлини асирга туширгандек олдига солиб, боз устига милтиини ўқталган назоратчини кўриб ҳайрон қолишар, кифт қисганча бунақасига тирик гувоҳ бўлиш нари турсин,

ҳатто эшитмаганларини имо-ишоралар билан бир-бирларига англатишга ҳаракат қилишарди. Анчамунча одам тўпланиб қолган дарвоза оғзида ҳам салом-аликсиз улар шу тариқа ичкарига кириб кетишиди.

— Етиб келишгани яхши бўлди, — мингирилади Тоживой елкасини босиб турган тош ағдарилгандек ёнидаги томон энкайиб. — Ўзи-ку майли, ўғлига армон бўлиб қоларди-да хайр-маъзур қилолмаганда.

Ёнидаги бош иргади — маъқул, Тоживой!

Дарвоза оғзида қорлар куралган, ҳаммаёқ яхшилаб супириб-сирилган эди. Бунақа юмушларни ҳамиша хотини бажариб юргани учун назоратчи, тузалиб кетдимикан, деб ўйлади. Шунақа бўладиган бўлса, уч сутка ўтишини кутиб ўтирмай, маҳбусни яна ўз жойига элтиб қўйиш керак, деган хаёл ҳам содиқ қўриқчининг кўнгиллиги қолмаган кўнглининг бир четидан лип этганча ўтиб кетди.

Лекин дарвозадан ичкарига кирап-кирмас, ҳовлида қандайдир бошқача ҳаракат ҳам борлигини пайқади. Қўшнининг ўғли ҳовли юзидаги қорларни кураб юрарди. У ота-боланинг кириб келишаётганини кўрди, кўришиш ўрнига энкайиб олганича ишга баттар машғул бўлди.

Шундагина назоратчи маҳбусга тўхта ишорасини қилиб, ўзи олдинга ўтди. Уй эшигини очди. Танча атрофида оқ рўмол ўраган уч-тўрт аёл паст товушда нималарнидир гаплашиб ўтиришарди. Қўшни кампир ҳам бқ рўмол ўраб олган, бошқа гапсўзларга қулоқ солишини истамай оғзи тинмай ўз-ӯзича уям нималарнидир вайсарди. Эшик очилиб, назоратчининг кириб келганини биринчи кўрган ҳам у бўлди.

— Қани, олиб келдингми? — деганича таҳдид билан

Энди сўраётувди ҳамки, унинг ортидаги Тошмурод га кўзи тушиб, ўрнидан тураётиб уввос солаверди — Пешонанг шўр экан, болагинам, пешонагинан шўр экан! Онагинангдан айрилиб қолдинг, биру борингдан айрилиб қолдинг. Етимчагина бўлиб қолдинг, етимча болам-ов! Онагинанг дардгинангда ўлиб кетди, дардгинангни кўтаролмади — энди нима қиласан, болам-ов! Сани шу аҳволга согланларнинг, илоҳим, уйи куйсин, уйгиналари куйиб-ёниб кетсиз! сани шу аҳволга согланларнинг!

Кампир ўрнидан турганида унга қўшилиб туришган, бошларини эгганча қўл қовуштиришган аёллар энди чувиллаб йиглай бошладилар. Кампир ичкарига кирган Тошмуроднинг елкаларига қўл ташлаб, уни марҳум ётган тўшак томон бошлади. Маййитнинг юзига оқ мато ташлаб қўйилган эди.

— Ҳозиргина жони узилди, — дерди кампир Тошмуроднинг юз кўзлари-ю елкаларини меҳрибонлик билан силаб-сийлаганича. — Ҳали жаннатга етиб ҳам боргани йўқ. Жони санга илҳақ бўлиб, шу ерда айланиб юрипти. Санга кўз тута-тута, ҳозиргача нафасини зўрга ушлаб турувди. Мана қара, кўр, кўриб ол, — кампир энкайиб матони кўтарди.

Марҳумнинг ёноқлари ич-ичига ботиб кетган юзи шу қадар оқ ва озғин эдики, ҳатто киприклари кўзларини батамом беркитолмаган эдилар. Унинг юзида чуқур фуссанинг, чексиз қайфу-аламнинг излари мангуга муҳрланганди.

Тошмурод бирдан ўкраб юборди. Ҳамон қорни устида қовуштириғлиқ қўллари шалвираб, Мусаевнинг чопони этаклари ергача тушди. Ва шу чоқ Тошмуроднинг қўлтиғидан қоп-қорайиб кетган оқ рўмолчага ўралган тугунча тўшак устига тушмаёқ,

богици ечилиб кетди. Ундан икки буханка қора нон, икки-уч ҳовуч оқ қанд түшакка сочилди.

Назоратчининг юзи оқариб кетди — булар афшаклар маҳбуслар учун олиб келадиган нарсалардан Тошмуроднинг онасига тутингани эди. Бу ҳолни кўриб аёллар баттар уввос солишибди — айта-айта шиглашаркан, нима қиласини билмай, ҳайрону лол туришган назоратчи билан Тошмуродни хонадан чиқариб юборишиди.

— Боринглар, боринглар! — шанғилларди қўшини кампир юпқа лабларини чапиллатганча. — Хотинларнинг холаси бўлиб, бу ерда нима қиласизлар? Бориб, тайёргарликларингизни кўринглар. Қавму қариндошларни йўқланглар. Одамдай қарамадинглар, одамдай кўминглар. Муллани чақиринглар, дуойи фотиха ўқиб турсин. Дуойи фотиха ўқиб турса мархумнинг руҳи шодланади. Ўзи шодланмаган бўлсаям, руҳи шодлансин-да!

Кампир пойинтар-сойинтар гапларни айтиб, отаболани тифиз чиқариб юборди. Кейинги гаплари учун назоратчининг кўзига обдан ёмон кўриниб кетди — муллага бало борми?

Ташқарида узок-ёвуқдан йиғилишиб келганлар чопон кийиб, устидан белларини белбоғ билан боғлаб олишган, қўлларида таёқ ҳам бор эди. Улар ўзларича нималарнидир гаплашиб туришарди. Назоратчи билан Тошмуроднинг ичкаридан чиқиб келаётганига кўзлари тушиб, улар қизиқарли суҳбатларига вақтинчалик чек қўйишиди. Кейин бугун эмас, эртага тонг-саҳардан овоз чиқариш лозимлигини айтишибди. Унгача ҳар жойларга, қўшини қишлоқларга хабар етказса бўларкан. Шу ҳақда йигилганлар қизғин тортишишибди. Баъзилари

хабарни мачитга етказса бўлди дейишса, баъзилари уйма-уй юриб айтиб чиқишини ёқлашарди.

— Мачитнинг нима кераги бор? — ўзини тутолмади назоратчи. — Давлатимиз сиёсатини бузишти ҳаққимиз йўқ.

Бу гап барчага бирдек таъсир қилиб, бошларини қуий эгид олишиди.

— Сиз нима десангиз шу, — минфирлади қаёққа қочишини билолмаётгандек талмовсираниб турган оқсоқол.

— Ҳа, нима десалар шу, — маъқуллашди йигил ганларнинг кўпчилиги фалокатлардан омон-эсон асрашга қасд қилишган бошларини иргаганларича.

— Сиз дарвоза оғзида келган-кетганларнинг таъзиясини қабул қилиб туринг, — оқсоқол қилиниши мумкин бўлган урф-удумларни хаёлидан ўтказди.

— Устингиздаги шинелу камарларингизни ечиб, тўй кийиб, белбоғ болгасангиз, таёқ ушласангиз ҳам бўларди.

Оқсоқолнинг бу гапини теварак-атрофдагилар маъқуллаш керакми керакмаслигини билолмай, еростидан назоратчини кузатишарди — қани нима деркин?

Назоратчи нарироқда турган Тошмурод томони қараб қўйди-да:

— Мумкинмас! — деди кескин оҳангда оқсоқолги душманга қарагандай хумрайиб қараб. — Хизматда ман!

— Ўзингиз биласиз.

Оқсоқол ўзини дарҳол четга олиб, кун совуки бўлишига қарамай пешонасидан тошиб чиққаи терни кафтининг орти билан артиб олишга тутинди — э, падарига лаънат, нима кераги бор эди шу гапни айтиб, кўриниб турибди-ку хизматда эканлиги

иқкі күзи ўғлида, хаёли ҳам ўшанда, милтиғиниям құйвормайды.

Узоқдан назоратчининг укасининг қораси күринди. У құлига таёқ ушлаб олган, оқ сурп рұмолча билан бот-бот күзларини артиб, ўзини фуссага ботган каби күрсатғанча ёлғиз сұппайиб келарди – янгажонимдан айрилиб қолдим-а, меҳрибонимдан айрилиб қолдим-а!

У яқынлашды. Тұхтади, теварак-атрофға бир сидра пазар ташлаб, сүнгра оёғини зұрга судраётгандек ақаси томон юра бошлади – янгажоним-а, меҳрибоним-а!

Назоратчи ҳайрон эди – бұлиши мумкин эмас, қанақасига у шу қадар юрак-бағри ёнаётгандек күюнмоқда, наҳотки янгасининг ўлгани унга шу қадар алам қилаётган бўлса?!

Барчанинг нигоҳи уларда эди, зимдан, очиқ-ойдин – қанақа қилиб күришишаркан, ўзининг жиянини ўзи қаматиб яна дод-вой солишини, шу шинни қилмаганида муштипар ажалидан бурун ўлиб кетмасди, яна меҳрибони эмиш.

Ука акага яқынлашды.

Унинг афтига қарамасликка уринаркан, шинелда қанлигига аввал ажабланди, кейин номуси келди – элу юрт ичида ўзини қандай тутишни билмайды, барчасига тупурған, бунга давлатдан бошқа нарсанинг кераги йўқ; давлат, давлат, дейди холос; аммо давлати битта-ю битта ўғлини қаматиб, устидан унинг ўзини қўриқлатиб ўтирипти; хотининиям ажалидан бурун шу давлати ўлдирди; ўзиям ўғлига қўшилиб ўлиб кетсаям майлийди, кўмиш ҳеч гапмас, ўзи бекор кетғанман бу ҳовлидан, отабобомдан қолган мулкка ўзим эгалик қилишим керак эди, мен кенжаман, менинг ҳақим бор, буни ҳамма билади.

У бошини хиёл күтариб акасининг юзига қаради-ю, хаёлидан кечеётгандар амалга ошиши муқаррардек ич-ичидан қандайдыр ёқимли тұлқинларни ёпирилиб келди – күз ўнгидә илгари ўзи күргаш барваста, бақувват йигит ўрнида соч-соқоли оппок оқарыб, юзини ажин босиб кетган чол турарди!

Унинг күзларыда бир томчи ёш ҳам күрінмасды Дийдаси қотиб кетганди. Келиб-кетувчиларға ҳам унчалик парво қымбеттеган эди. Шундай қилини ши лозим бұлғани учунгина шунчаки елкаларини тутиб қоя қоларди. Унинг фикри-үйини “түқсөн олтинчи” маҳбусни эсон-омон жойига етказиб қуиб, бу ҳақда бошлиққа “доложит” қилиш, ундан раҳматнома әшитиш банд этганди.

Амаки ундан узоқлашиб, энди Тошмуродға яқинлашды – янгажонимдан айрилиб қолдик, жиян мәхрибонимдан айрилиб қолдик жиян, энди ним қиласыз, жиян?!

У Тошмурод билан ҳам күришиб бўлгач, унин ёнида бирпас турди-да, сўнгра секин-аста улардан узоқлашиб, нари кетди.

Бу кун ўтди. Яна тонг ёришди. Осмонда қуюқ туман тұда-тұда бўлиб ўта бошлади. Даражат шохларыда, томларнинг устида шитир-шитир овоциқар, бу гүё туманнинг қадам товушларидай эди. Қаргалар унинг ортидан кетишини ҳам, қолишини ҳам билишолмаётгандек безовта қагиллаб, шапиллатиб қанот қоққанча у ёқдан-бу ёққа учиб ўтишарди.

Туман залвори остида дарвоза оғзидә ўз бурчларини унутмаган одамлар куймаланишар, шу баҳамжихатликни ҳали ўлмасларидан, ҳаёт чоғи қилиш мумкинлигини боқий дарбадар сингари ҳаёлларига келтиришмади.

Кече амаки келған томондан яна бир қора күринди. У урингангина түн кийиб, қулоқчинининг қулоқларини тушириб олган калтагина одамча, уташанликларга нотаниш бир кимса эди. Яқинлашаркан,чуввос соларди, айюғаннос күттарарди. Марҳумага акалик даъвосини қиласы – сингилгинамдан айрилиб қолдимми-я, сингилгинамдан айрилиб қолдимми-я?!

У издиҳомга яқинлашиб, бир муддат саросима ичида туриб қолди – почажон қанисиз, сизнинг турқ-тароватингиз, афт-ангорингиз қанақа эди, ўзи қанақа одамсиз, сал пешвөз юрмайсизми мен томон; жияним, ўша тилинг чиқмаган чақалоқ чоғингда бир күрган тоғанға ҳеч бўлмаса сенинг раҳминг келсин, бўйинг ҳам теракдек бўлиб кетгандир, елкаларинг кенгайиб кетгандир, қора гуппи чопон кийиб, устларидан белбоғ боғлаб олган, қўлларига таёқ ушлаб қора қарғалардек бир хилда қўнишиб турган бу одамлар орасидан сени қандай ажратай?!

Назоратчи эслади: ҳа, бу ҳақиқатан ҳам хотининг яккаю ягона иниси эди.

Уни амаки қўлтиғидан ушлаб ота-бола томонга стаклаб келмоқда эди.

Пешинга яқин тобутни күтаришди. Жаноза намозида мулла кўп ваъзхонлик қилмади. Қабристон қишлоқнинг кунчиқар томонида, тепаликнинг қир учидә жойлашған эди. Тобутни ўша томонга шитоб-ла күтариб кетишиди. Оёқ остидаги қалин қор гарч-ғурч босилар, калишлар ичига кириб кетар, атрофга сочиларди. Тепаликка чиқишида тобутнинг орқа томонидан күтариб келаётганды бир йигитнинг мункиб кетиб, йиқилганини ҳисобга олмаганды, ҳаммаси одатдагидай кечди. Хайрият, одамлар тифиз

Шойим БҰТАЕВ

келишаётган экан, тобут дастасини чаққонлик биләп илиб олиб кетаверишди.

Қабристонга киришди. Чуваккина йигитча ушлаб турған тоғорадан одамлар бир сиқим-бир сиқим тупроқ олишиб, унга дам солғанча нарироққа боришиб, иккінчи йигитнинг құлидаги тоғоратың ташлайвериши. Назоратчи ҳам шундай қилди – аммо тилидаям, дилидаям ҳеч нарса демади, бириңи тоғорадаги тупроқдан бир сиқим олиб иккінчисига түкди, холос.

Қабрға, гүрковнинг ёнига ҳамон “сингилгинамдан айрилиб қолдим” деб ҳиқиллаётган одамча тушди. Синглисими охират масканига қўйиш унга раво эди – етиб келганигаям балли!

Тобутни қабр четидаги нам тупроқ устига қўйиб, бош томонини сал юқори күтаришганди, оппоқ кафанга үралған жасад шуни интизор кутиб тургандек, сирғалиб гүрков билан одамчанинг құлига келиб тушди.

Шунда... назоратчининг ичи узилиб кетгандай бўлди – йўқ, нега?!

Қўзларидан томчи-томчи ёш думалаётганини у пайқамади – ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч кимдан домандир бўлолмайди; вужудни қоплаган чанг-тўзонлару зангар бир томизғи билан ювилиб кетади; яратган инсоннинг хатти-ҳаракатлари, еган-ичгани, жисми учун жавоб бермайди; қачон зарурати туғилса, уни яна ўзиники қилиб олади, яна ўзига қайтаради, бунинг учун бир томизғи кифоядир – у хоҳ томчи шабнам шаклида бўлсин, хоҳ томчи кўз ёш – қачон лозим бўлса, қачон лозим кўрса, шунда мўъжиза юз бериб, барча беҳудаликлар ва беҳудликларга чек қўяди. Шу мўъжиза туфайли ёришган йўл, ойдинлашган манзил инсонга ҳеч ким, ҳеч қачон,

қеч қандай шайтоний ҳийла-найранглар билан тортиб олиши мүмкин бўлмаган азалий тахту баҳти қайда эканлигини кўрсатиб беради – буни қачон лозим кўради, биз билмаймиз, била олмаймиз, даъво қилишга ҳам ҳаққимиз йўқ – бу ёлғиз Ўзигагина аёндир.

Марҳуманинг ииниси лаҳаднинг ичига кириб, жасадни оёқ томонидан ичкарига тортиб олди. Кўп ўтмай, ўзига ишониб топширилган муҳим вазифани қойилмақом ижро этгандай ҳаммаёғи тупроқса белангандча лаҳаддан чиқди. Унга меҳрибонлик қилишиб, усти-бошига илашган тупроқни қоқиб юборишиди. Қўлтиғидан ушлаб, бир четта олиб бориб, ўтқазиб қўйишиди.

Гўрков қабр қазиётганда ернинг сиртидан кўчирган кесак-чимларни лаҳаднинг оғзига қалаштириб териб чиқди. Шундан сўнг белкурагу кетмонлар ишга тушди. Ҳаш-паш дегунча бўлмай, чуқурлик тўлиб, шу жойда тепача ҳосил бўлди.

Мулла тиловат қилди.

Иш битди.

Ўз яқинлари қабрларини зиёрат қилмоқчи бўлганлар ҳар-ҳар ёққа тарқади.

Тиллари остига носвой ташлаб, гўрковнинг ёкин майдони олдида тек турганча нималарнидир муҳокама қилишаётган бир гуруҳ одамлар эса қор остидан чиқиб турган картошкапояларга қараб ҳосил чўфи қандай бўлганини фол кўришарди.

Назоратчининг силласи қуриган, ҳориб толган, бундай чоқда далда бериб турадиган нарсаларнинг бирортасиям ёдига тушмасди – қамоқхона, бошлиқ, навбатчилик – бари бехуда эди. Бурч, вазифа, масъулият – барчаси аҳамиятсиз, арзимас, сариқ чақага қиммат.

Шойим БҮТАЕВ

У қабр ёнида мук тушиб ўтириди ва нам тупроқдан бир ҳовуч олиб, қўлдан кетган нарсасини қўйворгиси келмаётгандек уни фижимлади.

Юзи шишиб, қўзлари қизарип кетган Тошмурод Мусаевнинг чопони этакларини судраганча, унинг қошига келди. Серрайиб, нима қиларини билмагандай қотиб тураверди.

Назоратчи қилт этмасди.

— Туринг, — деди Тошмурод синиқ товушда.

Назоратчи бошини кўтарди. Уни танимаётгандек, бир муддат тикилиб турди. Кейин овоз чиқармай йиғлаб юборди.

Тошмуроднинг ҳам лаби буришди. Ўзини овутгиси келаётгандай, қўзларини осмон этакларидан тепага тўдалашиб чиқишаётган қўрғошин тусли қуюқ булутларга тикди. Булутлар унга нималарнидир эслатди, шекилли, тўсатдан ўкраб, чўк тушди.

Улар сукут сақлаганча анча ўтиришди.

Бир маҳал сабий норасиданинг мурфак қалби акс садоси каби олис-олислардан келаётгандек туюлган қадрдон бир сас назоратчини чақмоқ ургандек сескантириб юборди — ота, энди борайлик.

У атрофга аланглади, Тошмуродга кўзи тушиб, саросималангандай бўлди — ҳози-ир — ўз овозидаги итоатгўйлик жисму жонини бўшаштириб юборганини ҳис этди, ҳаприқсан тўлқинланиш димогига қадалди — ҳо-зир, ўғлим.

Ҳавони исириқ иси тутиб бораётганини туйган онги ярқ этиб ёришганини ҳис этди, ўрнидан туриб, ўғлининг елкасидан ушлади, уни ўзига қаратиб бағрига босди, маҳкам қучди — кечи-ир, болам — эрта-кечи йўқ, у буни англади.

ЭСКИ АРАВА

“Үлкін жонлар” поэмасынинг муаллиф томонидан
ёқиб юборилған дея гүмөн қилингандың охирі ёхуд ёзилмай
қолған чала қисми борасындагы саргузашт қисса

“Рұхнинг яратувчилик қобилияты
билан тұла күч-құвватга, порлоқ
хусусияттарға ва худо берған бошқа
фазилаттарға зәға бұлған ҳар бир
халқ үз сүзи билан бошқа халқлардан
ажралып туради, бу сүз билан у бирон
нарсани ифода қиласа әкан, бу ифодада
үз феъл-авторининг бир қисмини акс
эттиради”.

Н.В.Гоголь. “Үлкін жонлар”

Павел Иванович Чичиков гоҳ губернаторнинг дилтортар қизини, гоҳ божхонадаги сердаромад хизматини эслаб, әнтикиб хүрсинганича, қандайдыр үй-хаёллар оғушыда эди. Унинг нималарни үйлаб, қандай режалар тұзаётганини шайтони лайнинг үзи билмаса, үз тоат-ибодатлари билан машғул булып күп нарсалардан хабарсиз ғофил қолишишкан художүй кимсаларнинг билишлари анчайин душвор ҳол эди. Барчага беш құлдек аёнки, аввал-азалдан ярамас иблиснинг кириб чиқмаган тешик-телиги, бурун суқмаган пучмоғи, аралашмаган иши қолмаган. Қолаверса, у Павел Иванович билан ошно тутишиб, унинг күз күриб, қулоқ әшитмаган ишларида раҳнамолик қиласа әкан. Павел Ивановичнинг этнида тутун аралаш аланталанып турувчи наварин

Шойим БҮТАЕВ

мовутидан тикилган фраки бўлиб, соч-почи ҳам анчи ўрнига тушган, юзи семирибми-шишибми оқарган, чамаси, меъмордан кўрсатма келиб, унинг бузилган жисм биносида қурувчилар қайта қуришни бошлаб юборишганди. Павел Иванович анчайин ўзига келиб қолган, аммо ҳамон уйланмаганди. Ватани ва ватандошларини ўйлаганда ўзидан зурриёд қолмагани алам қиласарди.

Ўзи баҳт кулиб боқаман деса фалончи-пистончи, ундоқ-мундоқ, уруғ-қаёш, қон-томир деб ҳам ўтириш мас экан. Йўқса, ўша эски тарих саналарининг бири да Коробочканинг моликонасини тарқ этишлари да Селифанга катта йўлни кўрсатиб юборган қори оёқ югардак қизчанинг Петербургнинг олди са намларидан бири бўлиб кетиши мумкинлигини ким ҳам ўйлаб кўрибди эди? Ўшанда Коробочка катта йўлга чиққанларидан кейин қизчани олиб кетиб қолмай қайтариб юборишини Чичиковига тайинлаганида, у соғ виждонли киши бўлгани учун унинг айтганини қилган эди. Чичиковдан аввал бу моликонага қадам босган жун савдогари ҳам шундай қилган эди. Отасига балли, унинг ҳам виждон масаласида Чичиковдан қолгулик жойи бўлмаган, йўқса, чивиндек бир қизчани боқиб олиш мушкуллигини Павел Иванович ўйласа ҳам, пулнинг сассифига ёта олмай тўлғониб чиқувчи жун савдогари ўйламас эди. Замонасига тасанноки, ўша тарих саналарида Павел Иванович ва унга ўхшаганларнинг ҳам, жун савдогари ва жун савдогарига ўхшаганларнинг ҳам бировга, айниқса, Коробочка ва Коробочкага ўхшаганларга хиёнати бўлмаган, хиёнат нари турсин, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмаган. Ўша қора оёқ югардак қизча Павел Ивановичдан сўнг, гарчи бекасидан асал

Харид қилмаган бұлса-да, асал савдогарига ҳам, ундан сүңг маккажүхори ва сулини баҳона қилиб келиб кейин күкнори истаб юргани маълум бўлиб қолган күкнорифурушга ҳам катта йўлни кўрсатиб юбориб, эвазига бир қора чақадан бўлак ҳеч вақо олмаган, бричка козласига ўтирганидан хурсанд бўлиб қайтаверган эди.

Кўз кўриб қулоқ эшитмаган барча расвогарчиликлару разолатлар кейин-кейин юзага қалқиб чиқа бошлайдики, охирзмон деганлари ҳам ҳар гал ана кўриниб қолди, мана кўриниб қолди бўлиб туради-ю, кейин негадир ортга чекиниб, дунёга ясов тортиб келаётган янги-янги қавмлар янги-янги қилиқлар уйлаб чиқаришаверади, аввал ўлиб кетганлар мободо бу дунёга қайта тирилиб келиб қолгудек бўлсалар ўз кўзларига ишонмай ёқа тутамлаб қолишади. Павел Иванович Чичиковда яқинда шундай ҳол юз берди, дарвоқе, қиссамизнинг мазмуни ҳам унинг у дунёдан бу дунёга келиб қолганида ва шу тариқа бир оз кўнгилёзар сайру саёҳатни ихтиёр этганида. Бу саёҳатга уни аввал кучер Селифан даъват этиб кейин хизматкори Петрушка ҳам қўшилганми синки аввал хизматкор даъват этиб кейин кучер қўшилганми, бу мураккаб масалалар ҳам ўз ўрни билан ечилиб боради. Мутолаага шўнфигандан ҳамма нарсани унугиб қўядиган ўқувчининг дид-фаросатини ўрнига қўйиб ҳурмат қилмаслик ҳурматсизликнинг ўзгинаси эканлигини қайсиdir доно калласидан қайта тук ўсиб чиқаётганда айтгувники, ўша тук яна тушиб кетганидан кейин ҳам бу гап одамларнинг эсида қолди, шунга айтадиларда, доно фикр мангубарҳаёт деб. Шунаقا қилиб, "виждон" сўзи эскириб истеъмолдан чиқиб кетаётган бир даврда Коробочканинг моликонасига

Шойим БҰТАЕВ

Петербурглик бир офицер адашиби, атайинми ке либ қолди-ю, у ёқ-бу ёққа назар ташлаб, шу қора оёқ югурдак қызчадан дурустроқ бошқа махлук күзига илинмаганидан сұнг, катта йұлни күрсатишини баҳона қилиб уни бекасининг күз үнгіда олиб чиқиб кетиб, шу-шу қайтариб юбормади, нима қилди, нима қүйди анча вақтгача ҳеч кимнинг хабари бўлмади. Бу қилиги учун адашиби, атайинми келиб қолган ўша Петербурглик офицерни Коробочка роса қарғаган бўлса керак дерсиз. Бэ, қаёқда, уч кун ўтмай қизчани эсидан чиқариб юборди, кейинчалик унга сизнинг шунақа хизматкорингиз бор эди дейишса, ҳеч унақа хизматкорим йўқ эди, деб бас бойлашадиган ви ҳатто бундан ютиб чиқадиган бўлди, шунга кўра бошқалар ҳам bekannig шунақа хизматкори бормиди, йўқмиди, деб гумонсираб қоладиган бўлишди. Кейин-кейин зарпекақдек тарқаган юримсак мишишларга қараганда, қора оёқ қизча Петербургга борганидан сұнг бирров ҳаммомга кириб чиққач, анча-мунча бошқача бўлиб қолипти, кейин-кейин юзига шаҳарнинг нуқси ура бошлапти, соchlари ҳам бинойидек эканлиги маълум бўлипти, қошларини тердириб тирноқларини бўяган экан, мутлақо бошқа ҳурлиқога айланиб, ана шу ҳурлиқонинг жуда нозик фаҳм-фаросати борлиги ҳам маълум бўлипти, офицер унчалик художўй бўлмаса-да, бундай ҳурни ато этган худога шукроналар келтириб, унга уйланишга қарор қилипти. Сирасини айтганда, шундан бошқа иложиям йўқ экан, бўлар иш бўлиб бўёғи сингган экан, аммо офицерни ажаблантирган нарса шу эканки, овлоқ ва кимсасиз бир пучмоқда Коробочка деган бекасидан бўлак зотни танимаган бу қизча шунчалик ноз карашма-ю истиғноларни қандай ўрганиб қандай хаёлига келтира олди, деган ўйлар

экан — елкасига шоп-шалопини осиб, чучваранусха қалпоқ құндириган аскарларга буйруқ беріб юргани билан табиат аталмиш буюк яратувчи ҳамма нарсаны жо-бажо ва расамади билан яратганини хоби-хотирига келтира олмаган экан. Қора оёқ қизча әнди қора оёқ қизча әмас, петербурглик хоним бұлиб олибди, ҳамма замонларда бұлғаны каби бир әмаллаб пойтахтлик бұлволиш, айниқса, аёлларнинг димогини шишириб, дарқол боёқиши жуфтининг бурнидан ип үтказиб олиш ҳаракатига тушаркан, چунки шаҳарда ўргимчак уялари күп экан, истаган жойида урғочи ўргимчак түр түқиб кетаверар экан, бу түрига боёқиши әркагини ўрап экан. Шу важдан бир-икки йил үтгандан сүнг ўша қизча офицернинг бурнидан ип үтказиб олиб, истаса у әққа, истаса бу ёққа тортармиш, хоҳлаган пайти от қилиб йўргалатармиш, хоҳлаган пайти эшак қилиб лўқиллатармиш, аммо нима қилса қилгани билан унга ватан учун ўғлонлар туғиб бергани боис тили узун эмиш.

Павел Иванович шу воқеани эшитганида ўша пайтда қизчани ўзим олиб кетсам бұлар экан, деб үйлади-ю, дарқол бу бемаврид ўйни ўзидан қувди, нега деганда, вақт үтган, қолаверса, ўша тарих санасида унинг хаёли коляскани гумбирлатиб ўтиб кетган, кейинчалик кимлиги маълум бўлган ўн олти яшарлик ўша ҳурлиқо, яъни губернаторнинг қизида эди. Қора осмондан узилган юлдуз мисол ногаҳон кўзга ташланиб ўтиб кетган ўша санам қайдайкин?

Буям майли, лойхандақдан чиқарип олинган бўладими, балчиқнинг ичидә бўладими, қиз бола барибир қиз бола, ювинтириб, тарантириб олса бир нарса чиқар, аммо анави Манилов жаноблари ва Манилова хонимнинг фалати исмдаги Фомистоклюс ва Алкид деган ўғиллари-чи? Шулардан одам чиқади,

деб бирор ўйлабмиди? Муаллими-чи, муаллими?! Билгани хўжайини ва унинг хотинини оғзига жиддий қиёфада қараб туриш, бирорининг лаби сал жийрилиб нимтабассум қилса ҳам ўзини кулгига мойил кўрсатиш, акс ҳолда иши қовофини уюб олиш эди, холос. Мана шу сўтак сабоқ берган қулоқтишлар бу ака-укалар энди юрт сўраб, пошишолик хизматида эмиш. Шуни ўйласа, Чичиковнинг тела сочи тик бўлиб кетарди. Павел Ивановичнинг эшитишига қараганда, улар бир қўлларида қаламу бир қўлларида дафтар тутволиб валинеъматларидан уч қадам ортда нафас олмай у нима деса шуни тарих санасига қолдириш учун ёзиг боришармиш, тагин иккаласи-ям шифиллатиб ёзаверармиш, шуни биттаси ёзиг, иккинчиси тин олиб турса бўлмайдими? Йўқ, иккаласи ҳам ёзиши керак эмиш, негалигига ҳеч кимнинг ақли етмасмиш, агар ҳамманинг ақли етаверса бу ишнинг хашаки миরзачиликдан фарқи қолмасмиш. Манилов эса ўз пуштикамаридан тўралган бу икки шоввоздан фахрланганча дераза олдида ўтировлиб хаёл суришда давом этармиш, менинг ушалмаган орзуларимни фарзандларим амалга оширишяпти, буюк тарих китобини ёзяпти деб ўйлармиш, ўзининг абадий ўқиётган китобининг йигирма тўртинчи бетида ҳамон ўша хатчўп турганмиш.

Павел Иванович эски танишларидан Ноздревни кўп ҳам эслагиси келмаса-да, аммо фарзандлар борасида ҳамда ватани шон-шарафини ўйлагудек бўлса уни эсламасликнинг иложи йўқ эди. Гарчи Ноздрев болаларининг бор-йўқлигини эсидан чи-қариб юборган бўлса-да, улар ҳам қўйиб қўйгандек оталарининг ўзи бўлиб вояга етишди – яъники, ўша-ўша бакенбардлар, ўша-ўша кўкрак яланғочлаб юришлар, ўша-ўша қуюқ жингалак соchlар, фақат

кичкинасининг бир оз тортичоқлиги бор эди, уям аста-секин йўқолиб кетиб, фазилатлар борасида акаси нари турсин, отасидан ҳам ўтадиган бўлиб қолди. Лекин бир нарсани айтиб қўйиш керакки, бу чоқقا келиб гилос чубуғ кўтарадими, олча чубуғ кўтарадими, Ноздревга бир оғиз гапириб қўйишга бирорванинг ҳадди сифмас, капитан исправник нари турсин ундан каттаси ҳам қўлини кўксига қўйганча ёнидан жилмайиб ўтарди. Бунинг сабаби шундаки, рус халқининг нимаси кўп, душмани кўп, у узоқда ҳақиқатан ҳам тиш қайраб турган ҳақиқий душманлар қолиб теварак-атрофдаги қўни-қўшнилардан ҳам бир нимасини юлиб кетадигандек гумонсирайверади. Эмишки, мана шу славян ерларида унга етадигани йўқ эмиш, уни кўролмайдиганлар тўлиб-тошиб ётганмиш. Аммо ўша унутилмас тарих санасида баъзи бир катта доно бўлмаса-да доноликка мойил одамларнинг айтишича, бу гапларнинг бари бўлмағур сафсата эмиш, омманинг фикрини чалғитиш учун ўйлаб топилган ҳийла эмиш, душман бўлса-бўлмаса ким-нидир душман хаёл қилиш учун кураш майдонини яратармиш, одамларни душманлар хаёли билан банд қилиб қўярмиш, бошқача хаёллар суришга жой қолдирмасмиш, кейин ҳар ким ўзининг билганидан қолмасмиш, бу азалдан синалган усулми, услубми шунаقا эмиш, ҳаттоки атай қора кийим кийиб юрадиган айғоқчилар бир куни чин-мочиндан келтирилган порохни бочкага солиб ёқиб юборишиб фавро қўзгаган эмиш, шунда Ноздревнинг ўғлига ўхшаган ҳукумат хизматидагиларга худо бериб қолганмиш, ана-а кўрдиларингми, душманлар бизга ҳужум уюштиришди, деб бонг уришган эмиш, шунда Ноздревнинг тантилиги тутиб кўкрагини

ялангочлаб ўртага чиқибди-да, душманлар яшириниб бочка ёқмасдан мана марди майдон бўлиб ўртага чиқсин, мен билан бир куч синашиб кўрсин-чи, ким ютаркин дебди, бу олий ҳазратларининг ҳам қулоғига етиб бориб, қора кийимдаги айгоқчилар билан Ноздревнинг олишиб турганини тасаввур қилиб кулиб юборибди, лекин шундаям Ноздревга марҳамат кўрсатиб унга дахлсиз бир ҳужжат қилиб берибдики, бу ишонч қофозими, дахлсизлик қофозими, ишқилиб шунаقا бир қофоз эканки, Ноздрев ўзи яхши кўрадиган ярмаркаларга бориб текинга еб-ичиб юрадими, қартабозлик қилиб қайишни отга алмаштирадими, отни итга алмаштирадими ҳеч ким ҳеч нарса демасмиш. Худо бераман деса шу-да, ўзи Ноздрев ва Ноздревга ўхшаганларга шундан бошқа нима керак? Улар ўз ер-мулкларидан истаганча фойдалана олиш ҳуқуқига эга бўлган ўша дориломон тарих санасида ҳам, ундан кейин давлат бу ерларга мужикларни сочиб ташлагандан ҳам, ундан кейин мужикларни телиб билганини қилганда ҳам Ноздревнинг ер билан иши бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Чичиковнинг қулоғига етиб келган узунқулоқ гап-сўзларга қараганда, унинг обрў-эътибори ниҳоятда кўтарилиб кетганидан кейин ўша эски одатларини ҳам унутибди, мўмин-қобил бўлиб қолибди, илгари бирортаям рост гапирмаган бўлса, энди бирортаям ёлғон гапирмайдиган бўлибди (аммо мана шунисига Павел Иванович ўла қолсаям ишонмайди!), қартабозлик одатини ташлаб, ҳатто бу ўйинни ўйнамаслик ҳақида аллақандай панд-насиҳатлар ўқидиган бўлибди (панд-насиҳатлар ўқиши-ку майли, аммо қартабозликни ташлаб, юборгани ҳақидаги гаплар шубҳали!), сўкиш, муштлашиш

каби бирорларга ярамас одатлар булиб кўрингани билан ўзига завқ берадиган машгулотларни ҳам бирорларнинг манфаатларини кўзлаб ташлаб юбориби.

Бунаقا гап-сўзларни эшитгандан кейин наинки Павел Иванович, бошқалар ҳам ёқа тутамлаб қолишган, Собакевич бўлса бус-бутун пиширилган қуй биқинини паққос тушириб бўлгач ҳам кекиришни хаёлига келтирмай дастурхонда тишга илингулик яна бирор нарса бормикан дегандек теварак-атрофга алангларкан, қатъий тарзда:

— Бўлмаган гап, — дея ичига қўймоқ солиб пиширилган бир булак балишни оғзига тиқаркан, — у ярамас одам эди, ярамаслигича қолади, — деганича Собакевич оғзидаги луқмани лўқ этиб ютиб юборган, кейин иштаҳасини йўқотиб қўймаслик учун бошқа сўзга оғиз очмаган эди.

Афсус ва надоматлар бўлгайким, ўша эски тарих санасидаги ҳамма таниш-билишлари, ошна-оғайнилари орасида Павел Ивановичгина, шу боёқишигина йўл-чўлларда, сарсон-саргардонликда умрини худа-беҳуда ўтказиб юборди. На бир рафиқи содик, на бир фарзанди солиҳ унга насиб этди.

У ана шундай андуҳли хаёллар оғушида эканида ортидаги эшикнинг фийқиллаб очилаётгани товушини сергак қулоқлари ногаҳон илғаб қолди. Шу ўринда айтиш жоизки, юмалоқ бош айри оёқ инсон зотининг барчасида мавжуд бўлмиш беш сезги ҳаммада ҳам баробар бўлмай, бирорда ундоқ, бирорда бундоқ шаклланган — шунинг учун эл орасида, кўр тутганини, кар эшитганини қўймайди, деган гаплар юради. Павел Ивановичга она сутиданми, ота қониданми ўтган фазилатлар қаторида мана шу

беш сезгининг бекаму кўст, мурвати бураб қўйилган соат милидек ишлаб туриши жуда асқотар эди – у ана шу сезгиларига бирров қулоқ солиб қўйгач, баъзи давралардан омоч тортадиган от билан тортсангиз ҳам қўзгалмас, бошқаларида бир дақиқа ҳам ортиқча қолмас эди. Уни таниб-билганлар бу ҳолдан ажабланиб, Чичиков шундок-шундок ҳодисалар бўлишини қандоқ билди, қанақа қилиб билди-я, дебон ёқа тутамлашар; бир-бирларига, хуфиялари унга бўлажак хавф-хатарлар ҳақида шипшиб туришармикан, дегандек қараашарди. Бу жуда бўлмағур гумон эди. Нега деганда, боёқиши Павел Ивановичнинг Петрушка ҳамда Селифандан, аравасига қўшиладиган отлардан харажати ортмас, жуда ортиб қолганини ўзининг усти боши башанг бўлишига-ю соқол олганидан сўнг сепиладиган ҳар хил атирупаларга сарфлар эди. Эҳтимол, ўйлаган режаси амалга ошиб, келгусида ўлик жонлар туфайли бойиб кетса хуфиялари тугул ортидан оёфини артиб, сюргутини тозалайдиганлар ҳам югуриб юришар, аммо ҳозирча бунақа ишларни унинг ўзи бажармоқдан ўзга иложи йўқ эди. Унинг найрангларига чув тушганлар узоқ-узоқларда, минг қувган билан етиб бўлмас жойларда кетиб бораётганининг шарпасини кўриб қолишганда; бу шарпа ҳам одам шарпасига ўхшамай сароб янглиғ минг мақомда товланиб, гоҳ йўқолиб, гоҳ кўзга ташланиб кетиб бораётганини илгашибганда шапкаларини қўлга олганча бош чайқашар, ана найрангу мана найранг, дея беҳафсало қўл силтаб қўйишар эди. Аслида бу ҳолнинг ҳеч қанақа найранг-пайрангга алоқаси йўқ, Павел Иванович ўзи сезгиларига ишониб ҳаракат қиласар эди, холос.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. У эшикнинг фийқиллаб

очилган товушига парво қилмай хаёл суришда да-
вом этаверса ҳам бўларди, аммо бир таёқнинг икки
учи борлиги ёдига тушиб қолди. Шу сабабли, бир
томони хаёли бўлингани ҳам айни муддао бўлиб
туюлди — ахир, қачонгacha фалончининг фарзанди
ундай, пистончининг зурриёди бундай деб сиқилиб
ўтириш мумкин? Бўлса бўлар, бугун бўлса эртага
йўқ, пошшолик хизматида бўладими, бошқа жойда
бўладими, ҳозир хўroz ҳаммаёққа бир қичқирган,
биров бировдан ошиб ҳам, камайиб ҳам кетмайди.

Павел Иванович аста ортига ўгирилмоқчи бўлди-ю,
аммо нимадир уни тўхтатиб қолди. Қандайдир сирли
нарсадан умидвор бўлгандек:

— Ким? — дея хайриҳоҳона, айни чоқда катта
қизиқиш билан сўради.

Жавоб ўрнида аллақандай пишиллаган овоз эши-
тилди. Ие, бу нимаси? Инсми, жинсми?! Павел
Иванович энди ҳақиқатан ҳам ортига ўгирилишга
ҳайиқиб қолди. Дарҳол дафи бало учун бирон чора-ю
тадбир излаш хаёлида бўлиб, энди синаётгандай:

— Кимди у? — деди ўзига ҳам эштилар-эштилмас
паст товушда.

Пишиллаган овоз кучайди ва гүёки худодан бўлиб
улкан кобра ўзини танитишга чоглангандай:

— Мен, — деган панқаланган оҳиста овоз чиқди.

Павел Иванович ҳамон ички қалтироғини бо-
солмай:

— Кимсан? — деб сўради.

Панқаланган оҳиста овоз бир парда кўтарилиб яна
бир карра:

— Мен, — деганидан сўнг Павел Иванович хавф-
хатар ўзидан йироқ эканлигини пайқаб қолди ва:

— Селифанмисан? — деб сўради.

— Ҳа.

Павел Иванович кескин ортига бурилиб:

— Сен бўлмай ўл, шуни айтсанг бўлмайдими?
деб савол билан кучерини яниди.

— Айтдим-ку, хўжайин, — дея Селифанинг чан
юқи қовоғи осилиб кетди.

— Нуқул илондек пишиллайсан, холос, овозинг
ҳам ўзингникига ўхшамайди, гапирсанг ўзингга
ўхшаб гапир-да, баччағар?!

— Сўқинмай гапиринг, хўжайин.

— Бу сени сийлаганим.

— Шунча вақт ер остида ётгандан сўнг овоз ҳам
ўзгариб қоларкан-да, айб мендами?

— Сенга ер остида бало бормиди?

— Ўзингизга ўзингиз ҳам қулоқ солиб кўринг-да,
кейин мендан домангир бўлинг, — дея Селифан четта
қараб, Павел Иванович эшитмайдиган қилиб, аввал
ўзингга боқ, сўнгра ногора қоқ, — деб қўйди.

Дарвоқе, Селифан айтса-айтмаса, Павел Ива-
нович ўзининг ҳам овози ўзгариб қолганини пай-
қаган эди. Боз устига, димоғида қандайдир ғалати
ҳид абадул-абад ўрнашиб қолгандек эди. У бунинг
сабаби нимада эканлигини ўйлаб, ўйлаган ўйининг
тубига етмоқчи бўлиб турганида Селифан ҳудди
унинг ичига кириб чиққандек:

— Хок ҳидиям бежизмас, — деб қўйди.

Шундагина Павел Иванович димоғига ўрнашиб
қолган ҳид тупроқ ҳиди эканлигини фаҳмлади ва
Селифана ажабланаётгандек, шу асно шубҳали
тарзда ўткир нигоҳ ташлаб:

— Нима?! — деди савол билан унинг кўксини ёриб
юборгиси келгандек.

— Хок ҳиди, — минғирлади Селифан.

— Селифан!

— Лаббай, хўжайин?!

— Каллаи саҳарлаб қаёқдан уриб олдинг, чўчқа тумшук?!

— Меҳмонлар келишган экан.

— Меҳмонлар?! Сен галварсга куни қолган қанақа меҳмонлар экан?!

— Кўчада қолишган экан, отхонадан жой қилиб бердим.

— Шундоқ кенг ўлкада ким кўчада қоларкан, ҳароми? — Павел Ивановичнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари бениҳоя озор еб, фазабланди. Масала-га сиёсий тус бериб юбориши ҳам мумкин эди-ю, Селифандиккина одам, кейин ўзи хизматкорсиз қолиб хўп қийналиши турган гап.

— Ўшалар билан қиттак-қиттак отдик.

— Отмай ҳар нарса бўл, газанда, сенга ароқ қаёқдан топила қолди?

— Ўзлари опкелишган экан.

— Шунақа меҳмон ҳам бўлар эканми, ифлос?!

— Бўлар экан-да.

— Ажабо, меҳмон дегани еб-ичгани келар эди, бунақа валломатлар қаёқдан кела қолишдийкин?!

Селифаннынг ҳуши энди ўзига келгандай бўлди.

— Билмадим-а, — деди хуштак чалаётгандай чўзиб.

— Ароғини ичасан-у, кимлигини суриштирмайсан ҳамми? — шундай дея Чичиков Селифанинг оғзини тўлдириб, ҳеч айтгилиги йўқ сўкишлар билан сийлади.

— Билиб келайми?

— Йўқо-ол!.. — беихтиёр бақириб юборди Чичиков.

Авваллари у бунақа бақирмасди, шу эсига тушиб, ўзига ўзи, асабни асраш керак, деб қўйди.

Селифандиккинга чоғланаётганди, хўжайиннинг ёдига қандайдир муҳим иш тушиб, уни тўхтатиб қолди.

Селифан дарҳол соме қиёфада унинг қаршисида бош эгид турди.

— Отларни тақалатдингми?

— Отларни тақалатганим йўқ, Павел Иванович, деди Селифан осон савол тушганидан суюниб жавоб берган ўқувчидай шариллатиб.

— Энди яна қанақа важ-корсон кўрсатмоқчисан, чўчқатумшук?

— Важ-корсон эмас, аниқ факт келтирмоқчиман.

— Қанақа аниқ факт?

— Бу лаънати шаҳарда бирортаям темирчи йўқ экан.

— Ие, бу қанақаси, темирчилик устахонасиз шаҳар ҳам бўларканми, ҳатто Маниловнинг хуторидаям тўртта темирчи, иккита устахона бор эди.

— Ҳа-а, энди-и у замонлар шунақа эди-да, — деди Селифан нималарнидир хотирламоқчи бўлгандек қўзларини хиёл қисганча. — Бу ерда иккита эмас, биттагина устахона борми деб сўрасам ҳам устимдан кулишади.

— Жўна! — деди энди Чичиков у билан пачакилашиб ўтиришни ўзига эп билмай. Ернинг остидан бўлсаям устахона топиб, буйруқни бажар.

— Буйруқни бажаришга бажараман, аммо устахона топишга ваъда беролмайман.

Устахона тополмасанг сени нима қилишимни билласанми?

— Биламан, — дарҳол тумшуғини кўксига текизгудек бўлиб кескин бир ҳаракат қилди Селифан.

— Билсанг, марш!

Селифан чиқиб кетаркан, ўзича буйруқни бажармаса Павел Иванович уни нима қилишини, тўғрироғи, нима қила олиши мумкинлигини, мулоҳаза қилиб кўрмоқчи бўлди, шунда хўжайинининг қў-

ШУРОДАН ҚОЛТАН ОДАМЛАР

лидан ҳемириям иш келмаслиги унга аён бўлиб, ажабланганча кифт қисиб қўйди.

Павел Иванович яна ўз ўй-хаёлларига фарқ бўлди.
Орадан анча вақт ўтди.

Бир маҳал эшикнинг шитоб-ла очилиши унинг хаёлларини туйқусдан пардай тўзғитиб юборди.

Павел Иванович Чичиков бу гал ўрнидан сапчиб туриб кетди ва эшик томон кўзлари жайнокланганча саросар назар ташлади.

Селифан остонада бўйини роздай чўзганича турарди. Шунчаки турмай, дор устидаги дорбоздай гоҳ олдинга, гоҳ орқага қалқиб кетар, чуччайган лаблари Чичиковга аллақандай шоён қизиқ бир воқеа-ҳодисалар ҳақида ривоят қилмоққа чоғлангандай бўлар, аммо ривоят ўрнига оғзидан сўлакайи оқиб тумшуғида шовушдай осилиб қолмоқда эди. Павел Иванович нозиктаб киши бўлгани учун газаби чунонам ошиб кетдики, қанчалик ўзини тутишга ҳаракат қилмасин, тута олмай:

— Ҳа-а, мараз, нима гап? — деб сўради шовуштумшуққа мушти тушса қўлинини икки ҳафта ювгани билан тоза бўлмаслигини ўйлаганича.

Селифан буни сезгандай, тумшуғини енги билан артиб оларкан:

— Мени сўкманг, хўжайин, — деди тили базўр айланаб.

Чичиков ҳайрон қолиб:

— Ие! — деди.

— Ҳа, сўкманг... — фўлдиради Селифан.

— Ие!

— Майли, ит дея қолинг, — паст тушди Селифан.

— Яна ичдингми?

Селифан кўксини роздай керганча:

Шойим БҮТӘЕВ

— Кечагидан қолганиниям грамм қолдирмай урдик! — деди мақтаниб.

Нафсилаамрини айтганда, унинг бу тарзда мақтаниши ҳам янгилик эди. Одатда ичиб олган пайтлари мусичаи беозор бўлволиб, билдирмай юарди.

— Сахий меҳмонларинг қаёқдан эканлигини билдингми?

— Билдим! — Селифан яна керилди.

— Ху-уш?!

— Ўзбекистондан экан, хўжайин.

Чичиков янгилик эшитдим-ов, деган хаёлда оғзини очиб қолди. Чунки, у божхонада ишлаганида дунснинг энг кун тегмаган пучмоқ жойларигача билиб олган, аммо бунаقا фалати номни эшитмаганди.

— Қаёқдан дединг?

— Ўзбекистондан дедим-ку, хўжайин.

Селифаннынг гап оҳанги, намунча ғалча бул масангиз-а, дегандек туюлди-ю, Павел Иванович нималарнидир хаёл қилганча ўйланиб қолди. Кейин яна қизиқиши устун келиб, беихтиёр:

— У қанақа жой экан-а? — деди ўзига ўзи савол берив, жавоб топишга уринаётгандек жудаям паст товушда.

Аммо қулоқ сезгиси борасида дингониям ортда қолдирадиган Селифан буни эшитиб, дарҳол аввалдан тайёрлаб қўйган жавобини дўндириди:

— Жаннатмакон!

Павел Иванович сесканиб тушди.

Нариги дунё маъволарини эслатадиган сўзлар, гарчи жаннат тўғрисида бўлса-да, уни жуда-жуда чўчитар эди.

— Нега унақа деяпсан, ҳароми?

— Айтдим-ку, хўжайин, майли ит дея қолинг, аммо ҳар хил сўкишларингизни қилманг деб.

— Нега унақа деяпсан, ҳароми ит?

Селифан хўжайинга ғалати қараш қилди. Аммо унинг оғзидан турфа бемаъни сўзлар қатори ўзига маъқули ҳам жаранглагани учун индамай қўя қолди.

— Ҳаммаёқ обод, ариқларда сув ўрнида сут оқади.

Павел Иванович Селифандга пешонасини тириштириб тикилди ва ўсмоқчиладек:

— У ёқда сигир кўпмикан? — деб сўради.

Селифан хўжайиннинг хаёлига туйқусдан нега сигир келиб қолганини фаҳмламади. Бу борада ўзининг ҳам маълумотлари етарли эмас шекилли, мажхул оҳангда:

— Йў-үқ... — деди.

Павел Иванович ажабсинганча кифт қисиб қўйди.

Селифан хўжайиннинг саволига дарҳол аниқ далил билан жавоб қайтармаслигини пайқаб:

— Зато қўй кўп экан, — деди катта-кичик сурувларни кўз ўнгига келтирганча.

— Қанақа қўй? — Павел Иванович нимагадир қизиқиб қолгандек бўлди.

— Кўйдақа қўй-да.

— Думбаси катта эканми?

— Думбаси катта экан.

— Қорни чиққан эканми?

— Қорни чиққан экан.

— Олдига ем ташласа индамай ётаверар эканми?

— Шунақа экан.

— Катта сурувниям кичкина бир ит эплаб кетаверарканми?

Энди Селифанднинг кўзлари чақнаганча:

— Ҳа, шунақа экан, хўжайн, — деди.

— Унақада сен ҳам эплайсан, ит.

— Албатта эплайман, хўжайн.

Шойим БҮТАЕВ

- Шунақа дегин-а.
- Шунақа.
- Шунақа бүладиган бүлса, гапларинг бир-бириңиң мос эмас.
- Нега унақа дейсиз? — деди Селифан нодон лигини хұжайин ҳозироқ бүйнига қўйиши мумкинлигидан ҳайиққандек.
- Сен ариқларда сув ўрнига сут оқади дединг-а?
- Ха.
- Сигир кўпмикан десам, қўй кўп экан дединг-а?
- Ха.
- Қўй кўп бүлса, ариқларда сут оқмайди нодон, гўшт-мой сероб бўлади.

Селифан хўжайнининг бундай чуқур билимга эгалигини авваллари билмагандек унга афрайганча қараб қолди.

- Энди уқдингми? — деди Павел Иванович эркаб Селифандын бурнига чертмоқчи бўлиб, аммо унинг бурниям тумшүғидан ҳам баттар ифлослигини кўриб, ҳавони чертиб қўяқолди.

Селифан энди индамай бош иргаб турарди.

- Аммо-лекин бунақа номни энди эшлишиш, — деди Чичиков ўзича мулоҳаза қилмоқчи бўлиб.

Бингоқулоқ¹ Селифан унинг ўзича мулоҳаза юритишига изн бермай:

- Қанақа номни? — деди боши қотгандай бўлиб.
- Сен айтганингни.
- Ҳа, шундай демайсизми, бизнинг замонамиизда уларни бошқача ном билан аташган экан.

Павел Иванович яна Селифанды қаради. Гўрдан чиққандек бўлиб турган бу содиқ хизматкорнинг аллақайси жиҳатлари ўзига ўхшаётгандеку аллақай-

¹Бингоқулоқ — итқулоқ.

си жиҳатлари ўзига ўхшамаётгандек, гап-сўзлари ҳам фалатироқ туюлди. Худдики, бу ўша Павел Ивановичнинг содик хизматкори Селифану, аммо Селифан эмасдек эди; унинг айтаётган сўзлари ҳам Селифанникideк эди-ю, айни чоқда Селифанники эмасдек ҳам эди.

Жуда галати ҳол, бунақаси Павел Ивановичда авваллари бўлмаган эди. У шу ҳақда чуқурроқ мулоҳазага берилган эди, энди унинг ўзига ўзи ҳам Павел Ивановичу, аммо Павел Иванович эмасдек; юритаётган мулоҳазалари ҳам ўзиники-ю айни чоқда ўзиники эмасдек туюла бошлади. Чичиков, ишқилиб, жинни-пинни бўлиб қолмаяпманми, дегандек бошини ушлаб кўрди. Унинг боши жойида тургандек, аммо айни чоқда жойида эмасдек эди. Йўқ, бир оз дам олмасам, ҳаммаёқни алкаш-чалкаш қилиб юборишим ҳеч гапмас, деб ўйлаган Чичиков димогига урилган қандайдир кўланса ҳиддан боши айланиб кетаёзди. “Селифан айтган жойнинг ароғи сассиқ бўларкан-да, — дея хаёл қилди сoddадиллик билан, — ўткир ҳам шекилли, бу лаънати анчамунча ароқ ичса бундай жаврамасди, тилини ешиб юборганини...”

Чичиков Селифан айтган юртнинг ароғига қойил қолиб, унинг нимадан тайёрланишини ўйлаб кетди.

Шу асно бошқа гаплар ёдидан кўтарилиди.

Бош бармоғининг учини сўриб, қошлари орасини тутун қилди — фойда бермади. Ҳеч нарса хаёлига келмади. Калласининг ичида елвизак эсаётгандек гувилларди.

— Майли, бор, — деди паришон ҳолда.

Селифан қаққайиб тураверди.

— Ҳа-а, сўррайиб қолдинг?

Селифанга забон битди:

— Павел Иванович, мен сиздан кетаман, — деди дабдурустдан.

Чичиков сиртига чиқармаса-да, құрқиб кетди.

— Селифансиз аҳволи нима кечади — худога аён!

Усиз Павел Иванович Павел Иванович эмас.

Эй, тавба, бу ярамас қаёққа кетаркин? Ёинки битта яримтаси уни Павел Ивановичдан айнитиб, үзиге оғдириб олмоқчи бўлдимикин? Ундей дейдиган бўлса, на киборлардан, на помешчиклардан бирортасиям Селифан билан тузук-қуруқ гаплашганини Чичиков эслолмайди. Қаёққа боришмасин, Селифан хизматкорлар хонасида бўлади, ўшалар билан сұхбатлашади. Бир хизматкор иккинчи хизматкорни айнитиб олиб кетиши амримаҳол. Шундай экан, кимниң кўзи учиди турибдийкин унга?

— Тушунмади-им, — деди Чичиков лабини чўччайтириб.

— Сиздан кетаман, Павел Иванович, — деди Селифан. — Ҳў-ўў бир кечада бричкани ағдарвортганим учун кечиринг, айб менда эди.

— Албатта, айб сенда эди. Негадир бошқа гуноҳларинг эсингга келмаётгани мени ҳайрон қолдирмоқда.

Селифан говлаб турган боши билан нималарнайдир ўйлаб кетди.

Кейин, нимаики бўлса бўлар, дегандек қўл силтаб қўйиб:

— Бошқа гуноҳларим бўлган бўлса ҳам... энди ўзингиз биласиз, беайб парвардигор, кечириб қўяқоласиз-да.

— Бас қил, Селифан! — деди Чичиков эснай туриб.

— Худди нариги дунёга кетаётгандай, кечиринг, кечиринг, дейсан-а, айб бўлади.

Энди Селифан Павел Ивановични биринчи мар-

Шүрөдан қолған одамлар

та күраётгандек фалати тарзда, күзларини ола-кула қилганча тикилиб қолди.

— Ҳа-а, — деди Павел Иванович ўзидан хавотир олаётгандек у ёқ-бу ёфига қараб қўйиб. — Намунча, Остап ғўлага ўхшаб тикилиб қолдинг?

Селифан базур ўзига келгандек бўлиб, тилга кирди.

— Гапларингиз мени ҳайрон қолдирмоқда, хўжайин, — деди гўлдираганча.

— Мободо сен рус тилини унутиб қўймадингми, галварс?

— Нега унаقا дейсиз, ўз она тилимни унутсан, Остап ғўланинг тожи юлинган тўтисидан нима фарқим қолади, хўжайин?!

— Унда нега гоҳ карахт бўлиб қоласан, гоҳ гапларингизга ҳайрон қоляпман дейсан. Айт, нима бўлди, ҳақиқатни мен ҳам билиб олай.

— Ҳақиқат шуки, хўжайин... — Селифанин дабдурустдан ҳиқичноқ тутиб қолиб, анча маҳал ҳиқиллаб, бутун сабзи ютиб юборгандай қип-қизариб, бўғриқиб кетди. Кейин базур ўзига келиб, ҳарсиллаб нафас оларкан:

— Ер ости зулмати асорати, — деб қўйди Дантенинг мисрасини ёдга олаётгандек.

— Суйла, нега менинг гапларим сени ҳайрон қолдирди? — деди Павел Иванович Селифанинг ҳозирги хитобидан ажабланган бўлса-да, чалғиб кетмаслик учун аввалги гапга қайтди.

— Чунки сиз қизиқ гапларни гапирасиз, хўжайин.

Павел Иванович ўзининг нима деганларини ёдига келтирмоқчи бўлгандек пастки лабини олдинга чиқариб, кўзларини бир оз қисганча хаёл оғушига чўмиб турди-да, кейин бу масалага ўзи аниқлик киритолмаслигини фаҳмлаб етиб:

Шойим БҮТЛӘЕВ

— Хү-үш?! — деди.

— Менга худди нариги дунёга кетаётгандек гапирма, дедингиз-а?

— Хү-үш?!

— Ўзи нариги дунёга кетганимизга кўп вақтлар бўлди-ку!

Селифаннынг дабдурустдан айтган гапи Павел Ивановичнинг ҳушини бошидан учириб юборгандек бўлди. У ўрнидан сапчиб тураркан, тишлари орасидан уваланиб тушаётгандай сўзлар тўкилди:

— Ҳали би-из...

— Ҳа-а, — деди Селифан унинг бу мажхул сўзлари ни бош иргаганча бажонидил тасдиқлаб.

— Демак, би-из...

— Ҳа-а, ҳа-а! — тасдиқлаб қўйди Селифан.

— Наҳотки?! — Павел Иванович Чичиков шундай хитоб қилганча, ҳушдан оғиб, бир томонга ағдарилаётувди, Селифан югуриб келиб унинг қўлтиғидан олди ва:

— Ўзингизни қўлга олинг, хўжайин, — деб бақирди.

Селифаннынг қўлтиғидан олганидан ҳам кўра мана шу бақириғи кўпроқ далда берди шекилли, Павел Иванович дарҳол ўзини тутиб олди.

Унинг бу файрати Селифанин жуда хурсанд қилди.

— Яшанг, хўжайин, — деди валдирашга ўзида чексиз иштиёқ сезганча. — Сизу биз аллақачон бу ёруғ оламни тарк этиб кетгандик.

— Наҳотки?!

— Ҳа, хўжайин!

— Унақада бу ерда нима қилиб юрибмиз?

Селифан бошини қашиди.

— Шунисига мен ҳам ҳайронман, хўжайин.

Павел Иванович Чичиков ўзининг ғалати ҳолатининг, нотайин ўй-хаёлларининг бойсими энди

ШУРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

инглагандай бўлди: у қаёқдан келганини билолмай гаранг бир аҳволда турган экан.

— Шошма-шошма, сен қандайдир етти қаватли бир манзилнинг энг пастки қаватида қийналиб анча вақт ётдингми?

— Мен сиздан баландроқда, учинчи қаватда эдим, — деди Селифан тиржайиб.

— Бу нима деганинг?

— Оз-моз ичиб турганимизни ҳисобга олишмагандаку, нақ беҳиштнинг ўзидан жой тегаркан-ку-я.

— Жаннатий эдим демоқчимисан?

— Шунақага ўхшайди, — Селифан хижолатпазлик билан бошини қашиб қўйди.

Павел Иванович ўйга толди.

— Аммо-лекин сизнинг гуноҳларингиз кўп экан.

— Ярамас, бундай дейишга қандай ҳаддинг сифди?

— Мен ҳам шуни айтаман-да, яхши одам эдингизку, хўжайин, — деди Селифан Павел Ивановичга унинг нуқсонларини кўрмоқчи бўлгандай қўрқаписа қараб.

— Ҳаммаёқдаям англашилмовчиликлар бўлиб турди, — деди Павел Иванович, бу гапи билан яна бир гуноҳ ортираётганини ичida ҳис қилганча.

— Аммо мен у ёқда англашилмовчилик бўлганини пайқамовдим.

— Унда тарозиси чатоқ бўлгандир.

— Шунча гуноҳ ортирганингизни пайқамай ҳам қолганимни қаранг-а?

Павел Иванович шундагина дунёга қайта келганига ишонди.

— Ё тавба! — деб юборди беихтиёр, унинг бунақа кўз кўриб қулоқ эшитмаган ҳодисага ҳамон ишонгиси келмай турарди.

— Аммо-лекин одам ўз хўжайинидан юқорироқ

Шойим БҮТАЕВ

турса, ўз хұжайинидан фароғатлироқ яшаса, сал-пал хижолат ҳам чекаркан, — валдирашда давом этарди Селифан.

— Ана шундай бұлиш керак, — деди Павел Иванович Селифанинг жүяли андишасини маңқуллаб.

— Аммо кейин-кейин хижолат ҳам чекмай құяркан.

— Вой ярамас, бирпасда яна нима жин урди сени?

— Мен сизга айтсам, беҳиштда хұжайинлардан бирортасигаям жой тегмай, ҳаммаси сиз тушган жой дүзахга юбориларкан. Шунисига ҳайрон қолдим. Бу дунёда күпам қўй оғзидан чўп олмагандай бўлиб, ўзларини ақлли доно кўрсатиб юришаркан-да. Биз овсарлар бўлсак, уларнинг макр-ҳийлаларидан беҳабар қолиб, хұжайин экан, дуруст одам бўлса керак деб юраверканмиз-да, а?!

— Учир овозингни, ярамас!

— Омади гап-да, хұжайин! Кейин, қолаверса, бу гапларнинг кўпи сизга тегишли эмас. Сиз, ҳарқалай, ғалати-ғалати қилиқлар кўрсатиб, ҳаммани ҳайрон қодирадиган ишлар қилиб юрсангиз-да, ўлганингизда улардан ўлигингиз ортиқ эканлигига амин бўлдим. Айниқса, хұжайинларнинг хұжайинчилиги қанча катталашиб, кенгайиб бораверса, разиллиги-ю ёмонлиги ҳам шунчалик ошавераркан-да, ё тавбай?!

— Шуни айтгин-да?

— Шуни айтаман-да.

— Ўша ерда, жаҳаннамнинг тубида биттаси оҳвоҳ қилиб ётганида, тепасига кимдир келиб, сен мутаҳҳам бандаларига жабру жафо ўтказиб худога шак келтирдинг, шунинг учун ҳозир кунингни кўрсатаман, деб гурзисини кўтарган эди, қўрқиб тавба-тазарру қилиш нари турсин, у пинагини ҳам бузмади.

— Йүф-э?! — деб юборди Павел Иванович Селифанинг ҳикоясига беихтиёр қизиқиб қолиб.

— Ҳа-да! — дея хитоб қилганича ўзидан ҳам қўшиб чатиганича давом этди Селифан. — Рости гап, пинагини бузмади. Сенинг худонг мана бу ерда, ўликлар салтанатида ҳукмронлик қилса, мен ер юзида тириклар устида пошишо эдим, — деди. Оғзи очилиб қолган мункар-накирга дўқ ҳам урди.

— Нима деб дўқ урди? — Павел Ивановичнинг беихтиёр эти жимирилаб кетди.

— Афсуски, мени чалғитиб бўйнимга тиф тортиб юборишмаганида бу ерда сен зоти паст билан пачакилашиб ўтирмасдим, деди. Ўзимни бунаقا аҳволга солишигани билан ҳали менинг ҳайбатим ср юзидан буткул ўчиб кетгани йўқ, ўчиб кетмайди ҳам, минглаб аёлларнинг жисмига зулмкор уругимни сочиб ташлаганман, деди. Ҳали улар униб-ўсишса кейин кўрасан, ер устидан пастга тушиб сенларни ҳам қулларингни кўкка совуришади, деди.

— Вой, ярамас-ей?!

— Ҳа, хўжайин, чатоқ экан. Аммо-лекин мункар-накир ҳам бўш келмади, уни бурчакка сиқиб, сўроқ-жавоб қилганидан сўнг, бутун қавмдошларини қириб юборганини тан олдирди. Ер юзида дарё-дарё қонлар оқизганини бирма-бир эслатиб, гурзисини кўтарганича бошига чунонам қаттиқ зарб билан...

Селифан шу жойга келганда, Павел Иванович шартта уни тўхтатиб:

— Бўлди! — деди. — Ҳаммаси тушунарли!

Селифан ёлғони фош бўлган болакайдек кўзлари-ни тақиллатиб қолаверди.

Ўртага ноқулай жимлик чўкди.

Шойим БҮТАЕВ

Селифан ташқарига чиқиб келишга рухсат сўраётгандек:

— Энди мен кетсам майлими? — деб сўради.

Павел Иванович Чичиков бош иргаб унга рухса берган эди, Селифан унинг кенг пешонасида “чўл” этказиб ўпиб олди-да:

— Алвидо, хўжайин! — деди қўзига ёш олгудек бўлиб.

— Ҳа, сени нима жин урди, ҳэ йўқ-бэ йўқ, видолашиб қолдинг?

— Энди дийдор қиёматга қолди, хўжайин, Селифан туйқусдан ҳўнграганича йиглаб юборди.

— Шошма, сен қаёққадир бориб-келмоқчидин...

— Бориб-келмоқчи эмас, абадий мангу кетмоқ чиыйдим.

— Шунинг учун рухсат сўрадингми?

— Ҳа, хўжайин, сиз ҳамиша менинг гапимга эъги борсиз қарагансиз.

— Қаёққа бормоқчи эдинг? — деб сўради Павел Иванович ўзини зўрға босганча сохта мулоимлик билан, у Селифанинг рагисакта ақлига кутилмаганда бўлар-бўлмас ишлар қилиб юбориш хаёли келиб қолишини яхши биларди.

— Ўзбекистонга.

— Уф-ф...

— Нега уф тортасиз, хўжайин?

— Яна-а Ўзбекистон. Жонгаям тегдинг.

— Энди бир ўлиб қайтиб келгандан кейин, кўнгил майлига қулоқ солиш ҳам керак-да, хўжайин.

— Сен жудаям ақлли бўлиб кетмадингми, пўстак?!

— Ит денг.

— Ит пўстаги.

— Майли, оғзингизга келганини айтаверинг-чи, қадрим ўтгач, бу сўзларингизга пушаймон бўласиз ҳали.

- Бир ўзинг кетяпсанми?
- Қаёққа?
- Айтдинг-ку!
- Ҳа-я. Йўқ, бир ўзим эмас.
- Яна ким?
- Петрушка ҳам боради, — хўжайинининг кўксига ўзи билмаган ҳолда бехосдан ханжар уриб юбораётган Селифанининг оғзини бир четидан бу гап бамайлихотир чиқиб кетди.
- Йўғ-э?! — Чичиков беихтиёр ихраб юборди, кейин жазаваси қўзиди. — Сенларга у ёқда пишириб қўйибдими? Едирдим, ичирдим, кийдирдим, энди бўлса, сираям тап тортмасдан кетаман дейди-я!
- Илож қанча, Павел Иванович?! — хода ютгандай тик тургани сайин Селифанинг кайфи бошига ўрмалаб чиқиб бораверди, ахийри дош беролмади, қўзлари сузилиб, “шилқ” этиб тушди, шундаям айтиётган сўзини йўқотмади. — Чакиришяпти.
- Чичиков унинг ўтириб қолганига эътибор бермади.
- Вой ифлослар-эй, во-ой, лаънатилар-эй! — деди бўғриққанча. — Сенлар кимга керак бўлиб қолибсанлар?
- Ҳа-а энди, гавҳар ерда қолмас, деганлар.
- Селифанинг бу гапига Павел Иванович Чичиков эътибор бермади. Аслида у кутилмаган ташбеҳларнинг қадрига етадиган нозиктаъб киши эди. Лекин ғазаб ўти мияга урганда, энг аввало, нозик нарсаларни супириб ташлагани боис ҳозир ўзининг дийдиёсидан қолмади.
- Сен ароқхўрларга, сен маймунларга, сен дангасашёқмасларга жа-а бировнинг кўзи учиб турибди ёкан-да?
- Бу ғаплар Селифанга пашша чаққанчалик ҳам таъсир қилмади шекилли:

- Гап битта! — деганича ғудраниб қўйди.
- А-а?
- Шу нарса зарур бўптими, боришимиз керак-да.
- Вой, лаънати-ей?!
- Кўр тақдирнинг ҳукмидан сизники зўр бўпти ми?!

Унинг қўққисдан фалати хитоб аралаш ташлаган бу саволи Павел Ивановични бирмунча эсанкиратиб ҳам қўйди.

— Сен лаънати қулваччаларнинг бошида бирон турмаса, пешоб қилгани ҳам эринасизлар-ку, — деди ўзини қандайдир оқлаётгандек бўлиб.

Селифан қўзларини хиёл юмиб, кифт қисиб қуяркан:

— Сизнингча, албатта! — деди.
— Аҳмоқ, аҳмоқ, аҳмоқ! — Чичиков бу сўзни роппароса уч марта такрорлаган бўлса-да, аммо минг марта такрорлашга ҳам тайёр эканлигини билдирадиган қувват билан айтди.

— Уй-жойлардан ғам чекмасак ҳам бўлавераркан, Чичиковнинг хитобига ичиди фижиниб турган бўласаям ўзини эътибор бермаганга олиб асосий масала ҳақида сўз очди Селифан.

— Пуч, пуч, пуч! — уч марта таъкидлаб айтишга ёмон ўрганиб қолаётган Чичиков бўғриққанича қизариб кетди. Қўзлари ола-кула бўлиб кетди. Кейин қўққисдан, менга нима дегандай жимиб, ўйланиб қолди. Гогол ҳазратлари, ўрис кишиси бир ўйланиб қолмасин, дейдилар. У хаёл аргумоғига суворий бўлганча бутун дунёни кезиб чиқади, дейдилар; гарчанд хаёлчан ўтирган чоғида катта донишмандек кўринса-да, жуда-жуда бўлмағур нарсаларни ҳам ўйлайвериши мумкин, дейдилар.

Павел Ивановичнинг ўйга чўмганини кўриб

Селифан эшик кесакисига бош қўйди. Лаҳза ўтмай узун қисқа хуррак торта бошлади. Павел Иванович Чичиков ўзига келиб қарасаки, аҳвол тант, Селифан ухлаб ётиби, энди уни уйғотиш қийинлигини Павел Иванович яхши билади — итнинг феъли эгасига маълум. Павел Иванович нима қиласини билмай, бир зум боши қотди. Кейин бошқа бирор ёдига тушиб қолгандек, яйдоқ пешонасига кафти билан қарс этиб урди-да, овозига эрк берганча:

— Петрушка! — деб қичқирди.

Унинг чақириғи ҳавода м uaаллақ қолди — Петрушканинг қораси кўринмади.

— Петрушка дейман!

Фойдаси бўлмади. Ҳаттоки, Павел Иванович бор жон-жаҳди билан учинчи марта қичқирганда ҳам Петрушканинг арвоҳиям кўринмади. Яна ким — ўз хизматкоринг-а! Бу ҳол Павел Ивановичнинг қонини қайнатиб, борки тукларигача тиккайтириб юборди. Қанчалик оғир-босиқ, мулоҳазали, ҳаттоки бошлиқлар ҳузурида хушхулқ одобли бўлиб кўринадиган Павел Ивановичдай одам ҳам энди портлади. Портлагандаям ёмон портлади, чинмочин порохи тўлдирилган ёғоч бочкадай ҳар ёнга сочилиб кетди.

— Laънати пиёниста! — деб бўкирди.

Шу заҳотиёқ оstonада Петрушканинг қораси кўринди. Вақти хуш, оғзи қулогида, лабларини йиғиширилмай, илжайгани илжайган эди.

У тантанавор оҳангда қаддини фоз керганча аскарчасига:

— Лаббай, хўжайин! — дея хитоб қилди бурролик билан.

— Қаёқларда кимларнинг жунига ёпишиб юрувдинг, қўйтикан?

- Этигингизни тозалаётувдим.
- Яна алдаяпсанми?
- Ёлғони йўқ.
- Вой, какра-ей, этигим ана-а, каравот остида ётибди-ку?!

Петрушка, бўлиши мумкин эмас, деяётгандек энкайганча каравот остига мўралади. Дарҳақиқат, Павел Ивановичнинг бир жуфт хром этиги пойма-пой ётар, ҳатто соқисидан чиқиб турган пайтаваларнинг билинар-билинмас қўланса ҳиди димоққа урилаётгандек ҳам бўлар эди.

Петрушка кифт қисиб:

- Бу қанақаси? — деди.
- Нима дейсан, саҳро саксовули?
- Ҳозиргина тозалаган этигим қандай қилиб...
- Яна ёлғони йўқ дейсан-а?!
- Йўқ эди, ҳайронман, — шундай дея, Петрушки этикнинг бу ерга қандай келиб қолганини мулоҳаза қилиб кўрмоқчи бўлаётгандай хаёлга берилган эди. Павел Иванович ундан асосий ишни сўрасаммикан, сўрамасаммикан, сўрасаму... сўрамасаму... деган андишалар огушида эди. Ахийри, у ўзини тутиб туролмади, ўсмоқчилаётгандек:

— Ҳамманг ўзбошимча бўлиб кетгансанлар, — деди Петрушкага эмас, қандайдир бошқа бирорга айтиётгандек бўлиб.

Петрушка теварак-атрофга аланглаб қараб олди.

— Аслида ҳаммангнинг оёқ-қўлингни занжирлаб, боғлаб ташлаганим яхши эди.

— Ие, хўжайн, сизга нима бўлди, феълингиз айниб қолибди, бунақа эмасдингиз-ку?!

Шу чоқда Павел Иванович яна Селифанга қараганидек Петрушкага қаради. Гўрдан чиққандек бўлиб турган бу содиқ малайининг аллақайси жи-

ҳатлари ўзига ўхшаётгандеку аллақайси жиҳатлари ўзига ўхшамаётгандек, гап-сўзлари ҳам фалатироқ туюлди. Худдики бу ўша Петрушка-ю Петрушка эмасдек эди; унинг айтиётган сўзлари ҳам Петрушканикидек эди-ю, айни чоқда Петрушканикидек ҳам эди.

Жуда фалати, Павел Ивановичда авваллари бўлмаган бунақа ҳол Селифан билан бир бўлиб эди, Петрушка билан энди иккинчи марта тақрорланиб туритди. У шу ҳақда боягидек чуқурроқ мулоҳазага берилган эди, энди унинг ўзига ўзи ҳам Павел Ивановичу, аммо Павел Иванович эмасдек; юритаётган мулоҳазалари ҳам ўзиники-ю айни чоқда ўзиники эмасдек туюла бошлади. Чичиков, яна боягидек, ишқилиб, жинни-пинни бўлиб қолмаяпмани, дегандек бошини ушлаб кўрди. Унинг боши ҳам боягидек жойида тургандеку, аммо айни чоқда жойида эмасдек эди.

Чичиков энди ўзини чалғитиб, қораҳаёлликнинг олдини олмасам бўлмайди, деган мақсадда ўзига ўзи андармон бўлганича, рўздор кишидек насиҳат оҳангиди:

— Энди у ёққа бораман, бу ёққа кетаман деб бошни қотирманглар, — деди паст товушда.

Аммо унинг бу гап оҳангидек Петрушкага пашша чаққанчалик ҳам таъсир этмади.

— Энди чақирилган жойга бориш керак-да, хўжайин, — деди даққилик ва сурбетлик билан. — Ўзингиз ҳам ҳар гал губернаторникига бораётганингизда, айтилмаган жойга борма, айтилган жойдан қолма, деб, биз эшилмаган доно-доно мақолларни топиб айтардингиз ку?!

Петрушканинг бу сурбетлиги Павел Ивановичнинг қалбида уйгона бошлаган ҳалимликнинг

Шойим БҮТАЕВ

кулини бир зумда кўкка совурди. У яна авваллари ўз қўл остидагилар билан қандай муомала қилган бўлса, шундай муомалага ўтди.

— Ишқаласа ҳиди чиқадиган бу гапларингни қараганда, сен ҳам қаёққадир отланмоқчисан, шекилли?

Павел Иванович Чичиков кутганидек, Петрушки талмовсирамади, ўзини йўқотиб ҳам қўйгани йўқ. Бунақа савол бўлиши табиийлигини аввалдан билгандек, буни ҳеч, ҳеч ажабланадиган жойи йўқдек кифт қисиб қўйди-да:

— Биласиз-ку, хўжайин, — дея минғирлади.

— Нимани?

— Петрушка Павел Ивановичга қўққис чўчиб қарди.

— Селифан айтмадими? — деди сўнгра эшик кесакисига беозор бош қўйган биродарига хайрихоона, айни чоқда қандайдир ишончсизлик билан қараб қўйганча.

— Икковларинг бир идишдан сув ичиб юрганларингиздан сўнг, у нимани айтиши кераклигини сен биласанми, мен биламанми, сассиқкаварақ.

Чичиковнинг сўкиш борасида бошқалардан фарқ қиласидиган мақтовга лойик фазилатларидан бири шунда эдики, у ҳеч қачон бирорларнинг оғзидан эшитиб қулоғига қуйиб олган қандайдир ягона қирчанги сўзни ийифи чиққунича ҳаммабоп қилиб ишлатиб юрмас эди. Унинг илҳом булоғи айиан мана шунақа лаҳзаларда тўлиб-тошиб кетарди, шайтони лайннинг ҳам етти ухлаб тушига кирмаган сўкишларни фиштдай қалаб ташларди. У кучер Селифани ҳайвонот оламидаги жонзотларга қўйилган исмлар билан сийласа, Петрушка ўсимликлар дунёси орқали ўз тегишини оларди. Чичиковнинг

тилидан учган ўсимликларни Петрушка кўрмаган бўлса-да, уларнинг қаерлардадир ўсишини гирашира тасаввур этар, лекин кўпини билмасди. Шу сабабли, бундай сўкишлардан у ўзини ҳақоратланган ҳис этмасди, ҳаттоқи кўм-кўк ўтлоқда юргандай роҳатланарди. Қаерда бўлмасин, хўжайин менинг шаънимга нима демоқчи бўлди экан, деган андиша-ўйда ўсимликлар ҳақида сўраб-суриштириб юради. Ҳаттоқи, бир маҳаллар китобга муккасидан кетган бўлса-да, бирортаям китобни охиригача ўқиб чиқмаган Маниловнинг ис босиб кетган шкафидан қоратупроқли минтақаларда, серсув жойларда, қор тагида ўсадиган ўсимликлар ҳақидаги қомусий бир китобни қиялатиб чиқишига ҳам эришгану, аммо ўқиши нари турсин, варақлаб кўришга ҳам фурSAT топмаган эди. Мободо, борди-ю фурSAT топгудек бўлса ҳам беҳуда вақт ўтказган, хўжайини уни вақт-вақти билан сийлаб турадиган ўсимликлар номини у минг қидиргани билан бунақа қомусий китоблар саҳифаларида учратмаган бўларди. Негаки, аллақандай ўлик тилда, лотинчада китобдан китобга кўчиб юрадиган сўзларнинг Чичиковнинг жонли тилига асло алоқаси йўқ эди. Қувваи ҳофизаси бағоят кучли бўлган Павел Иванович божхонада ишлаб юрганида, турли-туман одамларни тинтуб қилганида, бурнининг катагидан қулогининг тешигига-ча текшириб чиққанда бунақа сўзларни кўпроқ ўрганган эди. Шу сабабли, Тиёншон тоғларида ўсадиган гиёҳлару қозоқ даштларидағи буталарнинг номларигача унинг лексиконидан мустаҳкам ўрин олган эди.

“Сассиқаварак Петрушка” ўз хўжайинининг шоён диққатга сазовар бундай фазилатларини билганидан, оғзини бирпас очиб турди-да, кейин яна

Шойим БҮТАЕВ

Селифан томонга қараб қўйиб, ундан домангири бўлаётгандек бош чайқаб қўйди-да, томоқ қириб:

— Ўзбекистонга-да, хўжайнин, — дея бамайлихотирилик билан эълон қилди.

— Нима?!

— Айтдим-ку!

— Сенларга у ерда пишириб қўйибди эканми?

— Сизга нима қилиб қўйишган бўлса, бизга ҳам ўша-да! — дея тагдор гап қилди Петрушка.

— Менинг нима алоқам бор сен ялангоёқлар ўйлаб топган қандайдир истонларинг билан?

— Биз Селифан билан келишиб қўйғанмиз, хўжайнин, ўз оғзи билан айтсин, деб индамагандим, билла-билла жўнаймиз.

— Билла-билла жўнаймиз деганинг нимаси?

— Билла-билла жўнаймиз деганим, билла-билла жўнаймиз, деганим-да!

Петрушканинг сўнгги сўзи Чичиковни ўйлантириб қўйди.

— У ерда қучоқ очиб кутиб олишяпти эмишми? — дея ўсмоқчилади.

— Қучоқларини катта-катта очиб, — бошини тебратиб, қўлларини ёйиб кўрсатди Петрушка.

— Дуруст жой эканми, ишқилиб?

— О, айтманг, хўжайнин.

— Ерлари, очиқ майдонлари бормикан?

— Бўлганда қандоқ.

— Қабристонлар-чи?

— Энг қадимий қабристонлар ҳам ўша ерда.

— Йўғ-э?!

— Ҳа-да. Одамзоднинг дастлабки аждоди ўша ердан топилган дейишади.

Бу гапни эшитиб Чичиков ҳаяжонланиб қолди.

ШУРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

- Ўшани сотишмасмикан? — деб сўради энди Петрушкани ўзига анча яқин олганча.
 - Шақиллаган қуруқ суюкни нима қиласиз?
 - Ахир, ер юзининг ҳаммаси ўша — дастлабки аждодимизга тегишли бўлган-ку.
 - Тўғри, аммо-лекин.
 - Шу ерни деб у жаннатдан қувилган.
 - Шунаقا дейишади.
 - Агар ўша дастлабки аждодимизнинг жонини сотиб олсак...
 - Ахир, унинг ўлиб кетганига миллион йиллар бўлган-ку?!
 - Фарқи йўқ...
 - Ўлик жон эмас, ўлик жоннинг ўлик жонининг ўлик жонининг ўлик жони... — Петрушка қандайдир қўл бовар этмас маҳобатли рақамларни айтмоқчи бўлиб, айтолмай нафаси тиқилиб қолди.
 - Шунаقا, шунаقا, — деди Чичиков унинг нима демоқчи бўлганини дарҳол фаҳмлаб. — Билсанг, бизнинг ер устидан кўра ер остидаги дўстларимиз кўпроқ...
- Петрушка унинг бу гапига ҳайрон бўлиб, оғзини очганча қараб қолганди.
- Уларнинг садоқатига эса гап йўқ, — илҳомланганга мулоҳаза юритишга киришиб кетди Чичиков. Чунки улар хиёнат нима, бевафолик нима билишмайди, билишган тақдирда ҳам бу ярамас иллатларни юзага чиқаришга қурблари етмайди.
 - Тўппа-тўғри! — деб юборди Петрушка, беихтиёр бу рад этиб бўлмас ҳақиқат қаршисида лол қолганча.
 - Шунинг учун биз одамзоднинг дастлабки аждодининг ўлик жонини сотиб олсак унинг ўлмас руҳини қайта тиклаган бўламиз, — деди Павел Иванович Чичиков калласига тўсатдан келиб қолган

қандайдир фоя таъсирида күзлари чақнаганича. Кейин эса бутун дунё ўша ўлмас руҳнинг пойини тиз чўкиши лозимлиги ўз-ўзидан кўриниб қолади. Чунки қуруқлик ва уммонлару денгизлар ҳам унин учун яратилиб, унинг мулки моликонаси бўлгани ҳақида шаҳодат берувчи ишончли ҳужжатлар бор.

Петрушка Павел Ивановичнинг баландпарво сўзларини ичиди ғижинганича тингларкан, ичиди, “бу мутаҳҳамнинг қўлига шундай муҳим ҳужжат қачон тушиб қолдийкин?” дей боши қотарди. Павел Иванович эса ўша ҳужжатнинг дунёдаги барчи ишончли далолатнома-ю кафолатномалардан шаҳодатнома-ю гувоҳномалардан чандон ишончли ва қонуний эканлигини ҳақида лоф-қоф урардиккни ахийри ичи ёниб кетаётган Петрушка чидолмай:

— Ўша ҳужжатнинг асл нусхаси сиздами? — деб сўраб юборди.

Павел Иванович Чичиков Петрушкани биринчи марта кўраётгандек, унинг катта бурни-ю қалин лабларига бир зум тикилиб, чуқур нафас олган эди. малайининг туғилганидан бери аримаган қандайдир ўзига хос ҳидини туйиб, чучкириб юборди. Шу биринчи чучкириш ортидан кейингисини, кейингиси ундан кейингисини эргаштириб чиқиб, олти-еттитаси қаторлашиб, Селифанни ҳам чўчитиб юборди, аммо у уйғонмади, сал-пал уйғонгандек кўринган бўлса-да, мастилик голиб келиб уйқуга янада қаттиқроқ шўнғиди.

Павел Иванович Петрушка ҳамон қалин лабларини кувадай қилганича саволига жавоб кутиб турганини кўриб, бош бармоғи билан осмонга ишора қилиб:

— У ҳужжатнинг асл нусхаси кўкда! — деди болохонадор қилиб.

Шундагина Петрушка енгил нафас олди: демак,

Чичиковнинг қўлида асл нусха йўқ экан, у ҳеч нарсага эришолмайди.

— Кўкдан тушган китоблар, кўкдан келган ваҳийлар ишончли ҳужжатлар бўлиб, одамзоднинг илк аждоди жаннатда ман қилинган бугдойни еб қўйиб ерга бадарга этилганидан гувоҳлик беради, — дерди Чичиков айтаётган китоблари-ю ваҳийлари унинг пиятини амалга ошириш учун шахсан ўзига муҳр босиб берилган ҳужжат ўрнида қабул қилиб. — Уларни кофиру мушриклардан бўлак барча эътиқодли, имон-инсофли кишилар тан олишга мажбур.

Петрушка, қойил, дегандек бош чайқаб қўйди.

Кейин эса:

— Кўрдингизми, олижаноб ниятларингизни амалга ошириш учун биз сизга қанақа ажойиб жой топиб қўйдик, — деди гердаяётгандек, айни чоқда ҳўжайинига мангу содиқлик туйғуларини ифода этаркан.

— Шунақага ўхшайди, — деди Павел Иванович Чичиков ҳам энди аввалги норозиликларини ўзининг ҳам эслагиси келмай. — Абадий уйқудаги ӯлик жонларни қайта тирилтирамиз! Уларнинг ҳаёт неъматларидан мангу мосуво, қуриб қовжираган умрлари абри найсонлардан баҳраманд бўлган гиёҳлар каби кўклаб, бош кўтаришади. Шунда ворислигимизни пеш қилиб, ўлпон рўйхатидан ўчиб кетмаган аҳолимизни ўша ерларга жойлаштирамиз.

Чичиков шу чоққача ӯлик жонларни ҳеч вақт “аҳоли” деб атамаган эди. Ҳозир унинг хаёлида аллақачонлар дунёни боқийга риҳлат этиб кетган бўлишса-да, дурадгорликларини, устачилкларини, ҳунармандликларини, чеварликларини ва яна ким билсин, аллақанақа касбу ҳунарларини эслатиб саф тортиб келишаётган одамлар жонланди. Нақадар

Шойим БҮТАЕВ

ажайиб одамлар. Ҳэ йўқ, бэ йўқ улар изсиз йўқолиб кетаверишадими? Шунаقا бўлишини билишганида ҳаложак урганча жонларини қийнаб ҳар томонга, ёнга югуриб юришмасди-ку? Чичиков ўликлар ва тириклар ўртасида мангу чоҳни, мангу симтўсиқни, мангу чегарани олиб ташлайди! Йўқолсин ҳар қандай чегаралару симтўсиқлар! У ўзидағи истак-хоҳишнинг бетийиқ етовида ердан куч, кўқдан нафас олиб туриш имкониятига эга бўлган тирикларга нисбатан ишлатиладиган сўз оғзидан чиқиб кетганини ўзи ҳам пайқамай қолганди.

Аммо Петрушка бунга эътибор бермади. Эҳтимол, бошқа одам бу гапни эшитганида ҳеч бўлмаганида ажабланганини билдириб кифт қисиб қўярди. Петрушканинг бир туки ҳам ўзгармади. Ўзгармасди ҳам. Негаки, унинг учун одамзоднинг ўликириги фарқсиз эди. Пули борлар осмонга қараб оёгини қайчи қилганча истаганини еб-ичиб ётади ётади-да, кунлардан бир куни ётган жойини салпал шамоллатиш учун ўрнидан қўзғалаётганида, “ҳиҳқ” этиб жонини капалакни учиргандай учирив юборганини ўзлари ҳам пайқамай қолишади. Камбағал қашшоқлар эса бурда нон илинжида у эшикдан бу эшикка, бу эшикдан у эшикка ҳаттай-ҳаттай ахийири бурунларига хушбўй урилиб, чўчиб тўхташади, қараашсаки, жаннат боғларининг гуркираган дарахтларидан таралаётган анбар ҳидлардан сархушланиб туришибди-да. Тирик ўлади. Ўликнинг нима бўлишини худо билади, дейишади. Оддий бир малай бўлса-да, Петрушканинг пешонаси ярақлаб, бир ўлиб-тирилди. Нариги дунёга хўжайини, Селифан билан билла-билла бориб, билла-билла қайтиб келишди — бунда ҳам бир ҳикмат бордир-да, йўқса, ер остида ётган сон-саноқсиз жонзодларнинг

қайсисига жон битибдики, уларга битсин?! Шу сабабли, Петрушка ҳамон ўзига ишонмай, қалин лабларини дўрдоқ қилганча, бу тушим бўлсамикан, деб ўйланади.

Ўзича нималарнингдир хаёlinи суриб қолган Павел Иванович Чичиков:

— Ўша ерда жойлаштирамиз! — дея ҳозиргина дадиллик билан айтган гапини ўзига ўзи ишонқирамаётгандек мингирилаб қўйди.

Бу фикрга қандай муносабатда бўлишини билмай турган Петрушканинг кўз ўнгидаги шарқ томонга ҷўзилган ҳисобеиз аравалар карвони жонланди-ю, бирданига чўчиб тушиб:

— Иссиғлаб кетишмасмикин? — деб сўради, ортиқча дардисарларнинг нима кераги бор эди, деган оҳангда.

— Кимни айтяпсан? — саволга савол билан жавоб қайтарган Чичиков Петрушканинг гўштдор бурни устига қўнган аллақандай номаълум ҳашаротдан қўзларини узолмай қолди.

— Сизнинг аҳолингизни-да.

— Иссиқми-совуқми, уларга фарқи йўқ, — деди Чичиков ҳашарот учиб кетган бўлса-да, Петрушканинг бурнидан ҳамон нигоҳини узолмай.

— Унда бўлади, — деб қўйди Петрушка.

Сиз Петрушканинг Чичиков билан ўлик жонлар хусусида бемалол, эмин-эркин сўзлашаётганидан ажабланманг. Бу вақтга келиб, Павел Ивановичнинг барча саргузаштлари ҳаммаёққа овоза бўлиб кетган, кўп ишбилармон кишилар Гоголнинг китобини варақлаб ҳам ўтирмай, унинг нима ҳақда, ким ҳақда ёзишини аллақачон билиб олишган, бундан Чичиковнинг ўзиниям хабари йўқ эди. У Гоголни қандайдир жинлар ҳақида ёзадиган қаламкаш

деб элас-элас эшитганди. Ўзи ҳақидаги китобни ўқиганида икки мужикнинг араваси ҳақидаги суҳбатларидан огоҳ бўлиб, буни ёзувчи қаёқдан билдийкин, деб ёқа тутамлаб қоларди.

“Вой-бўй, — деди мужиклардан бирни иккинчисига, — филдирагига бир қара-я! Сенингча, қалай, шу арава Масковгача борса, филдираги чидайдими?” “Чидайди, — деди иккинчи мужик. — менингча, Қозонгача боришга чидамас-а?” — “Қозонгача боришга чидамас”, — деди биринчи мужик. Уларнинг гапи шу билан тамом бўлди”.

Мужик деганлари содда халқ-да! Овсар десаям бўлаверади! Сал-пал узоқни кўра оладиган бўлишганида, бу араванинг мусти-мустаҳкамлигини, анча-мунча замону маконларни назар-писанд қилмаслигини билиб олишарди. Бу аравани энг зўр усталар неча йиллар жонларини жабборга бериб ишлашган. Бу арава билан ҳаммаёққа борсаям бўлаверишини билишган; аммо унинг турли-туман жамиятлардан бебилиски филдираф ўтишини хаёлларигаям келтира олмаган бўлишса керак.

Маскову Қозон нима бўлти?!

Кўп жойларга етди бу арава!

Не-не замонлардан ўтди бу арава!

Ажабтовур замонларга — яхши ёмонни, ориқ семизни, аҳмоқ донони тенглаган социализм даврига ҳам етиб келди бу арава!

Мана, ахийри Ўзбекистонга йўл олди.

Аммо бу ўз-ўзича бўлгани йўқ. Авваллари эди, аравага минардингу хоҳлаган ўлканг томон кетаверардинг! Энди ишлар бошқача. Қилмиш-қидирмишлари, саргузаштлари билан Чичиков ва Чичиковга ўхшаганларни ярим йўлда қолдириб кетадиганлар ҳар ёқларда тўлиб-тошиб ётибди.

Шунинг учун замонга қараб иш тутмаса бўлмайди. Павел Иванович Чичиков полиция маҳкамасида фуқароларнинг четга кириб чиқишини расмийлаштирадиган идора мавжудлигини билди. Шу идорага бориб хужжатларини расмийлаштирмаса бир қадам ҳам юриб бўлмас эмиш. У бу ишларни билиб келиш учун полиция маҳкамаси идорасига Селифанди юборган эди, фаросатсиз кучер у ерда шу қадар узоқ вақт қолиб кетдик, Чичиков, ҳатто хавотирлана бошлади. Ахийри, Селифандинг қораси кўринди. У тинмай шапкаси билан юзи-ю бўйнидаги терни артар, бош чайқар, ҳадеб, оворагарчилиги жуда кўп экан-ку бу қисталоқнинг, деб такрорлар эди. Чичиков нима гаплигини сўраганида Селифан анча фурсатгача жавоб бера олмай, чуқур-чуқур нафас олиб турди. Ахийри нафасини ростлаб бўлди, шекилли, у Чичиков буюрганидай полиция маҳкамасини топиб борганини, бу полиция маҳкамаси илгариги полиция маҳкамасининг ўрнида эканлигини, полиция ходимлари ҳам илгариги полиция ходимларининг пуштикамаридан тўралган зурриёдларилигини, ўз дарди билан келган одамлар ҳам илгаригидек ачиб-бижгиб ётганини, ит эгасини танимаслигини, киргандаям чиққандаям пул сўрашларини, пулсиз одам бу ерга қадам босиши керакмаслигини паёпай сўзлаб берди. Кейин қўйнидан аллақандай қофоз чиқазиб, бунинг анкета-ариза деб номланишини, уни қўлга киритиш учун ит азобини тортганлигини, бу анкета-ариза негадир полиция маҳкамасининг ўзида эмас, унинг темир панжаралар билан ўралган ҳовлисидан ташқарига чиққач, ҳў-ӯв чап томондаги газ идорасининг биринчи қаватидаги қоровулхонада ёки ундан нарироқдаги озиқ-овқат дўконида сотилишини айтиб берди. Бу

Шойим БҮТАЕВ

жойларни топиш қийин бўлгани билан полиция ходимлари йўл кўрсатиб туришгани учун унчалик қийинмаслигини, айтмоқчи, ҳаммадан ҳам йўл сўрайвериш нодурустлигини, йўл кўрсатганлари учун ҳам пул талаб қилишларини, бирон ниша ундиришмаса қўймасликларини, қора таёқларини ишга солиб дўқ пўписа билан бўлса-да ундиришларини ҳам қистириб ўтди. Чичиков Селифандинг бу қадар мукаммал ва муфассал маълумот келтирганидан мамнундек кўринса-да, унинг одатдаги мужмаллигидан фаши келди. Унинг айтаётганларига ичида қизиқсиниб қулоқ солмаётган бўлса-да, ўзини қулоқ солмаётгандек кўрсатиб Селифандинг қўлидан тўлдирилиши лозим бўлган ғалати ҳужжат – анкета аризани шу сабабли деярли юлқиб олди. Қоғознинг бир чети намланиб кирланниб қолгани туфайли Чичиков Селифандга бир ола қараб қўйди-да, кейин енги билан ўша жойни артиб ташлаб, ўқишига тутиндиги.

АНКЕТА АРИЗА

(хорижга чиқши борасинда)

Бобоси, бобосининг бобоси, бобосининг бобосини бобоси, бобосининг бобосини бобосининг бобоси, бобосини бобосининг бобосини бобосининг бобосини бобоси (ўлган бўлса қабристон манзили, қабр жойи, қабр рақами кўрсатилсан).

Отаси, отасининг отаси, отасининг отасининг отаси, отасини отасининг отасини отасининг отаси (тирик бўлса яшаш манзили, кўча, хонадон рақами кўрсатилсан).

Исми, аввалги исми, аввалги исмининг аввалгиси, аввалги исмининг аввалгисининг аввалгиси, аввалги

ШҮРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

исмининг аввалгисининг аввалгисининг аввалгиси (Одам Ато билан Момо Ҳавога алоқаси бўлса маълумотнома асосида кўрсатилсин).

Миллати (тоза, дурагай, аралаш, миллати йўқ — тагига чизилсин).

Таваллад куни, ойи, йили

Инчунин, таваллуд топган жойи

Инчунин, доимий яшаши жойи (шахар, кўча, уй, қишлоқ — тагига чизилсин ва бу нимарсаларга эга бўймаганлар карvonсарой, чиқиндиҳона, ертўла, ўрмон, чангальзор, фор каби нимарсалардан бирининг остига қора қалам билан чизиб ўзининг аниқ манзилини аён қиласин).

Фуқаролиги (агар бир пайтнинг ўзида бошқа давлат фуқароси бўлса бу ҳақда кўрсатилсин).

Хорижга чиқишдан мақсади (бораётган давлати кўрсатилади, вақтинчалик, доимий яшашига, сайёҳ сифатида, хизмат ишлари бўйича).

Сўнгги икки йил мобайнида қачон ва қайси хорижий давлатларда бўлғанлиги ёзилсин

Қайси хорижий давлатларнинг қонунларига риоя қилмай ўша давлатларда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилгани яширилмасдан очиқ ёзилсин

Давлат сирига тааллуқли маълумотлар билан танишгани учун маҳсус рухсатномага эга эгамаслиги, эга бўлса нима учун эга-ю, эгамас бўлса нима учун эгамаслиги кўрсатилсин. Бу ҳақда ҳужжатлар расмийлаштирилганми? Хорижга чиқишга тўсқинлик қилувчи шартномавий, контракт мажбуриятларга эга эгамаслиги яширилмасдан аниқ кўрсатилсин.

Суд томонидан қўйилган, ижро этилмаган мажбуриятлар яширилмасдан аниқ кўрсатилсин. Инчунин, судда фуқаролик даъвоси қўзғатилгани аниқ кўрсатилсин.

Шойим БҮТАЕВ

- Жиноий иш қўзғатилган бўлса, бу жиноий ишига таалуқли барча ҳужжатлар тақдим этисин.

Ҳақиқий мажбурий хизматга чақирилишга мажбур-мажбурмаслиги аниқ кўрсатилсин.

Боласини олиб кетадиган бўлса:

Бир вақтнинг ўзида ўн саккиз ёшгача бўлган боласини ҳам ўзи билан олиб кетмоқчи бўлган бўлса, бунга рухсат сўраб ариза берсин (аризага боласининг ўзидан бўлгани ҳақида яаш жойидан, иш жойидан ва фуқароларнинг никоҳини қайд этиши идорасидан маълумотномалар, шунингдек, тиббий текширувлар натижалари қайд қилинган далолатнома тақдим этсин).

Сўнгги ўн йилдаги меҳнат фаолияти ҳақида батафсил маълумот берсин (ҳеч қаерда ишламай четги пул топиш мақсадида мардикорчилик учун чиқаётган бўлса ҳеч қаерда ишламаслиги ҳақида маълумотнома тақдим этсин ва мардикорчиликдан ишлаб тонган пулининг маълум фозини давлат ғазнасига ўтказишини кечиктирмаслик, мободо кечиктиргудек бўлса қўшимча бадал тўлаши ҳақида билиб қўйсин).

Ариза анкетада кўрсатилган маълумотлар шахсий ҳужжатлар таққослансин.

Муҳр.

Муҳр ёнида корхона, ташкилот, муассаса раҳбарининг имзоси, исми, фамилияси, отасининг исми

Орқада:

Яқин қариндошлар ҳақида (хотин, эр, ота-она, болалар – қора қалам билан остига чизилсин, агар болалари аввалги никоҳдан бўлган бўлса собиқ эр ёки собиқ хотиндан рухсатнома, уларнинг яаш, иш жойи ва ҳозирги турмуши шароити тўғрисинда тўлиқ маълумотнома тақдим этисин).

Анкета аризада ёлғон маълумотларнинг мав-

*жудлиги хорижсга чиқишига рухсатнома беришда ради
тилишига сабаб бўлишидан хабардорман.*

Имзо.

Буни ўқиб чиқиб, Чичиковнинг бошидаги ҳар бир тук сувли тикандай диккайди.

- Селифан! — деб бақириди.
- Лаббай, хўжайин?!
- Бу қофозинг фирт даҳмазанинг ўзи экан-ку?
- Мен ҳам шуни айтаман-да.
- Буни то тўлғазиб то исботлаб тасдиқлатгунинг-ча умринг ўтиб кетади-ку?
- Мен ҳам шуни айтаман-да.
- Бу ишни қўй.
- Нима қил дейсиз, хўжайин?
- Шундоқ кетаверамиз.
- Хўп, хўжайин.
- Йўл-пўлда, ўша ўтиш жойларида инсофли одамлар ҳам учраб қолар.
- Мен ҳам шуни айтаман-да.
- Ҳаммаёқни ўгри-қароқчи босиб кетмагандир, ахир?
- Мен ҳам шуни айтаман-да.
- Қайси хорижий давлатда бўлгансиз, деб ёзишипти.
- Бу осон-ку, хўжайин.
- Нимаси осон?
- У дунёда, деб ёзиб қўяверинг-да.
- У дунё давлат эмас, овсар.
- Нима бўлмаса? Бордик-ку!
- Борган бўлсанг нима бўпти?
- Кучли экан, демоқчиман-да, одамларнинг оёқлари қалтираб турарди.
- У ер дўзах эди.
- Энди дўзах экан деб шунчалик қўрқишиадими?

Шойим БҮТАЕВ

- Күркىнчли жойдан құрқади-да одам.
 - Аммо-лекин жаннат маза экан.
 - Ха.
 - Ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши йўқ.
 - Мен жаннатда бўлдим, — деди Чичиков Селифана синовчан назар ташлаб.
 - Йўғ-э, сиз жаҳаннамда эдингиз, шекилли.
 - Бирон жойда кўрсатиш керак бўлса жаҳаннам демайман-ку, овсар.
 - Жаҳаннамни жаннат демоқчимисиз?
 - Ҳа, шунда кўп нарсага эришасан.
- Селифан, менга барибир, дегандек елкасини учирив қўйди.

Уларнинг суҳбати шу билан тамом бўлди.

Эртаси куни Чичиков ҳар эҳтимолга қарши полиция маҳкамасига бориб, вазиятни ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоги билан эшитишга қарор қилди. Ҳар бир ишни аввалдан пишиқ-пухта қилиш табиатига сингиб кетгани боис Селифаннынг ҳай-ҳайлашига қарамай йўлга тушишдан эринмади. Қолаверса, Селифаннынг товуқдай қақиллашида қандайдир шубҳали нарса борга ўхшаб кўринарди. Ҳудо билади, у полиция маҳкамасига бориб кимга учрагану бу қофозни кимдан олган — йўқса, оғзидан аллақандай газ идорасининг қоровулхонаси-ю қандайдир озиқ овқат дўкони ҳақидаги бемаъни гаплар чиқармиди? Ахир, давлатнинг шундай муҳим ва жиддий ҳужжатларини савдо-сотиқقا қўйиб юбориш қоровуллару дўкончиларга қолибдими? Бу тентак шу гапларимга хўжайин ишонди деб ўйлаган бўлса жуда-жуда янглишади.

Шундай қилиб, Чичиков йўлга тушди. Аммо у шаҳарнинг бу қадар ўзгариб кетганини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Асфалтланган кўчалардан

ФИЗ-ФИЗ от қўшилмаган аравалар – автомобиллар ўтиб турарди. Икки томонда пиёдалар учун майда йўлаклар. Чичиков ана шу йўлакларнинг биридан полиция маҳкамаси томон бораркан, ҳар икки томондаги баланд-баланд кўпқаватли иморатларга суқланиб боқар, ичида, шаҳар беш кунлик қайлиқдай жа-а чирой очиб кетибди-ку, деб ўйларди. Пича юргач, катта йўл ўртасида бир гулзор кўрди. Гулзор ўртасида баҳайбат ҳайкал кўрди. Кўкка шаъшаа ташлаб турган фаввора ҳайкал олдини ҳарир пардадай тўсиб тургани учун унинг қанақа ҳайкал эканлигини кўриш қийин эди. Фаввора атрофида одам гавжум, икки жинс вакиллари қўлтиқлашиб жуфт-жуфт бўлиб юришарди. Увоқ болакайлар оқ кўйлак кийиб, бўйинларига қизил бўйинбоғ bogлаб олишганди. Бу кўринишлар, албатта, Чичиковни беҳад ҳайратга солди. Салдан кейин фаввора ён томонда қолиб, у ҳайкални кўра олиш баҳтига муяс-сар бўлди. Ҳайкалда костюмининг олд чўнтағидан қизил рўмолчасининг уни чиқиб турган шапкали хушмўйлов бир киши чўккалаганча фаввора атрофида уймалашишган болакайларга ўхшаб бўйнига қизил бўйинбоғ bogлаб, олдига оппоқ фартук тутган, соч турмагининг тепасига қизил бантик таққан қизалоққа кўлидаги ниманидир тутқазмоқда эди. Чичиковни ҳайкалда мужассам бўлган санъат лол қолдирди, буни ишлаган ҳайкалтарошга ичида тасаннолар айтди. Шу чоқ унинг ёнидан ҳам фаввора атрофида юришган қизалоқлар ва ҳайкалдаги қизалоққа икки томчи сувдек ўхшаб кетадиган бир қизча ўтиб кетаётib эди, Чичиков дарҳол уни тўхтатди. Қизча ажабтовур кийинган, ўтмиш замондан келаётган-дек кўринган амакига ажабсинганча сартапо назар ташлади, уни, айниқса, Чичиковнинг эгнидаги ту-

Шойим БҰТАЕВ

тун аралаш аланталаныб турувчи наварин мовутидан тикилган фраки, тухумдек силлиқ ёноғи ҳамда сирти никелланган носқовоқнинг попугидек осилиб турган бакенбардлари ҳайратга солмоқда эди. Қизча нимадир демоққа чөгланиб, оғиз жуфтлаётувди, Чичиков чаққонлик қилиб:

— Аnavи қизалоқ сенмисан? — деди құли билан ҳайкал томон ишора қилиб.

Қизча ўғирилиб, у күрсатган томонга қаради.

— Уми? — деб ўзи ҳам ҳайкал томонни күрсатди.

— Ҳа.

— Йүқ.

— Үнда у ким?

— Мен каби пионер.

Чичиков қизчанинг гапидан ҳеч вақони фаҳмламаган бўлса-да, ўзини билағон күрсатиш учун “иҳм” деб қўйди ва:

— Ёнидаги чол ҳам пионерми? — деди янги ўрганган сўзининг маъносини шу тариқа билиб олишни дилига тукканича.

Қизча унга тентакка қарагандек қараб:

— У Ленин бобо-ку?! — деди, шуниям билмайсизми, деган оҳангда.

Чичиков бош иргаб қўяркан:

— Ленин бобо-де... — деди ўсмоқчилаб.

— Ҳа.

— Шунақа-де...

— Шунақа.

— Нима қиляпти? — Чичиков энди қизчани имтиҳон йўсинида сўроққа тутди.

— У ўз қандини пионерга беряпти-ку, ўқимаганмисиз?

Қизчанинг, ўқимаганмисиз, дейиши ҳайкалдаги чол ҳайкалдаги қизчага тутқазиб турган нарса

ШУРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

бир чақмоқ оқ қанд эканлигини күрган Чичиковни сескантириб юборди ва шундагина нариги дунёга бориб, яна қайтиб келгүнича орадан юз йиллар, балки ундан ҳам күпроқ вақт ўтиб кетгани туйқусдан хаёлига келиб қолди. Наинки бу қизча, кичкина гүдак ҳам уни мот қилиб қўйиши мумкинлигини ўйлаб, жуфтакни ростлаётганди, қизчанинг:

— Амаки, хафа бўлмангу Чичиковга жуда ўхшар экансиз, — дегани уни ниҳоятда чўчишиб юборди.

“Мени қаёқдан биласан” деб юборишига бир баҳя қолганча:

— Чичиковни қаёқдан танийсан? — деди ёқасига туф-туфлаганича.

— Уқиши китобида расми бор, — деди қизча.

— Яхши одамми? — дея ўсмоқчилади Чичиков.

— Жуда расво, — деди қизча бамайлихотир. — Бобом бирорни “мутаҳҳамсан” дейиш ўрнига “чичиковсан” деб сўқадилар.

Павел Ивановични қизчанинг гапи ниҳоятда хафа қилиб юборди. Боши эгилиб қолди. У оддий одам сифатида яшаб, ҳамма қатори бўлмаса-да сал ундейроқ тирикчилик қилиб юргани билан ўз исмининг тарихда қолиши ҳақида аҳён-аҳёнда ўйлаб қолар, унингча бунинг қизиқ жойи ўлиб кетганидан кейин ҳам одамларнинг эслаб юришларида эди. Мана Пётрнинг қилған ишларини тарихчилар ўз китобларига ёзиб қўйишгани учун одамлар эслаб юришади, ундан аввалги ва кейинги пошшоларнинг аҳволи ҳам шу — ўлиб кетишганидан сўнг пошшолигу салтанат чикора, тарихдаги номи ҳисоб-да. Павел Иванович салтанат эгаси бўлмаган бўлса-да, бирон-бир каттароқ қўшинни ўз ортидан эргаштириб каттароқ муҳорабага бошчилик қилмаган бўлса-да, ўзига яраша қилиб юрган ишларини асло уларницидан кам кўрмасди.

Ҳар кимнинг пешонасига ёзилгани бўлади – фақат пошшолару қўмондонларнинг қилган ишлари ёзилаверса, тарихнинг тарихлиги қаёқда қолади? Тарихчилар мундоқ Чичиковга ўхшаган фуқароларга, раиятнинг аҳволига ҳам назар солиб қўйишса ана иннайкейин уларнинг ёзган китобларини ўқиган одам баҳра топсин-да. Бир маҳаллар турли славян қабилалари орасидаги ўзаро адабий алоқаларга қизиқиб, тусногора-ю чилторлар билан ўралашиб юрган чаламулла бир адабиётчи тақдирнинг тақозоси биланми ёинки ҳалиги ўйнаш бўлиб юра юра уйланиб олган хотинининг амакиси ҳийланайранглари туфайлими саройга яқинлашиб олди-ю, тусногора-ю чилторлардан ҳам, славян қабилалари минг йиллардан буён куйлаб келган қўшиқлардан ҳам, хоҳ оғзаки, хоҳ ўзаро адабий алоқаларидан ҳам ҳеч қандай наф чиқмаслигини туйқусдан фаҳмлаб қолди. Аввал дашту далаларда турли тоифадаги одамлар орасида ўралашиб юрган ҳалиги адабиётчи саройга киргач, бир юмалаб тарихчига айланиб олди. Ана ундан кейин унинг тарихчилик шиддати олдида қария Геродоту навқирон Карамзинлар ҳам ип эшолмай қолишли. У шу қадар гуркираб ўсиб кетдики, оқибатда буюк тарихий ҳодисаларнинг барчасини ўз йўл-йўриғига солиб олди: нима эмиш, одамзоднинг ilk насли Одам Ато-ю Момо Ҳаводан эмас, ҳазратнинг ўзларидан бошланар эмиш; нима эмиш, дунёни аллақандай Нуҳ эмас, ҳазратнинг ўзлари қутқариб қолганмиш; оловни ҳам аллақандай Прометей деганлари эмас ҳазратнинг ўзлари инсониятга тақдим этганмиш; ёмғирларни ҳазрат ёёдирган эмишлар; экинларни ҳазрат кўкартирган эмишлар; булар-ку майли, осмонни ҳам ҳазрат яратган эмишлар, етти қават осмон устида уларнинг

тахтиравонлари туриши кераклиги ҳақида ўйлаб кўришнинг вақти соати етганмиш. Мана шунаقا гаплари билан шон-шуҳрати ниҳоятда ўсиб кетган тарихчини ўшандада Павел Иванович Чичиков қидириб топиб, ўзи ҳақида ҳам китоб ёздиromoқчи бўлган эди. Тарихчи унинг мақсадини билиб қалин кўзойнак остидан бирпас син солиб тикилиб туриб:

— Хўш, қанча тўланади? — дея сўраб қолган эди.

Албатта, бундай савол берилишини элас-элас пайқаб-сезган бўлса-да, бундай саволнинг бундай тарзда дабдурустдан берилишини сира кутмаган Павел Иванович Чичиков нима деярини билолмай фўлдираб қолган, мулку моликонасининг энди ривож топтириш ҳаракатида эканини, шу мақсадда ўzlари дунёи боқийга риҳлат этишган эса-да, ҳали ўлпон рўйхатидан ўчмаган жонларни йигаётганини; Собакевичу Плюшкин, Коробочко-ю Манилов сингари тарихий шахслар билан шу мақсадда маълум шартномалар тузишга эришганини айта бошлаганди, тарихчининг қаламушнинг думидай қоши юқори қўтарилиб, пешонаси тиришганча:

— Нақдидан гапиринг, нақдидан! — деганди дўқ ураётгандек.

Унинг бу дағдағасига Чичиков ҳайрон қолиб, нақдидан бричкаси борлигини, шуни қўш оти билан қалам ҳақига бериши мумкинлигини оҳанжамали тарзда узоқдан келиб тушунтира бошлаганди, тарихчи бурни билан ҳавони пудаб:

— Ҳэҳ! — деганди. — Шалоги чиққан эски аравани бошымга ураманми?!

Чичиков ундан қўлини ювиб қўлтиғига артиб, хайр-маъзурни ҳам насия қилганча жўнаворганди. Ҳозир унинг эсига ўша тарихчи тушди. Лаънати,

ўшанда оғринган бўлса, Чичиковнинг номини ёмонотлиқ қилиб ёзиб юбордимикан?!

У ортига ўғирилиб, узоқлашиб бораётган қизчани:

— Ҳой, қизча! — деб чақирди.

Қизча тўхтади.

— Ўша Чичиков ҳақидаги китобни Никита Журавлёв ёзмаганми? — деб сўради.

— Шуниям билмайсизми, амаки? — деди қизча ундан ёзгираётгандек. — Уни Николой Гоголь ёзган.

— Никита Журавлёв-чи?!

— Биз унақа ёзувчи борлигини билмаймиз.

— Тарихчи эди.

— Унақа тарихчиниям билмаймиз. Кўчамизнинг бошида бир итбоқар бор, ҳамма уни Журавлёв дейишади, аммо номи нима эканлигини билмаймиз.

Шундай деб, қизча боягидан ҳам тезоблик билан юриб кетди.

Чичиков билдики, Никита Журавлёв ҳазрат-пазрати билан ўша замонлардаёқ унутилиб кетган. Аммо бу қисталоқ Николой Гогол деганлари ким бўлсайкин? Чичиков ҳарчанд пешонасини тириштириб ўйламасин, бунақа таниши борлигини хаёлига келтира олмади.

У қўл силтаб, қайдасан полиция маҳкамаси, деганича яна йўлга тушди.

Полиция маҳкамаси ўша эски манзилида экан. Чичиков уни топишга кўп қийналмай топди-ю, лекин шумикан, бошқамикан, деганича бир оз тараффудланиб туриб қолди. Кўзи ўргангач, билдики, дарҳақиқат бу ўша ўзи билган полиция маҳкамаси эди. Аммо дарвоза тепасига “полиция” ўрнига “милиция” деб ёзиб қўйилганига кўзи тушгач, бош чайқаб ичиди, булар ҳеч қачон тўғри ёзишни ўргана олишмайди, деб қўйди. Шу сабабли, ҳарфларнинг бир

оз ўзгачалигига ҳам эътибор бериб ўтирумади. Фақат, ўша ўзи билган полиция маҳкамасининг жуда баланд темир панжаралар билан ўраб қўйилганини кўриб ҳайрон қолди. Бу тўсиқ нега керак бўлдийкин, дея боши қотиб турувди, дарвозадан Чичиков таниган полиция бошлигининг ўзи чиқиб қолди. Фақат унинг устидаги кийим-боши бошқачароқ, кейин ўзиям ёшариб қолгандек эди. Чичиков аввалига у томон бир талпинди-ю, кейин дарҳол тўхтаб, унга узоқдан син сола бошлади. Чичиков таниган полиция бошлиғига қуйиб қўйгандек ўхшаб кетадиган, аммо негадир унчалик ўхшайвермайдигандек ҳам кўринган ҳалиги киши товуқнинг катагидек торгина қоровулхонада сиқилиб қолганидан чиқолмайдигандек кўринган қоровулга нимадир деди-да, темир эшикдан ташқарига чиқди. Шунда Чичиков фурсатни бой бермай, ўзини танитмоқ ниятида унга пешвоз юрди. Лекин ҳалиги киши Чичиков томонга бир қараб қўйди-ю, индамай кетаверди. Бу Чичиковга ниҳоятда алам қилди. Бошқа мулоҳазага бориб ўтирумай, қадамини тезлатди ва унга етиб олиб:

— Кечирасиз, — деганича йўлига кўндаланг бўлди.

Шахдам қадам ташлаб кетаётган ҳалиги киши тўхтаб, Чичиковга бошдан-оёқ ажабланганича қараб қолди.

— Хўш, хизмат?! — деди сўнгра тишининг орасидан қандайдир нафрат билан.

Чичиков шундагина адашганини, бу асло ўзи билган полиция бошлиғи эмаслигини билиб қолди ва шоша-пиша қўлидаги ариза-анкета қофозини кўрсатиб, Ўзбекистонга бориш учун буни қандай тўлғазишиш кераклигини баҳона қилиб сўради.

Чичиков таниган полиция бошлиғига жуда-жуда

ўхшаб кетадиган, аммо, афсуски, асло Чичиков таниган полиция бошлиғи бўлмаган, тўгрисини айтганда, унинг бирор тукигаям арзимайдиган бу одам номаълум кишининг мактубини ўқиётгандек анкета-аризага бирпас тикилиб турди-да:

— Бу сизга нима керак? — деди ижирғанаётгандек.

— Ўзбекистонга бормоқчийдим, шунга... — чай налди Чичиков.

— Кўрга ҳасса қилиб ёзиб қўйибди-ку, — деди полициячи қўлидаги қофозни силкитиб. — Хорижга чиқиш учун деб.

Чичиков ҳеч вақони англамай унга афрайиб қараб турарди.

— Ўзбекистонга бориш учун буни тўлдиришнин ҳеч ҳожати йўқ, — деди полиция бошлиғи. — Бу хорижга чиқиш учун, ўзимизниklарга асло қоғознинг кераги йўқ.

Чичиков шунда овсар Селифанинг янгишганини фаҳмлади. Бу нарсани тушунтириб қўйгани учун қаршисидаги полициячи кўзига ўзи таниб билган полиция бошлиғидан ҳам чандон яхшироқ кўриниб кетди. Ҳаяжондан ўзини босолмай қолиб:

— Мен сизни ўзимнинг эски танишимга ўхшатганим учун... — дея гап бошламоқчийди, қаршисидаги негадир кескин қўл силтаганича:

— Мени кўпчилик ўзининг эски танишига ўхшатади, — деди очиқ нафрат билан. — Ҳўш, нима бўлти? Ўхшатгани учун оғиз-бурун ўпишиб, ош қатиқ бўлиб кетаверишм керакми?

Авваллари Чичиковнинг иродасига қойил қолишганидан, Павел Иванович, сиз ўзингизни ҳар қандай шароитда ҳам йўқотмайсиз-а, дейдиганлар унинг ҳозирги ҳолатини кўришганида эди... бунақа муомалага энди дуч келиб турганидан у ўзини шу

қадар йўқотиб қўйдики, ҳатто, ўзи таниган полиция бошлиғига жуда-жуда ўхшаб кетадиган, аммо, асло ўзи таниган полиция бошлиғи бўлмаган, ўхшашгаям арзимайдиган одамнинг қачон кетганини пайқамай ҳам қолди.

У бир оз ўзига келгач, оғир сўлиш олиб, ён-атрофиға қараб қўйди-да, изига қайтди.

Қайтишида ҳайкал олдида барабанчилар барабанларини такирлатганча аллақандай концерт ўтказишаётганига гувоҳ бўлди. “Биз борадиган жойда ҳам аҳвол шумикан ёки дурустроқмикан? дея ўйлади юраги сиқилганича. — Анави густоҳ ўзимизники деганига қараганда баттар бўлса борки, беҳтар эмасдир!?”

Чичиковнинг сафарга чиқиш иштиёқи бирданига сўниб қолди. У йўл-йўлакай энди бир қадам ҳам уйдан чиқмаслик ҳақида ўзига қасам бериб борган бўлса-да, Селифан ва Петрушканинг сафарга қизгин тайёргарлик кўриб қўйишганини кўриб, яна ичи қизиди, қасами бир зумда эсидан чиқиб кетди. Ҳаттоки, учига чиққан қасамхўрларниkinинг олдида бизники нима бўпти, дея ўзига тасалли ҳам бериб қўйди.

Эртаси куни саҳармардондан ўтмиш замонларда қолиб кетган фалати эски арава — бричка йўлга тушди. Самолётлару учқур поездлар, автомобиллар, йўловчилар турли-туман манзил мароҳилларни ҳеч бир мушкулотсиз забт этиб турган бир замонда, социализмнинг гуллаб-яшнаб турган чофида эски аравага бало борми, деб сўрайдиган бир мард топилмади. Йўлнинг узоқ-яқинлиги унинг босиб ўтилган вақти билан белгиланиши ҳисобга олинадиган бўлса, эски замоннинг нураган гўрларидан чиқиб келган гўрўғиллар жуда олис сафарга чиқишгани ўз-ўзидан аён бўларди.

Шундай қилиб, тонг фира-ширасида йұлға тушган эски арава – жаноб Чичиковнинг бричкаси туманли масканларни ортда қолдирғанча елиб кетди.

“Эй, узоқ, олис йўл!..”

Сенда кишини теран ўй-хаёлларга толдирувчи нимарсалар бордир; олис-олис манзил-мароҳилларга етакларкансан, йўловчи ўзининг юраги қатламлари га ҳам бир қур назар ташлайди ва чуқур-чуқур хўрсинади. Бунинг сабаби нимада эканлигини билармисан, эй, узоқ, олис йўл!.. Бунинг сабаби шундаки, йўлда кетаётган кимарса умр ҳам худди шундай шитобу шаҳд-ла босиб ўтилгач, ҳаммаси абадият қаърига чўкиб кетишини яхши англайди.

Чичиков йўлда бораркан, бунчалик чуқур хаёллар га ботишнинг сабаби нимадайкин?

У ҳали гумбур бричкаси билан Ўрунбуруннин нари-берисида эканлигига ҳам ҳардамхаёл эди. Келаётган жойининг шарт-шароитини, об-ҳавосини тасаввур этолмасди: қандайдир Африқо ўрмонлари га ўхшаш бир жойларни кўз ўнгига келтиради. У ерда бадбашара занжилар белларига этак боғлаб юришади. Назокату нафосатдан, санъатдан минглаб чақирим йироқда – аёлларини уриб ишлатишиади. Улар бегона одамларга озор беришмайди, лекин туйқусдан тўқайларда ёввойи ҳайвонлар чиқиб, кишига ҳамла қилиши мумкин.

Баъзан шундай, кўриб-билмаган жойлар кишини кўп ташвиш-таҳликаға солади; кўриб-билгач, бу ташвиш-таҳликалар беҳуда бўлиб чиқади. Қолаверс, Павел Иванович Чичиковнинг бораётгани у ёқи маълум бўлган, улар ўз урфу одатларига кўра, уни тузукроқ кутиб олиш тадоригини кўришарди. У ерда тарқаган миш-мишларга қараганда, келаётган киши бўлган, бўлаётган, бўлмоқчи ишларни ипидан

игнасигача текшириб, ҳаммаёқни ағдар-тұнтар қи-
лар эмиш. Энди пахтани құшиб ёзиб кариллаб
юрганларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қо-
лармиш, ўзи аслида тўғри ишлаб, тўғри юрганлари-
да бунақа кўргиликларни кўрмаган бўлишармиш;
аммо-лекин бунақа вақтларда кўпинча ҳолвани ҳо-
ким еб, калтакни етим ермиш, ўша тўғри ишлаб, тўғ-
ри юрганларнинг бошига қора калтак синиб қолар-
миш. Бунақа воқеалар илгари, илгаридан ҳам илгари,
илгарининг илгарисини илгариси замонларида
ҳам жуда кўп содир бўлганмиш. Бир содир бўлган
ишнинг йўқолиши қийин бўлармиш, яна ва яна со-
дир бўлаверармиш, содир бўлмаётгандек кўринарми-
шу янайм содир бўлаверармиш, дараҳтнинг қандай
ўсиши қандай экилганига боғлиқ бўлгани сингари,
одамзоднинг аҳволи ҳам шу эмиш, бошидан кўп
ишлар қийшиқ кетганмиш.

Чичиковнинг гумбир бричкаси гоҳо бир қу-
лоч-ярим қулоч сакраб, гоҳо сувда сузган кема-
дай сокин юриб, ниҳоят, кўзланган манзилга
етиб келди. Бу кўзланган манзилнинг қандай
кўзланганини ҳам ҳеч ақл бовар қилмас, Селифанду
Петрушканинг ноқис ақлига бу ерлар қандай
келиб қолгани ғоятда ажабланарли эди. Қолаверса,
уларни тушларида кўргани каби бу ерда анов-
манов одамлар эмас, казо-казолар, нафасидан ўт
пуркаб, соясидан ит ҳуркадиганлар иззат-икром
билан кутиб олишга чиқишиганини, уларнинг ка-
марбаста ҳолда туришганини, қадим туйғуларнинг
сир-асрорлари-ю тўғонлари ҳамда жилванишлари
ботинида тош қотган турфа қиёфаларнинг яқдил
сомеёна ифодаларини кўз куриб, қулоқ эшитмаган
ҳодисалар сирасига киритиш мумкин бўларди.

Шойим БҮТАЕВ

Бричка кутиб олишга чиққанлар даврасига яқинлашаверди.

— Ие! — дея беихтиёр хитоб қилиб юборди кимдир ва дарҳол тилини тишлаб теварак-атрофга хавфсираётгандек қараб қўйди.

У ҳамманинг дикқат-эътибори Чичиковнинг яқинлашаётган аравасида эканини, хитоби ҳеч кимнинг қулоғига кирмаганини кўриб, хотиржамлик ҳис этганича бошқалар каби икки қўлинини киндиги устига қовуштирганча тураверди. Албатта, ҳозир у ҳам ҳамма қатори оқ куйлакда, қизил бўйинбоғда, қора костюм-шимда бўлгани учун қовуштирилган қўлининг ўз киндиги устида эканини хаёлига келтирмай, бундан заррача нокулайлик ҳис этмади. Борди-ю, ширяланғоч бўлгандаям бу ҳолати зарра ўзгармаган бўларди. Оталару боболар боболарнинг боболари ва оталари ва ундан нари боболару оталар шу зарурий матоҳни қандайдир йўсинда ўзларининг зурриёдларини қиёматда мушкулсиз таниб олиш учун сақлаш ва сақланишини мерос қилиб қолдиришгани ажабтовур бир тилсимотдай туюлар эдики, бунда илоҳий сир-асрорлар мужассамлиги ҳам мавжуд бўлган бўлса ажабмас.

Хитоб этмиш зурриёд мангу ҳолатини қилт этиб ўзгартиргаган ҳолда турганида, ёнгинасида бошқа бирорвнинг:

— Меҳмонимиз шу аравалари билан нақ Масковнинг ўзидан келяптиларми? — дея шипшиётгандек сўраётганини эшитиб, қулоғини динг қилди. Пустак жун орасида кўриниб-кўринмай, билиниб-билинмай келган бу қулоқ эволюция жараёнларида биттамабитта тук тўкиб, яланғочлангани билан динг бўлган маҳали аждодларининг мамонт овидаги ҳушёрлик, огоҳликларини эслаб қоларди.

Шуродан қолган одамлар

— Ҳа-а, нақ Масковдан келмай, Попдан келишинми? — илгади қулоқ нариги томондаги аллакимнинг шипшини.

А-ҳа, гап қаёқда экан. Шунинг учун экан-да, ҳаммаёқни ёғ тушса ялагудек қилиб тайёргарлик кўришгани. Аммо-лекин осмонларни тўлдирган пўлат қушлар товушдан тезроқ ела олиш қудратига эга бўлган дориломон замонларда, тезюарар поездлар мағрибу машриқ манзил-мароҳилларини вақт тезлигидан ҳам шитоброқ тай қилиб юрган чофида манави шалоқ аравани кутиб олишга чиқишига бало борми?

Қулоқ эгаси бу шаккок фикрни миясидан чиқариб ташлаш учун қўтоснинг бошидай бошини билинрабилинмас силкиб қўйиб, яна теварак-атрофдан бирор сас-сабар илғаб қолиш илинжида ҳушёр ва жимтурди. Ҳудди ўша мамонт овидаги каби. Шўрлик, мамонт. Яқинлашиб келмоқда ҳамон.

— Филдирагига қара, филдирагига, аввал шипшиган овоз эгаси ўзини тутолмай ҳамон шипширди.

— Самолётда юришмаскан-да, — минфирилади бошқаси бу шипшишларнинг давомини яна эшитиш иштиёқида.

— Катта одам, аравада юриб, баҳонада раиятнинг ҳолу ахволидан ҳам хабардор бўлай деган.

А-ҳа, мана гап қаёқда. Ҳалиям жиловни маҳкам тутиб, тилини тишлиб қолди. Жимлик. Сукунат. Аммо мамонт қайда қолди? Уни кўздан қочириб юбормасайди ҳали. Шу чоқ яна унинг қораси лип этиб ўтди. Миллион йиллик асбобини шайлаб қулогини дурбин қилди қулоқ эгаси.

— Ана камтарлигу мана камтарлик.

— Шунақаям хокисорлик бўларканми?

А-ҳа. Яхшиям ҳайдовчимнинг фаросати жойида.

Шойим БҮТАЕВ

У ўз позасида яна-да собитроқ туриб олди. Орқа томонда олатасир бўлаётганини, барча машиналар гаражга қамалаётганини елкаси оша ҳис этиб турди.

Чичиков ўзича, дунёнинг нариги бурчагига келиб қолдим, деб ўйлаган бўлса-да, Н.шахри ўзларининг тасарруфида эканлигини туйқусдан фаҳмлаб қолди.

Шаҳар четига мошинлари билан кутиб олгани чиққан бошлиқлар, унинг аравада келаётганини кўриб, ҳайдовчиларга шоша-пиша жавоб бериб юбориши: нега деганда, шундай улуғ жойдан шундай улуғ одам аравада келса-ю, булар мошина миниб юришса, одоб-ахлоқ қонун-қоидаларига ҳам тўгри келмайди-да! Бундай бўлишини барвақтроқ билишганида-ку, ернинг остидан бўлсаям арава топтириб, ўшанга миниб келишарди-я! Эҳ, аттанг, доғда қолиши. Жуда катта сиёсий хатолик ўтди – фурсатни бой бермай, текислаб юбориш керак.

Павел Иванович аравадан тушиши биланоқ галати овозлардан эс-хушини йўқотиб қўйишига бир баҳя қолди. У қўрққанидан довдираганича яна бричкасига чиқиб олмоқчи эди, ўзи томон келаётган атлас куйлакли қизни кўриб қотиб қолди. Ўшанда, Собакевичнинг қишлоғига йўл олган кезларида йўлда тасодифан тўқнаш келиб бричка билан қўшилиб кетган коляскада ўтирган қиз хаёлидан кечди ва ҳозир қаршисида турган қизнинг нимасинидир унга ўҳшатди. Лекин вафур-вуфур овозлар ҳали-ҳануз тинай демасди.

– Бу овозлардан асти хавотир олманг, – дея унинг қулоги остига шипшиди шу балоларнинг барчасини бошлаган ит эмгур Селифан. – Булар пуфлама мусиқа асбоблари, энг иззатли меҳмонларни кутиб олиш учун чалинади.

– Энг иззатли меҳмонлар ким экан? – ўсмоқчилаб

миридан-сиригача билиб олмоқчи бўлди Павел Иванович.

— Сизу биз-да, хўжайин.

— Мен-ку мен, биз деганинг ким?

— Камтарин қулингиз Петрушка билан камтарин қулингиз Селифанд-да.

Атлас кўйлакли қиз яқинлашиб, унга нон ва туз тутди. Чичиков бениҳоя хурсанд бўлди. Нон ва туздан тотинаркан, буларниям урф-удумлари бизникига ўхшаркан-да, дея ўзича ғудранганича ажабланиб қўйди.

Аммо у ажабланмаса ҳам бўларди. Негаки, олдинда ҳали ажабланадиган нарсалар кўп эди. Айниқса, калтабақай бир кишининг қучофини очганича у томонга лапанглаганча келаётганини, орқа томонда қолган одамларнинг калтабақайнини фақат кўз қирлари билан кузатиб туришларини таажжубланарли деса бўларди. Павел Иванович кўпни кўрган, инсон феъл-авторининг ўру қирларини пухта эгаллаб олгани туфайли мана шу хатти-ҳаракатлардан калтабақайнинг бу йифилганларнинг каттакон бошлиғи эканини дарҳол пайқаб олди. Шу туфайли уям қучофини очаверди. Ичиди эса назари илмай, мен хизмат қилган божхонага ўхшаш жойларга бориб қолса, бунга энг паст чиновниклик ҳам тегмасди-ю... бу ерларда бўлавераркан-да, деб қўйди. Аммо-лекин, у бу масалада ошиқмасдан фикрласа ҳам бўларди, чунки ҳар жойнинг тошу тарозиси ўзига яраша бўлгани каби, ҳозир содда дўлвор кўрингани билан қучоқ очаётган калтабақай ҳам, унинг ортида саф тортиб соме қиёфада туришганлар ҳам ўрни келса, ҳар қандай юлдузни бенарвон ура оладиганларни ҳам бир чўқишида қочиришар, уларнинг жиддий кўринган қиёфалари ортида нималар яширинганини

Шойим БҮТАЕВ

шайтони лайннинг ўзи ҳам минг урингани билан билиб ололмасди. Павел Иванович Чичиков Манилов сингари, Ноздрев сингари, Собакевич сингари, Плюшкин сингари, борингки, Коробочки сингари характерларни кўравериб-кўравериб кўши пишиб кетгани билан қархисида турганларни нечоғли ўзига хос мураккаб характерлар эканини хаёлига келтира олмасди. Боёқиши қаёқдан ҳам хаёлига келтира олсин эди?! Ахир, у буларни орасида туғилмаган бўлса; ахир, у булар билан билла билла ланка тепиб, чиллак ўйнаб, ошиқ ташлаш улгаймаган бўлса; ахир, у буларнинг маснаду мансаб учун ота ўғилни бадарга этганини, ўғил отага ти кўтарганини, миллат-миллат деб миллатни бошини турганлар миллатни пароканда этганини кўриш эшитмаган бўлса; ўзгадан кўра ўзларидан чиққани танга ёпишган бит каби раиятнинг қонини ичиб адоқилганини ўқиб-ўрганмаган бўлса?!

Павел Иванович Чичиков ўзи ҳақида ҳар каллади ҳар хил хаёл фужрон ўйнаётганини тасаввур ҳим этолмасдан, ўзига яқинлашган калтабақай билан қучоқлашиб, ўпишиб кўришди. Уф-ф, кўришми ўлсин! Калтабақайнинг оғзидан саримсоқпие нинг ҳиди анқирди. Павел Иванович нозиктади киши бўлгани учун кўнгли айниди. Нишонбон Ҳурзамонович номи билан эл орасида машҳур бўлган калтабақайнинг ҳам, сирасини айтганди, саримсоқпие зга унчалик ҳуши йўқ эди. Лекин у аксарият оға-биродарларининг бу сассиқ пиёзни ҳаш кўриб ейишларини билар, ўзининг уларга ҳамтовор эканлигини англатиб қўйиш учуноқ кўзини чири юмганча аталган жойига жўнатарди.

Унинг Чичиков томон қучофини кенг очиб ки лишиям шундан эди. Қўл бериб кўришса сарим

соқнинг ҳидини азиз меҳмоннинг бурнига етказолмай ҳалак бўлар, мана, мен саримсоқпиёз еганман, деса, бу табиий ҳол саналмас, хуллас, унинг ҳамфирклилиги англашилмай қолиши турган гап эди. Юқори даражадаги бундай нозик масалаларга тушунмайдиган галварслар, қўйчивону молбоқлар саримсоқпиёзнинг ҳиди етказилиши учун қилинаётган ҳаракатларни узокдан кузатсалар, дарров анов-мановга тушишар, бундан кейинги ҳаёт ҳақидаги тахмину тусмолларни қалаштириб ташлашарди.

“Қалай, кўряпсизми ўпишишларини! – дерди улардан бири. – Айтганимдай, бу йил ун арzon бўлади-ёв!”

“Ҳа-а, ун арzon бўлади-ёв! – тасдиқларди уни иккинчиси. – Ие, қара, унисиям ўпишяпти-ку?! Пахта арzonлашадиганга ўхшаб қолди-ёв?!”

Павел Иванович бошқа казо-казоларнинг саримсоқхўр ёки саримсоқхўр эмасликларини билолмай қолди. Чунки улар билан қўл бериб кўришиб чиққач, Нишонбой Ҳурзамонович иккаласи фахрий коровуллар олдидан ўтиб боришиди.

Обрўли хўжайнинларини бу ерларга келишга кўнтирган Селифаннынг оғзи қулоғида, қўшиқ айтиб юборгиси келар; Петрушка эса, аксинча, ичидан қувонса-да, сиртига чиқармасди. Фахрий қоровуллар шаҳдам қадамлар билан олдинда юриб, шу баҳонада уларнинг эски аравасига йўл кўрсатиб оорар, қолганлар орқада яёв келишарди. Кўчалар шу қадар жимжит сукунат оғушида эдики, гуёки қандайдир мўъжиза юз бериб бу ерда истиқомат қилаётганлар ҳамма нарсани жой-жойида қолдириб ё осмонга учиб ёинки ерга кириб кетгандек таассурот йиғонарди бу кўчалардан ўтиб бораётган кишида.

Шойим БҮТАЕВ

Аммо Чичиков ҳозир бу ҳақда ўйламасди. Ўзинин ташрифи муносабати билан күчаларда ҳаракат тұхтаганини, пана-пастқамларда миршаблар, жамоатчи назоратчилар ҳаракатни зёр-базур тұхтатиб туришганини ҳам хаёлига келтирмасди. Чунки у ўзи билан ўзи андармон, ўзига ўзи бино қўйганича ўз ҳолидан масту мустафриқ, ким бор эди-ю ким юарди бу күчаларда заррача ҳам иши йўқ эди. Күчаларнинг кимсасизлигини ҳисобга олмаганды ҳам, бу шаҳар Чичиков кўниккан шаҳарлардан ҳавосинин иссиқлиги, бир хил кўринишдаги иморатларнинг кўплиги билан ажралиб турарди. Кўчанинг иккичетидаги бир хил йўғонликдаги дараҳтлар текис ўғанди. Чичиковни, айниқса, турли-туман ёзувлар ҳайратга солди. Баъзи ёзувларни базур ҳижжалаб ўқиб олгани билан шу заҳотиёқ эсидан чиқиб кетди, негаки, бу сўзлар рус тилида бўлгани билан маъноси ғалати, Павел Ивановичнинг етти ухлав тушига кирмаган гаплар эди. Ҳар замон-ҳар замонда биноларнинг пештоқларидағи ёзувларга ҳам кўзи тушар, аммо кейин ўқиб оларман, деган хаёлди уларга эътиборини жалб этиб ўтирмасди. Бир жойда у қўлларига байроқчалар тутган бир тўп одамларни дуч келганини, улар Чичиковгами, бричкагами ёки Селифангами — номаълум, ишқилиб, таъзим бажо этишганини эътиборга олмаганды, бошқа одам учрамади. У ортидан кутиб олувчиларнинг судралиб келаётганини, олдиндаги фахрий қоровулларни яш бир қур назардан ўтказаркан, булар мени қандайдир шаҳзодага менгзаб, янглишганга ўхшайдилар, деган фикр бирров ҳаёлидан “фувв” этиб ўтди-ю, шу заҳотиёқ маҳв бўлди.

Чичиков ўз ўйлари билан банд бўлиб, йўл-йўлакал бебилиски ичиб юборган “тройной” атиридан кайфи

тарақ бұлиб бораётган Селифанинг ўз-ўзича отларга қилаётган танбәхига эътибор бермади.

Үнг ёқдан қүшилган чавкар от ҳамон мугам-бирлигини ташламаганди. У хұжакүрсинга юрап, зўр бериб аравани тортаётгандек күринса-да, аслида ундай эмасди. Чеккадан қараган одамга жуда заҳматкаш от булиб күринарди. “Сенинг каттачалигинг қолмади-қолмади-да! — фұлдиарди Селифан унга аччиқ қамчи босаркан. — Ишингни билиб қил-да, ҳадеб ўзингни күрсатмай юраверда, ҳароми! Аравани Жийрон билан Маслаҳатчи тортсин-да, мақтовни сен эшит, шундайми? Мен сенга күрсатиб қўймасам, Селифан номимни... — шу сўзларини айтганича Селифан пича сукутга кетди, у ўйлай-ўйлай ўзига бошқа муносиб исм топа олмади шекилли, қасамнинг ярмидан кечиб юборди. Шундан сўнг одатдагидек учала отгаям бирдек қамчи босдида: — Чу, жониворлар! — деб қўйди. У ҳозир бу хитобни жуда-жуда бақириб айтгиси келди-ю, бақириб айттолмасди, атирнинг кучи бошига уриб турган бўлсаям, нозик даврада эканлигини ҳис қиласди. У атир миясига уриб, миясини ёриб юбормаслиги учун яна чавкарга қараб гапира кетди: — Сен иззат-хурмат кўраман десанг, хўжайинларингга тўғри бўл. Ёт деса — ёт, тур деса — тур. Улар сенга ҳеч қачон ёмонликни раво кўришмайди. Чунки сен хўжайинларингнинг аравасини тортиб бораётган отсан. Сен бўлсангу Жийрон ва Маслаҳатчи бўлмаса, арава бир қадам ҳам олға силжийдими? Силжимайди. Нега деганда, уни ҳеч ким тортмайди. Павел Иванович нуқул ўтиришни билади, биз Петрушка иккаламиз ҳам тортишни билмаймиз, тортмаймиз ҳам. Нега деганда биз от эмасмиз. Сизлар эса отсизлар. Худо сизларни аравани тортишга чиқарган... Борди-ю,

сен одам, мен от бўлиб туғилганимизда, сен ҳам мени қамчилаб ишлатардинг. Фақат баҳтимга мен одам бўлиб туғилганман, омад чопмай сен от бўлиб туғилгансан...”

Селифан фалсафий жиҳатдан тобора чуқурроқ фикр юритиб, айтаётган гапларининг бош-кетини йўқотиб, мавҳумлашиб бораверди; агар бирон-бир замонавий файласуф унинг гапларига қулоқ солиб турганида, шубҳасиз, этагига бош урган, шу кундан эътиборан менга устозликка ўтинг, тан бердим, дея тавалло қилган бўлар эди.

Чичиковни бричкадан тушириб, шинам бир боқقا олиб киришди. У, шу ондаёқ, ана энди ҳақиқий жаннатга келган бўлсам керак, деб ўйлади. Дараҳт шоҳларида сархил мевалар пишиб ётар, боғнинг ўртасида каттакон ҳовуз бўлиб, ҳовуз бўйидаги шарқона супачаларга эроний гиламлар тўшалганди. Чичиковни бу ерларга ўтқазмай, шунчаки кўрсатиб олиб ўтиб кетишди. Уни бир қаватли, аммо жуда баланд, мармардан ишланган бинога олиб киришди. Унинг учун алоҳида хона ажратиб қўйилган эканки, бунаقا катта хонани Чичиков на губернаторнинг, на прокурорнинг ва на бошқа казо-казоларникида кўрган эди. Хона деворларининг ҳар ер-ҳар ерига катта-катта суратлар осилган, улар чамаси, дам оловчининг кайфиятини яхшилаш мақсадида қўйилганди. Ҳамма суратларда ҳам қор бор эди, қайинлар бор эди, ҳатто қўзиқорин тераётган қизча ям бор эди – шунга қарамай, Чичиковнинг назарида, булар жуда бемаъни, дидсизларча чизилган суратлар эди. Худди рассомни ўзи истамаган мавзуда зўрлаб расм чиздирганга ўхшаб кўринарди.

– Қалай? – деб қолди бир маҳал Нишонбой Ҳурзамонович ундан аллақандай мурувват кута-

ётгандек, Столипин бузогига ўхшаб мұлтайиб қараганча.

Павел Иванович билан бу хонага фақат унинг ўзи кирган, қолғанлар ташқарыда саф тортишиб, бир-бирлари билан ҳар замон-ҳар замонда пичирлашиб туришарди. Шундайм ҳаммалари бирданига пичирлашмасдан битта-битта пичирлашишарди. Уларнинг бу суҳбатлари ўлда-жүлдадек кўринсада, ҳаммасининг ҳам кўнглида келган кишининг кимлигига қизиқиши, ўз ватанлари учун унинг нималар қилиб бера олишини билишга кучли иштиёқ ётарди. Уларнинг ватанпарварликлари шу даражада эдики, хориждан ёки бирор бошқа жойдан келган кимарсаларнинг оёқлари остида ўзларини қурбон қилишга доимо шайдек кўринишарди. Бунинг ўз сабаблари бор эди – уларнинг назарида пахса деворлар остида, гувала кулбалар ичида, қамиш томлар остида қолиб кетган ўз ватандошлари негадир ур калтак-сур калтак билан ҳам одам бўлмасди, дунёқарашибари ҳам ниҳоятда тор эди – носвой капалашу товуқ ахлатидек лўмбозгина тупуришдан бўлагини билишмасди. Бундай дунёқарашиб на уммонга ва на сахрога чиқишига ярарди уларнинг назарида. Овқат ейишни ҳам ёлчишишмасди, нуқул чой ичишардики, бу уларнинг қитмирликларидан далолат берарди. Бир сўз билан айтганда, улар тамоман одамгарчиликдан чиқиб кетишган, шу боис, Нишонбой Ҳурзамонович раҳбарлигидаги олиймақом давралар улардан қўлни ювиб қўлтиқقا артишганди.

– Дуруст, – деб қўйди Чичиков меҳмоннавозлик ҳурмату иззати юзасидан. – Рассоми ким экан?

– Ўзимиздан, ўзимиздан! – деди шоша-пиша Нишонбой Ҳурзамонович. – Симхобоев. Нуқул “акун” деб гапиради.

— “А нука?..” — ҳеч балога тушунмай Нишонбой Ҳурзамоновичга қаради Чичиков.

— А нука, а нука! — дарров сүзидан тонди Нишонбой Ҳурзамонович. — Тұғри-и, “а нука” деб гапиради. Биз унга халқ рассоми унвонини бердик...

Чичиковнинг бундай унвон ҳақида тушунчаси йўқ эди. Унга, масалан, Владимир нишони, Григорий нишони дейилса яхшироқ тушунарди. Лекин, Нишонбой Ҳурзамонович унинг аравасини кўрган бўлса-да, кўра-била туриб бу араванинг ўтмишдан келаётганига фаҳми етмаганди. Шунинг учун Чичиковнинг афрайганига, эшитмади деб ўйлаб, сўзини такрорлади.

— Нима у — халқ рассоми? — беихтиёр оғзидаи чиқиб кетди Павел Ивановичнинг.

Нишонбой Ҳурзамонович ишшайди. У Чичиковни, ҳазиллашяпти, деб ўйлаганди. Шу боис, ўзини меҳмон билан биргаликда, жўравозликда қўққисдаи қаҳқаҳа отиб юборишга чоғлаб турди. Жойида тургантурмаганини билиш учун чўнтағига билдирамайгина қўл солиб, дастрўмолини ушлаб ҳам кўрди: жойида экан. Энди кўзлари ёшланиб кулаверсаям бўлаверади, дам-бадам кўзёшларини рўмолчаси билан артиб турса чиройли чиқади. Йўқ, қаттиқ қаҳқаҳа отиб юбормаслик керак. Меҳмон қаттиқ кулгандан у жилмайиб қўя қолса, обрў-эътибориям, сиёсатиям яхши сақланади. Мабодо, меҳмон жилмайса-чи? У чоқда... Кулган-кулмаганлиги билинмайдигандек бир ҳолатда турган маъқул.

Лекин баҳтга қарши... Чичиков қаҳқаҳа ҳам урмади, жилмаймади ҳам. Бурилиб, бошқа ёққа кетди. Узоққа кетмади. Тұғри тўрдаги саҳнада турган пианинони бориб кўрди. Кўргандаям унчалик ҳафсала қилмай, хаёли бошқа ёқда эканлиги яққол

билиниб турган ҳолатда күрди. Ахийри, у ўзини йиғишириб, бошқа майды-чуйда нарсаларни күриб ўтиришга ҳафсала қилмади. Шуниси дуруст бўлди, чунки Павел Ивановичнинг санъатга унча-мунча иштиёқи бўлса-да, шеъриятни кўргани қўзи йўқ эди. Шеъриятни кўролмаслигининг энг биринчи сабаби шоирларни дунёдаги энг bemaza одамлар, деб биларди. Улар гапни тўғри гапиришмайди, алмойи-алжойи, орқасини олдига, олдини орқасига қилиб, бошқаларнинг энсасини қотирадиган тилда гапиришади. Шоирларда тайин бўлмайди. Масалан, Пушкин деган аллақандай бир араб император ҳазратларининг ўзлари билан олишишдан ҳам ҳеч-ҳеч ҳайиқмайди. Чичиков ҳақида ҳам у Гоголми, Моголми деганларига аллақандай бўлмадур гапларни гапириб юрганмиш. Гапирса гапираверсин, Чичиковнинг совунига ҳали кир ювмабди. Гарчи у эски аравада юрса-да, узоққа кетади. Ҳали уларнинг йўғон-юпқа китобларига ҳеч ким қиё боқиб қарамайди, аммо Чичиковнинг бу эски аравасининг фиддираги қайси пучмоққа етмасин, уни ҳурмату эҳтиром билан қарши олаверишади, ҳа-а, шунақа бўлиб келган, шунақа бўлади.

Шеъриятга ана шундай муносабатда бўлган Павел Иванович ҳозир жиндаккина ҳафсала қилганида шеърият билан учрашиши ҳеч гапмасди. Ҳашаматли хона деворининг ўнг томонидаги каттагина жойни бир гуруҳ шоирларнинг биргалашиб ёзишган баланд руҳдаги бир шеъри ишғол қилганди. Бу шеърнинг ҳар сатри ўқловдай-ўқловдай ҳарфлар билан, ён-атрофига оройиш бериб ёзилганди. Умуман, Шарқда ҳарфларга зеб бериш олий даражага етган. Имлоси ўзга бўлсаям зеб бераман дейилса бўлавераркан. Павел Иванович ана шу шеърни ўқиб, ёзилиш санъатини кўриб

завқланармиди? Мавҳумликни жини суймайдиган Павел Иванович ҳар бир нарсада аниқлик бўлишини истарди. Айниқса, шеър деганларида аниқлик манаман, деб кўксини кериб турсин. “Ассалом. Павел Иванович... Ассалом, Петрушка... Ассалом Селифан...” Қандай аниқ мисралар!

Аммо Павел Ивановичнинг калласидан бундай уй хаёллар кечмади. Чунки Нишонбой Ҳурзамонович уни ўша “шеър” томонга судрашга ҳарчанди уринмасин, Павел Иванович толиққани боис хоҳиш билдирамади. Қолаверса, унинг хаёли мутлақо бошқа ёқда эди.

— Юртингизда офатлар бўлиб турадими? — деб сұраб қолди у кутилмаганды Нишонбой Ҳурзамонович га қараб.

Қўққисдан берилган бу савол Нишонбой Ҳурзамоновични шошилтириб қўйди, у ҳушини йўқотганча:

— Ташкил қиласиз! — деб юборди.

Павел Иванович кулди.

— О, йўқ! — деди у. — Офатлар дегани табиии ҳодиса. Ахир, сизнинг қўлингиздан кучли қор ёки ёмғир ёғдириш келмайди-ку? Тўғрими?

— Сиз учун келади, Павел Иванович.

— О, йўқ!

— Чин сўзим!

— Раҳмат, илтифотингиз учун ташаккур!

— Тортинмай айтаверинг.

— Шундай гапларни гапирасизки, худди худо юборадиган вабо-балоларни ҳам ўзингиз тарқата оладигандек-а...

— Сиз учун тарқатамиз, Павел Иванович.

Чичиков Нишонбой Ҳурзамоновичга ҳуши жойидами-жойида эмасми дегандай бир зум қараб

қолди. Аммо ҳамсуҳбатининг чехрасида ҳазилга майиллик кўринмаётганини, қиёфаси зобит буйруғини эшитаётган аскарнидек жиддийлигини кўриб, бу ҳолни нимага йўйишни ҳам билолмай қолди. Павел Иванович шу гаплардан сўнг Нишонбой Ҳурзамоновични илгарироқ учратмаганига афсусланди, холос.

— Сизларда меҳнатга лаёқатли, бизнинг мужикларга ўхшаган кучли ва эпчил деҳқонлар, албатта, кам бўлса кераг-а?

Нишонбой Ҳурзамонович туйқусдан ўзининг одоб-ахлоқига ярашмаган қилиқ қилди: сал энгашиб тиззасининг кўзига бир-икки шапатилади-да:

— Эҳ, Павел Иванович... — деб қўйди.

Унинг бу хатти-ҳаракатидан ўзларида деҳқонлар тўлиб-тошиб ётибди экан, деган хаёлга борган Чичиков:

— Кечирасиз... Кечирасиз... Агар мен... — деб гулдиради.

— Йўқ, кечирмаймиз! — деди Нишонбой Ҳурзамонович.

Чичиков бир чўчиб тушди: ўйин тугади, деб ўйлади.

— Сизни кечириш лозим эмас! — такрорлади Нишонбой Ҳурзамонович. — Сизга раҳмат айтмоқ, сизга ташаккур билдиromoқ керак. Сиз аллақачон... аллақачонлар... бизнинг ҳаётимизнинг ипидан-игнасиғача билиб олибсиз. Биз учун оталарча ғамхўрлик...

Нишонбой Ҳурзамонович у ёғини гапиролмади. У аввал-бошдаёқ дастрўмолини чўнтагидан чиқаришни ўйлаб қўйганди. Муддаосига эришди. Дастрўмолини чиқариб, у билан кўз ёшларини артди. Ва ҳеч кутилмаган чаққонлик билан

Чичиковнинг белидан қучоқлаб, унинг лабларидан үпди.

Чичиковнинг күнгли баттар айниди. Қайт қилиб юбормай деб тепага қараган эди, шифтдаги олтин қандиллар ҳам қандайдир саримсоқпиёз шаклида эканлигини күриб, ҳафсаласи пир бўлди.

Нишонбой Ҳурзамонович эса, саримсоқпиёз еганимни ҳали билмаган бўлса, энди билди, ўзларининг одами эканлигимга амин бўлди, дея ўйлаб, ичидаги кулгига мойиллик сезди. Буни ташида билдириб қўймаслик ҳаракатини қилди. Нишонбой Ҳурзамоновичнинг бир томонига қойил қолмай бўлмасди: у шундай хатти-ҳаракатларни жудаям қойилмақом, ўрнида бажаарди. Қонун-қоидалардан четга чиқмасди. Айтиш нокулай-ку, аммо баъзи тунларда хотинининг жазаваси қўзиб кетганда ҳам, хоним, қонун-қоидалар ҳаммамиз учун бир хил эканлигини унутманг, дея беозоргина, аммо қамчилагандан ҳам баттарроқ танбеҳ бериб қўярди.

Павел Ивановични эса асосий нарса – ўйиннинг тугамаганлиги қувонтириди.

У чарчоқ калласи билан мунозара юритиб, ҳамма ишни бузиб қўйишдан қўрққанидан, бошқа бир оғиз ҳам сўз айтмади. Нишонбой Ҳурзамоновичдан дам олиш хонасини сўради. Нишонбой Ҳурзамонович ўзлари турган хонанинг орқа деворидаги бир эшикни очиб, Чичиковни парқу тўшаклар тўшалган оромхонасига олиб кирди ва уни холи қолдиаркан:

– Сўраганнинг айби йўқ, мабодо ухлашин: издан олдин у ёқ-бу ёғингизни уқалатишга эҳтиёж сезсангиз, бемалол айтаверинг, – деди ўзи ҳозироқ енг шимариб уқалашга киришиб кетадигандек бир ал-фозда.

– О, йўқ, шусиз ҳам ҳаммаёғим эзилиб турибди,

— деди Чичиков парқу түшакларга кўзи тушган заҳотиёқ босиб келаётган уйқу истагини ҳеч нарса билан босиб бўлмаслигини пайқаб.

Нишонбой Ҳурзамонович хиёл таъзим қилди ва чиқиб кетди.

Орадан беш-олти дақиқа ўтар-ўтмас, хонани Чичиковнинг узун-калта, ингичка-йўғон ҳар хил товушдаги хурраги босиб кетди. Бу ҳол унинг жуда bemalol, эмин-эркин ухлаётганидан далолат берарди. Ҳар замон-ҳар замонда у ёнданбу ёнга, бу ёндан-у ёнга ағдарилиб қўяр, шу чоқ бурун катаклари керилиб, оғзи хиёл очилиб, роҳатланаётганлигининг аломатини билдиради. Ҳа, дарвоқе, шунаقا жаҳонгашта одамлар бўладики, қаерда қачон қай ҳолатда бўлмасин, ўз табиий эҳтиёжларини қондириб кетаверадилар. Кўзига уй остонаси тепа бўлиб кўринадиган, шоҳ қасрида бўлсаям бошқа бирон жойда ёта олмай ўз катақ кулбалари томон интиладиган хонанишинлардан уларнинг афзалликлари ана шунда яққол кўзга ташланди ва э, бормисиз биродар, деб юбормоқдан одам ўзини тиёлмай қолади, ахир шундай бўлиш керак-да, нима ҳожати бор ўзига ярашмаган нозу фироқларнинг ва ҳоказо андиша-тортинишларнинг. Қани, Павел Иванович жонингиз борича тортаверинг хуррагингизни, эртани парвойингизга келтирманг, мободо борди-ю зулмат аро бир тутам нур қуюқлашиб жонингизни олгани келгандаям эски аравангизга заррача путур етказолмайди, унинг қанчадан-қанча манзил-мароҳилларни тай этишининг олдини ололмайди, шаклан алмисоқдан қолиб кетган кўхна матоҳ бўлсаям ўша-ўша феъл-атворлару характерлар туфайли моҳияттан у ҳамиша янги, эскирмаган, эскирмайдиган — янги замонлардаги

янгича чичикову плюшкинлар, ноздреву маниловлар, собакевичу... ва ҳоказо зотлар каби у ҳам мавжуд, ҳар қаёқда у муҳтарам зотлар ҳозир нозир бўлгани каби у ҳам ҳамон йўлда, намхуш ўтлоқлару туман босган тепаликлар аро ўтиб бораркан, қўлинни пешонасига равоқ қилганча олисдан кузатиб турган дехқонларнинг кўзини ўйнатганча замону маконларни писанд айламай ҳамон шитоб ила илгарилайди.

Эй, эски арава!

Қани, югур!

Замонлар сеники, қани югур!

Эй, эски арава!

Қани, югур!

Маконлар сеники, қани югур!

Барча ўткинчи ҳодисалар орасида нақадар буюк қудратга эга экан, бу пасткашлик, қани шитоб айлаб ўзингни ўзинг исбатлаганча олға интилавер!

Нишонбой Ҳурзамонович шошилинч мажлис чақириб, қўл остидагиларга меҳмоннинг кўнглини қандай хушнуд этиш, уни қаерларга олиб бориши кераклиги ҳақида қисқача маъруза қилди. Шундан сўнг музокаралар бошланиб кетди.

— Олийқадр меҳмонимиз юртимизда неча кун юрадилар? — деб савол ташлади Нишонбой Ҳурзамоновичнинг эркатои саналган, елкаси ва боши ўртасида бўйин деган нарсадан ном-нишон бўлмаган, кўзлари бир оз қисиқ оқсоқ киши.

Нишонбой Ҳурзамонович эркатоига сал хўмрайиб қараган эди, унинг бошиям салкам елкаси ўртасига кетаёзди, дами ичига тушганча кўзларини мўлтиратиб қолди.

Улар Чичиковга дахли бўлган-бўлмаган турли туман олди-қочдиларни гапиришди: аммо бир нарса

қолди – Павел Ивановичнинг ўзи ким эканлигини ҳеч қайсиси билмади. Сўрашга эса бир-бирларидан истиҳола қилишарди: ахир, қандай гапки, шундай олиймақом зотнинг кимлигини билмайсиз? Ўзи бу ерда баланд-баланд курсиларни банд қилиб ўтирганингиз бекор экан-да! Бу киши фалончи-фалончиевич-ку, бизнинг бевосита раҳбарларимиздан бўлмасаям, барибир шу қавмдаги зотлар сирасига киради. Ҳа-а, билмасангиз, билиб қўйинг!

Бир-бирларидан сўрашса, шундай таъналар ёғи-лишидан қўрқишаарди.

Нишонбой Ҳурзамонович шошилинч мажлисни аслида меҳмоннинг кимлигини билиб оламан, деган ниятда чакиртирган эди, қолганлар ҳам шу ниятда йигилишган эди, бу мавзуда сўз очишга ҳеч ким журъат этмади.

– Павел Ивановичнинг юртимизга ташриф буюришлари бизнинг ҳал бўлмаётган кўпдан-кўп муаммоларимизни ечиб юборишга хизмат қиласди, – деди Нишонбой Ҳурзамонович.

Қарсаклар бўлди.

– Дўстлик ришталарини янада мустаҳкам боғлайверамиз, – деди Нишонбой Ҳурзамонович.

Кучли қарсаклар бўлди.

Нишонбой Ҳурзамонович тани-жонида ажиб бир қаноатбахшлик түйди.

Айни замонда у Чичиковнинг тушига кираётганди. Тушга нималар кирмайди, ахир. Павел Ивановичнинг тушида Нишонбой Ҳурзамоновичнинг боши ўрнида каттакон саримсоқпиёз бор эмишу, у аллақайдан йигилган ўликларни тахлашга бош-қош бўлиб турганмиш, унинг ортида саф тортишганларнинг барчаси ўликурууш эмиш, Нишонбой Ҳурзамоновични ўртага қўйиб

ўзлари қаёқлардандир арzon-гаровга келтиришган ўликларни Чичиковга қимматга пуллаб юборишни мўлжаллашаётган эмиш.

Чичиков қаттиқ чучкириб, ирғиб ўрнидан тураркан, бир зум қаёқда ётганини ҳам англолмай гарангсиб турди. Оппоқ яктак-иштондаги икки хизматкор ергача таъзим қиларкан, ўз тилларида неларни дир деб чуғурлашди, чамаси, Чичиковга соғ-омонлик тилашди-ёв! Сўнгра тосқумғон келтирдилар. Бири тос тутиб турди, иккинчиси Чичиковнинг сертук кўлларига илиқ сув қўйди.

Павел Иванович бет-кўлларини ювиб, дунёнинг ҳеч қайси бурчагидан топиб бўлмайдиган роҳат туйди. Шу топда Нишонбой Ҳурзамонович келиб қолди ва Чичиковдан ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, уни ошхонага таклиф қилди.

Павел Иванович ошхона остонасидан ичкарига қадам қўяркан, оғзи лант очилиб қолди. У бунақа катта ошхонани ҳеч қаерда кўрмаганди. Бундай катта ошхонани бирон жойда учратиб қолгудай бўлса ҳам ўртадаги эллик-олтмиш киши бемалол сигишидиган баҳайбат эман столни учратиш душвор эди. Борингки, бу столни учратгудек бўлсаям, тўрда савлат тўкиб ўтирган Собакевичга дуч келиши кутилмаган ҳодиса эди. Борингки, овқат деса ўзини томдан ташлайдиган Собакевич бу ерга ис олиб келди, дея фараз қилинган тақдирда ҳам унинг ёнида бош тебратиб ўтирган Манилов кишини ҳайратга солмай иложи йўқ эди.

Бир сўз билан айтганда, бу ерда жамоат жам эди. Ёлғиз Павел Ивановичгина етишмай турган экан. Уни кўришлари биланоқ ҳар томондан хитоблар эшитилди:

— О-о-о!

- Ўзингмисан, биродар?!
- Қаёқларда улоқиб юрибсан, жонажон дўст!

Бундай хитоблар Нишонбой Ҳурзамоновичнинг олдида Павел Ивановични анча-мунча хижолатга солар, ташвишлантирас, обрў-эътиборига путур етказишга қодир бу кимарсаларни йўлиқтирганнинг гўрига фишт қаларди. Алоҳа, у Нишонбой Ҳурзамоновичга зимдан назар ташлаб, унинг ҳам шоён қиёфада эканлигини кўргач, кўнгли бирмунча тинчигандай бўлди.

Уни тўрга ўтказиши.

— Мана бу бошқа гап, — деди миршаб бошлиғи кафтларини бир-бирирга ишқаркан, қувониб. — Мана энди сафимиз тугал бўлган кўринади.

Бошқалар бош иргаб, бу гапни маъқуллашди.

Ёлғиз Собакевичгина жим эди. У кўз қири билан дастурхон ўртасида турган, турли зирашорлар солиб пиширилган қўй сонига қараб-қараб қўяр, бу мазали таом тақсимчаларга бўлинмасдан ўзиники қилиб олишни мўлжалларди. Одатдагидек, бошқа майдачуйда таомларга назар ҳам солмас, уларга ўзини овора қилиб ўтиришни истамасди.

Меҳмонлар аввалига икки қадаҳдан ароқни уриштириб ичиб олганларидан сўнг, овқат ейишга тутиниши. Собакевич ҳеч нарса емай, тўйган қўзидай пича мўлтираб ўтирида-да, ҳеч ким ҳеч кимга эътибор бермаётганини кўргач, қўй сонини товоқ-повоғи билан аста олдига сурди. Қўй сони жуда ҳилвираб пишган экан, санҷқини санчиши биланоқ катта-катта бўлаклар ажралиб чиқаверди. Меҳмонлар яна бир қадаҳдан ароқ ичиб, сўзлашиб турган пайтлари, айниқса, Собакевичга қўл келди. У ўзининг арогини шоша-пиша ютиб юбориб, яна машғулотда давом этди. Қўй сонини тинчитгач, аста

лаганни жойига суриб қўйди. Анчадан кейин гоҳ ўрнидан туриб, гоҳ ўтириб меҳмонларнинг кўнглини овлаётган Нишонбой Ҳурзамонович: “Қани, миллий таомларга ҳам марҳамат”, дея товоқ томон қўлини чўзиб, манзират қилган эди, у ерда “миллий таом”дан ном-нишон кўринмади. Собакевич ҳеч қандай миллий таом-паомдан хабари йўқдек, Чичиковга кекира-кекира гап сотиб ўтиради.

— Павел Иванович, Воробейни ўзимга қайтариб берсангиз ҳам майли, — дерди у Чичиковга пицирлаб.

Чичиков туйқус сергак тортди.

Шу ерда ҳам эски савдоларни эслаб Собакевичнинг тинч қўймаслиги унинг кўнглини хижил қилди. Рости гап, эски таниш-билишларининг бу ерда йиғилиб олишгани унга ёқмаётганди. Лекин муроса-ю мадора қилмаса бўлмаслигини ҳам пайқаб турарди. Шу сабабли, ўзини гўлликка солиб:

- Қайси Воробейни? — деб сўради эслолмагандек.
- Елизавета Воробей-чи?
- Эслолмаяпман.
- Эслайсиз, эслайсиз, нега эсламас экансиз?

Чичиков кифт қисди.

— Унақа қилманг, — деди Собакевич бош чайқаб. — Ахир, шундай барно аёлни-я! Унинг ортидан югуриб юрганингиз наҳотки ёдингиздан кўтарилган бўлса?!

Собакевич шўхчан кўз қисиб қўйди.

Унинг бу қилиғидан Чичиковнинг жаҳли чиққан бўлса-да, ўзини амаллаб босди. Тўймас бу бало, ҳаммавақт очиққан бу юҳо ўзининг ўлик жонларини тириклар билан алмаштириб юборяптими, нима бало?!

Чичиков фазабини қилт этиб ичига ютаркан, тишининг орасидан:

ШУРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

— Сиз адашяпсиз, — деди, нақадар ифлоссан, деган оҳангда.

Собакевич парво қилмади.

— Ўшанда норози бўлгандай эдингиз, — деди ўзини билмасликка олиб.

— Хўш, келиб-келиб шу маҳалда у сизга нега зарур бўлиб қолди? — деб сўради Чичиков у билан ўлик жонлар хусусида олди-берди қилганига энди пушмон еб.

— Унақаларнинг бозори бу ерда ҳам чаққон экан, — деди Собакевич кўз қири билан дастурхон устидан ўзига муносаброқ луқма излаганича.

— Қанақасига?

— Қанақасига бўларди, шунақасига-да, — деди Собакевич табассум ярашмайдиган лабига табассум индиришга уриниб. — Битта-яrimta жойга учинчи котибаликка қўйиб юборардик, ҳарқалай, бизнинг Лизахонимимиз ориятли-иффатли эди, қайситир сомонхона, ўтинхоналарда қизлигини бериб қўймаганди...

Шундай дея, Собакевич туйқусдан дастурхон устига булутдай ёприлди-да, столнинг нақ нариги бурчагида турган тандиркабони санчқисига илиб олиб, олдидаги ликобчага қўйди ва шу билан хаёли фаромуш бўлиб, Воробейни унутди ҳамда ичидаги абадул-абад тўймас балони тинчтишга тутинди.

Нишонбой Ҳурзамоновичга эман стол атрофидан жой тегмай қолгач, бўлманинг нимқоронги бурчагига қатор қўйилган оромкурсиларнинг бирига бориб ўтирганди. У ўзига жой тегмай қолганидан асло хафа бўлмаган, қайтага меҳмонларнинг хушнудликлари бошини осмонга етказган эди. Чичиков унинг холи жойда эканлигидан негадир суюниб кетди. Лекин Нижонбой Ҳурзамонович ёлғиз ўтиргани йўқ эди.

Шойим БҮТАЕВ

Унинг қаршисида баҳайбат саллали, эгнида узун ридо, қўлида тасбех, бўйнида бут, ишқилиб, мусулмон бўлиб мусулмонга, насроний бўлиб насронийга ўхшамайдиган сап-сариқ чувак юзли бир киши соме қиёфада ўтиради.

У шариату диний йўриқларни шунчалик ўзлаштиргандики, ҳар қандай воқеа-ҳодисани истаса у томонга, истаса бу томонга буриб юбора оларди. Шунданмикан, Нишонбой Ҳурзамонович уни ҳамиша ўзи билан олиб юрар, эркалаб-ардоқлабми ёинки киноя қилибми, ёнқозифим, дерди. Сал-пал мушкул вазиятларда кўз қирини ташлаб қўйдими, тамом, “ёнқозиги” худониям, пайғамбарларниям ўртага солиб юбориб, Нишонбой Ҳурзамонович учун хизмат қилдираверар эди. Унинг асл номи нима, миллати нима, дини қандай – ҳеч ким билмасди. Замзам тўра номи билан белгилик эди.

Айтишларича, Машраб деган бир далли-девона шоир бўлган экан. Юриб-юриб бир шаҳарга келиб қолганида ҳам Замзам тўра бор экан. Ўшанда ҳам шушу туриши экан. Ўшанда ҳам хоннинг қаватида экан. Машраб деган далли-девона унга бир зум анқайганча қараб қолибди. Кимлигини билолмасдан, шундай дебди:

*Билмадим бу шаҳарнинг шайхию мулласи ким,
Бул киши ким, бул киши ким, буси ким!*

Бу муҳтамил сўз шаҳар аҳлига андак малол келиб, бир-бирларига қараб дедиларки:

— Бу қаландар бизни ҳақорат қилди!

Анда халойиқ ўртасида кимдир:

— Бу киши Замзам тўра, — деганидан сўнг, Машрабнинг сўзи беихтиёр муҳтамил тушганлиги аён бўлди.

Шуродан қолган одамлар

Павел Иванович, шубҳасиз, бу гапларни эшитмагандиям, Замзам тўрани танимасдиям, шу боис, пича ўйланиб турди-да, ахийри нимаики бўлса бўлар, деб уларнинг олдига боришга қарор қилди.

Нишонбой Ҳурзамонович Чичиковни ўз томонига келаётганини кўриб, чаққон ўрнидан турди. Унга пешвоз юрди. Замзам тўра ҳам чапдаст бир ҳаракатла жойидан қўзғалиб, Нишонбой Ҳурзамоновичга одатдагидек ёнқозиқ бўлволди.

— Марҳамат, Павел Иванович, марҳамат, — деди Нишонбой Ҳурзамонович уни оромкурсига ўтиришга таклиф қиласкан.

— Марҳабо, марҳабо! — қўлларини кўксига қўйганча паст товушда сас чиқарди Замзам тўра. — Акун, бизнинг диёрга хуш келибсиз!

Чичиков Замзам тўранинг совундай йилтираб турган башарасига, битта-битта санчиб қўйгандек сийрак соқолигаю усти бошларига бир қур ажабланаб қараб қўйди. Сўнgra ундан нигоҳини узиб Нишонбой Ҳурзамоновичга қаради.

— Энди мен қайтсан... — деди Чичиков гапни нимадан бошлишини билмаганидан Нишонбой Ҳурзамоновичга синовчан тикилиб.

— Эй-й, йўқ! — беихтиёр хитоб қилди Нишонбой Ҳурзамонович. — Қайтиш деган нарсани хаёлингизга асти келтирманг. Ҳали сизга юртимизни кўрсатамиз. Эҳтимол, дехқонларингиздан ҳам чақиравсиз.

Бу гап-сўзлардан сўнг Чичиков ҳаяжонланиб кетди. У ёқ-бу ёғини ўйлаб ўтирмай мақсадга кўча қолди:

— Наҳотки, менинг дехқонларимни сизларда жойлаштириш мумкин бўлса?!

— Келаверишсин!

— Келишолмайди-да! — Чичиков жуда ноқулай

Шойим БҮТАЕВ

аҳволда қолганига қарамай, айтмаса ҳам бўлмаслигини сезди. — Улар аллақачонлар ўлиб кетишган.

— Ўлиб кетишган?

— Ҳа-а.

Замзам тўрага забон битди:

— Оллоҳ таоло аларнинг жойларини жаннатдан қилиб, руҳларини шод қилсин. Илло-билло бу дунёда кечирмиш ҳаётлари мобайнида ўз хўжаларининг кўнглини оғритмай, аларга сидқидилдан ва ишонч билан камарбаста бел боғлаб хизмат қилганларни яратган эгам ҳам ўз паноҳига олгай...

Ичида, “буни гапига қараганда худо ҳам хўжайинлар билан тил бириктириб олган экан-да”, деган куфрони бир фикрни кечирган Чичиков дарҳол хокисор қиёфага кириб тилида бошқа гапни айтди:

— Тириклар-ку, бир амаллаб ўз кунларини ўzlари кўриб кетишар, — деди у Замзам тўрага ер остидан бебилиски нигоҳ ташлаб қўяркан. Аммо ўликларга қийин эканлигини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Замзам тўранинг чеҳраси ёришди:

— Офарин! — деб хитоб қилди у. — Марҳумларнинг фамини еганлар кам бўлмайдилар.

— Мен уларнинг фамини ейман.

— Иншоолло, Сиз ҳам жаннатийлардансиз.

Чичиковнинг аллақачонлар дўзахдан ўз ўрнини эгаллаб келганини билганида бу нима дерди?! Ким дўзахий, ким жаннатий эканлиги ҳақида ҳукм чиқаришни бу қовоқсалла қовоқкаллага ким қўйибди? Буни, чамаси, Замзам тўранинг ўзи ҳам яхши англар, гапираётганда минғирлаб, ишончсизлик билан кўзларини ҳар ёққа олиб қочарди.

Нишонбой Ҳурзамонович хаёлга чўмган эди. Кўп ўтмай унинг нега хаёлга чўмганлиги маълум бўлди.

— Раз шундай экан, — деди у туйқусдан уйқудан

уйгонгандек қатъий оҳангда. — Сиз марҳум дех-қонларингизнинг рўйхатини бераверинг.

— Нега? — сўради Чичиков ҳайрон қолиб.

— Уларнинг номларини абадийлаштириш бизнинг зиммамиизда, — деди Нишонбой Ҳурзамонович катта ишни бўйнига олаётгандек.

— Савоб, фоятда савоб, — деб қўйди Замзам тўра.

Чичиков уларнинг бу гап-сўзларидан ҳеч вақони тушунмай, гоҳ унисига, гоҳ бунисига боши қотганча қаради.

— Кўчаларни ўша рўйхат бўйича номлаймиз, — са-ховат кўрсатди Нишонбой Ҳурзамонович.

— Мактаблар-чи мактаблар? — деди Замзам тўра фоятда муҳим масала устида фикр юритаётгандек жиддийлик билан. — Қачонгacha уларни рақамлаб юрамиз.

— Бу ҳам тўғри, — бош иргади Нишонбой Ҳурзамонович. — Янги очилган колхоз-совхозлар ҳам бор.

— Эскиларидан айримларининг номлари ўзгартирилса ҳам зарари йўқ, — фатво беришга чоғланаётгандек деди Замзам тўра.

— Эскича номи унақа эди, янгича номи бунақа деб халқимизнинг боши қотмасмикан? — ғамхўронда фикр юритди Нишонбой Ҳурзамонович.

— Сабрли халқ ҳар нарсага кўнигади ва Оллоҳ сабр берса янги номларни ҳам дарҳол ўзлаштириб олишади, — деди Замзам тўра.

Чичиков шундагина маҳаллий икки буюк арбоб орасида нима ҳақда гап-сўз бўлаётганини фаҳмлаб қолди ва шошганида:

— О, йўқ! — деб юборганини ўзи ҳам пайқамай қолди.

Чичиковдан миннатдорчиллик эшитиш илинжи-

да бўлиб туришган бу икковлон ҳам меҳмонга оғизларини очганча қараб қолишиди.

— Менинг деҳқонларимнинг номини кўтариш шарт эмасдир, — деди Чичиков икковлоннинг бир-бирига зўр бериб тасдиқлашган фикрларини бирлаҳзада йўққа чиқариб.

— Унда... — чайналди Нишонбой Ҳурзамонович.

— Охиратлари обод бўлиши учун дуо айлаймиз, — деди кафтини дуога очиб Замзам тўра.

— Раҳмат, — қўлини кўксига қўйди Чичиков. — Фақат бир илтимосим бор, шуни эшитинглар...

— Қани...

— Оллоҳ рози бўлсин!

— Менинг мужикларимга рўйхат асосида ўзларига яраша ер берилса.

— Ие?! — дея хитоб қилди Нишонбой Ҳурзамонович.

— Бизда тирикларга ер йўғу ўликларга қайда бўлсин?! — деб юборди Замзам тўра.

Нишонбой Ҳурзамонович билан Замзам тўранинг ер ҳақидаги гапни эшитиб туйқусдан чўчиб тушишганига қарамай, Павел Иванович ўз фикр-мулоҳазаларини охирига етказиш қасдига тушгандек кўринар эди.

— Үлпон рўйхати асосида жон бошига тарқатилган ана шу ер Павел Иванович Чичиковники дейилса, фалонча-пистонча деҳқони бор дейилса, бўлди.

Нишонбой Ҳурзамонович анграйиб қолди.

Замзам тўра нима гаплигини билолмагандек жаннату дўзах сарҳадлари ҳақида ўй суриб кетди.

Анчадан сўнг Нишонбой Ҳурзамонович зўр-базўр тилга кириб:

— Павел Иванович, — деди.

Чичиков унинг оғзига тикилди.

— Тушунаман, гарчи хусусий мулк бизнинг жамиятимизда йўқ қилинган бўлса-да, ҳамманинг ҳам деҳқонлари, ҳамманинг ҳам ишчилари, ҳамманинг ҳам хизматкорлари хуфёна тарзда сақланиб қолган бўлиши мумкин.

Чичиков, албатта, крепостнойлик ҳуқуқи алла-қачонлар бекор қилингани-ю ҳар кимнинг уйидаги хотинидан бўлак ҳамма нарсаси давлатники бўлиб турган шўро замонида эканлигидан ҳам хабарсиз эди. Шу сабабли, у ҳамсуҳбатига ағрайганича, ҳеч нарсани фаҳмлай олмаётганини яшириб ўтиrmай, паришонҳол қарайверди.

Шу маҳал уларнинг рўпарасида полковник Кошкарёв пайдо бўлди. У кўринишидан ўша-ўша хушфеъл, хушмуомалалигини сақлаб қолгандай эди. Уни кўриб Чичиковнинг капалаги учиб кетди.

— Бу киши менинг деҳқончилик ишлари бўйича маслаҳатчим полковник Кошкарёв бўладилар, — тантанали вазиятда уни Чичиковга таништирди Нишонбой Ҳурзамонович. — Фоятда закий, деҳқончиликнинг замонавий усуллари ҳақида пухта назарий билимларга эга, бутун дунё илм аҳли томонидан эътироф этилган улкан олим, қолаверса, инсонийлик жиҳатлари билан ҳам бошқаларга намуна бўла олгулик катта шахс, биз шундай бекиёс инсонлар билан бир замонда яшаётганимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.

Чичиков эса, наҳотки, бу жиннига шунчалик ишонч-эътимод кўрсатишса, деган хаёлдан боши гангид қолганди.

Кошкарёв Нишонбой Ҳурзамоновичнинг мақтovларини бошини эгиб эшишиб турди-да, сўнгра бир силтов ташлагандек ҳаракат-ла:

— Ташаккур! — деб қўйди.

Нишонбай Ҳурзамонович шундан сўнг Чичиковни ҳам Кошкарёвга замонанинг энг камтарин амалдорларидан эканлигини таърифлаб танишитирди. Улар танишганликларидан мамнун эканликларини бир-бирларига имо-ишоралар орқали англатишиди. Аммо ҳар иккаласи ҳам илгари танишликлари ҳақида чурқ этиб оғиз очишмади. Кошкарёв Нишонбай Ҳурзамоновичга қараганича пахтакорларнинг ишлари кўнгилдагидек эмаслигини, аёллар назокату нафосатни билмасликларини, далага лозим билан чиқаётганликларини, эркаклар тасвирий санъат ҳақида китобларни ўқимаётганликларини куюниб гапира бошлади. У шунча йиллардан буён ҳамон ўз фикрларидан қайтмаган экан. Чунончи, ҳосилдорликнинг камлигини деҳқонлар далага олмонча шолвор кийиб чиқмаётганликларига йўйди. Кийим-бош деҳқоннинг устки зийнати экан, бунинг аҳамиятига teng келадиган бошқа нарса йўқ экан. Агар деҳқонларга олмонча шолвору амриқоча пойабзал кийдирилмас экан, жуда катта режалар ўлда-жўлда қолиб кетар экан.

Кошкарёвнинг гаплари Нишонбай Ҳурзамоновичга ҳузур бахш этаётгани, у шундай куюнчак маслаҳатчиси борлигидан фаҳрланаётганлиги очиқоидин кўриниб турарди. У меҳр-муҳаббатини, хайриҳоҳлигини дариф тутмай:

— Ўртоқ Кошкарёв, ўртоқ Чичиковга янги режаларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз-чи? — деди.

— Қандай режа экан у? — Кошкарёвдан қочиб қутулиш ажал билан баробарлигини яхши билган Чичиков беихтиёр “уф” тортиб юборди.

Аёнки, Кошкарёв бунақангидек ҳолатларга парво ҳам қилмасди, эътибор ҳам бермасди. Унинг қиёфаси аҳмоқона бир тарзда донолашди, бир муддат жим

қолди. Чамаси, фикрини тўплаб олмоқчи эди. Сўнгра завқ-шавққа тўлганча сайрай кетди.

— Қадрли Нишонбой Ҳурзамонович, ҳурматли Павел Иванович, азиз ҳазрат! Авваламбор, менинг камтарона фикрларимни эътиборга олиб, бу ерга нутқимни эшитиш учун йифилган экансизлар, ҳам-маларингизга миннатдорчилигимни билдираман.

Нишонбой Ҳурзамонович негадир енгилгина чапак чалиб қўйди. Бу қилиқни Замзам тўра ҳам тақрорлагач, Чичиковниям қўшилишдан бўлак ило-жи қолмади. Кошкарёвнинг ўзи эса... анча вақтгacha тўхтамай чапак чалди. Чичиков бунинг маъносига тушунмади.

— Оврупо тупроқлари билан Осиё тупроқларини аралаштириб, янги серунум тупроқ ҳосил қилиш режаси кечаю кундуз мени бирдай безовта қиласди. Майли, бу бўладиган иш ҳам дейлик, чунки Оврупо кечаги Оврупо эмас, тайёрогоҳлар, темир излар унинг ихтиёрида. Унинг шарофатидан Осиё гуллаб-яшнади, етти ухлаб тушига кирмаган техникавий инқилобга ҳам осонликча эришди-қўйдики, кишининг ҳавасини келтиради. Эндиликда янги деҳқон-лар балет ва операдан хабардор бўлишлари шарт.

— Ба-ле-ет! — калласини қимирлатди негадир кавшаниб Нишонбой Ҳурзамонович. — Опе-ера-а!..

Замзам тўра қанчалик синчковлик билан назар солиб турган бўлмасин, Нишонбой Ҳурзамонович-нинг нима учун бош силкиб, нима сабабдан тамшанганини билолмади. Шу сабабли ҳеч қандай имо-ишорасиз, тамшанишсиз, унинг сўзларини та-рорлади:

— Ҳа-а, балет, опера-а...

Аммо Нишонбой Ҳурзамоновичга кўпинча ўзи айтган сўзни бирорнинг ҳам айтиши, ўзи қилган

қилиқни бироннинг ҳам қилиши унчалик хуш келмасди.

Ҳозир Замзам тўра унинг айнан ана шундай кайфияти тўрига илиниб қолди. Ва нохуш қарашидан елкаси пучмайди, ранг-қути ўчди.

— Бир нима дедингизми, тақсир...

Баттар пасайди. Тилига калима келмай қолди.

Калла қимирлатишнинг, тамшанишнинг нашида-сини Нишонбой Ҳурзамоновичнинг якка ўзи маза қилиб сурди.

— “Оврупо ва Осиё тупроқларининг умумий ху-сусиятлари, уларнинг қўшилиши, — давом этди Кош-карёв, — қўшилиш жараёнида кечадиган кимёвий жараёнлар ва физикавий ҳодисалар, уларнинг риёзий ҳисоб-китоблари, шунингдек, ҳандасавий шаклу шамойиллари ва натижада киритиладиган ўзгаришлар...” деган, мен белгилаб берган мавзуда Фанлар академияси иш бошлаб юбориш арафасида...

— Улуғ режа! — деди қаноат ҳосил қилган Нишонбой Ҳурзамонович.

— Илмларини худо зиёда қилсан! — беихтиёр қўшилишдан ўзини тия олмаган Замзам тўранинг ёдига ҳалиги қараш тушиб, яна пусиб кетди.

— Хўжаликни тўғри ташкил қилмоқ учун, — қайнаб-тошди бу мақтолардан ийиб кетган Кош-карёв, — умумий руҳият назариясини сиёсий иқ-тисод билан омухта тарзда олиб бориш шарт. Бунинг учун, энг аввало, қиймат ва қўшимча қиймат нима эканлигини, унинг моҳиятини дехқонларга тушунтириш керак. Менинг хизматим шундаки, қўшимча қийматни Маркснинг қўшимча қиймати-га қараганда ўзгача тарзда яратা олиш баҳтига муяссар бўлдим...

Нишонбой Ҳурзамонович эснай бошлади.

Замзам тўра пинакка кетганди.

Чичиков ўрнидан турди. Билдирмай ташқари чиқа бошлаганди Кошкарёв унинг йўлини тўсди:

— Сиз, Павел Иванович, руҳнинг абадийлигини, албатта, тан олиб қўйишингиз керак. Бу, сиз учун, албатта, зарур. Чунки сизнинг деҳқонларингизнинг жони танидан мосуво бўлган. Модомики, руҳ боқийлигини инкор этмас экансиз, улар тириклар қаторидан ўчиб кетмасликлари шубҳасиздир... Руҳ ва тан, йўқ, тўғрироғи, тан ва руҳ... Йўқ-йўқ, бу ифода ҳам унчалик тўғри эмас. Биз, албатта танамиз, деб яшаймиз, аммо руҳимиз...

Кошкарёв чалкашиб кетди. У ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган фурсатдан фойдаланиб, Чичиков секин сирғалиб чиқди-да, жуфтакни ростлади.

Кўп ўтмай у ўзини дарахтлар шовуллаб турган тунги боғ бағрида кўрди. Чичиков негадир ҳадемай тонг отиб қолишидан чўчиди. Ҳаммаёқقا алант-жаланг назар ташлаб хизматкорларини излади. Хайрият, икки-уч одим наридаги каттакон дарахт остида Петрушка ўзича нималарнидир фўлдириб ўтиради. Чичиков унга яқинлашиб кўрдики, Петрушка қўлида қандайдир китобни аллақайдан қиялаб тушиб турган ёруқقا тутганча ҳижжалаб ўқимоқда экан. Бу, албатта, Чичиковни ниҳоятда ажаблантирди. Ўзи билан ўзи бўлиб ўтирган Петрушканинг бошига бориб, томдан тараша тушгандек:

— Сен ярамас қачондан бери китобхон бўлиб қолдинг? — деб сўради.

Петрушка илкис чўчиб тушди. Бошини қўтариб қараб Чичиковга кўзи тушди-ю:

— Китоб яхши-да, хўжайин, — деди ўзини оқлаётгандек. — Сизу мен минг йилдаям ўйлаб то-

полмайдиган нарсаларни топиб ёзишганига ҳайрон қоламан денг.

— Энди эсингни ебсан, — деди Чичиков жаҳлланиб.

— Шуларни ёзадиганлар шайтоннинг сутини эмган-ов, хўжайин, — деди Петрушка унинг гапига парвоям қилмай, хаёли шайтоннинг қизил елинини тортқилаётган зотларга кетганича. У шу қадар чуқур хаёлга берилдики, ҳатто тиззаси устидаги очиқ китоб ерга сирғалиб тушиб, муқоваси очилиб қолганини ҳам пайқамади, Чичиков бўлса тепадан қараганча муқованинг ўртасидаги ўқловдай-ўқловдай ёзувга кўзи тушди: “Улик жонлар”.

Чичиков чаён чаққандек чўчиб тушди. Петрушканинг елкасидан яrim қоп карамни кўтараётгандек тортиб турғазди-да:

— Сен ҳароми чўчқатумшуқ, бу китобни қаёқдан топдинг?! — дея дўқ-пўписа аралаш сўради.

— Ўзимиз ҳақимизда экан, хўжайин, — деди бўғилаёзган Петрушка хириллаганича. — Қўйворинг, ҳозир ўлиб қоламан, ўшанда ортингиздан кузатиб юришган экан-да, ҳамма ишларингизни миридан-сиригача битта қолдирмай ёзиб чиқишибди.

Чичиков уни нари итариб юборди. Петрушканинг юзтубан қулаб тушишига оз қолди. Беш-олти қадам югуриб бориб бир дараҳтни ушлаб қолмаганида аҳволивой эди. Аммо унинг бу ҳолатига Чичиков парво қилмади.

— Югар, Селифанга айт, аравани қўшиб чиқсин! — деб ўшқирди.

Петрушка икки букилиб:

— Хўп, хўп! — деганича тисарила-тисарила бориб, қоронгилик қўйнига сингиб кетди.

Қаердандир қўзгалган шамол, хазонларни чирпирак қилиб, тўзғитиб юарди. У ерда ётмиш

китоб варақларини бирма-бир очиб ёпар, қайта ўқимоқчи бўлгандай баъзида тескари варақлай кетар, чийиллаганча увлаб, ўзини ҳар томонга саросар ташларди.

Павел Иванович Чичиков бир амаллаб этагини тортқилаётган шамолнинг қаршилигини енгиб, етиб келган аравага чиқди-да, Селифанинг елкасига бир урди, бор овоз билан қичқирди:

— Ҳайда!

Отларнинг, айниқса, Маслаҳатчининг ёллари шамолда ҳилпиради, улар бир юлқиниб, олға интилишиди.

Селифанинг ортга бурилиб:

— Қаёққа? — деган сўроғини ҳам шамол теварак-атрофга сочиб юборгандек бўлган бўлса-да, Чичиков уни аниқ эшитиб:

— Ишинг бўлмасин, ит! — деганидан сўнгтина Селифан йўл ихтиёрини Маслаҳатчи-ю Жийроннинг ўзига қўйиб бериш кераклигини фаҳмлаб, зулмат бағрига шувиллатиб қамчи сермади.

МУНДАРИЖА

| | |
|------------------------------|-----|
| Шўродан қолган одамлар | 3 |
| Эски арава | 165 |

Адабий-бадиий нашр

Шойим БҮТАЕВ

ШЎРОДАН ҚОЛГАН ОДАМЛАР

Қиссалар

| | |
|------------------|-----------------------|
| Масъул мұхаррір: | <i>A. Қоржсовов</i> |
| Мұхаррір: | <i>O. Қанаев</i> |
| Дизайнер: | <i>P. Ташматов</i> |
| Мусаҳих: | <i>M. Холиқова</i> |
| Саҳифаловчи: | <i>Г. Курбанбаева</i> |

Нашриёт лицензияси: AI №270

Босишига 07.01.2019 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

“Virtec Times UZ” гарнитурасыда оғсет усулда босилди.

Нашр босма табоғы 16,0 Адади 4000 Буюртма №1

«IJOD-PRESS» нашриётида нәшрға тайёрланди.
«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51
Факс: (371) 273-19-50

*Email: dizayn-print@mail.ru
www.IjodPress.uz*

Шойим Бўтаев

ШЎРОДАН
КОЛГАН
ОДАМЛАР

ISBN 978-9943-5235-8-6

9 789943 523586

